

Манзура Абдуллаева

Күёлү Эртага Үайтап



**Манзура АБДУЛЛАЕВА**

# Күйөш эртага кайтар



**«Наманган» нашриёти  
2015 йил**

**УУК: 821.512.133-3**

**КБК: 84 (Ўзб) 7**

**A-35**

**ISBN - 978-9943-989-83-52**

**1436-5345.25-1839050  
НГ----- 2015  
1437-(16.0)-(12)**



## ҲАЁТИЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ ТАЪСИРЧАН ТАСВИРИ

**Ёш адиба Манзура Абдуллаеванинг иасрдаги ўзига хос маҳорат нишоналари асарлари тилидаги услубий изланишларида кўзга ташланётгани эътиборга лойиқ.**

Ижодкорлик - кўнгил туйгуларидан беоромлигу, бедорлик қисмати. Заҳмати зарралардан тоғ яратишга баробар. Түфма истеъдод соҳибларига эса бу ҳеч қийин эмас. Қалами қалбининг ойнасига айланиб, оқ қофозга туйгуларни жилолантириб юбораверади, юбораверади. Ана ўшанда қаламкаш ўзини енгил тортади. Йўқ-йўқ, кўнглини бутунлай бўшатолмайди, аксинча қат-қатларидаги юзаланишга мойил туйгуларига ўрин түғилаверади, холос.

Наманганинг назму-наср ижодкорлари сафида бугун ўз овози ва ўз услубини топишга уринаётган Манзура Абдуллаеванинг бадиий адабиётга кириб келиши тасодифий ҳол эмас, албатта. У ҳаётнинг ҳою-ҳавасларини бир четга суриб қўйиб, қаламга астойдил юқунган, қаламни маҳкам қўлига тутган, нени кутса қаламдан кутган. Мақсад-муддаоси - Ҷатан хизматига ярайдиган, халқи ўқиб яйрайдиган назму насрлар билан ўзлигини намоён этиш. У сўнгги беш йил ичida ёзганларидан тўрт китобни тўлдириб қўйибди-я! «Ўхшашимни топмассиз асло», «Умид туғиб келдим дунёга», «Сизни учратмагунча» ва ниҳоят мутолаангиздаги «Қуёш эртага қайтар»ни тұхфалабди муҳлисларига.

Эътиборлиси, назмий наволарига бу гал насрий битиклари қўшилибди. Сермавж туйгуларнинг серавж ифодаси сифатида таассурот қолдиради янги китоб. Адабанинг қиссалари, ҳикоялари, қатралари, манзилсиз мақтублари-ю, публицистик мақолаларигача худди шеърдек равон ўқилади. Фикрлари ҳам туйгуларидек тобора теранлашиб, тиниқлашиб бораётгани жуда маъқул.

Менинг тилшунос олима сифатида эътиборимни тортгани Манзуранинг катта-кичик - барча асарлари тили бошқа ёш ижодкорларнидан ўзгачароқлигидадир. Мухтасар сўзбоши ёзишимга шу жиҳати мойиллик уйғотганини инкор эта олмайман. Унга тенгдош айрим қаламкашларда кўпроқ асар сюжети, ҳатто олди-қочди воқеалари етакчи бўлса, Манзуранинида тили устида алоҳида ишланганини осонгина пайқаш мумкин. У ҳар бир нарсанинг суратинигинамас, сийратини ҳам мушоҳада қилишга интилади. Ва шу аснода янги, ёхуд оҳорли иборалар қўллашга интилади. «Осмоннинг осмонлиги»ни, «тақдирнинг тақдери»ни, «сабрнинг сабри»ни, «кўзларнинг кўзи етмагани»ни ўқувчига кўрсатади.

Устоз ёзувчиларнинг, айниқса, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг бетакрор услугуга эргашаётгандек таассурот уйғотди менда Манзура. У наинки саж йўлидан бориш билан кифояланади, яна ўзича ундан-да ўзгачароқ услублар қўллайди. Сўзларига риторик, қофиядош такрор камдек тағин қўшимчалар етаклигидаги такрорлардан турфа маъноларни товлантариб, олға сурган фикрларини тобора чуқурлаштириб боришга одатлангани ҳам ғоят қувонарли ҳол.

Қизимизнинг ўз асарларида қорачўғ (қорачик), дилдўст (илҳом), қировгул (қишики ойнадаги гул), гойибланди (кўринмай қолди), аксланди (акс этди), тушланди (туш кўрди) каби янги ясама сўзларни қўллашга журъат топганига таажжубланмасдан, буни ижодкорона дадилликка йўйсак адолатдан бўлади, деб ўйлайман.

Мен эндиғина йигирма бир баҳорни қаршилаган адибага фақат рағбат ёғдириш билан кифояланаман: Назминг анча тақомиллашяпти, насринг ҳам назмингдек манзур, Манзура қизим!

**Хуринисо УСМОНОВА,  
Намангандавлат университети доценти,  
филология фанлари доктори.**

# Қиссалар

## ҚУЁШ ЭРТАГА ҚАЙТАР

### МУҚАДДИМА

Ёруғ оламда азал-азалдан ҳеч бир нарса тоқ яратилмаган, фақат ва фақат қуёш ва ойдан ташқари. Агар бу иккиси ҳам жуфт яратилганида борми, энг катта, энг мудхиш хато рўй берармиди. Осмон қанчалик кенг, қанчалик бепоён, қанчалик ҳадсиз бўлмасин, унинг бағрига ҳеч вақт иккита ой, иккита қуёш сифмасди. Шунданми ойнинг ҳам, қуёшнинг ҳам мангумакони ҳамон юксак-юксакларда. Ҳатто улар бир-бирини кўрмасдан яшашади ягона само аталмиш ватанида. Бирининг жамоли оламни мунаvvар этса, бириникидан тунлар файзиёб. Бирининг тафтидан ернинг қалбига жон кирса, бирининг дийдоридан туннинг қора пардаси йиртилади, самонинг бағри юлдузланади гўё чечаклар очилганидек. Осмоннинг осмонлиги нигоҳларимизни оҳанграбодек тортишидаю, кўлларимизни қанча узатмайлик етмаслигида. Осмоннинг осмонлиги икки якка ягона ойу қуёш билан барқарор, боқий, бетакрор, бетимсол, бетугал...

Ҳаёт аталмиш ноёб мўъжиза вақтнинг елкасида кун кўради. Ҳар куннинг кундуз ва тунга бўлиннишигаям осмоннинг кўксидаги ойу қуёш сабабкор. Мабодо, қоронгулик бўлмаганида ёруғликнинг соғинчидан бебаҳра қоларди осмон бечора. Мабодо, ёруғлик та-

ралмаганида ойу юлдузлар чарчаб - ҳориб, ерга түкилиб кетармиди. Она табиат ана шундай бетаҳрир яратиқнинг дояси. Бу яратиқ боис муҳаббат аталмиш сеҳрли туйфулар түғёнида одам зоти осмоннинг шамсу қамарига ўзини туғишганлардек қадрдан сезади, дардлашгиси келади, гарчи улар эшиитмаса ҳам, сўзламаса ҳам.

О, осмон! Сенинг остингда умргузаронлик қилаётган инсон аталмиш зоти шарифлар баҳтига ҳамиша соябонимиз бўлиб туравергин. Биламиз, мудом бошингдан ҳижрону висол кечишини, гоҳ қуёшингни, гоҳ ойингни йўқотиб, топишингни. Биз садоқат сабоғини ҳали ҳануз ойингдан, қуёшингдан ўрганяпмиз. Уларга алвидо айтмаймиз, айттолмаймиз. Ҳатто хайр дегани ҳам кўнглимиз бормайди. Кўришгунча, қадрдонлар! - дейищдек бебаҳо баҳтни улар тифайли туюмиз. Кўнглимиз келишларидан яйрайди, кетишларидан асло маҳзунлашмайди. Ахир қуёш эртага қайтар. Йўлларига оқ тонглар пояндоz бўлар.

### РИВОЯТ:

Қадим-қадим замонларларда ўн саккиз минг оламда Осмон Ернинг муҳаббати ила яшаркан. Умрининг ҳар бир онини соғинчу, ҳижронларда ўтказаркан. Вале такдирнинг олий ҳукми, табиатнинг абадий қонунлари ҳеч вақт муҳаббат дея аталмиш буюк туйфуга бўй эгмаган. Бурону довуллар ёрдамида гоҳ ўртага оловлар қалаган, гоҳ изғирин азобларини пуркаган. Аммо, нетонг осмоннинг ишқи ўзи қадар юксак, ўзи қадар буюк, ўзи қадар баландпарвоз эди. Унинг юраги қуёшга айланиб, ерга нур соча бошлабди. Тупроқдаги турфа бинафشاю, бойчечакларни, чучмомаю лолаларни гуллатиб юборибди. Унинг орзулари майсалар каби кўп эди. Бироқ не таассуфлар бўлсинки, ҳар бир куннинг тугаши унда ўлим қийноғини қўзгарди. Тун-

лар айрилиқ тоғлари ортига ботиб, тонгтacha оху фифон тортиб чиқарди. Гүё ана шу оху фифонларнинг ниҳояси йўқдек, дардларнинг давоси йўқдек. Қуёш барига рози бўлибди. Барига кўнибди. Аммо вақтлар ўтиб, куз ниҳоялагач...

Сўнгти видолашув куни қуёш умрида илк бор оловли кўз ёшларини тўкиб, йифлаб юборибди. Чақмоқлар ҳар томон сачрабди. Унинг кўз ёшлари юлдузларга айланиб, осмонинг бағрига жойланиб кетибди. Осмон эса иккинчи юрак топибди. Унинг номини Ой деб атабди. Аммо армонларининг ўрнида унинг сутдек юзида кетмас доф пайдо бўлибди. Ана, ўша дофми, ой ва юлдузлар самонинг ерга муҳаббати рамзи сифатида бир умрга яшаб келармиш. Тунларнинг ерга бегонасирашига йўл қўймасмиш. Қуёш эса ҳеч вақт ойу юлдузларга кўриниш бермасада, осмоннинг кундузги олов қалби тимсолида тонгдан оқшом қадар ерга бетугал нурларини тухфалармиш. У муҳаббатта ошно қалбларни умидсизланмасликка чорлагани чорлаганмиш...

## БИРИНЧИ ҚИСМ

**Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,  
Васлинга етишмадим, жиҳад бу эрди:  
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин  
Йўл балчиқ эди, кеча қоронғу эрди.**

*Заҳириddин Муҳаммад БОБУР.*

Вақт яна кузни қаритди. Осмонда оташланган қуёшнинг тафти аввалги ҳолатини йўқотган, гүё ердан аразлагандек истар-истамайгина қизитарди. Аҳён-аҳёнда кўкда қора булутлар галалашиб, уни қўрқитмоқчидай қўринарди. Бу кез саратон кунлари учун ҳам табиатдан товоң талаб қилмоқчидай, бу кез изфирин шамолларини бошлаб келиб, иссиқ кунлар ҳаққи учун

ўз хунини сўрашга чогланаётгандек, бу кез қулай пайт пойлаб, кутиб турган қасоскордек, бу кез нималарни дир олиб кетишни қўзлаётгандек, бу кез кимнидир излаётгандек...

Кузги гуллар... Улар худди кечиккан орзуларга ўхшайди. Баҳорги чаманларнинг энтиклирувчи ифорини беролмаса-да, завқу шавқини улашолмаса-да, ўзини кўкламнинг элчилари, фарзандчалари атагиси келади. Ҳатто дараҳтлар хазонрезликдан япроқларини дув-дув тўка бошласада, атиргуллар бепарво, баҳор бўлиб яшагиси келади. Бутун борлиқни яшнатиб, гулшанларга ўраб ташлагиси келади. Шаббодалар билан бўйлашиб-бўйлашиб, узоқ-узоқ куйлагиси келади. Бироқ манзиллар қисқа, умрлар қисқа, дақиқалар ожиз, ҳаёт ожиз! Нетонг тақдир ҳукмига бўйсунган бу турфа ранглар инсоннинг шодлигу қувончини абадий сақлаш мақсадида ҳар лаҳзасини гўзалликни қўзкўзлаш билан ўтказади. Ҳарна қуёш осмон бўйлаб илиқ нурларини сочиб турса-да майли, агар қиши эрта кириб келса-чи? У вақтда аҳволи не кечади бечораларнинг?! Шусиз ҳам умри қисқалигидан ўкина-ўкина, ноилож яшашга ташналигича ҳаётга тўймай сўлишга маҳкум эмасмилар...

Бугун хаёлимдан кечган фикрлардан маҳзунлашдим. Кўнглимнинг аллақаерида ачиниш ҳислари уйғонди. Ҳатто энди уларни узишгаям ботинолмадим. Ахир, бу ўта шавқатсизлик-ку! Умр шами сўнай-сўнай деб турган гулларнинг сўнгги тириклик дақиқаларидан ҳам бебахра қолдириш армонли гуноҳга кўра-била туриб қўл уриш билан teng. Агар озгина раҳм қилинса, шу гуллар бугунгагина эмас, эрта-индингача кўрган кўзларга завқ улашишга, гўзаллик шайдоларига умидорзу бағишлишга қодир. Қолаверса, ўзимниям атиргуллар қошига келмасдан, улар олдидан анчагача

жилмасдан бирор куним ўтмайди. Нимагадир нигоҳларим қадалса, қандайдир ўқинч тұяман. Ҳаётимнинг мазмунига айланған, илк муҳабbat осмонимга жойланған, унтуилмас нигоҳларга бойланған, ҳамиша күнглимда сұнmas нидо бұлып яшашға шайланған хотираларим мени сира-сира тинч күймайди.

Үшанды сокин кузнинг ўртаси, октябр тонгларининг бири эди. Ҳар галгидай беморлар ақволидан хабар олдим. Кимнингдир юзидағи қувончни күриб шодлансам, кимнингдир күзидағи ғамларни аритгим келди. Құлимдаги беморлар рўйхатига кўра, барчасини текширдиму, фақат улардан бирини ўз жойида кўрмадим. Ёнимдаги ҳамшира Шаҳноза дарров изоҳ берди.

- Майли, ҳозирча қўя туриңг, у кечагина келди. Баш врачнинг ўzlари алоҳида назоратга олиб, ақволи ўзгаришини тез- тез текшириб турибдилар.

«Афтидан оғирроқ шекилли» деган хаёлга бордим. Сўнгра хонамга кириб, иш қофозларини тўлдиришга тушдим. Янги ходим бўлганим учун ҳали ҳануз шифохонани ҳам, беморларни ҳам тўла ўзлаштиришга ултурганимча йўқ. Құлимдаги турли касаллик тарихи варақалари билан тезда танишиб чиқдим. Орадан қанча фурсат ўтди билмадиму, бир вақт қўзларимга дам бериш учун у ёқ-бу ёққа нигоҳ ташладим. Ногаҳон дераза ортидаги қизиқ манзаранинг гувоҳига айландим. Нариги тарафда нотаниш бир гўзал худди эртаклардагидай, ҳовлидаги хилма-хил атиргуллар орасида ўтириб, уларни тинмай ҳидлар, бўйларига маст бўлиб, бармоқлари билан силаб-сийпалаганча чиройидан кўз узолмай турарди. Ташқаридан кузатганлар, гулларга кўрсатаётган меҳр-муҳаббатидан қизнинг нозик қалб эгаси эканини сезиши қийин эмасди.



Шу чоқда умримда биринчи марта рассом бўлмаганинга ич-ичимдан афсус чекдим. Йўқ, табиатнинг ўзи буюк муссавир. Мана, кўз олдимда унинг ўзи қалам-қофозсиз ҳам тенгсиз суратни чизиб ултурган. Бу суратни ундан ўзга ҳеч қандай мўйқалам соҳиби чизишга қодир эмас! Ундан ўзгаси шу қадар маромига етказиб, бекусур тасвирилашни эплолмайди. Қизга қараганча, хонага фарош Холида опа кирганини сезмай қолибман. Эшикнинг қаттиқроқ ёпилишидан сергакландим, нигоҳимни деразадан олиб қочдим. Беихтиёр ҳушёр тортишим столим олдига келиб ўтқазди.

- Ишлар қалай, Ботиржон ука? - сўради аёл.

- Раҳмат, дуруст.

- Шифохонамизга кўнишиб қолдингизми?

- Ишлаб турибмизку, - дедим жилмайиб.

- Биласан, бу ердаги ишларни яхши эплайсиз, амалиётниям шайда ўтагансиз, устозингиз Аҳдам Аҳмедовнинг ўzlари сизни мажлисда роса мақтаганини эшитганман. Аслида бош врачимиз ўлгудай инжиқ киши, ҳамманиям ёқтириб, мақтайвермайди.

- Ростданми, опа? Мен ҳозирча ишни жуда дўндириб қўяётганим йўғу, қўлимдан келганича ҳаракат қиляпман, холос. Устознинг мақтовларини оқлаёлсан қанийди.

- Эээ, сиз хавотирланманг. Бу ердаги ходимлар тилла одамлар, янги ҳамкасбига жон-жон деб ёрдам беришади. Ёшларга ўргатишдан эринишмайди.

Тўғри дегандай бош силкидим гапларини тасдиқла-моқчи бўлиб.

Холида опа жудаям дилкаш, қувноқ аёл. Уларнинг самимиятини ётоқхонамиздаги комендант холага ўхшатаман. Ҳар бир талабани ўз ўғил-қизларидек кўриб, яқиндан суҳбат қуардилар. Қизларнинг баъзи сир-

асорию, йигитларнинг қайси қизда күнгли борлигидан, кимнинг дил калити кимдалигидан ҳамиша бохабар эдилар. Мени бўлса, ҳар гал «Ботирим» деб чақиришни одат қилган бу аёл ора-орада «Сен ҳам бирорта гўзал қизимга кўнгил қўйсанг-чи юравермасдан, эртага бирорга узатиб юборсам, «аттанг»лаб қоласан» дея ҳазиллашарди тинмай. Мен эса ҳазилга ҳазил аралаш жавоб қайтишини яхши кўрадим.

- Латофат хола, кўпам умид қилаверманг,-дердим кулимсираб, - менга ишонсангиз, қари қизларнинг онаси бўлиб қоласиз.

Хола баттар авжига чиқарди.

- Ўзим аввал оғиз солганимга ҳалитдан талтайманг, йигитча. Менинг қизларимнинг қаери Ойбарчиндан кам. Ҳуснлари ойни уялтиради, қадди-қоматлари манаман деган Алпомишларни девонаи шайдо қилиб қўяди-я.

- Тўғри- тўғри,-дердим холамнинг астойдил куюнаётганини пайқаб. - Унда мен ҳам щартларига тайёргарликни кўрай бўлмаса.

- Вой, бу нима деганинг, сендай йигитга шарт кўйишга қайси қизнинг журъати етаркин.

- Журъати етмаса етмасдиров, аммо йигитнинг күнгли қизнинг кўнглига, қизнинг кўнгли йигитнинг кўнглига мос тушмаса, қийин экан. Муҳаббатни биз эмас, бизни муҳаббат қидирса, Аллоҳ йўлларимизни осонгина туташтиради, холажон,- сұхбатга якун ясашга уринардим шу алфозда.

Латофат хола барибир дуога қўл очардилар.

- Эҳ, ўғлима-ўғлима, Аллоҳ ҳеч бандани ёлғиз кўймайди, сенинг ҳам суйганинг қайсиdir гулларнинг орасида кутиб яшаётган, илоҳо ўшани учратадиган кунларинг тезроқ келсин, тўйларингда ўзим ёр-ёрлаб яйрай. Айтишни сира-сира унутмагин-а.



Афсуски, талабалик даврларида бирор қизни ёқти-ролмадим. Университетни битириб, тезроқ малакали уролог бўлиб етишишни ният қиласардим. Барибир кун келиб, шунча йиллар интиқиб кутган инсонимни учратишинга ҳам ишонардим. Аммо қачон, қандай пайтда, қай фаслда, қай аҳволда буни ўзим билмасдим.

Эртасига худди шу вақтда яна ўша мафтункор манзара томошибинига айландим. Гўзал қиз ва гўзал атиргуллар. Индинига ҳам. Энди ҳар куни дилтортар лаҳзаларни кўриш орзуси билан ишга барвақт келардим. Қизни дераза ортидан узоқ-узоқ кузатиб турардим. Ҳатто тунлари ўша жонли суратни кўриш орзуси билан тонг оттирадим. Ишларим бир текисда, кўнгилдагидек ўтар, барча беморлар «Ботир Нодирович» деб чин ихлос билан, нажоткори кўрсатаётган ёрдами эвазига миннатдорчилик изҳорлашарди. Айланиб ўргилишарди. Фақат палата рўйхатидаги биринчи кунданоқ учратолмаган беморим ҳануз нотаниш қолиб, врач Аҳмедовнинг шахсан ўzlари қараётганлари боис кўнглим анча тўқ эди.

Илгаридан осмонни булат қоплаб, бугун субҳидамдаёқ тумтайган кўкка қараб, кайфиятим паришонласа ҳам негадир аzonлаб ишга шошилдим. Касалхона эшигидан киришим биланоқ одатдагидек мўъжаз гулзор томон келаётган хушрўй қизга кўзим тушди. У чайқалиб-чайқалиб, аста қадам ташлар, дарддан киртайиб кетган чукур кўзлари маҳзунликдан янада кичрайиб, ачинарли бир ҳолатдайди. Негадир олдидан парвосиз ўтиб кетолмадим. Индамасликка иложсиз эдим. Атрофга бир-бир қараб, мендан ўзга киши йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ўша таниш атиргуллар хузурига юра бошлади. Шундагина уни ҳамманинг кўзини шамфалат қилиб, қочиб чиққанини тахминладим. Менинг оёқларим эса беихтиёр қиз бориб



тұхтаган гулзор сари етакларди. Яқынлашибоқ саломлашиш қолиб, анчадан буён үйлантираётган саволимга жавоб изладим.

- Атиргулларни яхши күрасизми?

Қиз құлларидан сертикон шохчасидан авайлаб ушлаб, гулни түйиб-түйиб ҳидларди. Димогига урилган хуш бўйдан маст бўлгандек уни юзларига босаркан, менга ҳатто бир нигоҳ ҳам ташламай бепарво жавоб қайтарди.

- Ҳа, айниқса кузда очилганини.

- Нега кузда очилганини? - Таажжубландим.

Қиз беихтиёр сукутга чўкди. Сўнг қўлидаги гулни бармоқлари билан силаб-сийпалаб сўзида давом этди:

- Чунки кузги гулларнинг ифори бошқача бўлади. Худди сўнаётган қуёшнинг сўнгги вағанимат нурлари сингари. Чунки улар сарғайган япроқлар чирт-чирт узилаётган пайт, илиқлик борган сари чекиниб, ўрнини изғирин эгаллай бошлаган тўкилиш фаслида менга қандайдир умид бағишлайверади. Чунки улар бирлаҳза бўлса-да баҳорни ёдга солади. Чунки уларнинг бағрида чексиз маънолар яширин. Чуқур маънолар...

Қиз бир нафас сукутдан кейин яна кўнглидагини яширолмади.

- Сиз ҳам ана шу маъноларни илғаганингизда эди, атиргуллар қошидан кетолмай қолардингиз. Улар ҳеч гулда йўқ мафтункор рангларни ўзида жилолантиради, ҳеч гулда йўқ ифорлар билан димогимизни қитиклайди, ҳеч гулда йўқ тиконлари билан ўзини-ўзи ҳимоялайди. Балки бешафқат одамлардан кўрқар, балки бемехр каслардан ҳадиксирад, балки худбин кимсаларнинг узиб олиб, завқини сургач, кераксиз матодек ташлаб юборишидан чўчир. Мен, мен эса у тоифадагиларнинг бирортасига ўхшашни истамайман. Йўқ-йўқ! Атиргулларга ачинмайман, улар ачинганлар

ни ёқтиришмайды. Ахир ночорларгина ачинганларга талпиниб яшайдилар. Аксинча мағурулар, ҳатто у ожиз ҳолатда бұлсаям ҳеч вақт гулдек бошини тупроққа әгмайды, гулдек юзини номард, пасткаш одамлар қаршиисида асло-асло сарғайтырмайды. Дунё менимчашының шуниси билан қызық. Дунё менимчашы, гүзіллік билан жозибали. Дунё менимчашы, меҳр-муҳабbat билан бокий. Умидсизликни енгаман деганлар дунёға фақат очиқ күз биланғина әмас, очиқ қалб билан қараашлари керак. Ёки сиз фикримга құшилмайсизми?!

Қизнинг оғзидан чиқаётган ҳар бир теран, фалсафага бой сўзларни тинглаб, нафақат унинг нозик дид, нозик фаҳм-фаросат, нозик туйғулар эгаси ҳам эканини англадим. Нималарни дир гапиришини яна-яна истадим, яна-яна гапга солмоқчи бўлдим.

- Тавба шохларини нуқул тикон қоплаганку? Қандай ёқтирасизлар-а, бу гулни?

- Айнан тиконга тўла вужуди билан гул була олгани учун-да, дўхтири. Айтиб қўяй, гулни севган тиконини ҳам севади. Куёшни севган булутни ёқтиришмайды, ёмғирнинг савалашидан ҳам чўчимайды. Ортидан қуёш кулиб боқади-да.

Қизга ялт этиб қарадим. Ажаб! Менга билиб ишора қиляптими?

У буларни файласуфларга ўхшаб дона-дона қилиб гапиради. Ўзиниям оппоқ атиргулдан фарқи йўқ. Жозибадор ҳусни гулларга қиёслагудек жуда-жуда ярашикли.

- Бемор Нуриллаева, нега яна ташқарида рухсатсиз юрибсиз? Сизга ҳеч қаёққа жилмай, хонангизда ётинг демабидик?! Ҳозир ёмғир куйвориб, баттар шамоллашингиз мумкин...

Кўққисдан берилган сўроқ-дакки иккимизният сергаклантириди.

- Кечирасиз, дўхтири, бош врач кўрсалар, ранжийдилар-да. Ўзингизам тушунтириб кўйинг, - деди ичка-

ридан ҳовлиқұанча қидириб чиққан ҳамшира мени таниб.

Атиргуллар шайдосини хонасига етакларкан, қизнинг фамилияси негадир танишдек туулди. Ичимда қайта тақрорладим: «Нуриллаева, Нуриллаева», қайдадир әшитғанман. Ҳа, эсладим. Бирдан ортимга бурилдим. У ўша бемор. Мен тополмаган беморим. Сирли беморим. Илдамлаб хонамга кирдим. Касаллик тарихи варақаларини титкилаб, орасидан қизни-кини құлға олдим.

«Нуриллаева Малиқа. Үткір буйрак хасталиги. Бири тамоман ишдан чиққан, иккінчisi эса...». Құз олдимга ойрухсор гул шайдоси келиб, негадир этим жимирлаб кетди, оёқ -құлымга муз юргурғандай бўлди. Наҳотки, табиатнинг шундай тенгсиз яратиғи қандайдир хасталиклар искаңжасига тушиб, ҳаётдан йироқлаша бошласа. Наҳотки, гўзалликнинг умри шунчалар қисқа, наҳотки, тақдир бешавқат, наҳотки уни чўқаётган тубсиз дардлар уммонининг гирдобидан қутқариш мумкин эмас?! Наҳотки, «Дунёда ўлимдан бошқасининг иложи бор» деганлар сира-сира янглишмасалар. Ахир не-не ўлимга маҳкум беморлар кутилмаган мўъжиза рўй бериб, ҳаётга қайта келгандай умрларининг тұхфасиниям беармон яшаганларку. Балки улар мингдан биттадир, балки улар милёндан биттадир. Ўша битта Маликаям бўлса нима қилибди. Дунёнинг бир ками шу билан бут бўлиб қолмаса керак. Умидни узишга ҳали вақт эрта. Юраги тегиб тураркан, кўзлари чақнайверади, яшашга илинж ахтараверади. Гуллардан, ҳа-ҳа кузги гуллардан таскин излайверади, уларга дардларини унсиз пинҳон сўзлайверади, бугунни кўя турайлигу эртага ҳам, индинга ҳам, кейин ҳам яшашни кўзлайверади. Фақат-фақат фаришта қизга мадад керак, ҳамдард керак. Ўша биз бўлсак, устозим иккимиз бўлсак олами гулистонга айланишининг савобини Аллоҳнинг ўзи атаган тұхфадай қабул қилишга қурбимиз етар. Агар қурбимиз

етмаса, нажоткорлигимиз қаерда қолади. Ожиз бандаларнинг сафига уялмасдан қўшилиб кетаверамизми? Йўқ! Биз бир бетоленинг ўлимига томошибинлик гуноҳига гирифтторликдан орланамиз. Энг сўнгти чораларни қидирамиз. Имконсизликни рад этамиз. Мабодо, ӯзимизда имкон бўлмаса, четдан қидирамиз, хорижлик ҳамкасларимизнинг ҳузурларига юборамиз. Нима қилиб бўлясам кузги гулларга самолардан, йироқ-йироқлардан қўёшни жилмайтирамиз. Оқшомдари тўлин ойга ошно қиласиз, унинг сутдай оппоқ ёғдуларига тўйинтирамиз, кечасигаям, кундузигаям чароғонлик бағишлаймиз.

Варақани билинар билинмас титроқ бармоқларим билан омонат ушлаганча бош врачимиз Адҳам Аҳмедовнинг ёнларига кирдим.

- Мумкинми, устоз?
- Ботиржон келинг.
- Сизни бир масала юзасидан безовта қилмоқчидим.
- Хуш, қандай масала экан? - Устоз кўзойнагини пешонасига кўтариб таажжубланди.
- Анови бемор Нуриллаева ҳақида, - дедим бош қашиб.
- Маликаними? Унинг касали билан ўзим шуғулланётгандим. Ҳамшира Шаҳноза айтмадими?
- Айтғанди, шунчаки ўзим бирров...
- Энди гап бундок, Ботиржон, аниқроғи, бу bemоримиз бошқаларга ўхшамаган. Нима десам экан, ўлгудай қайсар, тузалишният истамайдиган куринади. Сиз янги, тажрибаси ошмаган, ёш мутахассис бўлганингиз учун ўзим даволашга уринаётгандим.
- Унда майли, устоз.

Мен Малика ҳақида бошқа маълумот олишга ботинолмадим. Секин дўхтир билан хайрлашиб эшиқдан чиқдим. Чиқдиму, яна ўша маҳзун нигоҳлар кўз ол-

димда намоён бұла бошлади. Қандайдир бир ҳислар вужудимни қамради. Ортиқ үйлаб үтиrmай, қайтиб бош врач хузурига кирдим. Устоз яна менға хайрон қаради.

- Тағин нима гап, тинчликми?

.. - Агар малол келмаса, шу беморни үзимга топширсангиз-чи? - дедим беихтиёр.

**Адҳам Ахмедов маңнодор тикилди.**


- Топширишга топшираману, маъсулиятни зимамдан бутунлай соқит қилолмайман. Биргаликда бамаслаҳат даволайверайлик-чи, - деди аниқ натижа чиқишига ишонқирамай, үйланган ҳолда.

Бу гапдан қониқмадим.

- Дарди бедавоми? Сиздек үта тажрибали шифокорниям кўлидан келмайдиган-а?

- Ундай фикрга бормангу, қизи тушмагур жуда бошқачайкан. Үжар ва қайсарки, сизниам боши берк кўчага киритиб кўймаса бўлгани. Кейин үзингизни айблаб қолманг деган хаёлда сизни асраландим, холос. Айтиб кўяй, қизнинг касали ҳазилакам эмас, жиддий. Лекин нажот топса бўлади. Кейинги йилларда тиббиётимиз жуда ривожланяпти, буйрак хасталикларининг табиати аниқланди, янги иммунтиковчи дорилар ишлаб чиқариляпти, ирсий ва туғма касаликлар гача даволашнинг иложи топиляпти, сунъий буйрак-кача қўйиляпти, ҳатто буйрак трансплантацияси қўлланиляпти, яъни яроқсизи олиб ташланиб, ўрнига соғломи кўчириб ўрнатиляпти. Буни үзингиз ҳам яхши билсангиз керак. Биз беморнинг ҳолатидан келиб чиқиб, энг мақбул даволаш усулини қўллашимиз мақсадга мувофиқ.

- Тўғри айтасиз, шундай қиласиз. Ахир врачлик лаёқатимни сиз билан бирга синаб кўрсам. Одамларни қандай вазиятларда, қандай усуулар би-



лан даволаш йўлларини узлатиришни истайман, - дедим ялинчоқ оҳангда.

Устознинг чеҳраси ёришди. Оқ оралаган соchlарини бармоқларини тароққа айлантириб тепага текисларкан, кўнглидагини очди.

- Биласизми, Ботиржон, ҳозирги йигитларга қарасам, негадир ёшлигим эсга тушаверади. Бир замонлар сиздақа қизиқон, изланувчан, ушлаган жойимни кесадиган дўхтирик бўлганман. Раҳматли устозим, худо жойини жаннатда қилгур Аброр Ҳасанович тинмай уришгани уришган эдилар. Аммо ҳар гал ишимни кўнгилдагидек маромига етказганимда, кувончдан териларига сифмай кетардилар. Энг оғир вазиятлардаям суюнгувчи тоғларидаи кўрадилар мени. Мана энди сиз амалиётга келиб, илк қадамларингиздаёқ беморларни даволашга иштиёқингиз баландлиги билан менинг кўнглимдан жой оляпсан. Ёнимда қолиб, келгусида ўрнимни эгалласангиз ҳам ажабмас. Менимча, сизни ҳозир шаҳдингиздан қайтариш мақсадга мувофиқ эмас. Майли, бир уриниб кўришингизга имкон бераман.

Устознинг меҳри товланаётганидан фоят хурсанд бўлдим. Мамнун бош чайқаб, ҳузурларидан чиқдим. Аввалига беморларимнинг хонасига кириб бирма-бир улар ҳолидан хабар олдим. Навбатма-навбат фонендоскоп билан ички ҳолатларини эшишиб кўрдим. Танометрни билакларига танғиб, қон босимларини ўлчадим. Кимга қандай дори-дармон зарурлигини аниқладим. Касаллик варагаларига қисқа ва лўнда қайдлаб, ҳамшираларга тегишли муолажаларни буюрдим.

Кейин ўша гулсевар Маликанинг хонаси ёнига келиб, бир муддат нафас ростладим-да, эшикни аста очдим. Палата шинамгина икки кишилик бўлиб,

ундаги ҳар бир жиҳозлар батартиб, қандайдир билинр-билинмас кишини энтикирувчи аллақандай хушбүй тараги туарди. Бир тарафда эндиғина ётқизилгап үрта ёшлардаги дүмбокқина аёл нарсаларини түмбочкага жойлаштиради. Күли тинмай қимирласада, оғзиям бирдай жаврашдан тұхтамасди. Үзіча кимлардан дир норози. «Агар оиласындар яхши бўлишганида, ҳадеб уни қўйма, буни қўй деб ҳамма ишга бошларини суқишибермаганида мен йўлурнинг асаби бузилмасди. Қаранг, шерик, қирққа бормай қон босимига учраб турибман. Еганим олдимда, емаганим ортимда бўлсаям, сиқилганим-сиқилган. Ҳеч қайнонамга ёқмадим-ёқмадимда...». Мени кўргачгина унинг чакаги тинди. Оппоқ халатимдан врачлигимни сезиб, дарров ўзини сипо тута бошлади.

- Вой, келинг дўхтиржон, айбга буюрмайсиз гап билан бўп, кирганингизни сезмабмана.

Менинг хаёлим эса Маликада эди.

- Ҳечқиси йўқ, кутган-кутмаганларингда кириб қолишимиз одатий ҳол. Сизлар ўзингизни худди уйингиздагидек ҳис қўйсаларинг бас. Бизни эса энг яқин дўст, энг яқин сирдош сифатида кўрсаларинг ишимиз енгил кечади. Танангизга келган чақирилмаган «меҳмонлар»ни тезроқ кузатворамиз.

- Демак, тузатворамиз денг! - Ҳазиллашди жилмайиб аёл. - Жон ука, сизни худо етказди бизга. Кўнгли очиғ экансиз, беморларингизни бегона кўрмасакансиз. Ҳали яхшироқ танимай турибоқ умидлантиряпсиз. Умрингиздан барака топинг!

Беихтиёр текширишни янги беморимдан бошлышмга тўғри келди. Гапимизни эшитиб турган Малика яйт этиб менга қарадию, танишлагини билдиришга ийманди шекилли аёлга сездирмайгина юзида табас-сум билан унсиз саломлашгандай бўлди.

Мен беморни синчиклаб ўргандым, у билан эринмай суҳбатлашдим. Қон босимининг меъёрлашуви кўпроқ ўзига боғлиқлигини тушунтиришга уриндим. Буйраги салгина шамоллаганлиги, энди уни иссиқ асрashi лозимлигини уқтиридим. Сунгра палатадошига навбат келди. Маликага қарадим. Энди оғиз жуфтлайман деб турган эдимки, шериги секингина «жим» дегандай ишора қилди. Аслида ўзим ҳам қизнинг хаёлларини бузгим келмасди. Лекин индамай чиқиб кета олмадим. Малика деразадан кузнинг бетакрор рангларига маҳлиё бўлиб, ҳамон ўйлар денгизида сузиб юрарди. Ниҳоят, оҳиста томоқ қирдим.

- Бемор Нуриллаева.
- Ааа.

Қиз беихтиёр менга нигоҳини бурди. Аста олдига бориб, ўзимни таништиргандай бўлдим. Одат бўйича саволларимни бошладим. Қиз истар-истамай, қисқа-қисқа жавоб берар, эрталабки учрашувимиз унгаям қаттиқ таъсир қылганми, сирли кўзларини бир зумга кўзларимга қадардию, кейин шошиб олиб қочарди. Гўё ўзининг ожиз асирига бир муддат ихтиёрини топширасиди, сунгра недандир чўчиб, туйгуларини яширишга уринарди. Эҳ-ҳа, унинг кўзлари жодули экан. Вазифамни ўтагач, палатадан кўзгаларканман, ногаҳон қиз ортимдан эргашди.

- Тўхтанг, сизда гапим бор.
- Нима гап? - дедим ҳайрон бўлиб.
- Менга рухсат олиб беринг.
- Нега, нима учун? - Ажабландим.
- Кетмоқчиман.
- Эсингизни еганмисиз, Нуриллаева? Кимга тузалмасидан аввал уйига рухсат берар эканмиз. Жонингизга ачинмайсизми?
- Ачинсам нима ўзгаради. Барibir кетишим ке-

рак. Уйга бормасам бўлмайди, - деди важоҳати ўзгариб.

- Кетмайсиз, кеткизмаймиз сизни,- деб юбордим бехосдан. Малика иложсиз ортимдан индамай кузатиб қолди.

Ўша сониядан бошлаб энди бу беморим мен учун янада аҳамиятлига айланди. Шифокорлик бурчим шуни тақозо этарди. Қолаверса, кўнглимнинг аллақа-ерида Маликага нисбатан ўзим ҳам ҳали тушуниб етмаган туйғулар туғилаётганди. Ўйламай десам ўйлатарди. Сўйламай десам, сўйлатарди. Бўйламай десам бўйлатарди. Эртадан кечгача нима иш қилмай, хаёллардан бир лаҳза фориғланмасди. «Кетмоқчиман» дея ютижоли боқиши кўз олдимда жонланаверарди. Ичимда ўзимга ўзим «Кетмайсиз, кеткизмаймиз сизни» дея шивирлайверардим. Мана шу сўзларимнинг устидан чиқишимга куч топишга интилаверардим. Ҳар кун олдига ким келиб, ким кетиб турибди, ким билан суҳбатлашади. Кун бўйи нималар қиласди. Ҳаммаси мени қизиктираверарди. Ҳаммаси муҳим эдию, айниқса, қизнинг нима учун уйига бунчалар кетишга ошиқиши сабабини жуда-жуда билгим келаверарди. Унинг бағрида ўзи айтганидай аллақандай сир яширин эди. Йигирма икки ёшдаги қиз бўла туриб, нега бунчалар катталарга ўхшаб ўзини тутишига ажабланардим. Тенгкурлари ҳалиям болаликнинг эрка қучоғида шўхликка, шодликка ўраниб юришибди-ку. Бора-бора унинг сирлари очила бошлади. Маликанинг олдига бир киши, фақат бир киши кунора келиб кетарди. Яна ўзидан ёшроқ қиз қорасини кўрсатганига узоқдан сал нигоҳим тушди. Беморимнинг бутун масъулияти, қарови устоз Аҳмедовнинг зиммасида бўлгани учун аслида кўп нарсадан бехабар қолардим.

Шифохонада тунги навбатчилик пайтим эди. Пала-

таларни айланиб бўлиб, иш столимга мукка тушдим. Узоқ ёзиб чарчоқ босди чамаси, пешонамга кафтимни кўйиб тирсагимга таянганча бироз кўзим илинибди. Фалати туш кўрибман. Ҳаммаёқ оппоқ ва қизил атиргуллар эмиш. Гулзорнинг ичида Малика қип-қизилини қўлига тутиб, бармоқлари билан силаб-сийпаларди. Тўйиб-тўйиб ҳидлаб, юзига босиб ўтиради. Шу пайт бор овозим билан исмини айтиб ҳайқирдим. У чўчиб кетди. Мен томонга бир қараб, кимлигимни фаҳмлагач, ўрнидан турганча қаёққадир югурди. Тубсиз-тубсиз қоронгулик қаърига сингтиди. Мен эса ортидан чопишни қанча истамай, оёқларим ўрнида тошдек қотиб қолганди. Бир қадам ҳам олдинга силжиёлмасдим. Борган сари кўркувдан юрагим қинидан чиқиб кетай дерди, борган сари қаттиқроқ чақирадим, борган сари овозим чиқмай, борган сари у кетган манзил тобора йироқлашиб, борган сари йўқликка айланиб кетарди. Бирдан чўчиб уйғонибман. Хайрият, туш экан. Шундан сўнг қайта мудрамадим. Залнинг у ёқ, бу ёғига ўтиб айланана бошладим. Илк бор ёмғирли тонгда унинг ҳузурига етаклаган оёқларим бу сафар ҳам Малика томон яқинлаштиради. Беихтиёр хонаси олдига бориб қолганимни сезмадим. Ичимдаги қандайдир куч эшигини очтириди, ичкарига интилтириди. Балки ўша кучнинг номи соғинчdir. Балки ўша кучнинг номи кўмсашиб. Балки ўша кучнинг номи севгидир.

Ичкарига кирдиму, кўркувдан бир зум ўзимни йўқотаёздим. Маликанинг ўрни бўш эди. Каровати ҳуввиллаб ётарди. Хонаси биринчи қаватдалиги учунми деразадан чиқиб кетса, ҳеч ким пайқамасди. Нима сабабдан сўнгги пайтларда «кетаман» деб юришига бепарво қарадим-а. Тезда ташқарига отилдим. Шифохона ҳовлисини кезиб, уни излашга тушдим. Яхши-

ямки, қочганига узоқ вақт бўлмаган экан. Қадамимни ортидан илдамлатдим. Шарпамни пайқади. Малика совуқдан жунжикиб-жунжикиб юпқа кўйлакда қаёқ-қадир шошарди. Менга кўзи тушиши билан у янада қадамини жадаллатди.

- Малика! - дея қичқирдим.

У овозимни эшитганига қарамай, ўзини атай бепарво тутди. Юришга қийналаётгани учун бир зумда етиб олиб, кўлларини маҳкам ушлашга уриндим.

- Қаёқа кетяпсиз? Қайтинг бу ёқقا!

- Қўлимни қўйворинг, Ботир ака, йўлимни тўсманг!  
Мен барибир кетишим керак.

- Нега қайсалик қиласверасиз, нега атрофингизда-  
гиларни қийнайверасиз, айтинг нега?

- Даволанганим билан бефойда. Менинг ҳеч кимга  
керагим йўқ. Тузалишни хоҳламайман.

- Адашасан! Менга кераксан! Менга! Ҳеч кимга  
керак бўлмасанг ҳам. Нега унақа хаёлга бораверасан? -  
Яқин олганимдан сенсирай бошладим.

Малика бир муддат гапирган гапларимдан тахтадек  
қотиб қолди. Кейин кўзларидан мўлт-мўлт ёшлар  
куйила бошлади.

- Йўқ, сиз менга раҳмингиз келганидан, ачинганин-  
гиздан шундай деяпсиз. Ҳа, сиз мени алдаяпсиз!

- Ҳали шунақа деб ўйлаяпсанми, қайсар қиз. Мен  
сени илк бор ҳовлида, атиргуллар орасида кўрганим-  
даёқ ёқтириб қолганман, жиннивой, - дедим эркалат-  
гандай. Сен ҳам менга бефарқ эмассанку, ахир.

- Ким айтди сизга?

- Кўзларинг айтди, оташ нигоҳларинг айтди. Юра-  
гимга ширин туйғуларни муҳрлади. Қилар ишни қилиб  
кўйиб, қочиб қолиш эканда. Айбим најоткорлигим-  
ми? Беморнинг ўзи шифокорини bemor қилиб қўйса,  
биз шўринг қурғурлар дардимизни кимга айтамиз?!

- Дардингизни менга ўхшаб гулларга айтинг, пин-  
ҳон сақлайди.

- Мен пинҳон сақламоқчимасман, севгимнинг изҳорами дилим қурғур тилимга аллақачон күчириб, улгурши керак эди. Зора, муҳаббатим қалбингизда эртани кунга умид үйғотса, зора сизни тушкунликдан қутқариб, руҳингизни қанотлантирса, зора кайфиятингизни баландлантирса. Шунинг ўзи кифоя. Агар дилни дилга боғловчи ҳиссиётларга изн берсак, биргалашиб дардингизга даво изласак, қўлингизни қўлимга тутқазсангиз, ҳаммаси ортда қолади. Буйрак буйрак эканку, мен ҳозир сизга юрагимгача беришга розиман. Фақат қайтармасангиз бас. - Яна беихтиёр сизлашга ўтдим.

Малика мафтункор мунчоқ қўзларини бир лаҳза киприклари остига яширди. Мен эса устимдаги халатимни ечиб, елкасига ташладим, етаклаб хонасига бошладим. Палатадош аёл яхшиям эртароқ пинакка кетибди. Дори-дармонларимиз кор қилганидан аҳволи енгиллашиб, уйкуси жойига тушганидан хурсанд бўлдим. Қизни иссиқ ўрнига қайтариб, деразаларни ёпдим. Қўзларини юмиб олгани учун тепасида бироз термулиб турганимга энди ташқарига чиқиб кетмоқчилигимни сездими, шошилиб билагимдан ушлади.

- Ботир aka, мени кечиринг. Сизниям хавотирга солдим-а?

- Ундан кура хавотирга солмаган куним борми? - деб сўрасангиз бўларди.

- Нима учун уйингизни бунчалар яхши кўрасиз-а?

Мана шу тобда ўзим учун мавҳум қолаётган қандайдир сирини олишга уриндим.

- Чунки биттаю-битта синглимни, кўзимнинг оқуқорасини амакимнинг хотинига ишонмайман.

- Унда ота-онангиз қаерда? - Йўқмилар дейишга тилим бормади.

- Ҳов-в мовий осмон бағрида. Бизни самодан кузатиб туришибди.

Малика шу пайтда ёш болага ўхшаб деразадан нигоҳларини юлдузларга қадади. Ўйланиб жимиди. Назаримда айни дам у ҳеч нарса ҳақида гапиришни истамас, ўз хаёллари билан банд эди.

- Кечиринг, Малика, қалб дафтaringизни билмай...
- Ҳечқиси йўқ.
- Хайрли тун. Сизни зўриқтириш мумкин эмас.

Ноилож ёнидан қўзғалдим. Аммо эртасига ҳозиргача менга номаълум барча кечмишларининг тагига етишга қарор қилдим. Етдим ҳам. Билишимча, бундан ўн йил муқаддам Маликанинг онаси учинчи фарзандини туғаётib, буйрак хасталиги кучлилигидан юраги дош беролмай ҳаёт билан видолашган экан. Отаси бўлса, хотинининг бевақт ўлимига чидолмай ичкиликдан аламини олишга ўрганибди. Оқибатда дала йўлида мотоциклни тезлигини ҳаддан ошириб, умри фожиали тугабди. Ана шундан буён ёшгина синглиси билан Малика амакисининг қарамоғида қолишган. Етимнинг кўрган куни курсин, дегандай янгаси бемехр аёллар тоифасидан бўлгани учун уларнинг чеккан озори ёлғиз яратганга аён. Маликанинг оғир аҳволга тушишига ҳам балки оилавий шароитнинг носозлиги сабаб бўлгандир. Ҳеч бир касаллик ўз-ӯзидан юзаланмайди. Ниманингdir таъсири остида хуруж қиласди. Ҳаёт нақадар шафқатсиз. Гулдек қизнинг ранги бежизга ҳазон япроқ тусига айланмаган. Кунаро Маликани кўргани келаётган ягона инсон амакиси экани тайин. Қизиқ, бирор марта янгаси хабар олмади-я. Бу ҳолнинг ўзиёқ унинг қанчалар беоқибатлигидан далолат эди.

Кунлар ўтгани сайин қизнинг юзларига қувонч югура бошлади, кунлар ўтгани сайин барча муолажаларга кўникиб, ювош тортиб ҳам қолдию, кунлар ўтгани сайин бир-биримизга меҳримиз зиёдалаша-

вердию, кунлар ўтгани сайин у менсиз, мен усиз туролмайдиган бўлиб боравердигу, лекин-лекин кунлар ўтгани сайин соғлиғи заррача яхшиланмади. Ва ниҳоят тоқатим тоқ бўлиб, яна Адҳам Аҳмедовга тушкун кайфиятда Малика ҳақида сўз очдиму, куюнакуюна гапирдиму ва ниҳоят устозимнинг аччиқ ҳақиқатдан иборат фикрларини тинглаб, ҳайратдан, ҳаяжондан, кўркувдан тошдек қотдим. У кишининг айтишича, биз беморнинг касалини даволамай, вақтинчага қайтариб турган эканмиз. Агар иккинчи буйрагиям ишлашдан тўхтаса, у ҳолда...

- Нима бўлсаям, даволашнинг иложини қилайлик, нима бўлсаям, у яشاши керак, жон устоз, - деб кўзларимда милтираётган ёшларимни яшиrolмадим.

- Ўпкангизни босинг, дўхтирга кўнгли бўшлик ярашмайди. Намунча муштипар қизга ёпишиб олдингиз? Бемор билан шифокор ўртасида бунчалар яқинликни ҳозиргача учратмагандим. Худди синглингиздай ачиниб, кўз ёши тўкишингиз нимаси. Ўзингизни қўлга олинг. Врач аҳли керак пайтда кўнглини пахтадан юмшоқ, керак пайтида дийдасини тошдан қаттиқ қилиши шарт.

- Тўғри айтасиз, устоз, - дедим рўмолчам билан мижжамдаги ёшни артиб. - Малика мен учун азиз инсонга айланиб қолган, унинг қадри синглим қадридан ортиқмасдиру, бироқ кам ҳам эмас.

Адҳам Аҳмедов аввалдан сезгандай таажжубланмади. Аксинча, ҳамдарддай далда беришга тиришди.

- Иложи топилар, - деди астойдил юпатиб, - ҳозир шунга ўшаган беморларимиз учун Москва ёки Ҳиндистонга йўлланма ёзиб берилмоқда. Малика-нинг амакисига аллақачон айтганман бу ҳақда. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилса, согайиб кетиши мумкинлигини яхшилаб тушунирганман.



- Ҳаётини асраб қололамизми?

- Ҳа, фақат...

- Нима фақат?

- Гап шундаки, қизга мос яхши бир донор топилиши зарур. Иккинчи буйрагини бероладиган донор!

Үйланишни истамадим. Үйланишга вақт етмасди. Менинг хаёлимда тинмай құзлари илтижоли атиргул шайдосининг умидвор чеҳраси гавдаланиб турарди.

- Мен... Мен бўламан ўша донор!

Бу жавобимдан устоз кувониш ўрнига чинакамига жаҳулланди, пешонасидаги ажинлар тиришди.

- Ростданам эсингизни еганга ўхшайсиз. Билардим, ўша қизда кўнглингиз борлигини. Аммо ўзингизни қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчимисиз? Битта буйрак билан кейин соппа-соғ юришингизга ким кафолат бера олади. Ота-онангизга нима дейсиз? Ҳали операцияга кетадиган катта пулни топадиган меҳрибонлариям йўқ ўша қизнинг. У арзирмикан ўзингизни шунчалар оловга ташлашингизга. Келинг, яхшиси ҳалиям кечмас. Ҳом хаёлларни унутинг. Ҳаётда сизга бошқа қиз қуриб қолибдими. Кўпам эсни оғдирап эҳтиросларга берилмай, ақлингизни вақтида йифволганингиз маъқул эмасми.

- Йўқ, менга бошқаси керак эмас. Фақат у керак. Пулидан хотиржам бўлинг, ўн беш кун ичидаги топиб келаман, - дедим кескин оҳангда.

- Майлию Ботиржон, сизни укам деганим учун, шогирдим деганим учун астойдил қайфуриб айтиётгандим. Ачинганимдан гапираман-да. Агар кўнглингизга қарши боролмасангиз, истаганингизни қилинг, билганингизни қилинг. Фақат ўткинчи ҳиссиётларга ишониб, ҳаётингизни афгорлаб қўйманг дейманда.

- Менинг муҳаббатим чин, устоз, сиражам ўткинчи эмас!

Адҳам Аҳмедовнинг насиҳатлари шу тобда қулоғимга асло кирмасди. Балки тақдиримга бефарқ эмасликларининг, қайғуриб гапиравётганларининг боиси мен билан бирга таҳсил олган қизлари Шаҳло сабаблигидандир. Нима бўлсаям, ўзимни тутолмаганимдан ҳижолат чекканча хонани тарқ этдим.

Тўғри, Шаҳло ақлли қиз, чиройиям жойида, айниқса, очиқ кўнгил ва шўх-шаддодлигидан ҳаммага ёқаверади. Ростини айтганда, менгаям. Лекин бу дегани кўнгилнинг боғланиши эмас, шунчаки курсдошлиқ, бир-бирилизга беминнат ёрдамишимни аямаслик орқасидан келган яқинлик деб тушуниш ҳақиқатдир. Адҳам Аҳмедовга шогирдлигимга ҳам Шаҳло туфайли эришганман. Ҳозир у Андижон тиббиёт институти клиникасида ишляяпти. Бу шаддоду ичидан пишган қизнинг қалбida нима борлиги фақат ўзигагина аён. Доимо яхшилик раво кўришини муҳаббатга йўйгим келмайди. Ҳеч вақт бу ҳақда гап очмаган. Отаси эса мени күёвликка муносиб билишини онамлар биринки эслатганларида парво қилмагандим. Айни пайтда устозим худди мени қўлдан чиқарворишга рўйхушлик бермайдигандек туюлди. Бўғилиб-бўғилиб ташқаридаги атиргулларнинг олдига бордим. Малика уч-тўрт кундан буён касали оғирлашиб, ҳовлигаям чиқолгани йўқ, ҳойна-ҳой гулларини соғингандир. Беш-олтитасини эҳтиёткорликни унутмай узиб, унинг ёнига ошиқдим. Эшикни очишим билан палатадоши Гулнора опа кулиб қаршилади. Маликаям кирганимни сезиб, шошиб орқасига ўгирилдию, қулимдагиларни кўриб, юзини буриштириди.

- Нега узиб келдингиз гулларни?
- Ахир яхши кўрасизку.
- Яхши кўришга яхши кўраману, аммо ҳеч вақт узмайман.



- Нимасига жонингиз ачийди-а,- дедим нотўгри иш қилганимни тан олмай.

- Ростини айтайми?

- Айтинг.

- Гулларнинг кўз олдимда сўлиб боришини истамайман.

- Сабаб?

- Бошқаларни табиат гўзаллигидан бебаҳра қолдирив қўямизу?..

Шу пайтда ичимда бир нима узилгандай сездим. Юрагим қаттиқ ура бошлиди. Палатадош аёл бўлмаганида... Маликани маҳкам бағримга босгим келди. Бироқ сир бермасликка уриндим.

- Ундай бўлса, ҳозироқ мен буларни ташқаридағи гулдонга солиб қўяман.

Хатойимни тузатишни истаб, хонадан чиқдим. Гулларни йўлакдаги ҳамширалар столи устидаги сувли идишчага аввайлаб жойладим. Лекин энди Маликанинг ёнига бориш эриш туюлди. Ўз хонамга кириб, қўлимдаги йўлланмага кетадиган харажатлар рақамига қарадим. 30.000.000 сўм. Бу пуллар ҳазилакам эмас, албатта. Дадамнинг машинасию, онамнинг «тўйинга» деб асраб юрган жамғарма пулларини қўшсам етиб қолар. Фақат яхшилаб тушунтиришим керак. Ишқилиб рози бўлишармикин? Бирга кетишимга тўғри келади. Операция чоғида ёнма-ён ётишим, ундан кейин яна бир-икки ой муолажа олишига ёрдамлашиб шарт. Сўнг тўйимиз ҳақида оғиз очарман. Қани, Малика рози бўлмай қайсалик қилсин-чи...

Кечкурнгача барча касаллик тарихи варақаларига қайдларни тутатиб, ҳар эҳтимолни ўйлаб, пулни ҳозирлаш ҳаракати билан уч-тўрт кун банд бўлиб, келмай қолсам дея уларни ҳамкасларимга топширдим.



Тавба, буни қарангки, Адҳам Аҳмедов билан орамиздаги ўтган сұхбатдан тезда күпчилик хабардор булишга улгuriбди. Балки устоз кимгадир айтган, у одам эса бутун жамоага ёйган күринади. Эшигтанларга бу ҳақда ҳеч ким унинг үзига чурқ этмаслигини ўтиниб тайинладим, ялиниб-ёлвориб айтдим, ғашланыб тушунтирудим. Оқшомда хайрлашиш учун ёнига кириб, узоқ вақтгача дардлашиб, күнглини күтардим. Ҳеч ажралишгимиз келмай ўтирудик.

- Ботир ака, сизниям күп қийнайғмана, - деди бугун ҳар кунгидан ҳам үзгариб қолғанимни сезиб.

- Йўқ, нега қийнар экансиз. Күнгил қўйган одам Маликасига меҳр беришдан наҳот қийналса, - дедим кулиб.

- Ботир ака...

- Ҳа, гулим.

- Мени чинданам севасизми?

- Шундоқ малакни севмай бўладими?

- Жиддий сўрайпман, ростини айтинг.

- Сизни жонимдан ортиқ кўраман.

- Алдамаяпсизми?

- Ҳали шубҳангиз ҳам борми?

У «йўқ» дегандай жилмайди.

- Ботир ака...

- Ҳа, гулим

- Мени ҳеч қачон ташлаб кетмайсиза. Сиздан бўлак суюнадиган кимим бор.

- Фалатисиз-да, Малика, ахир биласизку, энди сизсиз бирор дақиқаям яшолмаслигимни.

- Алдама-анг.

- Нега алдарканман.

У мамнун тикилди. Кўзларида ёш милтиради. Беихтиёр кафтини секингина кафтимга кўйди. Кўлларими ни беозор сиқди.

Маликанинг кўзларидағи ширин баҳт ўз «шираси»ни сочиб, қалқитиб турарди. Ана шу «шира»лар узун-узун киприклари орасидан оқиб, оҳиста сизиб юзларига думалаб тушарди.

- Йиғлоқи, - дедим бурнини чимчилаб.

- Сиз эса, мўъжизасиз, мен кутган мўъжиза!

У орзулар оғушида мастона энтикарди.

- Ҳали сизни дунёдаги энг баҳтли қизга айлантираман.

- Қанийди, лекин яна бир ўтингим бор. Агар мени чинакамига баҳтли кўришни истаркансиз, унда ягона синглим Гулшанойни эҳтиёт қилишингиз керак. Сиздан бошқага уни ишонолмайман шекилли.

- Буни қандай тушунсам бўлади? Эсингизни еганмисиз? Худди борса келмасга кетаёгандек гапиришингизни қаранг.

- Ботир ака, сиз вაъда беринг, синглимни баҳтли қиласангиз, мени баҳтли қилган бўласиз.

- Малика, сиз ҳали узоқ яшайсиз. Худо хоҳласа, яқин орада оғир дардан кутуласиз.

- Бола эмасман ахир, осонгина алдасангиз. Буйрагимнинг бири ишламагани қолиб, иккинчисиям яроқсиз ҳолатга келаётгани ойнадай аёнку. Бу аҳволда куним битгандай сезяпман ўзимни. Агар мен одам бўлмасам, синглимнинг ҳоли не кечади?

- Бўлди, бўлди, Гулшанойни акадек ардоқлайман, сизниям дунёнинг нариги бурчигача бўлсаям олиб бориб даволатаман. Икковларингниям баҳтли қилишга интиламан.

Малика эшитган гапларини таскиндай, юпанчдай қабул қиласардию, ҳаммасидан синглисини ишончли кўлга қолдираётганидан хотиржам торта бошлади.

- Бир нарсани айтайми, Ботир ака, Гулшаной худди сиздек врачликни орзулайди, жудаям тиришқоқ, ҳо-

зир тиббиёт колледжининг аълочиси, дастлаб ҳамшира бўлгач, кейин институтга киришга умидланиб юрибди. Икковингизни тезроқ таниширишим шарт. Аввалдан айтиб қўяй, Ботир ака, синглим Гулшаной исми жисмига монанд қиз. Сиздақа меҳрибон акага муҳтоҷ. Ҳали бир кўришдаёқ унга ҳимоячи бўлишдан фурурланасиз.

- Фурурланишга фурурланардирману, аммо сизга уйланаман. Кейин қизғониб юрманг тағин. Тўйимиздан кейин Гулшаной биз билан бирга яшайди. Айтганингиздай ўқитамиз, ўзим устозликни бўйнимга оламан шифокор синглингизга.

- Маликанинг қувончдан кўзлари ёнди. Энди ортиқча сўзга ўрин тополмади. Кўнгли тинчланди. Шу алфозда палатадоши тунги муолажани олиб қайтгандагина ноилож хайрлашдик.

Ойдин кеча қўйнида йўл бўйлаб борар эканман, бутун ўй-хаёлим уйда эди. Қандай қилиб ўттиз миллион пулни топишни ўйлардим. Отам билан онам охир оқибат хорижга бориш ниятимга қарши туришмас, машинаниям сотармиз, кетадиган ўттиз миллионни бир амаллаб йифармиз, битта ўғиллари учун барига кўнишар. Аммо иккинчисига, очикроғи беморим учун соғлом буйрагимнинг бирини ҳадялашимга сира-сира рози бўлишмас. Шуни ўйлаб кўнглим хира тортарди.

Уйга келганимда ташвишларимни қанча яширишга уринмай, ҳомушлигим ва ҳорғинлигимни ота-онам ўша заҳотиёқ пайқашди. Чамамда одамнинг сийратидаги ўзгаришлар унинг суратида аксланади. Аввало, яқинларинг буни осонгина илғайди. Бўлмаса, кела солиб ичимдагини тўкишга журъатим етмай турарди.

- Ишхонада ташвишлар кўпми, ўғлим? - дедилар дастурхон атрофида ўтиарканмиз дабдурустдан отам.

- Рангиям анча синиққан боламнинг, - дея зорлана кетдилар онам. - Ўзгаларнинг саломатлигига қайфура-вериб, ўзининг соғлигини йўқотадиганга ўхшайди. Сал юрагингни кенг қил, дардни берадиганам Аллоҳ, оладиганам. Сен сабабчисан, холос, жонингдан айланай.

- Индамасам дарров касалга чиқаздиларинг қўйдиларингу, бироз чарчагандирман, - дедим бепарво оҳангда.

- Чарчаганини билмаган соғлигини қўлдан бой беради, Ботир йигит, - отам уқтиришни бошладилар.

- Сен эндиғина дўхтирилик халатини эгнинга илдинг. «Бўзчи белбоғга ёлчимас» нақли сендақаларга айтилган бўлмасин. Аҳволингга яхшироқ қара, вақтида ишлаб, вақтида дам олишни унутма!

- Хўп, - дедим қўнгилларини хотиржамлаш учун. Юрагимни рўй-рост очишга ҳозирча ботинолмадим. Лекин сал учини чиқаздим.

- Эртага сизларга бўлажак келинни кўрсатсанми-кин? Агар ёқса...

- Отаси, эрталабоқ бирга-бирга борамиз, оиласиз учун бундан зарурроқ, бундан муҳимроқ юмуш йўқ. Сиз коллежингизга кечроқ ўтсангиз, осмон узилиб ерга тушармиди, - дедилар онам ўғлидан йиллаб кутишган гап чиқиши биланоқ.

- Қайда кўрамиз ўша қизни? - Кизиқдилар отам.

- Шифохонада.

- Дўхтирик экан-да! - Севинди онам, - ўқиганга ўқиган ёқади-да отаси.

- Шошма-чи, у ёғиниям эшитайлик-чи?

- Оиласизда иккита дўхтирик бўлса ёмонми, - хушхабардан довдираб қолган онамнинг оғизлари гапдан тинмасди. - Орзуйимга етганим шу. Маҳалладагиларнинг

«Қачон уйлатасиз?» дейишилари тиниб, «Вой, Рисолат опа, нақадар бахтли аёлсиз-а, келинниям дўхтиридан учратибсиз. Йигиту қиз бир-бирларига худди узукка кўз кўйгандек ярашибди-я!» деб ҳаваслашса ёмонми. Тўйга қолган кун қолмасин, ҳамма нарсани аллақачон кўш сандиқقا ташлаб, таппа-тахт қилиб қўйганман. Ҳали қопқоғини кўтарганимда кўрасиз, оғзингизам ланг очилади.

- Бўлди, бўлди, эшитдик онаси, аввал келинни кўрайлик, ёқтирайлик, у ёғини кейин.

- Бу билан нима демоқчисиз? - Бирдан тутоқдилар онам. - Аслида ўғлимга ёққани бизга ёққани, майли кўрсатмоқчи экан, раяйини қайтармайлик. Ўзим келин билан тезда тил топишволаман. Сизнинг аралашишингизнинг балки ҳожати йўқдир. Қиз бола, қиз болада, уялар. Отаси билан гаплашишни эса ўзингиз бопларсиз.

- Майли, куда билан тил топишишни уддалармиз.

- Ана, ўғлим, масала ҳал! - Онам ҳалиям ўзларини кўярга жой тополмасдилар. - Ҳа, сўрамабмиз, қайси шифохонада?

- Ўзим ишлаётганда, - дедим истамайроқ, у ёғиниям суриштириб қолишлиарини ўйлаб.

- Бошлифингам 'билардиларми?

- Устозимнинг хабарлари бор. - Гапни шу ерда якунлашга интилдим.

- Унда жуда соз.

Ота-онам бир-бирларига маъноли қараб қўйишиди. «Адҳам Аҳмедовнинг қизи экан» деган фикрга боришиди, чамамда.

Подадан аввал чанг кўтариш одатим йўқлигидан бошқа миқ этмадим. Пул йигиш ҳақида оғиз очишнинг мавриди эмаслигини англашим.

\* \* \*

Отам бомдод намозини ўқиш учун маҳалла масжидига чиқиб кетаётгандаридан юз-қулимни ювиб, нонуштага тараддудландим. Қайтгунларича бекор турмай, синглим пахта тераётиб, юлиб келган печакдан мол-қўйларимиз охурига ташладим. Кенг дарвозахонамиз тўрида анчадан бўён минилмасдан ётган қизил «Жигули» мизнинг чангини нам латта билан артишга киришдим.

- Менинг ҳайдагани ҳафсалам қолмаган, энди сен юргизиб, ишингта машинада қатнайвер, - дедилар дарвоза остонасидан ҳатлабоқ отам мамнун кайфиятда.
- Врачларнинг кўпчилиги ўзимизда тайёрланадиган «Нексия», «Тико», «Матиз»ларни миниб юришибди. Худо хоҳласа, янгисигаям кучимиз етиб қолар, ўғлим.
- Етишга етадиу, ўзингиз яхши биласиз машиналарга қизиқишим йўқроқ, пулимиз кўпайса, онам икковларингни ҳаж зиёратига жўнатсан қанийди, - дедим орзумни ошкорлаб.

Хозирча бу машинанинг пули янада савоблироқ ишга сарфланишини кўзлаётганимни қаердан билсинлар. Ҳали дилимдаги режаларимдан бехабарлар. Лекин эрта-индин айтишим шарт, айтмасам бўлмайди. Бундан бошқа чора топишим амри маҳол. Албатта, аввалига кўнишмас, томдан тушган тарашадай тап эткизиб, шу масалани ўртага кўйишимнинг ўзиёқ инсофданмас. Барibir раъйимга қарашлариниям яхши биламан. Фақат озгина қатъиятли бўлолсам бас. Шифохона тўшагида шифтта тикилиб, ўлимини кутиб ётган етимча қизни жар ёқасидан тортиб олишга уринишм аслида ғалатироқ туулар уларга. Бироқ бутун бегона бўлгани билан, эртага... Унга қўрсатган меҳрибончилигим ўзимга қилинаётган сийловдай гап.

Малика соғайиб кетса, неча йиллардан бүён кутаётган остонамизни ҳатлаб, келинлик ўрнини эгаллади. Онамнинг битта қизи иккитага айланади. Савобманд-лигимиз Аллоҳгаям хуш келар, уйимиздан кут-барака аrimas. Ана ўшанда отам айттандай энг замонавий русумдаги енгил автомашинам сотиб олармиз. Падари бузруквориму волидайи муҳтарамамнинг тиззалирида набиралари, ёнимда Малика Самарқанду Бухоро саёҳатларига, йўл солармиз. Бандайи мўминнинг ҳеч бир хайрли қадами бежавоб кетмаслигига умидворлигимиз борку. Бугунги оғир синовлар ортда қолгунча ҳамма-ҳаммасига бардошим етади, иродам етади. Қўша тоғдай таянганларим мени ёлғизлашлари, ёрдамларини дариф тутишлари мумкинми ахир!.. Мен ўзимга ўзим далда берардим, ўзимга-ўзим ишонч туғдирапдим, ўзимга-ўзим дадиллик бағишлардим.

- Ота-бала намунча имиллайсизлар, - онамнинг сабрлари тугади шекилли бизларни нонуштага шошилтиридилар. - Нозима янги соққан сутдан келтир, пиёлага қаймоқдан сол, ширага тўлган ҳусайнин узумдан ликопга узиб, яхшилаб чайиб келтир. Бугун ажойиб кун. Кузнинг саховатига шукур. Бу гал кўнглилиздаги орзуларимизни ушалтирадиган кўринади. Акангтаям қиз ёқибди. Қўнглига ўқиш ва ишдан бошқа нарсаларам сиғадиган пайт кепти.

- Ростдан-а? - Синглим дастурхонни тузатаркан менга ҳайратланиб қаради.

- Келинни кўргани кетишяпти, - дедим секингина.

- Қандай яхши, мен бечораям сал дам оларканман-да, - деди Нозима эркаланиб. - Ноn ёпишни, ўтишни, сигир соғишни, ош пиширишни биладиларми танлаган қизингиз?

- Ўйга хизматкормас, янга келади, сингиуджон, янга!

- дея таъкидлайман ҳазилига ҳазиломуз.

- Иложим қанча, акажон, оқбилакойимлардан танлаганга ўхшайсиз, яна пешонамнинг шўри қуримаса қуrimas. Сиздай акажоним учун минг йил хизматкорликда яшашга розиман. Фақат ойимларни ардоқласалар, тагларига пар кўрпача тўшаб, орқаларига лўя болишлар кўйсалар бўлгани. Қолган қора ишлар менини, - деди у охири ёлғондакам йигфламсираб. Гапи тугабоқ қаҳ-қаҳ уриб мириқиб кулди. Менинг кайфиятим анча кўтарилидди. Иштаҳам роса очилганидан тўйиниб нонушта қилдим.

Маҳалламиз гузаридаги одамларни кутиб қатор турган «Дамас»ларнинг бирига ўтиридик. Катта йўл ёқасидаги коллеж олдига етиб борилганида ҳайдовчи машинасини секинлатди.

- Нодиржон домла, сизни тушириб кетарман, - деди у отамнинг шу ерда ёшларга касб-хунар ўргатишларини билгани учун.

- Албатта, албатта, баракалла ўғлим, - дедилар хурматига яраша хурмат билан тушаётиб. Сўнг менга қарадилар.

- Ботиржон, устозингта салом айтгин, хўпми, кейинроқ ўзим борганимда бақамти гаплашамиз, - тайинладилар алоҳида.

Туман марказий шифохонаси дарвозаси рўпарасидаги бекатда онам билан қолдик. Аввалроқ Маликани огоҳлантириб кўймаганимга афсусландим. Майли, кутилганидан кўра, кутилмаган учрашувнинг ҳаяжони бошқача бўлади. Гўё сюрприздай. Ички касалликлар бўлими томонга ўтарканмиз, онамга қараб нималарнидир тушунтирум оқка шайландиму, улгуролмадим. Кулогимга таниш овоз чалинди.

- Яхши келяпсизми, дўхтир?

Бу Малика эди. У ўша сұхбатгоҳимизга айланган жойда, гулзор олдида пешвуз чиқди. Ёнимдаги аёл онамлигини пайқагандай:

- Ассалому алайкум, аяжон! - деди мулойимгина бошини этганича.

- Сизлар шу ерда гаплашиб ўтира туринглар, мен эса хонамни очиб қўяй, - дедим қулай фурсатдан фойдаланиб.

- Майли, болам, шошилётганим йўқ, - дедилар худди ичкаридан кимнидир етаклаб чиқишим керакдай.

Бино йўлагига киргач, юрагим қўймади, дераза ойнасидан ташқарига қарагим келди. Улар кузги атиргуллар ёнгинасидағи ўтиргичда эски қадрдонлардай бир-бирларига қарашиб суҳбатлашишарди. Онам кўпроқ гапирап, Малика эса бошини қимирлатиб маъкулларди, онда-сонда сўз қўшиб қўярди. Буни яқиндан пинҳона кузатаётганим учун аниқ фаҳмлардим.

- Ботир Нодирович, - диққатимни чалфитди ҳамшира, - бош врачимиз юқорида мажлисдалар, сизга зарур гаплари боракан...

Устозим ҳам қизиқлар, кеча жавоб сўраганимда, учтўрт кунга рухсат бергандилару, нега яна йўқлаяптиларкин? Кўнглим ғашланди. Энди учрамай кетсам, хафа қилиб қўяман. Кугишимга тўғри келди. Шу орада онам билан Маликаям яхшилаб танишволишар. Лекин қайнона-келин бўлишларини аввалдан билишмай турғанлари мъаъкулмикин деган хаёлга бордиму, кечаги режам ўзгарди. Ахир онамлар адашмасам Шаҳлони кўрмоқчийдилар, баҳтли тасодифни қарангки, палатасида ётиши шарт бўлган Malikанинг ўзи ҳовлидаёқ рўбарў турибдй-я. Уни чақиришга онамга қўриници беришга кўндиришгаям ҳожат қолмади. Буям тақдиримиз бирга битилганининг белгисимикин? Нахот осонгина...

Йўғе-е, ҳали онам ўзга қизнинг умидида юрибдилару, менинг кўнглим эса бутунлай бошқасида. Яши-

ришдан фойда борми. Шошқалоқлик билан катталарнинг дилларини оғринтириб қўймайманми?

Ана онам бўлим эшигига тез-тез қараб қўйяптилар. Шаҳлони бошлаб чиқишимга илҳақликларини яхши тушунаман. Уни аслида илгарилариям кўргандилар. Айни маҳал эса келинликка розилигини ўз тилидан жуда-жуда эшиттилари, ёлғиз ўғиллари бошини иккита қилиб, кўнгилларини тинчиттилари келаётгани аёнликка аёну, бироқ Шаҳло қанчалик яхши қиз бўлмасин негадир юрагим «жиз» этмаганидан кейин орамизда дўстликдан ортиғи ортиқчалигига на у, на мен айбдор. Малика эса ўзга олам. Қачон кўзларига кўзим тушмасин, қалбимни илиқ туйфулар қамрайди. Ёнидан жилгим келмайди. Уям мени йироқлашишимни истамаслигини аниқ билиб туравераман. Бундай ўйлаганда кўнгилга буйруқ берганлар қаттиқ янгишадилар чамаси. Ақлни устун ҳисоблаб, фойда-зиённи кўзлашга одатланганлар барибир кўнгилларини камситганлари учун умр бўйи товоң тўлашга мажбуrlар. Ҳозир Шаҳло билан Маликани тарозининг икки палласига қўйиб, таъқослашнинг ўзиёқ менга телбаликдек туюлди. Тўғри, нуқул билимнинг орқасидан кувган, ҳатто илмий иш қилишни оила қуришдан афзал билган «донохонлар»нинг кўпига кўз қиrimниам ташламадим. Хаёлимнинг етти кўчасигаям яқин йўлатмадим. Дўстона қадрлашдан нарига ўтмадим. Бугун эса афсус-надомат чекишимни кутганлар тилларини тишласинлар, ёқадарини ушласинлар, ҳасаддан фийбатимни қилиб, кўнгилларини хушласинлар.

Малика, Малика эса оламлар ичра ўзга олам, одамлар ичра ўзга одам, атиргулларга монанд, фаришталарга монанд, Кўнгиллари беғубор, туйфулари беғубор, мулојиму хокисор, излагани ғамғусор, жонни этгувчи нисор. У олийгоҳда ўқиёлмагани билан ақл-

заковати шу чоққача мен учратган қыздардан заррача каммас, фаҳму фаросатиям беҳад юқори, диди ўта нозик. Қанча дард тортмасин, ҳаётдан илинж ахтаради, одамлар орасидан кундан-кун қаҳатлашиб кетаётганд мөхр-мурувват ахтаради, оқибат ахтаради. Тополмаса, нолиб ўтирумайди, гуллар қошига бориб излайди. Кузги атиргулларга дардини түкиб солади, уларни ўзига менгзаб қолади, ҳайрат билан тикилиб ўксикларига таскинлар олади. Фанимат дунёда фаниматлигидан оху-фифонлар чекиш ўрнига, субҳи саҳар гул япроқларига маржондай тизилган шабнамлар қаторига сездирмай-сездирмай кўз ёшларини қўшиб қўяди. У билади, ҳадемай уфқдан қуёш кулиб боқади. Шунда шабнамлар бағрига чироқ ёқади. Ўша кез ўзининг кўз ёшларини ҳам бебаҳра қолдирмайди. Қуёш, улкан қуёш, ўт қуёш, олов қуёш томчи маржонлар кўксисда митти-митти умидга айланади. Айланадио шабнам қуёшни опичлаб, фалакка парвоз қиласди. Шу боис у оқшом яқинлашганда гулзорни оралаб, қалбини поралаб кетмайди, кетолмайди. Аксинча, адоқсиз дардларини чоралаб-чоралаб, ўлим шарпаси олдида магрур бўшини эгмайди. Бу, қизнинг бетимсол матонатидан, жабру ситамларга чин тоқатидан, яратгувчи тангрига сидқи садоқатидан.

Ўзининг жони қил устидаю, соғу саломат ўйнаб-кулиб юрган синглиси тақдирини ўйлайди, ўйлайверади. У мени бежиз «мўъжизасиз» деб атамади. Эртакларга қиёслади умрини, эртаклардан ҳақиқатлар излади. Бугун эса эртаклар фақат хаёлгина эмас, ҳаётнинг ўзиям эканлигини тан ола бошлагандай. Ҳамма-ҳаммаси мен туфайли. Ҳа, ҳа чамамда қизнинг кутилмаган баҳтига айланиб улгурдим. Лекин, лекин ҳаётга тўймайдио, яшагиси келаверадио, аммо, аммо бешафқат ўлим лашкарлари олдида ожизланаверади. Баҳту

кувончларга умидвор шаҳзодасини ногаҳон кулфату ғамларга мубтало этиб кетишидан ўкингандан ўкинаверади. Агар уни Ҳиндистон ёки Москвага етказолсам, кундан-кун заҳарланаётган қонини тозаловчи, оғриқли танасига ором қайтарувчи янги буйрак қўйдиришга улгуролсам, ўзимни дунёдаги энг баҳтли инсонлардан ҳисоблардим. Оғир юмушларга ярамаса-ям майли. Уйимда яйраб-яшнаб юрса булгани. Ҳали ҳовлимизният баҳорларда очилиб, завқини кеч кузга-ча аямайдиган, қорлар кўмгунгача ифор таратиб чар-чамайдиган анвойи атиргулларга тўлдириб юборамиз. Уларнинг қошида мастона умр кечирамиз. Токи сўнгги нафасимизга қадар.

Менинг иккиланишим сира мумкин эмас. Кимлар нималар деса демайдими. Маликанни чинакам мали-кага айлантириш ниятимдан қайтмайман. Ўзларининг қасрларида бойликларига асир яшаб, атрофда-гиларни назарга илмайдиган, муҳаббат аталмиш энг бебаҳо, энг ноёб туйғулардан бехабар кўкрагига уриб «баҳтиёрман» дейдиган касларга баҳт нимадалигини. англатиб кўяман. Баҳт аслида кўз билан кўриладиган, кўл билан ушланадиган нарса эмас. Баҳт бу ҳис этиш. Ҳис этиш эса кўнгилгагина хос. Дунёда барча нарсани ақлни ишлатиб ҳал этиш мумкиндиру, зинҳор ва зинҳор баҳтни эмас. Баҳт ниҳоятда камёб туйғу. У виждонли одамни ёқтиради. Ҳамиша олға чоптиради. Имконият топтиради. Куч-кувватни тоширади. Тоғ-ларни оширади. Ҳатто оёғинг сингандаям оғригини сезолмайсан, сезмайсан. Ҳатто бошинг тошга теккан-даям безолмайсан, безмайсан. Ҳатто баъзи кўзи очик-лар куролмаслиги анигу, ёруғ оламга қалб кўзи билан боқадиганлар, ўзгаларнинг зулмат қоплаган кўнгил-ларигача чироқ ёқадиганлар, албатта, кўрадилар, унинг

рүпаратасида завқу-шавққа тұлиб, ёруғ юз билан тұра оладилар.

Бұлым эшигидан чиқиб, күриниш берганимдаёқ улар ўринларидан күзғолишиб, мен томон юриб юбо-ришди. Маликанинг чехраси очиқлигидан күнглим ўрнига тушди. Фаҳмлашимча, икковлариям бир-бirlарига сир беришмаган, акс ҳолда онам билиб - билмай, Шаҳлони келин қилиш ниятларини ошкор-лаб күйгандарыда борми, иш бошиданоқ чаппасига кетарди. Буни кечроқ, ичкарига кирганимда англаб анча безовталанғандим.

- Яхшилаб танишволдиларингми? - дедим Малика-га шуни аввалдан истагандай.

- Ажойиб ойингиз бораканлар, дунёда энг баҳтли инсон экансиз, - деди у ҳавас қылғандай.

- Қизим тушмагур сени роса-роса мақтади. «Дардим енгиллашиб, дармонга киришимга сизнинг ўғлингиз сабабчи» дея олқишлоардан баҳру дилимни яйратди. Аллоҳим шу қизимниям умрини узоқ қылсин, менга ўхшаб шириндан-шакар бола-чақалар күриб, улар-нинг камолидан қувониб юриш насиб айласин! - дедилар құлларини дуога очиб.

Биз бейхтиёр мамнун кайфиятда күз уриштириб олдик.

- Тезроқ ваъдангни бажар! - деб қолсалар бўладими қўққисдан.

«Бажардиму» деб юборишдан ўзимни аранг тийдим. Агар күнгилларида бошқа гап турмаганида бундай саволни бермасдилар.

- Бугун вақтим зикроқ экан, - дедим каловланиб, кечаги гапим гап.

Малика бизни тушунмай ҳайрон эди.

- Қизимми олдида уялтирмай күя қолаю, тенгила-

ринг фарзандлиям бўлишди. Сен эса... Қачонгача лапашанглик қиласан, болам?

- Малика гап нимадалигининг энди фаҳмига етди, уялиб ерга қаради. Кетворай деса, хурматсизликдай туюлишини ўйлади. Тураверай деса, ўнгайсизланди. Ёши кичиклигига қарамай, тортишувимизга ҳазил арёлаш якун ясашга уринди.

- Аяжон, дўхтиrimизни ҳадеб камситаверманг, си-  
раям лапашангмаслар, фақат унча-мунча қизларни  
менсимайдилар.

- Катта врач бўпкетдим деб ҳеч кимни назар-  
писанд қилмаяптими? - дедилар онам ҳам ҳазилдан  
ӯдағайлаб. - Ҳой бола, хушёроқ бўл, ҳали бурнингни  
тагидагиларниам илдирвориб, кўксингни заҳга тутиб  
ётмагин!

- Малика ўзингиз ёрдам беринг,- дедим кўнглим  
янада ёришиб.

- Тезроқ соғайтирворсангиз, ўзим аямларга зўр  
келин топаман - деди у усталик билан дарров гапни  
бошқа ёққа буриб.

- Агар тополмасангиз-чи?

Бу савол оғзимдан қандай отилиб кетганини бил-  
мадим. Хато ёки тўғри қилдимми барибир Маликани  
њокулай аҳволга солдим чамаси.

Ундан бирор садо чиққунича кутилмаганда онам  
офиз жуфтладилар.

- Тополмасалар, қизим ўзларидан кўрсинлар, сен-  
дақа лапашангта жуфтлаб қўйиб, адабларини берамиз.

Маликанинг сўлғин оппоқ юзларига қизиллик югури-  
ди. «Мен борақолай, хайр аяжон!» деганича кетворди.

- Ойи, намунча юзгачопарсиз? - дедим ўзимни  
нолигандай кўрсатиб.

- Нима бўпти, келин қилсам қилавераман, кўҳлик-  
кина қиз экану, касаллик рангини анча синиқтириб-

дида. Аммо-лекин сенинг тенгинг Шаҳло, отангниям ройиши йўқ эмас. Устозингта куёв бўлсанг ёмонми? Ўзлари ёnlарида кўллаб бораверсалар, ҳеч нарсадан камлик кўрмайсан. Истаган нарсанга эришаверасан. Ҳозир замон шунаقا болам. Ҳамма кўпроқ яқинига қайишади. Кейинги маҳалда каттаю-кичик ўз кумо-чига ўзи ўт тортадиган бўп кетганидан бехабармисан?!

Ойимнинг гапларида сал-пал жон бўлсаям, ғашими келтира бошлади. Мен нима ўйдаману, улар нимани мўлжаллайдилар. Устознинг ёрдами тегади деб куёви бўлишим шартми. Айтганларини ҳамиша ўнг кўлларидай уддалаб, оғирларини енгиллаштириб юрганим камми.

Режамнинг дастлабки босқичи бесамар кетмади. Ойим билан Малика танишволиши. Деярли бир-бирларига маъқул тушибди ҳисоб. Буёғига иккимизни нималар кутаётгани ҳозирча номаълум эди.

Онамни кузатибоқ Адҳам Аҳмедовга учрашим кераклиги учун маъмурият биносига ўтдим. Қабулхонада анчагина одам тўпланганди. Мажлис куни шунаقا бўлади. Ортимга қайтмоқчи эдим, котиба Мадина тўхтатди.

- Ботир Нодирович, сиз навбатсиз кирасиз, келганингизни айтаман, - деди у. Сўнг иккиқатли эшикни очиб, рухсаৎ олгани ичкарига ҳатлади. Зум ўтмай, яна оstonада кўринди. - Кутяптилар. Бош врачнинг ҳузуридаги одам негадир чиқмади.

Адҳам Аҳмедовга салом берганча қадам қўйганимдаёқ ўнг тарафдаги диванда ўтирган таниш қизга кўзим тушибди. У Шаҳло эди.

- Курсдошимам шу ерда эканларку, - дедим ҳайратимни яширмай.

**Шаҳлоям ажабланди.**

- Мана шунаقا, кутилмагандан пайдо бўладиган

одатим бор, - деди у ўрнидан туриб сұрашгани құл узатаркан, - ишлар қандай боряпти, дүхтирикнинг паст-баландини үзлаштирволдингизми?

- Ёмон эмас, устоз билан беморларни даволаб ётибмиз. Андижонга үтиш тугул, бош қашишгаям вақт йўқ экан туманда. Бир беморни ҳали уйига кузатмай туриб, иккинчиси эшигингни қоқаверади.

- Бизнинг клиникадаям шунаقا, бекор үтириш йўқ,  
- деди Шаҳло бу билан ҳаммаси кишининг ўзига боғлиқ деган маънони уқтироқчидаи. - Айтадиларку «Истаган имкон топади» деб. Мана, қанчадан-қанча зарур ишларимни ташлаб Тұрақүргонда юрибман.

- Нима, бу ёқдагиси улардан ҳам муҳимроқ чиқиб қолдими?

- Шунақароқ...

- Хой,- ҳо-й, ёшлар, - дея бирдан сұхбатимизни бўлдилар дадаси, - сизлар яхшиси хоҳлаган жойингизга бориб хотиржам гаплашволинглар, сўнг бирор қарорга келармиз.

Тасодифдек туюлган учрашувни Адҳам Аҳмедовнинг ўзлари уюштирганликларига энди ақлим етди. Бежиз йўқламасликларини юрагим сезганди. Ишқилиб Малика масаласида фикримдан қайтаришга Шаҳлони чақирган бўлмасинлар.

Қабулхонада қаторлашганларнинг асабини таранглаштиrmай, икковимиз хонани тезроқ тарқ этишимизга тўғри келди. Қолаверса, устознинг истагига қарши бориш сира одобдан эмас. Биз Косонсой ёқасигача пиёдалаб ўтдик. «Ширин таомлар» мажмуасидаги хоналардан бирини банд этдик. Шаҳлонинг нималарни сўйишини аввалдан яхши билганим учун ундан сұрамасданоқ қозонкабоб айтдим. Бўрсилдоқ ёғли оби нону қаймоққача дастурхонга кўйилди.

Назаримда, Шаҳло гапни нимадан бошлашни билмаёттандек эди.

- Ўқиш бошқа экан, ишлаш бошқа экан курсдош, - дедим орадаги жимликни бузиб.

- Тўғри, - маъқуллади у, - илгарилари китобларни ўқиб, китобларнинг ичидаги юраверганаканмиз, ҳаёт эса анчайин мураккаброқ экан. Баъзан кутганларинг қолиб, кутмаганларинг рўпарангдан чиқишиларини айтмайсизми, худди менга ўхшаб.

- Йўғе-е, - дедим гарчи ҳақиқат бўлсада унинг фикрини инкор этмоқчидай.

- Жиддий айтяпсизми, ё кўнглим учун шунчаки таскиндай тушунайми? - деди у гапимга аниқлик киритволишини истаб.

Тилимни тишлишим кераклигини англаб етгач, ўша заҳоти сўзларимни ўнглаб олишга тиришдим.

- Аслида бунга улар айбдор эмас, ўзимиз айбормиз. Ҳаммаси кимни кутишимизга боғлиқ. Менинча, келмайдиганга умидворликдан кўра, вақтни ўтказмай келадиганларга кўз тиккан афзал. Ушанда ҳаётимиздан нолишга ҳеч ўрин қолмасмиди?

- Қойил, Ботир Нодирович- деди у мунгли нигоҳларини қадаб, - ўсибсиз, анча ўсибсиз, салкам файласуф даражасига етибсиз. Қойил!

- Калака қилманг, Шаҳло Адҳамовна, - дедим норози оҳангда. - Ҳаётнинг ўзи бизни болаликдаги ҳойу ҳаваслардан воз кечиб, бугун ва эртамизга теранроқ боқишишга ўргатиб қўйишини тан олмай иложимиз қанча. Мана, мен ўқиш, иш деб юраверибману, вақтлар ўтиб, битта инсоннинг, ўлим ёқасига келиб қолган жафокаш жоннинг умидсиз дунёдаги умидига айланышимни хаёлимгаям келтирмагандим. Унинг яна бошқалар сингари соғ-саломат инсонлар қаторига кўша олишу, вужудига чанг солиб турган ўлим вас-

васасини енгиб яшашга кураша бошлаши фақат-фақат менинг меҳру муҳаббатимга қараб қолишини қайданам билибман. Йүқ, Шаҳло, заррача афсусла-нишдан йироқман. Қайтанга ўша нажотталабга ке-раклигим учун ич-ичимдан қувоняпман. Унинг дарди менинг дардимга, унинг гами менинг ғамимга, унинг шодлиги менинг шодлигимга айланиб кетганини бу-гун уйимдагиларга тушунтиrolмай гарангман. Ҳозир, ҳозиргинамас, эртага ҳам, ундан сұнг ҳам мен ўша бечорани тушкунлик өтінгенде қарындағы қарбидеги ягона умид нарвонига үхшаб қолганимни кура-била туриб, қулоқларим үзгаларнинг насиҳатларини қандай эшитсін. Эшитганидаям, күнглигимга асло-асло муштлаәлмайман. Балки бу жуда күлгили туулару, бироқ шу күлгили ҳолатимга ачинаётгандарга ўзим ачинаётганимни айтсам телбага йўйишмасмикин?

Үтінаман Шаҳло, сен очиқкүнгил, ёқимтой қызсан, агар эски дүстлигимизни озгина қадрласанг, устозим-га - даданғта айт, менинг қароримни құллаб-қувватла-синлар, ҳатто ота-онамгаям ётиқчасига тушунтирсін-лар, уларнинг ҳурматлари жуда баланд. Агар мен тарафда турсалар, буйрак трансплантацияси учун хо-рижга Малика билан жұнашга тезроқ, осонроқ эри-шаман. У ёғини пешонамиздан күрамиз. Ишонаман, Аллоҳ раҳмдил, Аллоҳ меҳрибон! Етимча қызниң тобора тугаб бораёттан умрига умр қүшилса, шу ёруғ дунёда мен учун армонларнинг эшиги бутунлай ёпи-ларди.

Дүстим ҳайратдан ёқасини ушлагандек күзларини катта-катта очганча тикилиб турарди.

- Вой-бўй, беморингга буйрагинг тугул юрагингни-ям беришгача тайёрлигингга гап йўқ. Ҳатто мени ҳам уни кўришга қизиқтириб юбординг. Ерда туғилғанми, Тўрақўронда яшайдими? Ё кўкдан тушган маҳлиқо-



микин? Ўзи қанақа қиз? - Шаҳло бу сўзларни ҳавас қилибми, ҳасад қилибми айтаётганини билмасдиму, лекин саволини жавобсиз қолдиролмадим.

- Гўзал!
- Менданам-а?
- Сендан гўзал эмасдиру, бироқ бошқача қиз.
- Бошқача, нимаси бошқача?

Бошқаларга ўхшамагани бошқача, оламга муносабати бошқача, одамга муомаласи бошқача. Беозор, бетама, бериё...

- Бўлди, бўлди, у қиз эмас, фариштанинг ўзи экан-да!
- Ярим ҳазил, ярим чин оҳангидаги иқрорга изоҳ беришдан тийилолмадим.
- Агар фаришталар ерда яшашса, маликани ўзларига дугона сайлашармиди...

- Кўпам куюнаверма, - деди ниҳоят секингина қўлларимдан ушлаб, - дадамлар сени жуда яхши кўрадилар. Бекорга ёнларига ишга олмаганлар. Келишм билан бу ҳақда айтдилар, «Курсдошинг оғир аҳволда, ҳол сўраб қўй, ёрдаминг зарур бўлса, ҳеч аяма!» дея алоҳида тайинлагандилар. Дадам иккимизу ҳолатингни тушунармиз, бунга уйингдагилар қандай қарашаркин, қарорингга қўшилишармикин? Отангизни йўлга солиш ҳеч гапмасдиру, ойингизни эса билмадим. Ё ўзим бораймикин?

Шаҳлодан дарров шундай сўзларни эшитаман деб ўйламагандим. Ё у ҳам Маликанинг мақтовини эшишиб, фариштага айлангиси келдимикин?! Яхши инсон ҳар қандай шароитда яхшилигича қоларкан-да.

- Рост айтяпсанми?
- Ўзгаларни алдагандирману, аммо сени ҳозиргача алдамаганман, бу ёғига ҳам алдамасам керак.
- Бўлмаса, ундан аввал янада муҳим ишга ёрдаминг тегса? - Шаҳло астойдил кўмак беришни истаётгани-

дан фойдаланиб қолишини маъқул курдим шу тобда.

- Ҳозир вақтинг зиқмасми?
- Сен учун ҳар доим бемалол.
- Унда гиз этиб Намангандага бориб келсак.
- Майли.

Биз тамаддиҳонадан чиқиб, ўша ёққа шошилдик. Чорсу йўналишидаги «Дамас»имиз Намангандаги шамолдек елиб кетди. Сардобадаги чорраҳадан ўтгач, «Исфархон» олдида тұхтадик. «Супермаркет»нинг заргарлик буюмлари бўлимига кирдик. Усти ойнаванд ғаладон ичидагиларга нигоҳ ташладим. Бири биридан чиройли, бири биридан қолишмайдиган узуклар бежирим қопқоғи очиқ митти қутиларда ял-ял ёниб турарди. Малика қанақа атиргулларни ёқтиради. Дарвоҷе, «Гап рангидаяммас, кўринишидаяммас, ифорида» дерди. Узук хусусида гап кетганда кўзининг эмас, ўзининг қадри, аҳамиятида, нима ниятда туҳфаланаётганида деган фикрға келдим. Лекин дўкончи йигитнинг «Ака кўзи ноёбидан танлайверинг, узукнинг ўзиданам кўзи қимматини олган ҳеч ютқазмайди» деган сўzlари анчайин Шаҳлогаям маъқул тушди.

- Ёкут кўзлигини узатинг, - деди у мендан олдин.
- Қизингизнинг дидлари баланд экан, - сотувчи йигит савдони пишитиш учун дарров Шаҳлонинг танловини маъқуллаб хушомадга ўтди. - Тақиб кўрсинлар, жуда ярашади.

Биз бир-биримизга таажжубланиб қараб қўйдик. Чамамда ошиқ-маъшуқ, келин-куёв деб ўйлагани шундоқ сезилиб турарди.

- Менимча, озгина қимматроқ бўлсаям, бундан аълосини учратиш қийин, - у яна мақтовни ошириб, қопқоғи очиқ қизил духобали митти қутини менга берди. Шаҳлонинг ўзимга қадалган нигоҳидан «Ҳозир нима қиларкин?» деган ифодани уқиш қийин эмасди.

Қўлимга олишга олдиму, сотувчи йигит қандай узатган бўлса, худди шундай ҳолатда Шаҳлога тутдим. Унинг ҳаяжондан бармоқлари титрарди.

- Маликага муносибми? - дедим секингина.  
 - Мақтовни эшитмадингизми?  
 - Эшитишга эшитдим, лекин қайси сотувчи буюмини пастга уради.

- Тақилганида биламиз, олинг-чи?  
 - Киз болага...

Шаҳло атайлабми, чинданми ажаблангандай бокди. Ўша ондаёқ тушундим.

- Йўқ, менинг тақиб қўйишимга умидланманг, узр, ўзбекча удумимизга сира тўғри келмайди, Шаҳло!  
 - Сизни Маликадан тортиб олиш ниятим йўқ, Ботир! - деди қандайдир ўкинган қўйи.

Кейин эса бармоқларининг ўртанчасига тақиб, дам панжаларини ёзганча орқалатиб, дам йифиб, мушт ҳолатда жилмайиб узукни кўз-кўзлади. Чинданам ярашикли, чинданам нигоҳтортар экан. Ҳеч иккиланмай пулни сотувчига узатдим.

- Бахтили бўлинглар! - деди у мамнун кайфиятда.

Ташқарига юрарканмиз Шаҳло узукни қутисига жойлаштириб, менинг костюмим чўнтағига секингина солиб қўйди. Бекаттacha иккимиздан садо чиқмади. Негадир дўстимнинг хаёллари паришон эди. Менинг эса шодлигим ичимга сифмас, севгилиминг ишончи ва қувончини бугуноқ мустаҳкамлашга қарор қилиб борардим.

- Андижонга қайтишга улгурасанми? - сўрадим Шаҳлодан.

- Қайдам, бугун уйда қоламан, ҳали сенга берган ваъдамни унутдингми?  
 - Қайси ваъда?  
 - Рисолат аямга учрашиб, бошингдан мушкулингни

тезроқ аритишга ўзим ҳаракат қилмасам, шаҳзода дўстимнинг Маликасини бахтиёр этиши яна кечикиб кетмасин.

- Раҳмат, Шаҳло! Сендан буни кутмовдим.

- Ҳе-е-е Ботир, Ботир, бепарвою бешафқат дўстим, сенинг бахтинг - менинг бахтим, кўнгил чироғингни қайси қиз ёқсан бўлса, шуъласиям ўшаники, тақдир-тақдир, деяверамизу тақдир қурғур фақат ақлнинг заміда бўлсайди, у кўнгил аталмиш қўрғоннинг қайсар туйғуларига бўйсунади-ёв. Мен овсар...

- Ундей дема, Шаҳло, сендақа самимий қизни бахтли қиласидиган бахтиёр йигитлар камми дунёда. Фақат атроғингдагиларни кўзинг кўрмайтгани ёмон, устозга манаман деган дўхтиру, олимлар куёвликка даъвогарлигини яхши биламанку...

- Қанийди қайсар кўнглимга бирортаси ёқса.

- Нега?

- Яна нега дейсан-а Ботир. - Уларнинг ичидаги кўнгил қиздирадигани йўқ.

- Қанақа бўлади ўзи кўнгли қиздирадигани.

- Айтаверайми?

- Айт, айт!

- Сендақа бўлади, сендақа, галварс.

- Энди кеч, энди кеч... - Маликали шаҳзода кимгаям қиё бокарди.

Шаҳло қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Кўзлари лим-мо-лим ёш эди. Аммо, бу аламданми, қувончданми Фақаттина ўзига айён.

Биз шифохонада икки томонга қайрилдик. Мен бўлимда қолдим, Шаҳло отасининг машинасига ўтирганча онамнинг олдиларига ошиқди.

Хозир унинг хаёлидан нималар кечаётгани менга қоронғи. Қиз бечоранинг умидини пучга чиқариб, бунинг устига олдида Маликага муҳаббатим бекиёслигини яширмасдан дилини оғритишимга қарамай,

түнини тескари кийиб олмагани таҳсинга лойиқ. Бутунлай юз үгириб кетиш ўрнига яна ҳамдардлик билдираётганини кўрмайсизми. Во ажаб, Шаҳло шунчалар бағрикенг қиз экан. Унинг ўрнида бошқаси бўлганида борми, «Тушингни сувга айт! Ноғорангни ўзинг чал!» деганича юзимга тарсаки урилган аҳволга туширади. Биз у билан кечаги танишлар эмасдигу, қанча пайтлардан бери дўстмиз. Севги-муҳаббат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасакда, юриш-туришларимиз ошиқ-маъшуқларницидан зиёда бўлса зиёда эдию, заррача каммасди. Ким билибди, келиб-келиб турмуш қурадиган паллалар яқинлашганда кўнгилларимиз айролигини англаб қолишини. Бундай баҳолашам учалик тўғримас. Шаҳло табиатан беҳад ориятли қиз. Шу чоққача юрагидагини тўкиб солишга балки гурури етмагандир. Аввал менинг дил изҳоримни ишонч билан кутиб юрганидан хотиржам эдими. Нима бўлсаям айни маҳал муҳокама қиласидиган кайфиятдамасдик. Бугун иккимизга икки соҳилдалигимиз аён. Менинг соҳилимда Маликам бор, уфқда кеч кузакда кўринган куёшим бор. У баҳтга қарши ботишга огаётган қуёшдайин бағри қон. Шаҳзодаси эса ё ерни уфқдан олиб қочиб чўктириши, ё осмонни эгилтирмай бошида кўтариб қолиши керакдай. Ҳеч бир одам бундай қудратга эга бўлмагандиру, менинг Маликага бекиёс меҳру-муҳаббатим қархисида ажал аталмиш жонлар кушандаси атиги бир марта қабиҳ ва жирканч корини кейинга сурар.

Эҳҳ Шаҳло, Шаҳло! Сен бетимсол дўст, беминнат ҳамдард, бегараз мададкор экансан. Сенинг тоифангдагиларни ҳам фаришта аташади, фаришта. Қани энди ёруғ кунларга етиб, Малика иккимизга бетимсол яхшиликларингга монанд бетимсол яхшиликлар билан жавоб қайтариш баҳти насиб этса...

\* \* \*

Гарчи бўлим мудиридан рухсат олганимга қарамай, шифохонага Шаҳло билан қайтганим бежизмасди. Тўғриси, bemорларимдан, айниқса Маликадан кўнглим бетинчроқ эди. Мени яна учратган бўлим мудири Карим Раҳмонов мийигида кулди.

- Оббо Ботиржон-ей, палаталар жойида турибди.

Унинг бу гапидан «Тагин нима қилиб юрибсиз?» деган маънони уқдим..

- Озгина чала ишларим бор эди, - дедим баҳонаним ўхшатолмай.

- Бемалол, bemалол, Маликаниям анча руҳи тетиклашибди, яхши даволаяпсиз, бош врачимиз сизга ишониб янглишмаган эканлар, - таъкидлади алоҳида.

- Ҳали қувонишга вақт эрта, барибир кечикилган. Энди операциядан бошқа илож йўқ.

- Биламан, биламан сўнгти чора - сўнгги умид. Фақат оиласининг моддий ҳолати кўтаролармикан катта сарф-харажатларни, муаммонинг мушкули бу ёқда, - деди афсуслангандай бошини сарак-сарак қилиб.

- Тўғри айтасиз, - Карим аканинг фикрини маъқулладим Адҳам Аҳмедов билан ўртамиздаги гапларни дастурхонга айлантирмаслик учун.

Ахир ёрдам, ҳиммат эҳсоннинг ўзи. «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг сезмасин» нақлиям одамлар оғзида бесабаб юрмайди. Менинг пул тўплаётганим аввалдан овозаланиб, Маликанинг кулогига етиб борса, унга оғир ботади. Руҳи тушкун бўлсаям, фурури осмон қиз. Қолаверса, «Фалонча сўмни дўхтири берармиш» қабилидаги миш-мишлар болаламаслиги зарур. Ким қандай тушунади ахир. Қизлик шаънига ярашмайди.

Мен палата эшигидан мўралаганимда Малика одатига кўра каравотида ўтирганча деразадан ҳовлидагиларни кузатарди. Ё бўлмаса, синглиснинг йўлига кўз тикарди.

- Дўхтирижон, тортинмай кираверинг, - деди палатадоши Гулнора опа стол устидаги дори-дармонлари қутисини тартибга келтиаркан.

- Жуда сезгиракансиз, опа, - дедим хурсанд бўлиб.

- Ундеймасу, бизларнинг эшикни ким ҳам очарди. Мёникидагиларни фақат оқшомлари қўли тегади. Маликани эса... Аммо бирар гўзал, бирар лобар синглиси бор эканки, у қизни кўрмабсиз дунёга кемабсиз. Сочларини айтмайсизми, сочларини, узун-узун, ўрим-ўрим. Ҳе-й-й муомаласигаям гап йўқ, бирар мулойим, бирар ёқимли, бирар ширин сўзлайдики, сеҳрлаб қўяди қизи тушмагур.

- Бўлди, бўлди опа, жаа оширвордингиз, - деди Малика каравотидан тушиб бошидаги рўмолини тўғрилаб, пешонасидаги тим қора сочларини қўллари билан чаккасига сураркан, - яна кўз тегиб кетмасин бечора сингилжонимга.

- Бечора деганингиз нимаси, Маликахон, - бўш келмади аёл. - Сиздақа оқила ва меҳрибон опаси туриб қанақасига бечора бўлади, жудаям баҳт-иқболли экан.

- Илоҳо айтганингиз рост чиқсин! - Малика ўксиниб-ўксиниб қўйди ичиди. Буни фақат ўзи ва мен сездим.

- Энди сизларга ҳалақит бермай, физиотерапия хонасига бориб келай, шамоллашимга щам кучли таъсир қиляпти. Оёқларимдаги оғриқларимгача қувяпти. «Ҳадеб уколга ёпишволавермай, мана буларният кўринг-чи» - деганингиз яхши бўлган экан, Ботиржон.

- Фитобарданам фойдаланяпсизми? - дедим муолажаларни назорат қилгандай.

- Кийик ўт дамламасидан ичяпман, қон босимимни осонгина жойига келтирволдим, раҳмат ука!

- Омон бўлинг!

У кўлига сочиини олди. Бизни палатада ёлғиз кўйди. Негадир дарров гапимиз-гапимизга қовушиб кетолмади. Малика ўзгариброқ қолганди. Ҳомуш, бепарво, лоқайд.

- Бугун эрталаб кирибоқ кетишингизни айтгандингиз, - дея ёрилди охири.

- Устозимга учрашишим кераклигини тайинлаб қолишди, - дедим яширмасдан.

- Устозингизгами, ё қизларигами?

- Бу нима деганингиз?

- Ёлғон айтяпманми?

- Рост, ўлай агар аввалдан Шаҳлони отаси хонасидалигини билган бўлсан.

- Исллари Шаҳломи?

- Ҳа.

- Қачондан танишсизлар?

- Институтда курсдош эдик.

- Фақат шугинами? - Кўзларини жовдиратиб тикилди менга у.

- Бошқа гап йўқ. - Таажжубланиб елкамни қисдим.

- Мен эса...

- Нима ҳали бизни эски Лайли-Мажнунлар деб ўйлабмидингиз?

- Тасодифан ойнадан кўзим тушди. Қаергадир бирга-бирга чиқиб кетдиларинг. Кейин икки-уч соатларда қайтдиларинг.

- Шунгача ҳисоб- китоб қилиб ўтирибсизми?

- Ботир ака, сиз менга кераксиз, жуда-жуда кераксиз.

- Малика, ўзингиздан ниманиям яширадим. Очифини айтиб, кувонтириб қўяқолайми? Кейинги пайтда мен

учун энг азиз инсонга айландингиз, шундан шодлигим ичимга сигмай юрганини наҳотки пайқамадингиз.

- Сиз, танҳо сиз мен учун дунёдаги барча қувончлардан, барча баҳтлардан устун туришингизни билсангиз эди.

- Биламан, жоним биламан, - дедим беихтиёр юзмаз икки қулинини икки қўлим билан ушлаб. Кўзларимизга тик боқишиб, унинг қорачигида мен ўзимни, менинг қорачигимда у ўзини кўради. Вужудимизни ҳаяжон ва титроқ қамраганди.

- Хуш, яна қандай қувонч кутиб турибди?

- Сизни Ҳиндистонга операцияга олиб бормоқчиман. Янги буйрак қўйдирмоқчиман.

- Чинданми, алдамаяпсизми, наҳотки бунинг иложи бўлса, Ботир ака?!

Малика хушхабаримдан ўзини йўқотаёзди, беҳад севинганидан беихтиёр мени маҳкам қучиб олди. Бошини елкамга қўйганча ҳўнг-ҳўнг йифларди...

\* \* \*

Кутилмаганда миямга бир истак келганди. Севгилимнинг ишончи ва қувончини кечикмай тезроқ мустаҳкамлаб қўйишга қарор қилгандим.

Узук чўнтағимда. Бошқа қизлар учун шу тилла мато баҳт остонасидағи ҳам одатий, ҳам рамзий совғадир, аммо менинг Маликам учун эртасига ишонч, яшашига умид уйғотувчи сеҳрли узук! Нозик бармоғига ҳозирдан тақиб қўйишими шарт. Гўё бармоғидан мен маҳкам тутиб тургандек ҳис этмоғи Маликанинг сұнаётган ҳаёт шамини кундан-кунга қайтадан оловлантириб бораверса не ажаб!

Токи иккинчи буйрагиям қонини фильтрлашга куввати етмай, танаси сўлгинлашиб бораверар экан, энди кутиш ортиқча. Фурсатни бой бермай, навбатдаги қувончини ҳадя этаманда, хориж сафарига пул жамғараман.

Йўл-йулакай қарорим қатъиylашганди. Ойим айтганларида лапашангликни йифиширишим, аксинча журъатли йигитлигимни Шаҳлога эмас, Маликага муносабатимда исботлашим шарт. Оиламиздагилар аҳволимга томошабин булишмаслиги керак, ҳатти-ҳаракатимгаfov турмасликлари зарур. Ҳаётимни ўзим истагандек йўлга солволишинга кўмаклашишлари лозим. Яқинларим мададисиз ҳеч нарсага эришолмайман. Вақтлар келар, машхур шифокорга айланарман, «Ботир Нодирович!» деб атрофимда парвона бўладиганлар кўпаяр, данғиллама уйу, ялтир-юлтири машиналарга эга чиқарман. Қўлимни қаерга-узатсан, ўша ёққа етар. Ҳозирча қўллагувчи одамларсиз ҳеч кимман. Агар Маликага янги ҳаёт бағишлишга муяс-карлансан, дунёда менга етар одам бўлмайди.

\* \* \*

Вилоят бошқармасидан чақиришгани учун яна шаҳарга бориб-келгачгина шифохонага ширин хаёллар огушида, мамнун кайфиятда кириб бордим. Дарвоза олдида Маликани учратиб, ҳайрон бўлдим.

- Эсиз, - деди у нимагадир ачингандай.  
 - Тинчликми? - Ташибшландим тушунмай.  
 - Синглимни эндингина «Дамас»га ўтқизворгандима. Сизга таништиromoқчийдим, келавермадингизда. Уйдагилар аранг ярим соатга рухсат беришган экан. Унгаям қийин, ўқишдан қайтибоқ муросайи мадора учун фўзапоя дасталагани далага етиб бормаса, янгамнинг чакаги ёпилмайди. Майли, мени кўришгани келишмасаям, синглимни тинчгина олиб ўтиришганига минг бора шукур.

- Сизнинг йўқлигингизни синглингиз билдирмаётганда, - дедим кўнглини кутармоқ учун.

- Аллоҳимнинг ҳисоб-китобига қойил қолмай иложимиз қайда, - дея бошини секингина силкиди у. -

Кимнидир қалқытадио, кимнидир унга таянч қилиб құяди. Кимнидир баҳтдан қисадио, кимнингдир баҳтига айлантириб құяди. Кимнидир узоқ күттирадио, кимнидир охири рўбарў этади. Ўзи қудратли, ўзи улуг.

У яна иккимизга ишора қилаётганди, яна армонлари ушалишига ишонч туғилиб, маҳзунликдан кутулаётганди, масрурланаётганди.

- Каерларда юрибсиз демайсизми? - Савол ташладим палатага кирибоқ.

- Ҳадеб тергов қилавериш одатидан бегонаман.
- Кўзингизни юминг!

У буйруғимга бўйсунди.

- Кафтингизни очинг!

Айтганимни қилди. Қизил жилдли митти қутичани унинг қўлига қўйдим.

- Энди қарашингиз мумкин.

Малика кўзини очибоқ, ҳайратдан севиниб кетди.

- Янглишмасам узугов, - деди эркаланиб.
- Адашмадингиз - бу никоҳ узуги.

Сабрим чидамай ўзим қопқоқласини очишга шошилдим. Ёкут кўзли узук деразадан тушиб турган кечки, қуёш нурларида ялтираб жилоланди.

- Намунча чиройли, орзумдаги узукни танлабсиз, - деди кулимсираб. - Лекин бугун тақолмайман, кўрганлар нима дейди?

- Одамларнинг гапидан қўрқамизми, ахир бизлар бўлажак келин-куёвлар эмасмизми!

- Ботир ака, минг раҳмат! Ҳар хил миш-мишлар тарқалиши мумкин. Майли, авайлаб сақлаб турайин. Биласизми, Ҳиндистонда операциядан соғ-омон чиққанимда ўзингиз тақиб қўясиз.

- Яхши ният - ярим мол. - Маъқулладим хурсандлигидан хурсандлигим ошиб.

- Ҳозирги ҳолатимизни синглим кўрганида боши осмонларга етарди.

- Бу сафар келганида, албатта, бехабар қолмай,-  
дедим мен ҳам уни кўришни истаб.

- Кимнинг боши осмонга етади? - деди Гулнора опа  
палатага кириб келаркан.

- Сингилжонимнида, сингилжонимни, - деди Ма-  
лика бамайлихотир, - яқин орада хорижга бораркан-  
миз, дардан бутунлай кутулиб қайтарканман. Қоним-  
ни кейин сунъий тозалатишинга ҳожат қолмасакан,  
опажон!

- Хушхабардан оғзингиз қулоғингизда экан-да,  
Маликахон, - деди у шодлигига шерикдай, - дўхтири-  
конга раҳмат дeng, дўхтирижонга, кеча-кундуз сизни  
гузаторишини ўйлаб, узоқдан бўлсаям охири нажот  
манзилини топибдилар. Ҳали иккингизнинг тўйла-  
рингизда роса яйраб ўйнамасдан қўймайман. Келган  
кунимда қай аҳволдайдингиз, бугун бутунлай бошқа-  
лиз. Ҳай-ҳай, ҳай-ҳай, туф-туф дeng, кўз тегмасин!

Кўнглим ўрнига тушди. Маликага жилмайганча  
сўзимни қисиб «кетдим» ишорасини қилдим. Бўлим-  
лаги ишимга шўнгидим, оқшомга бориб, яна кўнгли-  
зи кўтаргач, уйимизга жўнадим.

\* \* \*

Онам билан синглим ҳовлида сигирнинг сутини  
сувилашаётган экан. Дарвозамиз остонасидан ҳатла-  
шим биланоқ кутилмаган муомалага дуч келдим.

- Ҳа, ичидан пишган болама, келиним билан уч-  
жашибибсану, мен эса...

- Сизнинг феълингизни яхши биламан ойи, - дедим  
ўркаланиб, - унча-мунча одамни ёқтиравермайсиз.  
Маликайм буни ҳали билганича йўқ. Аммо «Бахтли  
инсонакансиз, ажойиб ойингиз бор эканлар» дея  
јаваслаяди.

- Кизим бечора онасизми?
- Отасиз ҳам.
- Афсус, гирт етимакан.

- Ёлғизгина синглисига суюниб яшайди, икковла-  
риям амакисиникида.

- Ишқилиб амакиси яхши одамларданмикин?

- Ундан бехабарману, янгаси ўта бемуроса аёлга  
ўхшайди, шифохонада қорасиниям кўрмадим. Ама-  
кисиям хотинининг чизган чизигидан чиқолмайди  
чамамда, жиянининг мушкул аҳволи билан унчалик  
қизиқиб кўрмадиям. Ташиб кетганича дастлаб куно-  
ра келиб турди, кейин зим-фойиб кетди. Жуда ачина-  
сан киши.

- Ачинишга ачинасану, начора ўғлим, - ойим мақ-  
садга кўчдилар. - Аҳду паймонларинг чинми?

- Аҳду паймон қилишгача етмадик.

- Сабаби нимада, ким қарши?

- Ҳеч ким.

- Унда очишини айт, яширма, онангману ахир.

- Малика турмуш қуришга тайёр эмас.

- Бу нима деганинг? Кўзимга ёш кўринмади, бўй-  
бастиям келишган.

- Ойи, одамнинг фақат сиртигамас, сийратигаям  
боқсак, иннайкейин тўғри хулосага келишимиз мумкин.

- Сийратига нима қипти?

- Барча дарди ичида, битта буйраги қуриган ҳисоб,  
иккинчисиям...

- Нима, сен ичига кириб чиққанмисан?

- Аппарат кўрсатяпти, аппарат.

- Ўша аппаратинг адашмайдими?

- Қанийди адашса, қанийди.

- Тузалиб кетадими?

- Астойдил даволатсак, сабр-тоқатли бўлсак.

- Сен билан бизгагина боғлиқми унинг соғайиши?

- Шундай, чет элда операция қилдирилсагина унинг  
умрини сақлаб қолиш имконияти бор. Фақат бунга  
катта пул керак.



- Вой шўрим, ўлим оғзидаям жилмайиб боқаётганмиди бояқиши қизим. Яқинлари қараб туришмас.
- Айттиму, яқинларидан умид йўқ ҳисоб. Ёлғизгина синглиси эса коллежнинг битирувчи ўқувчисиймиш.
- Ота онасидан мерос, бойлик-мойлик қолмаганикин?
- Ким билади амакиси эга чиқволгандир, бўлмаса опа-сингилни эшигидан киритадиганлардан эмасдай кўринади.
- Қанийди бирор савоб излаган учраса, қизимнинг мушкулоти бошидан осон арирмиди.
- Ойи, бизга савоб керакмасми?
- Керак бўлганидаям noctormiz, бор-бурдимизни даволатишга харжласак, тўйга нима қолади.

Ойимнинг қулидан куви дастасини олиб, маҳкам тутганича ботириб-тортиш ва сутнинг ёғини кўпиртириш билан овора бўлаётган Нозима «фув-фув»ни тўхтатди.

- Акам чин дилдан севсалар, ёрдамимизни аямайлик, ойи! - деди у менинг ёнимга кириб.
- Аслида бошқа ниятдайдим. Бироқ Шаҳло қизим сендан олдинроқ келиб, «Ўғлингизнинг боши қотган. Агар раъйига қарасангиз, топган-тутганингизни кўлига тутқазинг. Сиз куймасангиз, биз куймасак, у ич-этини еб юраверади. Жон ая дадамларгаям айтаман, уйнинг эркагини у киши йўлга соладилар. Ботиржонингизни биргалашиб қўллайлик! Худо хоҳласа, келин остоңан-гизга қулдай сажда қиласди. Шириндан-ширин неваралар кўрасиз, ўғлингизнинг давлатида узоқ йиллар беармон яшайсиз» дея уқтириб кетди. Қизи тушмагурнинг оқилалигига қойиллар қолдим. Мен асли унинг ўзини келин қилмоқчийдима, тақдири қўшилмаса қийин экан. Шундоққина қўлингни узатсанг етадиган, соппа-соғ қизни назарга илмай, касалвандга кўнгил

қүйганингни қара. «Мұхабbatнинғ күзи күр» деганлар янглишишмаганакан.

- Ойи, касалвандлаб нолиганингизга кейин уялиб қоласиз, - дедим шу сүзни дилимга қатық олиб.

- Қанийди, жон болам, уялтирадиган кунларингиз тезроқ кела қолса.

Беихтиёр онам бағриларига босиб, бошимни сила-дилар. Ногоҳон соchlарим остидаги эски чандиққа қўллари текканида болалигимни эсга солиб юбордилар.

\* \* \*

Ўшанда ўн ёшлар чамасидайдим. Мактабда фақат аъло баҳоларга ўқиганим учун Фовадаги ёзги оромгоҳга йўлланма менга насиб қилди. Тоғ олдидаги сўлим гўшада уйчалару палаткаларда яшаймиз. Пастликда эса шошқин сой сувлари шоввлаб оқарди. Юздан зиёд ўғил-қиз ҳеч ўйнаб зерикмаймиз. Дам тўп тепамиз, дам ҳовузда чўмиламиз, дам ашуласар айтиб, барабанни савалаб, горнни қийқиртирамиз. Сира-сира тиниб-тинчимаймиз. Кунлардан бирида ўртоғим Расул билан сойни қирғоқлаб бориб, тип-тиниқ зилол сув ичидағи чавоқ балиқчаларга кўзимиз тушди. Жуда -жуда ушлагимиз келди. Мен майкамни ечиб, елка томонини бир бирига боғлаб, балиқлар йўлига тўсиқ қўйдим. Тиззамгача чуқурлика ботганим учун муздек сув оёғимни караҳт қилаётганиниям сезмабман. Расул чавоқларни ўт-ўланлар остидан қўлидаги калтаги билан чўчитиб, мен томон куварди. Балиқчалар ниҳоятда айёракан. Майка «тўр» ичига кириш ўрнига чап беришиб, ёнидан думларини ликиллатганча қочишарди. Овнинг завқига берилиб кетиб, сувга энгашволиб, уларни тутаман деб ногоҳ оёғим тойди. Сип-силиқ тошлардан сурилиб, сойнинг оқимига ўтиб қолибман. Сув мендан кучлилик қилди. Ўзим сезиб-сезмай қал-



қиб чалқанчасига йиқилдим. Оғзи-бурнимга сув тұлди. Бошимни кутаришга мажолим етмади. Кейин нима бұлганини билмадим. Бир вақт құзимни очсам, устімда отам билан ойим күз ёш қилиб үтиришибди. Бошим оппоқ дока билан танғиб боғланибы.

- Умрингдан боракан, болам, сой ичида балиқ овлашни ким қўйибди сенга? - Зорландилар ойим.

- Ҳозир шу гапнинг үрними, тирик қолганига шукур қиласылыштың энди. - Отам жилмайдилар. Роса сұқадилар деб үйловдым, аксинча, қаттиқ гапирмадилар.

- Ботир аталганидан кейин ботирлигини курсатмоқчи бұлғанда үғлим. Энди иккінчи бундай қилмайди, тұғрими? - дедилар.

Маъқуллаб бошимни қимирлатиб юборибман, бирам зирқираб санчдик, худди құзимдан үт чақнадиёв. Оғриқдан жийиндим. Инқиллагани үшқиришларидан құрқдим. Ҳозиргина мақтовимни келтирғанлари учунми тишимни тишимга қўйдим. Яна үйқуга кетдим.

Орадан икки кун ўтибоқ тасодифий ҳодиса орқасидан ўлиб кетишім мүмкінлегини, фақат Азамат амакининг жонғидолиги туфайлигина омон қолганлигимни айтишди. Ажабланарлisisi, мени күтқариш учун катта тезоқар сувга ташлаган халоскоримнинг үзиям үлем оғзидан қайтиши осон кечмаётғанligini билдім. Анча азобланибы.

Отам билан етаклашганча шифохонанинг жонлантириш бұлымиға ўтдик. Ҳеч кимни ичкарига қўйиш масакан. Беморни күргани келғанлар залда кутишаркан. Бир аёл рұмольчаси билан күз ёшларини артиб, ёнидаги икки қизчасига ҳорғин бокиб, йұлакдаги үриндиқда үтиради. Уларнинг ёнига яқинлашдык.

- Қўзларини очдиларми? - деди отам ҳамдард бұлғандек секингина.

- Ҳушларига келай-келай деб ётибдилар экан, бу ёғигаям худо пошшо, - деди аёл йиғламсираб.

Қизчалар опа-сингиллиги учун икки томчидай бир-бирларига жуда-жуда ұхшашарди. Бүйларидан фарқланмаса, кийинишлиариям бир хил эди.

- Сен нодонни деб...

Отам құлларимдан маҳкам сиқдилар. Додлаворишимга сал қолди. Гуноқкорлигим учун ерга қарадим.

- Қайдан билсин, болада, энди айблашимиздан нима фойда, асло уришманг, бечоранинг ўзиям ўлимнинг оғзидан қайтган бўлса, - деди тарафимни олди аёл.

- Норасидаларимнинг баҳтига отамизнинг тани-жонлари соғайса, олам гулистон. Кўрмагандек бўлиб кетамиз бу кунларни.

Шу пайт эшик очилиб, оқ ҳалатли ҳамшира чиқди.

- Опа, акамиз ўнгландилар, хавф ўтди ҳисоб, сизни йўқлаяптилар, - деди овунтириб.

Қизчалари «Дадамни кўрамиз, дадамни кўямиз» дея ҳархаша қилишларига қарамай, фақат аёлнинг ўзини ичкарига олишди. Уларни отам юпатишга уриндилар. Бирдан қизчаларнинг кўзи менга тушиб, ҳолатимдан ҳайрон бўлишди.

- Бошинга нима қилди? - деди яқин келиб каттароғи.

Мен индамай хўмрайиб олдим.

- Оғрияптими? - Қизиқди яна.

- Нимага оғриркан.

- Бойлаб қўйишибдиту, - деди кичиги бошимга термулиб.

- Ҳечамда, - дедим ўзимни кўрсатгим келиб.

- Биз татта бўлчак дўтий бўямиз. Сенгаям дойи беямиз, укол киламич, уколдан кўкмийчанми? - деди маҳмадоначилик қилиб.

- Құрқмайман! - дедим үғил болалигим учун мақтандандай.

Күп ўтмай ҳалиги аёлни чехраси ёришган ҳолда күриб, отамнинг күнгиллари хотиржам тортди.

- Хушларидан айрилсаларам, хайрият бирор жойлари чизилмабди. Тұрт мучалари соппа-соғ змиш.

- Тушунарли, болани қутқараман, эсон-омон қирғоққа чиқараман деб күп уринганлари тайин, ўзларини аямай охири ҳолдан тойған эканлар. Бунақа одамлар камдан-кам. Олдиларингда оилас билан бир умрга қарздормиз, - дегандилар отам ўшанда.

Үндән кейин әртасига яна қизиқ ҳодиса рүй. берди. Чуст шифохонасини мухбирлар босди. Сүрадилар, ёзди-чиздилар, ҳатто фотоаппаратда расмга туширдилар. Эртаси куни мухбир бизга суратларни пуллаб кетди. Ҳафта ўтмай суратимиз газетадаям босилди. Үртада Азамат ака, ўнг ёнида мен, чап томонида икки қызчаси. «Халоскор Азамат ака» деган мақолада бизнинг воқеани ипидан игнасигача батағсил ёзишибди. Мухбирлар мақтовни оширвoriшмасин деб Азамат ака «Мен оддий инсонийлик бурчимни адо этдим, холос. Буни қаҳрамонлик аташларинг ножоиз. Сувга чўкаётган болани курган қайси одам томошабин бўлиб тура оларди», деб изоҳ бериб қўйғанларигача қолдиришмабди. Ҳали-ҳали сурат ҳам, суратли мақола чиққан газета ҳам менинг хонамда сақланарди. Кейинчалик негадир Азамат акани учратмадик. Қидирмабмизам. Яхшиликни унугиб юборған эканмиз. Эсиз, онам бошимни силамаганларида ҳозир ҳам эсламасмидим.

- Ойи, - дедим охиста.

- Лаббай болам, - дедилар энг яқин дардкашим.

- Ҳу-в-в болалигимда сойдан қутқариб қолған Аза-

мат ака билан биргалиқда тушган суратимиз бор эдию, үша қаерда, асраб құйғанмизми?

- Нега келиб-келиб бугун эслаяпсан?

- Бошимдаги чандигимга бармоқларингиз текканида ўлим чангалидан ҳаётта қайтарған инсоним күз ўнгимдан үтиб кетди-да.

- Сандиқда сақлаб юрганман. Иложи бўлса, сафардан қайтгач, ҳаётингни сақлаб қолган одамни қидириб топ. Найманча билан Бекободнинг ораси узоқ маску.

- Тұракүрғонда ишлашимни унудингизми, Бекобод у ердан бир қадам. Шундоққина Косонсойнинг қырғоғыда. Фамилиялари эсингиздами?

- Муродов бўлиши керак, агроном Муродов. Пахта илмининг устаси дейишарди. Газеталарга күп-күп ёзишар, радиодан тез-тез гапиришар эди. Кейин-кейин жимиб кетиши. Ишқилиб яшаб юрган булсинда. Құғирчоқдай чиройли-чиройли икки қизчанинг отасииди. Орадан ўн беш йил үтди. Эҳтимол бўйлари етиб, каттасиниям куёвга узатгандир. Яхшиликнинг ерда қолгани ёмон. Яхшиликни билмаганларнинг косаси ҳеч оқармайди. Ҳаётда рўшнолик кўрмайди. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарғанлар эса икки дунё савобини топишиади.

Онамнинг гаплари тұғрилиги учун мен халоскорими ни, албатта, топишни қатъий ниятладим. Фақат ҳозир олдимдаги энг зарур ишларимни амалга ошировлай, кейин Малика иккимиз бирга борамиз.

Отам ишдан қайтганларида ойим билан ичкари уйда мен ҳақимда анча гаплашиши. Охири бир қарорга келишган бўлса керак олдимга чиқиши.

- Ойингдан эшитдим, ҳаммаси ростми? - дедилар отам кескин тарзда.

- Шунаقا бұп қолди, - сал хижолат чекдим.  
 - Буни умр савдоси дейдилар, - «Шошилмаяпсанми?» маъносида насиҳатомуз уқтира кетдилар.- Ёқтириш бошқа, турмуш қуриш бошқа. Аввал севиб, уйланғач боши жанжалдан чиқмай юрган йигитлар қанча. Ота-онасининг топған қизи билан тақдирини боғлаб, аҳил-иноқ яшаётганлар қанча. Аслида оиласи булишнинг аниқ қолипи йүк. Шуни яхши билгинки, бу борада етти үлчаб, бир кесган маъқул. Обдон үйлаб кўрганмисан? Кейин пушаймон емайсанми?

Отамнинг юзларига тик боқолмадим.

- Сизларнинг олдингизда уялиб қолмасман, фақат даволатиш масаласида бошим қотяпти, машинамиз минилмай эскириб ётгандан кура, сотиб пулини ишлатиб турсаммикин?

- Агар шу билан муаммо ҳал бұлса, майли, бугунни эртага кўймай бозорга олиб бор, неча милёнга кирса, ӯшанга сот. Үзи қанча пул зарур?

- Ўттиз милён.

- Ўттиз милён! Вой - буй, яп-янги машинанинг нархига тенг-ку.

- Яроқсиз буйрак ўрнига янгисини қўйиш ҳисобга олинса, қиммат эмас.

- Тұғри айтасан ўғлим, инсоннинг ҳәёти олдида ҳатто милён-милён бир чақага арзимайды. Пули борларга аслида шундай. Биздақалар учун эса...

- Менам қараб турмайман, - дедим отамлар айниб қолишлидан чучиб.

- Кимга сарғаясан, кимга? Ойликчининг ойлиги унинг катта бойлиги деб үйлама. Ҳаммадаям пул ошиб-тошиб ётмайдиу, боғи-роғлари кенг қариндошларимизнинг олдидан бир үтиб күрайчи, - дедилар отам умидимни сұндиրмасдан.

- Майли. - Кўнглимда илинж уйғонди.

\* \* \*

Эртасига саҳардаёқ ишхонамга шошилдим. Ўйлага-  
нимдай Малика кузда очилган атиргуллар қошида  
ўтиради. Менга қўзи тушибоқ ўрнидан турди.

- Келяпсизми, - юзларида табассум ўйнади. - Ҳаёт  
нақадар ширина, Ботир ака. Жудаям лоқайд бўлиб  
қолган эканман. Сизни учратгач, эртамдан умидим  
узилганиям ёдимдан чиқди. Яшашга, яшагандаям ҳар  
лаҳзанинг қадрига етиб яшашга нима етсин. Ўлим-  
нинг юзи курсин! Тўғрими?

- Ана энди ростмана ўзингизга келдингиз, - дедим  
кайфиятим чоғланиб. - Тонги ҳаво - янги ҳаво. Тўйиб  
- тўйиб нафас олганингиз сезиляпти. Янгиланиб боряп-  
сиз кундан-кун. Малика ҳали олдимизда бирга- бирга  
босиб ўтадиган умр йўлларимиз бизларга маҳтал. Ўша  
умр йўлларимизда фақат-фақат баҳтлар бекати були-  
шини истайман. Қайгулар қўналға тополмасинлар.  
Энди айрилиқлар нелигин билдирамасин бу ҳаёт. Топ-  
дим деганда йўқотишдан арасин тангрим.

Қарасам, Малика билан гапимиз тугамайди. Мен  
тезроқ «Жигули»мизни машина бозорига етказишим  
керак эди. Гапни қанча қисқа қилишни истамай, у  
ғунча лаблари ичидаги тўлиб турган сўзларини ошкор-  
лашдан тинмасди.

Ногоҳон суҳбат мавзуини бошқа томонга бурдим.

- Кеча оиласиз учун нақадар қадрли инсонлардан  
бирини унутворганимизни эслаб, қўнглимиз бира  
хира тордиган, - дедим Маликага.

- Ким экан ўша нақадар қадрли инсон?

- Бекободлик эди. Ҳамқишилогингиз, сиз яхши та-  
нисангиз керак, Азамат Муродов деган агроном.

- Ким?! - худди чўчигандай вужуди бир силкиниб,  
қўзларини катта- катта очганча галати тикилиб қолди  
менга у.

- Азамат Муродов, учрашишимиз керак. Иложи бўлса тезроқ, - таъкидладим яна.

Малика хомуш бош эгди.

- Соғайволай, ўзим бошлаб бораман. Аммо уйлари-га эмас, қабрларига...

- Оламдан ўтганларми?

- Анча бўлган.

- Минг афсус, кечикибмиз, уйимиздагилар ҳам эшитмаган эканлар. Онам «Топишинг керак!» дея тайинлагандилар.

- Сабабини очиқроқ айтинг! - деди Малика кўзларида ёш қалқиб.

- Ия, йиғлаясизми, - таажжубландим тушунмай, - кўз ёш тўкишни тўхтатинг энди. Бундан буён сизга йиғлоқилик ярашмайди,- дедим уқтириб.

- Айтмасангиз, айтманг, - у мижжасидаги ёшга рўмолчасини аста-аста босди.

- Айтаман, сизга айтмай кимга айтаман. Фақат бугун эмас, эртага хотиржам эшитадиган ҳикоя, Ҳозир эса зарур юмуш билан бир жойга бормасам бўлмайди.

- Қачон қайтасиз?

- Нимайди?

- Синглимни кўрсатишим, таниширишим орқага сурилавермасин!

- Худо хоҳласа, эрта-индиндан ёнингиздан жилмайман. Гулшаной билан aka-сингилга айланиб кетамиз. Сизга қанчалик суюнса, менгаям шунчалик суюнишига эришаман. Ҳатто операциягаям бирга олиб кетишни мўлжаллаяпман. Ёнингизда турганини ҳисэтсангиз, янаем дадилланасиз.

- Чиндан айтяпсизми?

- Ёлғонга ўрганмаганман.

- Қандай бебаҳо инсонсиз, Ботир aka, шуларгача

үйлаб қўйғанмисиз? Дунё бир кам эмасакан, айниқса сиздақалар камини тұлдириб қўйишаркан. Қулокла-римга сира-сира ишонгим келмаяпти.

- Нафақат қулоқларингизга, кейин күзларингиз-гаям ишонмай қўяверасиз, Малика, сизга ҳеч ким кўрмаган баҳтлар эшиги мунтазир.

- Ўзингиз билан бирга бўлса майли. Ўша эшикка етгунча ҳар қандай қийинчиликларга, азобларга чидайман. Сиз эса унгачаям мени ёлғизлатманг. Ёлғиз-лик ҳатто қуёшниям не ахволларга солади-я. Кундузи билан на самодан, на ердан ҳамдард тополмай, кечки пайт бағридаги қонга беланиб уфққа йиқилади.

- Кейин эса тунни оёқлатиб яна уфқнинг бу дарвоздасидан мўралайди, - дедим ҳазил аралаш унинг фикрини давом эттиргандай.

- Бунга қувонманг, яхши йигит, қуёшку эртага қайтар, Маликангиз эса...

- Яна айнидингиз, иродали қиздан бу гапни асло кутмагандим.

- Маликангиз қуёш эмас, шуни унугманг!..

Негадир юрагим шув этиб кетди.

\* \* \*

Маликага қаерга ва нима учун кетаётганимни айтмаганим ҳали ўшанча пулни тўплай олишимга ақтим етиб-етмаётганди. Шу чоққача бундай катта бойликни мәнгинамас, отамгача кўлларига ушламаганлар. Бугун ўта зарурият туфайлигина миллион-миллионларни қидириб турибмиз. Бозорга соладиган «Жигули»миз қанчага кириши ҳозирча маълум эмас.

Бир девор қўшнимиз Ҳабибулла шофёрни у ёқ-бу ёгини кўрсатволишга чақирдим. У қарагунча, мен ишламай «ўтириб» қолган аккумляторини яқинроқдаги устахонада зарядлантириб - кувватлантириб келдим.

Машинамизнинг йили эскироқ бўлишига қарамай, эзib минилмаганини, кўпам уринтирилмаганини яхши билган қўшнимиз «Агар ростданам сотадиган бўлсаларинг, бегонага кетмасин» деди. Таклиф менга маъкул тушди. Баҳосини қандай белгилашимизни ўйлаб иккиландим. Ҳабибулла ака ўзича бошқача тушунди.

- Ўйланишингиз ўринсиз, Нодиржон акамам йўқ демайдилар. Машиналаринг ишончли бўлгани учун аввалдан ишқибозлигим бор эди, - деганида дилимдагини яширолмадим.

- Ўзимиз савдони қандай пишитамиз?

- Бунинг йўли осон, бозорга бирга борамиз, сизларники билан тенг ишлаб чиқарилган машиналар савдосини кузатамиз. Сиз ҳам кўрасиз, мен ҳам. Кейин келишаверамиз.

Ҳабибулла аканинг гапи тўғри эди. Шунинг учун фурсатни ўтказмадик. Намангандаги машина бозорига кирганимизда турли-туман автомашиналар тизиб қўйилибди. Биз «Жигули»лар қаторига тўхтадик. Со тувчиям кўп экан, олувчиям. Гарчи савдолашишга қўшилмасакда, сотувчиларнинг гаплари менга ёқарди. Ҳабибулла акага эса харидорларники. Чунки эгалари мақтовга зўр бериб, нархини оширишга уринишса, харидорлари камчилик қидириб, пастроқ баҳолашга тиришишарди.

Биз бир эмас, икки-уч савдонинг устида тура-тура уйимиздаги машинамизнинг бозор баҳосини тахминлагандек бўлдик.

- Эшитдингиз, кўрдингиз, энди савдони жойида давом эттирамиз, - деди ниҳоят Ҳабибулла ака.

Ховлимизга ётиб борсак, отамнинг кўнгиллари тинчимай уйга қайтган эканлар.

- Машинамизни сотишга олиб бормабсизларку, - дедилар дарвозадан киришимиз биланоқ.

- «Жигули»нгиз сотилди. Гап фақат сизда қолди, - деди Ҳабибулла ака мендан аввал.

- Қанақасига? - Тушунмадилар отам.

- Бизлар бозордан келяпмиз, сизницидақа машиналарнинг қанчага киришини билиб олдик, - дея яна гап навбатини бермади у. - «Күшнингга гилам сотсанг, бир четида ўзинг ҳам ўтирасан» деган нақлни эсдан чиқармайлик.

- Албатта, - дедилар отам кулимсираб, - келишолсак бўлгани, қани билайнчи нархини?

- Ўн икки милён атрофида, - Ҳабибулла акадан олдин жавоб беришга улгурдим бу гал.

- Пастмасми, «Машиналар нархи кўтариляпти» деган гаплар қулогимга чалинганди, - отам бўш келмадилар.

- Одамлар гапираверади, бозор эса беколип. Гоҳ ундей, гоҳ бундай, кечаги савдо бугунга тўғри келавермайди. Ҳаммамиз ўзимизча нарх бичаверамизу, сотилгани ҳисоб, ака.

- Майли, Ботиржон нима деса шу.

Бундан отамга эшитган нарх тўғри келганини англадим.

- Ўн икки берсалар, машина ўзлариникида - дедим, нархнинг юқорисини айтиб.

Ҳабибулла аканинг пешонаси тиришди.

- Ўн бир етади, қўни-қўшничилигимизни унутяпсизларми?

- Ҳабибулла, агар чиндан олмоқчи бўлсангиз, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Сизнинг айтганингизу, бизнинг айтганимиз эмас, ўн бир ярим милённи нақд санасангиз, «Жигули» ихтиёрингизга ўтади, - дедилар отам охирги баҳони қатъий белгилаб. Ҳабибулла акаям шуни кутиб турган экан.

- Қўлни ташланг, қўшни, - деди дарров севиниб.

Отам унинг құлларини сиққанича икки-уч силтадилар.

- Бор барака, яхши кунларингизга мининг, тагидан доим шамол ўтиб тураверсін!

- Айтганингиз келсин!

- Ботиржон, пулни сен ўзинг санаб олақолгин - деганларича отам қаергадир шошилдилар.

Ҳабибулла ака елим халтада тұла пулни олиб чиқди.

- Қани, қаерда санаб ўтказай?

Мен сұриток остидаги тахта каравотимизга бошладым.

Ҳар дастаси юз мингдан экан, осонгина ҳисобкитобни якунладик.

- Янги машина оласизларми? - деди қүшнимиз ичимни кавлаб.

- Ҳозирча бунга хожат йүқ.

- Унданам зарурроқ иш чиқиб қолибди-да.

Мен унинг гапини эшитмаганга солдим.

- Айтмасанғиз айтманғ, билдім сизга ишиңгизга яқынроқ жойдан «дүм-пүм» олиб беришмоқчидир.

Қүшнимизни қийнамай «ха» дегандай ясама тарзда мамнун жилмайиб қўйдим. Аслида ичимни ит тирнагандай аҳволдайдим. Яна қулемиздагидан кўпроқ пул топишимиз керак эди. Ота-онам бор-бурдиларини беришга тайёрлару, қани ўша...

Машиналаридан бошқа бойликлари бўлмаса, сигириимишни соғиб, сут-қатигини ичиб туришибди. Роса олти йил ўқитганлари камдай тагин қийнатиб ўтирибман. Лекин Маликанинг аҳволини ўйлаганимда, ҳаётимда бундан зарур, бундан муҳим нарса қолмагандек. Бугун ўтгиз милён пулни топишдан бошқасини ўйлаёлмасдим.

Кечга қадар отамнинг қайтишларини сабрсизлик билан кутдим. Ҳадеганда дараклари бұлавермагач,

пулларни онамга қолдириб, күчага отландим. Мактабдаги синфдошларимни бир-бир кўзим ўнгидан ўтказдим. Уларнинг ҳаммалариям ўзларининг мустақил ҳаётларини йўлга солиш учун ҳаракатга тушиб ётишибди. Ёрдам қилишни истайдилару, бунчалик кўп миқдордаги пулга қодир бўлишларини ақлимга сифдиролмадим. Юрагим сиқилгандан сиқилди.



Беихтиёр институтдаги курсдошларим хаёлимга келди. Ижара уйда бирга яшаган дўстим Баркамолнинг дадаси Марғилоннинг пулдор тадбиркорларидан эди. Ўзиям ўқишни тугатибоқ хусусий шифохона ёки фармацевт укаси билан дорихона очишга шошилётганди. Агар... Жомашўйга ўтиб, у ердаги «питак»дан Марғилонга жўнаворишини мўлжалладим.

Йўловчи кутиб турган «Тико»лардан бирига ўтиредим. Эллик дақиқадаёқ Марғилонга етиб борганимизда, оқшом чўкиб, чироклар ёғдусига чулғангандан шаҳар ўзгача қиёфа кашф этганди. Катта йўлнинг икки қирғоғидаги бинолар пештоқида ранго-ранг ёниқ ёғдули номларга қарамасдан ўтиб бўлмайди. Ногоҳон «Баркамол дорихонаси» ёзувига кўзим тушди. Ҳайдовчидан машинасини тўхтатишини илтимос қилдим.

Яшил ойнакли «Акфа» эшикни аста очдим. Ишимнинг ўнгидан келганини қарангки, остонасидан хатлабоқ дўстимга дучландим. Ҳатто у билан тўқнашиб кетишимизга сал қолди. Баркамол қўлидаги папкасими ёнида кузатиб чиқаётган оқ халатли қизга тутқазиб, мени бағрига маҳкам босди.

- Оғайни деганам шунаقا бемеҳр бўладими? - деди ўкиниб. - Ахир олти йил бирга-бирга туз-намак тотдик, кувонч-ташвишларимизни баҳам кўрдик.

- Ишга шўнғиб кетиб...

- Ишиңгни пеш қилма, билиб-бilmай күнглингни сөріттәнмікәнман деб үйлаб құярдим. Яқында үзим излаб бориб, уришиб келмоқчыйдим.

- Яхшиям олдини олиб қолибман, - дедим кувонган-дай.

- Қани юр, кетдик!

- Қаерга?

- Қаерга деганинг нимаси? Уйимизга, бутун азиз меҳмонимсан. Сенга ўхшаб ишни баҳоналашни ёқти-майман.

Ташқарига чиққач, бутун Тұрақұрғонга қайтолмас-лигимга ақлым етиб, киракаш ҳайдовчига рухсат бе-риб юбордим.

Баркамолни яхши биламан. Жуда сезгир йигит. Ичингдагиниям дарров пайқаб оладиган дардкаш, очиққұл инсонлардан. У сутдай оппоқ «Нексия»сига үтиришимиз биланоқ қалитини бураб-бурамай савол-га тутди.

- Бошинга бирор мушкул иш тушмадими? - деди тезда ҳал қилиб берадигандай пинагини бузмай. - Ҳорғин күринасан?

Мен гапни нимадан бошлашни билмасдим.

- Инсоннинг боши тошдан яралаган, дүстим, бу ҳаётда нелар кутаётганини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Лекин ўлимдан бошқасининг иложини топса бұлади. Майли шошилмаймиз. Уйимизда ба-фуржа гаплашамиз. Үнгача күнглимини бузмайлик.

- Үйландингми? - Күча дарвозалари олдига етгана-да сүрадим ундан.

- Үйлансам сени түйга айтмасмидим. Үзингчи, үзинг, ё менга ўхшаб ҳозиргачаям бирорта қизни ёқтиrolмадингми?

- Еқтиришга ёқтиридиму, түйни үйлашга вакт эрта-рок.

- Бу нима деганинг?

Мен дабдурустдан сабабини айтишдан тийилиш учун гапни бошқа ёкқа бурдим.

- Оқилхон амакимнинг соғлиқлари жойидами?  
 - Дадам доимо ўзларини олдириб қўймасликлари учун тиббий профилактикага эътибор берадилар. Ойим билан «Чимён» санаторийсида даволаниб, саломатликларини мустаҳкамлашяпти. Истасанг, эртага бирга ўтиб келардик.

- Айни муддао, - дедим ўзимни хотиржам тутиб.

Бу ҳовлида илгариям кўп бўлгандиму, кейинчалик ниҳоятда ўзгартириб юборишибди. Атрофга қараб, гўё гўзал қасрга киргандай ҳис этасан ўзингни. Ҳамма нарса ўрни ўрнида. Баланд темир сўритокдаги узумлар кузак оёқлагунча узилмаганидан олтин рангта айланиб кетибди. Йўлакларга қизил бурсчаткалар ётқизилган. Қирғоқларидаги табиий гулларгаку гап йўқ, туридан бор. Ҳатто сунъийлари билан тўлдирилган. Беихтиёр қизил, оқ, пушти атиргулларга нигоҳим тушди. Малика хаёлимдан ўтди. Шифохона гулзори ичида тургани кўз ўнгимда намоён бўлди. Қайтишимни кутаётганини ўйлаб, кўнглим хижилланди. Лоақал кечиксам, ташвишланмаслигини айтиб қўймаганимга афсусландим. У ҳам мендек «сотка» тутмаслигидан аввал қувонган бўлсан, айни дамда бу матоҳ керак пайтида жуда асқотишини англаб қолдим.

- Ҳой хаёлпараст, - деди Баркамол, - синглим салом беряпти.

Ортимга қарадим. Сўнгги бор икки йил муқаддам кўргандим уни. Жамалаксоч, жиккак қизча эди. Бўйи ўсиб, кўҳликкина қиёфа касб этибди.

- Ойдинойми, - дедим худди таниб -танимаётгандай.  
 - Үхшамаяпманми? - деди одатдагидек шаддодлиги тутиб

- Үхшаяпсиз, роса үхшаяпсиз,вой қақилдоғей, орзулар яна үша- үшами? - Унинг актриса бўлиш ниятидагини яхши билардим. Бизга шеърларни ифодали ўқиб, кўшиқлар кўйлаб берарди.

- Ўзим ўзгарганимдай орзуларимгача ўзгаряпти, - деди у болалик ҳаваслари ўтиб, ҳаётга жиддийроқ қарашга ўрганаётгандай. - Сизларга ярашган оқ халат менга ярашмайдими.

- Сизга халат эмас, халатга сиз ярашасиз,- деб эркалатиб юборибман бехосдан.

Буни Ойдиной қандай тушунди билмадим, мен эса сал хижолат чеккандай сездим ўзимни.

- Хушомад кимга ёқмайди, - деди Ойдиной чехраси чараклаб, - акамгаям ўргатинг, қизларга муомалани. Қайсисини кўрсатсақ, маъқул келиш ўрнига нуқул камчилик топишдан нарига ўтолмаяптилар.

- Бўлди, бўлди, сен дастурхон ёз, Ботиржон узоқ йўлдан келган, гап билан қорин тўярмиди.- Дакки берди оғайним.

Кечки овқат пайтидан бошланган суҳбатимиз алла-маҳалгачаям поёнига етмади. Талабаликнинг олтин дамларини тилга олиб чарчамасдик. Бироқ қанчалик кайфиятимизни кўтармайлик, юрагимнинг туб-тубидаги туйғуларим шодлигимнинг сохталигини сездириб қўяётганини пайқамасдим агар Баркамол айтмаса.

- Минг уринма, очилиб, яйраб- яшнаб кетолмаяпсан Ботир, - деди ниҳоят. - Ичингдаги дардингни айт. Ёзиласан, енгил торгасан.

Шундагина ёрилдим. Малика билан орамиздаги муҳаббатимизни, қизнинг бошидаги аччиқ қисматини, ҳаёт-мамоти бугун фақат менга боялиқ бўлиб турганиниям яширмадим. Шаҳлонинг беминнат кўмаги туфайли уйимдагилар раъйимга қарши бормаёт-ганликларигача сўзладим.



- Пулга, катта пулга қараб қолибсан, дўстим,- деди Баркамол ҳамдарддай меҳр билан боқиб. - Агар шу билан қизинг яшаб кетадиган бўлса, аҳдингдан сира қайтма! Мен имконим борича ёрдамлашаман. Хусусий шифохонамдаям ишим чаккимас. Нолийдиган жойим йўқ. Нақд пул масаласи мураккаброғу, аммо сен учун эртага кечта қадар ҳал этамиз. Унгача «Чимён»га бориб келамиз. Эҳтимол ўша ерда отам билан осонроқ битар.

- Оқилхон амакигаям айтамизми, тўғри тушунармикинлар?

- Бу яширадиган ишмас, ётиқчасига етказаман, катталар биздан кўра тажрибали бўлишади. Тўхта-тўхта, яқинда бир болани Германияда даволатишга дадамлар ҳомийлик қилганмидилар. Ўзлари тилга олмасаларда, қайсиdir жамғармадагилар миннатдорчилик изҳорлашаётгани қулоғимга чалинганди.

Баркамолдан буни эшитиб, кўнглимга ёруғлик югурди. Дўстим билан миямизни дам олдириш учун шахмат тахтасига доналарни тердик.

\* \* \*

Эрталаб барвақт уйғондик. Ойдинойнинг «хой-хой»лашига қарамай, Марғилоннинг катта йўл ёқасидаги уччироқдан сал берироқда кеча-кундуз гавжум бўладиган «Ўрам» чойхонасида нонуштага ўтирдик. Талабалигимизда «Кўзашўрва»си оғзимизга роса ширин татирди. Ёғли патир билан маза қилиб, пакъос туширардик. Чойини эса ичган саринг ичгинг келаверди. Оқ яктакли, белига атлас белбоғ боғлаб олган хушмуомала чойхоначи танишгаям, нотанишгаям бирдай югуриб-елиб хизмат кўрсатарди. Бу гал иштаҳам йўқ эди. Дўстимнинг зўрлаши билан овқат томогимдан аранг ўтди.

Баркамол дастлаб дориҳонага, кейин шифохонаси-га тұхтаб, ходимларға топшириқлар бериб чиққач, бозорға кирдик. Ана бозору, мана бозор. Жондан бошқаси бора. Фақат چүнтағингиз бүш бўлмаса, истаганингиз топилади. Баркамол бойнинг боласи эмасми, қаттиқ жойда сув тұхташини оиласидагилар кулоғига қуишиганидан боҳабарман. У одатicha, нима олса, нархини талашиб-тортищди. Гўшт-ёғниям, писта-бодомниям, мева-чеваниям энг сарасини танлади. Хафа бўламан дейишимга қарамай, менга сира چүнтак кавлатмади. Меҳмон эмишман. Ўзбекона одатимизга тўғри келмасмиш.

Чимён Фарғонанинг энг гўзал, энг сўлим гўшаларидан. Қир-адирларигача чиройли. Ҳавоси ёқимли, сувлари шифобаҳш. Кузги манзараси эса яна ўзига хос экан. Йўлнинг икки томонидаги боғларни айтмайсизми. Ранго-ранг. Айниқса кўк, сариқ, қизғиш япроқли ўрикзору олмазорлар, гилосзору беҳизорлар беҳад мафтункор.

Биз санаторийга етиб борганимизда Баркамолнинг ота-онаси муолажа учун нариги бинога кетишганини билдик. Улар қайтишгунча вақтни бефойда ўтказмай ошхонага кирдик. Масаллиқларни ошпазга топшириб, паловга буюртма бердик, хоналардан бирини банд қилдик.

Тушликда тўкин дастурхон атрофида жамулжам бўлдик. Оқилхон амаки ўғлининг ёнида мени кўрганларидан мамнун эканликларигача яширмадилар. Дўстликни қадрлаш борди-келдига боғлиқлигини алоҳида уқтиридилар, оғир дамларда бир-бирларига тиргак туриш, beminnat кўмакни аямасликкача гапирдилар. Уша пайтда ичимда уялиб кетдим. Баркамол бир йил аввал мени йўқлаб борганида, кўп ваъдалар берганимча қорамни кўрсатмаганимдан афсусландим.

Хозирга келиб, боши берк күчага киргандек чорасизланганимда улар эсимга тушгани беҳад хижолатли туюлди. Шундай оқибати бутун инсонларни яқин орада йўқламаганим ва бугун уларнинг олдида қарз сўраб турганим қизиқ эди-да. Ҳаёт катта-кичикка доимо мактаб деганлари шу бўлса керак.

- Хозир индамай кўяқол, - дедим ёнимдаги Баркамолнинг қулоғига шивирлаб. - Санаторийга орқалиридан келиб, пул сўраш жуда уятли.

- Сени бугун учратаетганлари йўқку, қадрдонмиз, қолаверса яшашнинг ўзи бизларни синовларга солади, қандайлигимизни тафнам чукурроқ билиб олишимиз учун, - деди бошқаларга эшиттирмай секингина.

- Унда кетишимиз олдидан ёлғиз ўзларига айтайлик.

Шуни маъқул ҳисобладик. Икки чархи товоқда ҳовури кўтарилиб, ёқимли бўй таратаетган палов олиб кирилди. Бизнинг ўзбек таомларига етадиган овқат камдан-кам. Уйдагисигаям оғзимиз ўрганиб қолган. Тўйдагиси яна бўлакча. Чойхонанини эса оддий паловмас, тилимизда «Паловхонтўра» аташимиз унинг даражасига монанд баҳомиз. Шу ўзбекона таомимиз миллатимизнинг рамзига айланганидан фаҳр туямиз. Бошқа халқларнинг меҳмонавозлигимизга, половсиз кузатмаслигимизга қойилар қолмай иложлари қанча. Юртимизга ташриф буюрган хорижликларнинг эътирофларини эшлиш бизлар учун фоят мароқли.

- Умрингдан бир кун қолса ҳам палов е, - деб бежиз айтишмаган ота-боболаримиз, - Оқилхон амаки худди менинг фикрларимни уққандай гапни ошга бурдилар.

- Бай-бай, ширинлигини қаранг, Баркамол аччиқ чойдан қуй, кучини у кесмаса, бизга оғирлик қилиб кетади-я, ўғлим.

Давра тобора жонланиб борарди. Дўстимнинг отаси бирга бошлаб чиқсан дам олувчи биродарларига ик-

кимизни таништириб, мақтаб-мақтаб завқландилар. «Дўстликларинг сира-сира бузилмасин, ораларинг ҳеч қачон узилмасин!» дея дуолар қилишди. Биз ёш шифокорларга эзгу ниятлар тилашди.

Оқилхон амаки жуда ҳушёр инсон экан. Хайрлашиш олдидан Мавлуда аяга ичкарига кириб туришини тайинладилар, иккимизни санаторий дарвозаси рӯпарасида саволга тутдилар.

- Безовталикларинг боисини энди айтарсизлар, - дедилар дабдурустдан.

Баркамол лўнда қилиб аҳволимни тушунтиришга уринди.

- Етарли, - дедилар бирдан Оқилхон амаки ечими осондай. - Шоғирдим Усмон Мирзога учранглар, икки-уч ишбилармонларда ҳақларимиз бор. Беш минг долларини сизларга олиб берсин! - Сўнг менга қардилар.

- Бардам бўл, Ботиржон! - Далда бердилар елкамга қўлларини қўйганча. - Савоб ишга сарфни аямаганинг орқасидан омад кувиб юради. Худо хоҳласа, тўйларингда ўзим кутловлар айтаман. Баркамолгаям бирор қиз ёқиши билан тўй кунини тайинлаймиз. Ёнида ўзинг турасан, қамишдан бел боеглаб хизмат қиласерасан. Қани вақтни елга совурманлар, Марғилонга тезроқ етволиб, ишни битказинглар, - деганларича шошилиб санаторий дарвозасидан кириб кетдилар. Ҳатто, раҳматгаям улгуролмадим.

Ўчиккандай Усмон Мирзо фирма иши билан Кўқонда юрган экан. Баркамол қўл телефонида боғланиб, отасининг шошилинч топширигини айтди. Уям чапдаст йигитга ўхшади. Бир соатча ўтар-ўтмай Марғилонда пайдо бўлди. Машинасини елдириб қаёққадир кетдию, анча-мунча доллар билан қайтди.

- Тадбиркорларда катта пулни ушлаш одат эмас, -



деди бизга тушунтиргандай. - Пулни оборотга қўйиш шарт. Айланиб туриши керак. Бу пулдан пул тугдириш деган гап. Атайлаб Наманган томонлардан келибсизми, ишингизни чала битирсам, устозимнинг ишончларидан чиқиб қоламан, яна икки-уч соат сабр қиласиз, меҳмон, - деди тоқатсизланаётганимни фаҳмлағандай.

Албатта, Маликанинг ташвишланаётганини, домдараксиз иккинчи кунни ўтказаётганимни ўйлаб сиқиламану, бу ёқда қўлимга долларлар тутқазишаётганини кўриб кувонаман. Маликага сюрпризмни айтишим яқинлашаётганидан ҳаяжонланаман.

Кечки ўнларда Усмон Мирзо билан Баркамол 5000 долларни бутлашди. Катта пулинг бўлса, ташвишингача катталашаркан. Марғилон марказигача кузатиб чиқсан дўстим яқин танишларидан бирининг «Нексия»сига ўтқазиб юборди. Мени ташлаб изига қайтиши кераклиги учун ҳайдовчиям машинаси тезлигини сира пастлатмади. Тунда бир соатга қолмай Тўракўргонга кириб келдик. Асфальт йўл бўйидаги ҳовлимиз олдида тушиб қолмаганимга сабаб Маликага буғуноқ хушхабаримни етказиш эди. Шифохона ҳовлисига кириб, у ётган палата деразасига кўз ташладим. Чироги ўчган. Кута-кута уйкуга ётибди. Шуни ўйлаб шаштим пасайди. Бемаҳалда безовта қилишга кўнглим бормади. Бошқа bemорлар кўришса, нокулай аҳволга тушмаслик учун зудлик билан уйга қайтишни маъқул билдим. У ёқда ота-онамнинг кўзлариям йўлларимга тўрт бўлиб ётгандир. Ташқарига чиқдим. Кутиб турган киракаш «Дамас»сига чақирди. Зумда Найманчага етдик. Янглишмаган эканман, дарвозамиз очиқ, ҳовлимиз чироқлариям ёниқ экан. Шарпамни пайқаган отам томоқ қирдилар.

- Кеча қаёққа йўқолдинг? - дедилар ранжигандай. - Ёш бола эмассан ахир, бир оғиз айтиб кетсанг бўлмай-

дими. Онанг туни билан мижжа қоқмади. Эрталабгача келмаганингда қидиришни бошлаворармилик.

- Онанинг күнгли болада, боланинг күнгли далада, отаси, - қўшилдилар ойим ўтиргани кўрпача тўшаётуб. - Ўзи кейинги пайтда сал фалатироқ бўп юрибсан. Кўнглим нотинч, ўтиб кетади деб раъйинга қараб иш тутяпмиз. Сен эса бизни билмаяпсан.

- Нега сизларни билмайман, ойижон, - юпатишга тушдим. - Мана, сизларга оғир келмаслиги учун Марфилондаги Баркамол дўстимдан қарз кўтариб келяпман.

- Қани кўрсатчи, ёлғончи, - ойим қўлим бўшлиги учун ишонмадилар, - кўнглимизни тинчлантирмай қўяқол.

Мен костюмимни ички чўнтағидаги қофозга ўроғлик эллик дона долларни олдим.

- Қанча?

- Беш минг.

- Беш минг! - Таажжубландилар ойим.

- Кўкидан, доллар.

- Ҳе-е, одамларгаям ҳайронсан, ҳаммасининг оғзида шу доллар-доллар. Мен долларингни тушунамани. Ўзимнинг пенсиямдан, ўзимнинг сўмларимдан қўймасин.

- Беш минг қанчага тенглигини биласизми? - Саволга тутдим долларни менсимаганликлари учун.

- Билдим нима, билмадим нима, савдогармидимки пулни пулга чофиштиргани, - пинаклариниям бузмадилар ойим.

Мен ҳам ўн уч милёнга тенглигини айтиш ўрнига, қайтанга хурсандлигимдан ойимни қўллаб-куватладим.

- Зўрсиз ойи, зўрсиз, қанийди барчаям сиздаға фикрласа.

- Қўлингдаги долларларни қўйнингга тиқда, иссиғида дўстингга қайтар. Мана сенга пул керак бўлса, - отам семиз елим халтани олдимга қўйдилар.

- Кимдан қарз сўрадингиз?

- Узумини егину, боғини суриштирма! Сенинг дўстинг бўлса, менинг қариндошларим бор. Бурундан кўпларига нафим тегиб юрган, бир марта эшикларига бош урсам, қуруқ қайтаришармиди. Сенам ёнимга кирдинг, биргалашиб яна пул топамиз. Қарагина, ўғлим «Қарз узилади, хотин ёнга қолади» деган нақлнинг тўғрилигини исботлаш келиб - келиб сенинг чекинга тушиб турибди.

Отам беихтиёр ҳо-ҳолаб кулиб юбордилар. Онам эса ўраб иссиққина сақланган овқатимни косага қуийб, дастурхон ёздилар.

- Бошингни қотирганимиз етар болам, аввал қорнингни тўйдир! -дедилар хотиржам кайфиятда.

Ёстиққа бош қўярканман, қўнглимни хиralантирган ишончсизлик тумандай тарқаганди. Эртадан бемалол хориж тайёргарлигини бошласак бўлади. Маблағимиз етарли, шифохонада икки ойча бўлмаслигим туфайли ўз ҳисобимдан таътил оламан. Бош врачимиз Адҳам Аҳмедов билан келишганмиз. Раъйимга қарши эмаслар. Тунни ўтказволсам, тонгданоқ хушхабарни Маликага етказаман. Эшитса, севинганидан ўзини кўйгани жой тополмай қолади. Чехраси гул- гул очилади. Яшашга янада умидланади. Ёнида биргалигимдан кўнгли тўқ бўлади. Ширин хаёллар оғушида кўзимга уйқу илинди.

\* \* \*

Субҳи саҳар уйғондим. Ўзимда янгича руҳ, янгича кайфият, янгича куч-қувват туйдим. Ҳатто синглим Назокатнинг ҳовли супуришига нигоҳ ташлаб, унинг ўрнида Маликани тасаввур этдим. Кўз ўнгимда юзла-

ри оппок, қош-күэлари қоп-қора, соchlари узун, бoшига қизил дурра танғиб олган ҳолда намоён бўлди. Майли, сувни ўзим сочиб беравераман. Унга маълум муддат оғир юк кўтариш мумкин эмас. Тўла согайгунича асрашим керак. Кейин, кейин фарзандларимиз туғилади. Қизимиз ёнига кириб қолади. Кўлидан юмушини олади. Ўғил кўрсак янаем яхши. Аслида қийналиб эришилган баҳтнинг қадри баланд. Оила учун энг муҳими садоқат, меҳр-оқибат. Турмушнинг барча ташвишларини бирга елкалайдиган умр йўлдошингта, суюкли инсонингга боғлиқ ҳаммаси. Малика эса мен учун тақдир табассумидай кутилмаганда учради. Уни маҳкам ушлашим, ҳаётимнинг сўнгги дақиқа-сигача ардоқлашим аниқ.

Бир вақт қарасам, Назокат тандирга fўзапоя қалашга тушди. Ҳовлимиздан оқиб ўтган ариқчадаги тиник сувда юзимни ювдим. Бугун димоғим чоғлигидан муздаклигини ҳам сезмадим. Юз-кўлимни артиб, сочиқни илганча ойимдан дуо олишга кирдим. Супрада нон ясаётган эканлар.

-Нонушта қилмасдан кетма, - дедилар шошаётганим учун. - Атайлаб ёғли нон ёпяпман. Малика қизимга иссиққина олиб борасан.

Кувондим. Беҳад қувондим. Ҳали осто намизга қадам кўймаган келинларига ҳозирдан меҳр кўрсатаётганларига. Барчанинг ойисиям яхшию, меники беназир, батакрор, бетимсол. Худди юрагимиз эгизакдай. Менга ёққан ойимгаям ёқади, онамга маъқули менгаям маъкул.

Тандирдан эндиғина узилган бўрсилдоқ нонни ушатиб, пиёладаги қаймоқقا теккизиб, зўр иштача билан нонушта қилдим. Чойни шоша-шоша хўплар эканман, отамнинг шарпалари кулоғимга чалинди. Тез ўрнимдан қўзғалдим. Эшиқдан киришлари билан уларни уйнинг тўрига ўтқаздим.

- Ботиржон, ишхонангга борибоқ ўша bemoringning кўнглини тўқ қил, тайинладилар отам. - Худо хоҳласа, шифо топиб, бу кунларни курмагандай бўлиб кетади. Сен руҳингни асло туширма. Инсонни тик тутиб турадиган аслида руҳи, ияя кимга айтаяпман, ўзинг шифо-корсанку, буни мендан кўрам яхши билсанг керак.

- Раҳмат, ота!

Хозир шундай меҳрибонларим борлигидан кайфим чоғланиб, кўнглим тоғланиб кетди. Йул-йўлакай вужудимни ҳаяжон қоплаб бораверди. Хушхабарни Маликага тезроқ етказишга ошиқардим. Онамнинг атайлаб ёғлик нон ёпиб бериб юборишганини айтсам борми...

«Дамас»дан тушибоқ шифохонага жадалладим. Биринчи қаватдаги зал бўйлаб палатаси томон яқинлашарканман юрак уришим ўзгарди. Гапни нимадан бошлайман деган хаёл билан эшикни очишга қўл узатдим. Очдиму, ҳайратдан ҳайкалдай қотиб қолдим. Малика кароватида йўқ эди. Йўқ эдигина эмас, ўрни тартибга келтирилган, пар ёстиғигача шиширилган, ҳеч ким ётмагани аниқ куриниб турарди. Шеригининг жойи эса бетартиб. Демак, Гулнора опа шу ерда.

- Қаерларда юрибсиз ука, гафлатда қолдик, гафлатда, - дея опа ортимда пайдо бўлди бирор фожиа рўй бергандай. - Кечикдингиз, кечикдингиз, ухламай кутди, ухламай кутди, охири - охири...

- Нима охири?

- Билмадим, билмадим.

- Нега билмайсиз?

- Эшикдан кетганми, деразаданми, эрталаб қарасам, ўрни бўм -бўш.

- Сизга ҳеч нима демаганмиди?

- Нимаям дерди, ҳамма гапни янгаси айтди-кўйди,



бирам дўли эканки, палатани бошига кўтариб юборди-я. Бузуқдан олиб, бузуқقا солди.

- Фирт тухматку, Малика фариштадай беғубор қизлигини яхши биласиз.

- Билганим билан бегоналарнинг жанжалига қандай аралаша олардим. Бояқиши миқ этолмади, шўр пешоналигидан нолиб, фақат йиглади, «Дунёга келмай ўлай» деб йиглади. «Мен ўзгаларни ногирон қилиб яшаганимдан кўра, яшамаганим афзал» деб йиглади.

- Ҳеч нарсани тушунмаяпман, очиқроқ гапирсангиз-чи?

- Сиз буйрагингизни берармишсиз, агар сизники мостушмаса, синглисиникини кўчиришармиш, ўшанга бирга кўшиб олиб кетмоқчийкансизлар.

- Қайдан билибди, кимдан эшишибди?

- Бу ёғидан бехабарман, Ботиржон ука, Маликаям таажжубдан ёқа ушлади. Синглисиниям, сизниям шунақа яхши кўрарканки, «Бундай бўлиши мумкинмас. Менинг ногиронлигим етмаганидай, уларниям ҳаётини омонат қилиб қўйиб яшашни хоҳламайман! Ёлғон-ёлғон! Бундай гапни бугун сиздан эшиятапман» деб доду фарёд солди. Бирам ўкиниб йиглади, бирам ўкиниб йиглади. Қани энди юпатиб бўлса. Охири бош врачача хабарлашди. У кишиям тинчitolмай, қанақадир укол буюрдилар. Бир пастда жимиб ухлаб қолди.

- Янгаси-чи?

- Қилар ишни қилиб қўйиб, ташлаб қочворди.

- Қачон рўй берди?

- Аввалги кунни оқшомга яқин. Кечаги тонгда чиқиб кетганича дараги топилмаяпти.

- Уйига бормабдими?

- Ҳеч жойда йўқмиш, бечора ўзини бирон нима қип қўймасин-да.

Менинг хаёлимният шу фикр чулғаганди. Танамда титроқ турди. Наҳотки?! Наҳотки?! Ўзимни ўзим айблай бошладим. Ҳаётини сақлаб қоламан деб...

Бундай бўлиши мумкин эмас. У фақат ёлғизлик истагандир. Мени ўйламасаям, синглиси Гулшанойни ўйлагандир. Ахир «Синглим менинг жону жаҳоним, кўзларимнинг нури, ҳаётим кувончи» дер эди доим. Бирдан хаёлимга келган Фикрдан ақлдан озаёздим.

Малика қайдасан? Қайлардасан? Нега доим ўжарлик қилаверасан? Нега мени қийнайверасан? Ичичимдан кучли титроқ сезила бошлади. Гўё ана шу титроқлар нидога айланадигандай.

Эй, осмон! Мендан қуёшни сўра, қай тонг отишини кутаётганини айтаман.

Эй, уммон! Мендан ёмғирни сўра, юрагимнинг қай бурчидаги оқаётганини айтаман.

Эй, армон! Мендан хазонни сўра, қай боғда тўкилаётганини айтаман.

Эй, Раҳмон! Мендан жонимни сўра, пойларингга ҳадя этаман, фақат мендан уни сўрама!..

Бир марта кечикканим етар, яна кечиксам... Миямга келган хаёлдан этим жунжиқди. Палатадан ўқдек отилиб чиқдим. Хонамдаги халатимни қўлимга олдим. Йўл-йўлакай кийганимча тутмалирини қадашният унугдим шекилли ҳовлиққанимдан икки этаги ҳавода кўтарилиб борарди.

- Бирор фалокат юз бердими? - «Тез ёрдам» бўлими бошлиғи Fани Рустамов саволга тутди - Намунча шошилмасангиз?!

- Ака, ҳозир саволга тутмангу, машинангиздан бирини менга ажратинг! - дедим буйруқ оҳангтида.

У авзойим бузуқлигини кўриб, «Йўқ» дейишга боти-нолмади.

- Узоқ қолиб кетманг, анавунга ўтириңг. - Ҳой Сатторали, дүхтирни айтган жойларига олиб бориб келгин!

Мен гангиб қолгандим.

- Анграймасдан тезроқ юргизинг! - Ҳайдовчига дақки бердим.

Машина гуриллади, лекин силжимади.

- Яна кимни кутяпмиз? - Ҳұмрайғанча Саттор ақага қарадим.

- Қаергалигини айтмадингизу? - Ҳайрон бұлди у.

- Бекободга!

- Йүқолган қизникигами?

Савол мени баттар әзіб юборди.

- Сиз қаёқдан әшитдінгиз?

- Кечадан буён қидиришяпти, Малика маҳалладошим эди, - деди у ачингандай. - Үйига бораверайликчи...

- Намунча имиллайсиз, газни босинг, ака! - дедим совуқ хабаридан аччиқланиб. - Балки бирор қариндошиникидадир

- Худди мен айбдордек жаҳлланасиза, дүхтир бұлсанғиз үзингизга. Беморингизни йүқотиб қуйиб, энди жавобгарлигидан чүчияпсизми? Бечора қизнинг бош уриб борадиган қариндошиям қолмаган. Үша амакисиникиа сиғинди бұлиб яшашарди опа-сингил. Әшитганлар жуда-жуда ачинишяпти, на тиригининг, на үлигининг дараги чиқяпти.

Менинг миқ этишгаям мажолим етмасди. Ичэтимни еб борардим. Машинамиз Косонсойнинг күпригидан үтгач, үнгга бурилди, сұнг маҳалла ичига кирдик.

- Ҳұ-ұв ана, дарвозаси олдида одамлар тұпланиб туришибди, - деди ҳайдовчи ваҳимага солиб. - Ин-

сонларгаям ҳайронсан,- давом этди у яна, - қачон ўлсанғина дардкашдек бош эгишиб, останантада гала-лашади. Ёстиқдан бош күтаролмай, соғиниб йўллари-га, дийдорига интизор ётганингда эса... Дунёнинг иш-ларига сира-сира қойилмасманда, нуқул тескарисия...

- Тўғри айтасиз, ака, хом сут эмган бандалармиз, - ўзимни-ўзим айбладим шу тобда мен ҳам.

«Тез ёрдам» машинасини кўрганлар етиб боришимиз биланоқ ўраб олишди.

- Раҳматлини олиб келдиларингми, дўхтир? - деди оппоқ соқолли отаҳонлардан бири машина эшигини тўла очишингаям улгурмай туриб.

Ҳайдовчи уларни тинчлантириди.

- Амакилари ҳозир қаерда? - Сўрадим сабрсизланиб.

- Қидирмаган жойи қолмади,- деди бошини афсус-лангандай чайқаб ҳалиги отаҳон. - Яқинда хабар топиб келишди, кеча фира-шира қоронғида бошига қизил рўмол ташлаган, ҳаворанг ҳалатдаги қизнинг канал томонга шошилиб кетаёттанига кимнингдир кўзи туш-ганмиш. Эндиғина ҳамма ўша ёқقا чопди.

Эвоҳ, қизил дурра, кўк ҳалат Маликанинг ўзимасми!

Наҳот! Наҳот! Сўнишга келаётган ҳаёт шамини яна парпиратиб ёндиришга озгина сабр, озгина фурсат қол-ганида менинг Маликамнинг иродаси етмаган бўлса.

Наҳот! Наҳот! Унинг гулдек жасади билан ер тўйса?!

Наҳот! Наҳот! Тошбағир янгасига тор дунё Малика-сиз кенгайиб қолса?! Яккаю ягона синглиси Гулшаной учун ҳам яшаб юрса нима қиласади?!

Мен жавобсиз саволлар исканжасида телбанамо ҳолга тушгандим. Эртакларга, тушларга ишонмасди-му, бугун Маликанинг қисматини эртакларга, тушлар-

га айланишини жуда-жуда истардим. Ана үшанды унинг йўқолиши ёлғонларга йўйиларди, олис Ҳиндистондан саломатлигини тиклаб, бир олам кувонч билан оиласи бағрига қайтгани бутун атрофга ёйиларди. Мұҳаббат-нинг нималигини яқин-яқинда ҳис этган, үзини еттинчи фалакларда ҳисоблаётган покиза юракли Малика учун баҳт эшик қоқиб турмаганмиди. Қани, менинг үша гуллар шайдойим, қани менинг үша оху күзли малагим, қани, қани?..

Каналга яқинлашганда машинадан тушдиму, пиёда юра бошладим. Маликанинг изларини ахтарарди күзларим. Кўнглим эса изларини тополмаслигимни афзал биларди. Билардию, ишонч ҳосил қилиш учунгина мени канал томонга ундарди. Беихтиёр катта оқим сув ёқасига етиб келдим. Не кўз билан қарайки, қовжираған ўт-ўлан устида қизил рангли митти қутича оғзи очилганча ётарди, гуё эгасини кутиб тургандек.

Балки Малика ҳаётининг энг сўнгти онларида мени йиғлаб-йиғлаб эслагандир.

Балки үзидан дарак бериш учун шуни қуринарли жойга ташлаб қўйгандир.

Балки бармоқларига ҳадя узугимни тақиб олгандир.

Балки «Сизнинг узугингиз Маликангиз учун дунёдаги энг қимматли, энг ноёб совфалигини билиб қўйинг, Ботир ака!» демоқчи бўлгандир ёруғ оламни тарк этаётуб.

Йўқ! Унинг ўлганига ишонмайман. Ҳали үзини кўрмай туриб, кафан бичишим инсофдан эмас. Эҳтимол мудҳиш аҳдидан қайтгандир, эҳтимол жон ширин кўриниб, қилаётган ишидан ўзи уялиб, қайларгадир бош олиб кетгандир...

## БИРИНЧИ ҚИСМ ТУГАДИ

## ИККИНЧИ ҚИСМ

Биз Маликани оқшомга қадар излаб, канал ёқасида тентираб юрдик. Осмонда кун бүйи бетафт хира нурларини тарата-тарата ҳориган, изғиринили совуқни ортидан эргаштирган қүёш ҳам уфқа қизариб оғди. Бедарак ғойибланган қизнинг канал бүйига келганлигининг нишонаси - узуккути ҳамон қўлимда. Шу алфозда хаёлим минг бир кўчага кириб чиқди. Икки кундаёқ ширин орзу-умидларим саробланниб, аччиқ айрилиқ гирдобида тобора эс-хушини йўқотаётганга ўшардиму, яна хушёр тортишга уринардим. Ҳали узоқлашмаган хотираларим яксонланиб, ҳозирги ҳолатимни базўр тушга йўярдим. Маликани илк бор атиргуллар ичида учратганимдан бошланган соҳир лаҳзалар бирма-бир кўз ўнгимда қайта жонланарди. Унинг худди ёш болалардек ёнгинамда беғубор боқиб туришларини эслаб, беихтиёр ич-ичимдан хўрсиниқ келарди. Аста-секин атрофий оқшом қоплади. Осмонда юлдузлар чақнади. Улардан најот кутардим. Нигоҳимни қадаганча телбанамо ўзимга ўзим шивирлардим:

Эй, юлдузлар, юлдузлар! Сизларга биргина ўтингчим бор, ёргинамни чақириб беринглар! Юрагимни соғинч сели вайронламоқда, ақлимни алвидолар видоси ҳайронламоқда, умидларимни қисмат кўргилиги кафанламоқда. Кечиккан, дийдордан бенасиб ҳолими ни у бир кўрсин! Музлаб бораётган юрагимни қўлларига тутқазай. Ёргинам ўтли нафаси ила уни илитиб юборсин! Дунёларнинг ўртасида ишқимдан қаср куришим керак, у берган дард билан ўлишим керак! Ёrimни уйғотиб беринглар! Мендан йироқ кетмасин! Алвидолар айтмасин! Жонини азроилга тутмасин!

У сиз яшашдан маъно тополмайман. У сиз ҳаётга умидли боқолмайман. У сиз баҳт томон чополмайман. Еримга айтинг, ёлғиз ташлаб кетмаасин!..

Канал қирғоғидаги тутқатор орасида хазонрез япроқларни босганча шитирлатиб борарқанман, кимнингдир юракни эзувчи ноласи қулогимга чалинди, чалинди-ю, танамда титроқ турди. Ичимдан бир нарса узилди. Үша тарафга югурдим. Етиб боргач эса...

Эх, Малика, Малика! Бу ҳолатингни күргунча күзларим күр бўлса яхшимасмиди.

Менинг муҳаббатим Самад аканинг кўлида бежон ётарди. У мангу уйқуга кетганди. Негадир маъсума кўзлари юмилмаган, сувда ҳам нам тортмаган узун киприклари қоп-қора камон қошларига ёпишиб тирадлан, лабларида эса ним табассум. «Энди бу ерлардан кетайлик!» деяётгандай.

Қидира-қидира, излай-излай шубҳаларимнинг бекорга айланишини истаган эдим-а, эзгин тахминлар рост чиқишидан юрагимни ҳовучлай-ҳовучлай аҳволим қанчалар танглангандан тангланганини билсанг эди, Малика. Э-воҳ, ҳаёт шунчалар бешафқатми? Нозик кўнглингни озорлаганларга исёнингни наҳотнаҳот бир кунгина тиёлмадинг-а?

Бўғзимдаги аламли фарёдимни аранг-аранг жиловлардим. Маликанинг қизлик шаъни шуни тақозо қиласарди. Сувнинг совуқ заҳрида таёққа айланган ўнг кўлининг бармоқлари туғилган - ниманидир маҳкам ушлаганча қотиб қолган, иккинчисининг бармоқлари эса очилганча турарди. Гўё хайрга кўл силтаётган тарзда сувга чўккандай. Жиққа ҳўл соchlари ёйилиб, юзларига ёпишибди, лаблари кўкарған. Мен караҳт аҳволга тушдим. Азобли дақиқалар оғриғини пинҳона тортишга мажбур әдим. Ё мен ўлолмасдим, ё Малика тирилолмасди. Унга тикилганча унсиз дардлашардим:

Эй, Гулім! Умримнинг ҳар лаҳзасида сени ўйларди-

му, муҳаббатимдан сўйлардиму, аммо-лекин сенсиз яшашни хаёлимга келтиролмасдим.

Эй, Гулим! Юлдуз бўлсан, осмонингда сўнардим, шабнам бўлсан япроқларга қўнардим, тупроқларда армон бўлиб унардим, аммо-лекин сенсиз яшашга қўнолмасдим.

Эй, Гулим! Қаноатга қўл беришни ўргатдингу, соғинчларга зўр беришни ўргатдингу, аламларга йўл беришни ўргатдингу, аммо-лекин ўзингиз яшашга ўргатолмадинг. Энди эса орзулардан оғриниб-оғриниб кечгим келяпти, бехазон боғларни излаб, аксадосиз тоғларни излаб юрагимни очгим келяпти, хатоларсиз оламларга қочгим келяпти, сира-сира сенсиз яшагим келмаяпти. Гулим, менинг юрагимни ҳам ўзинг билан бирга олиб кет!

Одамлар хаёлимдан ўтганларни қаерданам билишин. Маликани тезроқ сўнгти йўлга кузатишни ўйлашарди.

- Дўхтири, қизимиznинг жонсиз жасадини тўғри уйга олиб кетаверганимиз маъкулмикин, - деди амакиси маҳзун кайфиятда. - Ўзингиз кўрдингиз ҳеч қандай шубҳали белги йўқ. Бояқиши жиянимнинг ўз жонига қасд қилгани ойнадай аён.

- Тартибга кўра, бундай ҳолларда майит суд-тиббий экспертизадан ўтказилиши шарт, ҳозироқ шифохонага олиб боришингиз лозим, - дедим оҳиста-ю, қатъий оҳангда.

Улар ноилож Маликани «Тез ёрдам» машинасига ётқизиши. Однги ўриндиқда ўтирас эканман, орқадаги тиббий замбильда кўнгил қўйган қизим эканига ҳеч чидаёлмасдим. Қанча уринмай, дардимни қанча ичимга ютмай, кўзимдан сизаётган ёшни тўхтатолмасдим. Рўмолчам билан артиб-артиб бораётганимни сезган Саттор aka нигоҳи йўлда бўлсаям таажжубланарди.

- Ботиржон, ҳадеб үзингизга оғир олаверманг, бошқа дўхтириларга ўхшаб дийдангизни қаттиқ қилсангиз-чи, жонингизга ачининг! - деди далда бергандай.

Бу одамнинг соддалигини қарангга, менинг ичимдан нималар ўтяттию, у эса раҳмдиллик курсатяпти. Ҳозир жонимга ачинадиган аҳволдамаслигимни қаёқданам билсин. Дийдам юмшоқ әмасу, юрагимнинг ярмини ажал ямлаганини қандай айтай унга. Ҳар сўзимни жон-қулоғи билан тинглайдиганим ҳурларга қушилиб, мангу оромни истаган, бизларга малоли келишидан кўра, ўзини олиб қочган фариштага айланган бир маҳалда тилим гўё тугилгандек эди. Миқ этмасам-да, пиқ-пиқ йиғлаётганим ҳамроҳимни янада ҳайратга солаётганини кўз қирини ташлаб қўяётганидан англадим. Охири ёрилмасликка иложим қолмади.

- Саттор ака, Саттор ака, айтсам тилим, айтмасам дилим куйишини билсангиз эди. Сиз ҳам севганмисиз бирорта қизни? Севган бўлсангиз, ҳолимга осон тушунасиз. Бошимни қайларга урай, дардимни кимларга айтай, оху фигонимни тинглайдиган борми бугун? Ҳамқишлоғингиз менинг орзу-умидларимниям ўзи билан бирга сувга фарқ қилди. Муҳаббатимни етимлатиб, бўзлатгандан бўзлатди. У атига бир кунгина шошилмаганида эди, сабри чидаганида эди, мен ўзи учун ҳеч ким тухфалолмайдиган баҳт эшигини очганимдан ҳадсиз ҳайратланарди. Кузги гуллардек бевақт, bemavrid сўлмасди. Яноқлари қувончдан баҳорги лолалардек ял-ял ёнарди. Умрига татигучи бир кун умрига зомин бўлиши етти ухлаб тушимга кирганми-я, ака. Аслида ёнидан нари жилмасам, ҳамма ҳаракатимни сир тутмасам бўларкан...

- Ҳа-ҳ-ҳ, дўхтири ука-я, дўхтири ука-я, соддалигим курсин, соддалигим, демак, ўша қиз...

- У чинакам беғубор қалб соҳибасийди, бирони севишгаям, биронга севилишгаям чўчирди. Умрининг сўнгги дақиқасигача ўзидан кўрам кўпроқ ӯзгаларни, жонидек азиз синглисини үйларди. Ҳаёти қисқалигидан куйинмасди, танг аҳволига ачинганларни жини сўймасди. Мағур эди қисмат олдидা. Мағур эди ўлим олдида. Малика учун кузги гулларнинг азиздан азизлигини айтсам таажжубдан ёқа ушлайсиз, ака. Ҳовлидаги гулзордан уч-тўртта атиргулни узволиб, палатага олиб кирганимда қувониш ўрнига жуда-жуда ўқинганди бечора. «Шусиз ҳам умри калта эди-ю, ўзи тўкилгунча яшаб турса яхшимасмиди, Ботир ака?!» дея ачингандан ачинганди. Мен гўё шафқатсиздай ҳижолатда қолгандим. Фанимат дунёда фанимат фақат одамларгина эмас, гулу гиёҳлар ҳам эканлигини ана шундан сўнг теранроқ фаҳмлагандим. Эссиз, эссиз кузги гуллар ҳали сўлмасидан меҳрибон ҳимоячисиз етимга айланишини ким ҳам кутиби.

Орамизга оғир сукут чўкди. Негадир атрофимдаги ҳодисаларга ҳозирал ишонолмасдим. Гўё шифохона-мизга кириб борсак, рутубатли қаро тун тарқаб, тонг отади-ю, Малика ширингина жилмайиб, атиргуллар орасидан чиқиб келадигандай. Маъюс ва муnis кўзларига яна тўйиб-тўйиб нигоҳ қадаш насиб этадигандай.

- Ботиржон ука, патология хонаси ёнига келдик, марҳумани туширамизми? - Саттор аканинг саволидан дарров ҳушёр тортдим. «Ҳа» дегандай ҳомуш бош силкидим. Орқадаги машина ҳам тўхтагач, Самад aka шериклари билан биз томонга яқинлашди. Саттор aka орқа эшигини очиб, уларга ёрдамлашарди...

Маликани эртаси куни Бекобод қабристонига кўйишиди. Фотиҳасида Самад аканинг ёнида тик турдим. Ҳамқишлоғи Саттор aka ҳам шу ердайди. Машинасида бирга қайтишимизга тўғри келди.

- Самад акагаям осонмас, - деди у ачингандай. - Ўзи бефарзанд. Қизлар укасидан омонат. Афсус, каттасини асролмади. Хотинининг касофатига жиянининг хаёти фожиали тугади. Нима гуноҳи бораканки, бу кунидан ўлишни ғазал билса...

- Ярамни янгилайверманг, Саттор ака, - ўтингдим ундан. - Малика фариштадек покиза, фақат савобга сазовор қиз эди, гуноҳ нима қылсин унда. Faflat босган бизлар гуноҳкормиз аслида.

- Сиздаям заррача айб йўқ, дўхтир ука, ўкинишингиз ноўрин. Ҳаммасига оиласидагилар сабаб. Лоқайд, бепарво Самад акаям хотинини тийиб ололмаганидан кейин янгасининг фаразли зуфумлари қизниям жонидан тўйдирвorgан чамаси. Каромат опаниям кимлардир гиж-гижлаган. Маликанинг бетоблигини оғир юқдай сезган янгасининг жазаваси тутавергани жонини ҳиқилдоғига келтирганов. Ҳеч нима ўз-ўзидан рўй бермайди, айниқса бунақангича ёшдаги қизлар роса таъсиричан бўлишади-да. Салдан-салга қувонишиям, салдан-салга кайфияти осмонлашиям мумкин, салдан салга...

- Гапингизда жон бор-у, Маликани охирги кўрганимда умид тўла кўзлари шунақанги чақнардики, уни сўндириш кимга, нимага керак бўлдийкин? Ёнма-ён ётган аёлнинг айтишича, янгаси бир кун аввал келиб палатасини бошига кўтарганакан. Ҳеч куракда турмайдиган таҳқирона сўзларни устма-уст ташлаб ташлаганида бечора уялганидан, чидолмаганидан «Мен сиз ўйлагандақа бузуқ қизмасман, бу кунимдан ўлганим яхши!» деб ёстиқни қучоқлаб, ўкириб-ўкириб йиғлаганакан. Кутгилмаган туҳмату зуфум зарбасига дош беролмаган чамаси. Янгаси фақат Малика билан менгагина аён ҳақиқатларниям тилга олганакан. Асрандилигини юзига солиб, чаёндек ниш ураверибди.

қайтарғанди, чакки қилганимни билиб, очилиб ултурған ва улгурмаган гулу фунчаларни вазадаги сувга солиб, бир неча күн хонамда сақлагандым. Малика айтгандай улар тездә сұлиб қолиши. Завқим азага айланди гүё. Тупида турғанида балки эртанги қишиңе дош беролмаса-да, ҳозир анаву ранго-ранг гулларнинг қаторида күрардик. Гүзәлликка ошуфта нигоҳларимизни бир лаҳза бұлсаям овунтиради, яйратарди. Эссиз үшанда Малика худди үзи озорланғандай, худди үзи сұлишга маҳкүм этилғандай маҳзун кайфиятга тушғанди.

- Англашимча, үта нозик күнгил, үта нозик фаҳм, үта нозик дид экан раҳматли Маликанг. «Бир кам дунё» деганлари шу-да. Умрининг сұнгги кунигача гүзәлликка чанқоқлик, меҳрга ташналиқ уни тарк этмабди-я. Нақадар иродали қизнинг жонига қасдлаши эса сира-сира ақлға сифмайдиган ҳол. Яна ким билади дейсан, дүстим, ҳаёт жуда мураккаб. Гоҳ кутганларинг беоқибат чиқса, гоҳ кутмаганларинг сийловидан ҳайратланасан. Гоҳ кутмаганларинг озорлашса, гоҳ кутганларинг ёмонликни раво куришмагани ажаблантиради.

- У мени үйлаб шундай қарорға келған, -дедим изоҳ берғандай. Кимdir «Үзинг қолиб, соппа-соғ йигитнијам ногиронликка дучорлайсан» деб Маликани құрқитған, ваҳимага солған. Малика эса үз ҳаётидан күра, менинг ҳаётини күпроқ үйлаган, қалтис қадам қўйишдан бұлак чора тополмаган.

- Бундай мардлик ҳатто баъзи эркакларнинг қулидан келмайди, Ботир, - деди Баркамол Маликани шарафлаб.

Биз шифохонамизнинг кириш дарвозаси биқинидаги мұйжаз майдончага ўтдик. Баркамол енгил машиналар қаторидаги «Нексия»си пульгини босди, эшигининг қулфи очилди.

Орада ёмон ниятли кимдир борга ўхшайди. Барчасига бош айбдор ўша чақма-чақар фийбатчи..

- Қанча гапирмайлик энди кеч, ука, - таскин беришга тушиб Саттор ака. - Айбдорни ахтарған билан кимга фойда-ю, кимга зиён. Ўлган ўлиб кетди, тирилиб қолармиди. Ҳар кимам бахтга интилаверсину, бирорвларни жабрлаш эвазига эришгани ўзига татирмикин.

- Тұғри айтасиз, Саттор ака, - дедим бироз тинчланиб, - лекин ягона ҳақықат аёнки, ҳаётдаги ҳеч бир яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бекайтим әмас. Маликанинг уволи тутади ҳали уларни.

Саттор ака афсусланиб бош чайқади, чалғитишига урингандай ғапни бошқа ёққа буриб юборди.

\* \* \*

Оғир дамларда дүстларнинг далласидан ўзингни дилингдаги ғам-андуұларинг бироз нарилагандай сезаркансан. Якшанба куни юрагим сиқилиб, уйда ўтиролмадим. Шифохонага келиб, хонамга биқинволдим. Бир вақт телефон жириңглаб қолди. Истаристамай гүшакни күттардим. Баркамол йўқлаёттан экан.

- Ботир, хорижга қачон жүнайсизлар? - Сүради авваідан билгани учун.

- Бунга ҳожат қолмади, - дедим маңзун кайфиятда.  
- Шаштингдан ўзинг қайтдингми, ё яна муаммо туғилдими?

- ...  
- Нега индамайсан? - Сукутимдан ёмон аломат сезгандай овозини баландлатди. - Ишқилиб беморингнинг аҳволи дурустми? Очикроқ гапирсанг-чи?

- Пешонам шүр экан, дүстим, Маликани тупроққа топшириб қўйдик..

- А-а-аа...

қайтарганди, чакки қилганимни билиб, очилиб ултурган ва ултурмаган гулу фунчаларни вазадаги сувга солиб, бир неча кун хонамда сақлагандим. Малика айтгандай улар тезда сўлиб қолишиди. Завқим азага айланди гўё. Тупида турганида балки эртанги қишига дош беролмаса-да, ҳозир анаву ранго-ранг гулларнинг қаторида кўрардик. Гўзалликка ошуфта нигоҳларимизни бирлаҳса бўлсаям овунтиради, яйратарди. Эссиз ўшанда Малика худди ўзи озорлангандай, худди ўзи сўлишга маҳкум этилгандай маҳзун кайфиятга тушганди.

- Англашимча, ўта нозик кўнгил, ўта нозик фаҳм, ўта нозик дид экан раҳматли Маликанг. «Бир кам дунё» деганлари шу-да. Умрининг сўнгти кунигача гўзалликка чанқоқлик, меҳрга ташналик уни тарк этмабди-я. Нақадар иродали қизнинг жонига қасдлаши эса сира-сира ақлга сифмайдиган ҳол. Яна ким билади дейсан, дўстим, ҳаёт жуда мураккаб. Гоҳ кутганларинг беоқибат чиқса, гоҳ кутмаганларинг сийловидан ҳайратланасан. Гоҳ кутмаганларинг озорлашса, гоҳ кутганларинг ёмонликни раво кўришмагани ажаблантиради.

- У мени ўйлаб шундай қарорга келган, -дедим изоҳ бергандай. Кимдир «Ўзинг қолиб, соппа-соғ йигитни-ям ногиронликка дучорлайсан» деб Маликани кўрқитган, ваҳимага солган. Малика эса ўз ҳаётидан кўра, менинг ҳаётимни кўпроқ ўйлаган, қалтис қадам кўйишдан бўлак чора тополмаган.

- Бундай мардлик ҳатто баъзи эркакларнинг қўлидан келмайди, Ботир, - деди Баркамол Маликани шарафлаб.

Биз шифохонамизнинг кириш дарвозаси биқинидаги мӯъжаз майдончага ўтдик. Баркамол енгил машиналар қаторидаги «Нексия»си пультини босди, эшигининг қулфи очилди.

- Адҳам акагаям салом айтгин, бугун ишламасликлари учун учрашолмадик, -деди у машинасига ўтирапкан. - Дарвоқе, Шаҳлоям кўринадими?

- Баъзан дадасининг ёнига кеп турди, -дедим саволини жавобсиз қолдирмай.

- Кўришсанг саломимни етказарсан, -дея у машинасинг калитини буради. -Хўп, яна телефонлашамиз, сал ўзингга келволавер, кейин хотиржам гаплашармиз.

Баркамол кўнглимни анча кўтариб юборганди. Жўнаши биланоқ уйга таклиф этмаганимдан ўқиндим. Ҳа, майли қарз пулни қайтаргани борганимда узрими ни айтарман.

Эртасига эрталаб врачлар хонасида халатимни елкамга илишим билан Шаҳло остоноада пайдо бўлди.

- Яхшимисиз, Ботир, кимам ўйлабди бунақанги кўргиликни, - дардкашлик қила бошлади у менинг аҳволимни пайқаб. - Умри қисқа экан-да, Маликангизнинг...

Мен миқэтмадим, раҳмат дегандай бошимни қимирлатдим, холос. Шаҳлонинг далдали сўзлари тутартутгамай, «обход» баҳонасида хонани тарк этишга шошилдим. Чунки ҳамкасларим кириб келишса, «Энди бу қиз билан ишқий саргузашт бошлишибди» деган хаёлга бормасликлари учун.

- Бир зумгина қулоқ тутинг! - Шаҳлонинг илтижоли боқиши мени тўхтатди. - Ҳозир мавриди эмасдиру, АДМИнинг клиникасидан таклиф тушяпти. Агар истасангиз, бирга ишлаб, бирга илмий тадқиқот олиб борардик.

- Ўйлаб курай-чи, - дедим Шаҳлони нокулай ҳолатга туширмасликка интилиб.

Ўша заҳоти бу гап галатироқ эшитилгани билан у кетгач, кўнглимга салгина нур юрганини пайқадим.

Ахир бу ерда юраверсам эртаю кеч ич-этимни ейди-гандайман. Бўлимга кирсам, Малика ётган палата эшигини очиб, хонадан қидиргим келаверади. Ҳовлига чиқсан, гулзор орасидаги сиймоси кўзимга кўрингани кўринган. Унинг йўқлиги, уни йўқотганим хаёлимдан кўтарилади. Қайтмас манзилга кузатилгани тушимдамиди, ўнгимдамиди фарқига бормай иккиланаверардим.

Бундай ақл билан қараганда Шаҳло чинакам дўст экан, ҳамиша бирдай меҳрибон. Ҳатто хафа қилган кезларимдаям ~~араламади~~. Қайтангга уйимизга бориб, ойижонимдан мени қўллаб-кувватлашларини сўради. Бағоят очиқкўнгил, беҳад бегараз, бениҳоя меҳр-оқибатли қиз-а. Фамхўр устозим Адҳам Аҳмедовнинг фарзанди-да. Мен ким бўлибманки, ҳамиша ёрдам қўлларини чўзишади. Фақат тумандошу, курсдошимиз. Яхши инсонлар шунаقا, атрофидагиларни доимо қарздор қилиб юришади. Ҳамкор бўлсам нима қипти. Арзимайдими... \*

\* \* \*

Негадир Адҳам Аҳмедовга кўрингим келмасди. Аслида, яхшиларнинг яххиси бу одам. Бирор бор бегонасиратганини сезмаганман. Қачон гаплашмай, фикримни диққат билан тинглайди. Баъзи катталарга ўхшаб ўзиникини ўтказишга тиришмайди. Маслаҳатни беришга беради-ю, айтганини қиласизми-қилмайсизми, у ёғини ихтиёрингизга кўяди. Бундайлар ҳозир камдан-кам. Салдан салга қовоқ-тумшуғи осиладиган устозлардан худо асрасин. Фақатгина иккимиз ўртамиздаги гап кўпчиликка қандай овозаланганига, ҳатто Маликанинг янгасигача борганига ақлим етмасди. Наҳот бош врачимизнинг муомаласи сохта? Ёши улуғ бўла туриб, бундай пасткашликка йўл қўйишиларига ишонолмай қийналардим. Кейинги пайтда Малика-

нинг ўлимига ўзларини айбдор сезаётгандай дуч келиб қолсам, салом-алик билангина кифояланиб ўтиб кетяптилар. Очиқчасига гаплашволишимиз керак. Кейин ишга кўлим борар. Бўлмаса, ўринли-ўринсиз таънали ўй-хаёллар миямни пармалайверади. Балки иккимизнинг сўнгти суҳбатимиз бирор кимнинг қулоғига... Xона эшиги очиқмиди ўшандада? Эслолмайман. Пул топадиганам, буйрагини инъом қиласиганам мен бўлсаму, кимга оғирлиги тушиши мумкин. Малика севинчи ичига сифмай, Гулнора опага оғиз очганмикин? Ўзинг сақлолмаган сирни бирор сақлаб ўтиrolармиди. Дарвоқе, донор бўлишимдан Малика бехабар эдику... Ие-е-е, опани айблашга уринаётганимдан ўзимдан-ўзим уялиб кетдим.

Уф-ф-ф, муҳаббатим аянчли якун топишига ҳадеб сабабкор ахтаравергандан кўра, бундан буёғига Маликанинг руҳини шод этишга уриниш муҳимроқ эмасми. Дунёда ўлимдан бошқасининг иложи топиларкану, ўлимга келганда чорасиз қолиш мумкин экан. Ўлим битилган тақдирни бирор кимса ўзгартиролмаскан. Чунки шу вақтгача ҳеч ким ўликка жон ато этолмаган. Бу - табиатнинг ўзгармас қонуни. Менинг пешонамгаям тан беришим керак бўлган тақдир ёзилганини англашим шартлиги кундан-кунга аёнлашарди. Вақт бетўхтовлиги боис ҳаёт мудом давомли. Унинг аччиқ ва ширин лаҳзаларида ўзини йўқотмаганларгина ўзини асрой оладилар. Орзулари йўлидан олға чопганларгина умрларида безакли баҳт бекатларига етаверадилар, янада ундан ҳам гўзал манзилларни кўзлайверадилар. Мен-чи, мен кутимаган жудоликдан жароҳатли қалбимни азоблар гирдобидан қутқаришга қодирманми? Қодирман! Яна Маликанинг ўзи нажот қўлинини чўзади.

«Бунга эришасиз, Ботир aka! - Севгилиминг сиймоси хаёлимда жонланди. - Синглим Гулшаной худди

сиздек врачликни орзулайди, жудаям тиришқоқ, ҳозир тиббиёт колледжининг аълочиси, дастлаб ҳамшира бўлгач, кейин институтга киришга умидланиб юрибди. Иккенингизни тезроқ таниширишим шарт. Аввалдан айтиб қўяй, Ботир ака, синглим Гулшаной исми жисмига монанд қиз. Сиздақа меҳрибон акага муҳтоҷ. Ҳали бир кўришдаёқ унга ҳимоячи бўлишдан гуурланасиз...».

Қайдан билибман бу сўзлар Маликанинг сўнгти васиятига айланишини. Мен бирдан қатъий қарорга келдим. Эртагаёқ Гулшанойни излайман. Таниширолмай армонли кўз юмган опасининг орзусини ушалтираман. Чехрам салгина очилди, шекилли, шошилиб кириб келган бўлим бошлиги Карим Раҳмонов буни беэътибор қолдирмади.

- Ҳафачиликниям чегараси бор, ука -деди маслаҳат оҳангтида. - Қисматдан ҳеч ким қочолмайди. Ҳурқизнинг покиза руҳи олдидаям юзинг ёруғ. Унинг нияти ҳам сени баҳтли кўриш эди. Афсуски... Ҳалатингни тезда кийиб, палатадаги янги беморларингга қара демоқчи эдиму, бошқа зарур топшириқ чиқиб турибди. Ҳозироқ вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош урологи ҳузурига етиб бораркансан.

- Ким айтди?

- Бош врачимиз.

- Ўзлари хоналаридами?

- Муҳим юмуш билан қаёққадир шошилаётгандилар, менга айтиб қўйишимни қаттиқ тайинладилар.

**Наилож Наманганга йўл солдим.**

- Адҳам Аҳмедов билан келишганмиз, - деди бош уролог Ҳайдар Ҳасанов. - Шу бугуноқ самолётда Тошкентта учасиз, уч ойлик малака оширишга юборяпмиз. Асло баҳона қидира кўрманг. Омадингиз юришиб турибди. Уролог-жарроҳликниям ўрганиб қайтасиз. Вилоятимизда бундай мутахассисларга эҳтиёж катта, тушунгандирсиз.

Фалати бўлди-ю, ҳеч бунақанги одати йўқ одам, менинг устимдан аллақчон ҳукм чиқариб улгурибди. Адҳам Аҳмедовдай инсоннинг бу қадар тез ўзгаришига ақлим бовар қилмасди. Дарров розилик билдиридим. Шаҳло хабардормикин? Майли, отасидан эшитгани яхши.

Шошилиш шарт. Лекин Гулшанойни қидиришни орқага суролмасдим. Аввал унинг олдига ўтишга ошиқдим. Намангандаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ёнидаги колледж ҳовлисига қадам қўйганимда танаффус чоги экан, ичкарига кириб-чиқаётган ўғилқизларнинг кети узилмасди.

- Ҳамширалик гуруҳининг битиравчи ўқувчилари қайси қаватда ўқишиади? - Рўпарадан келган дастлабки одамни саволга тутдим.

- Иккинчига кўтарилиб, ўнг томонга юрсангиз, осонгина топасиз, -деди у хушмуомалалик билан.

Зиналардан юқорилаб, яна сўраб-суриштириб, унинг гуруҳи машғулот ўтказадиган 50-хонага яқинлашгач, вужудимни қандайдир ҳаяжон қамради. Дабдурустдан нима дейишими ни ўйлай бошладим.

- Кимни ахтараяпсиз? - Сезгир талаба йигитлардан бири ёрдамлашгиси келди.

- Гулшаной Нуриллаевани.

- Ақасимисиз?

- Ҳа.

- Ҳозир чақирвораман.

У хонага кириб кетди. Лекин мен шошиб хато қилиб қўймадиммикин. Қўпчиликнинг орасида қиз нотуғри тушуниб қолса-я. Ёки акаси йўқлигини назарда тутиб, дугоналари устидан кулишган бўлса-чи. Ҳозир чиқадигандай эшикка нигоҳимни қадаганча турардим. Остонада бояги йигитча кўринди.

- Гулшаной бугун ўқишига келмабди.

Ҳайрият хатоимни тўғрилашга имкон туфилди.

- Аслида акаси эмасман, опасининг қадрдони, врач Ботир Нодировичман. Зарурат туфайли излаётгандим. Үқишлари яхшиимикин?

- Яхшияммас, аъло, дўхтирик ака, аъло! - Тъкидлади у. - Гулшаной коллежимиз юлдузи-ку! Сўраганингизни эртага, албатта, ўзига етказамиз. «Сотка»нгизнинг рақамини қолдиришингиз мумкин.

Мен суннади хиломасдим. Сабаби шу кунгача уяли телефонга кизикмагандим. Унинг ҳаётий заруратини яна тушунгандай эдим.

Учратолмаганимга Тошкентга келганимда баттар ўқиндим. Илмий марказда, клиникаларда малака оширишга шунақангি берилдимки, бу билан гўё овундим ҳам. Очиги, урология соҳасига ихтисослашиш истагијам Малика ўн гулидан бир гули очилмай туриб буйрак касалидан ҳазон бўлганлиги учун кучайганидан кучая борди. Профессор домлалар билан бирга операцияларга кира бошладим. Ассистентлик вазифасини ўташимга яхши инсонлар шароит яратишди. Илмий мунозараларда, жарроҳлик амалиётларида фаоллигим туфайли янги устозлар назарига тушдим.

Моҳир уролог-жарроҳ Қобил Комилов клиникасида энг мураккаб операцияларгача 90-95 фоиз муваффақиятли амалга оширилаётгани тиббиётдаги истиқлол ислоҳотлари шарофатидан эди. Машғулотлар якуни яқинлашаётган кезларда ўзим учун армонли ҳолат юзасидан дилимдаги саволларимни ўртага ташладим.

- Буйрак кўчириб ўтказишни Россия ёки Ҳиндистонда уддалашаётгандардан бизларнинг қаеримиз кам?

Саволим профессорни қизиқтириб кўйди.

- Ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

- Журъат топсак, жаҳоннинг манаман деган олимшифокорлари билан алоқани мустаҳкамласак, бунинг қийин жойи йўқ деб ҳисоблайман.

Үтирган ҳамкасларим қарсак чалиб, олқишилашди.  
Албатта, профессор ҳам қүшилди.

- Баракалла, баракалла, сиз ёшлар бизнинг авлод вакилларидан ўтиб кетишга қодирсизлар. Ўзбекистондаги тиббиёт тараққиётининг ёрқин истиқболи илмга ташна, фидойи мутахассислар кўпайишига боғлиқ. Мамлакатимиз йилдан-йилга бойияпти, иқтисоди муттасил юксалишда. Энг замонавий тиббий аппаратлар билан жиҳозланган илмий марказу, клиникаларимизни хориждан ташриф буюраётган ҳамкасларимиз ҳаваслашаётгани бежизмас. Ўғлим, орзунгизга яраша илмда-ю, амалиётда босар қадамларингиз ҳам катта бўлсин! Агар хоҳласангиз, ёнимизга ишга чақирамиз.

Домланинг рағбатиданми, дилимдаги умримга татигулик армонлар ўқинчи туфайлими уролог-жарроҳлик бўйича пойтахтда фаолият юритиш мақсадим янада қатъйлашди. Шаҳлонинг таклифини қабул қилиб шошилганимни англадим. Андиконга боришдан кўра, Тошкентта қайтишни афзал ҳисобладим. Маликанинг хотираси ҳурмати учун ҳам, албатта, шундай қилишим зарурга ўхшарди. Гулшанойга ғамхўрликни фақат зиммамдаги қарзим десам фалатирофу, бурчим каби тушунаман. Садоқатим синовидаги сусткашлигимни ўйлаб, ҳозирча ичимни ғашлик кемиряпти. Машғулотлар тугаши биланоқ Наманганга - тўғри унинг олдига етиб боришга аҳдландим.

Эртаси кун эрталаб Қобил Комиловнинг қабулига кирдим. Маслаҳатларига қулоқ тутдим. Муҳими, тўртбеш йиллик ўқиб-ўрганишу, бетиним изланишларга ўзимни бағишиласам, устознинг юқори малакали шогирдлари қаторига қўшилишимга умидим мустаҳкамланди. Кувончим ичимга сифмай ташқарига чиқдиму, Кўйлиқча шошилдим. Ўша ердаги «питак»да енгил

машинага ўтирганимда соат ўн бирга яқинлашганди. Кийининг қировли кунлари бўлишига қарамай, «Нексия»нинг ҳайдовчиси келиб-кетавериб йўлда юришнинг ҳадисини олганакан. Машинасини бемалол юқори тезликда бошқаарди. Ҳатто Қамчиқ довонидаям унча кўп вақт йўқотмадик. Ҳайдовчи мамнун эътирофландай бундай кенг ва равон йўлда довонда кетаёттаганингни ҳам унугиб юборасан. Тунелларга келган чоғда гўё пойтахтдаги еости йўлидан ўтаётгандек тасаввур туғйлади, ташқарига чиққачгина баланд тоғлар оралиғидалигингга ишонасан. Йўналиш бир томонлама, қаршинг хатарсиз теп-текис асфальт, шамолдек елаверасан. «Барчаси мустақиллигимиз шарофатидан, илоҳим жаннатона юртимизга сира-сира кўз тегмасин!» дея ёнимдаги отахон кафтларини юзига тортиб дуо қиласканлар, биз ҳам беихтиёр кўшилдик. Ўзбекистонимизнинг боғларигинамас, юксак қорли тоғлариям нақадар мафтункорлигига икрорландик. Нимагадир яна Маликани эсладим. Бирга-бирга юриш насиб этмаган экан-да. Ҳозир ёнимда бўлганидами, оппоқ чўққиларга боқиб, завқланганидан нималар дер эди-я!

Бу гал ҳам бемаврид борибман коллежга. Гулшанойнинг у ерда йўқлигидан ҳафа бўлмадим, аксинча жудаям қувондим. Негаки устозларидан кутилмаган гапни эшитдим. «Қанийди барча қизларимиз Гулшанойга ўхшаса, аввал «Талаба-ҳамшира» танловида вилоятда унинг олдига тушадиганлар топилмаганди, яқинда вилоят олимпиадасидаям ғолиблар сафдошига айланди. Кечагина Республика босқичида қатнашиш учун пойтахтга жўнатдик. Мақсади битта-биничи ўринни эгаллаб, ТошМИга имтиёзли кириб, ўқишни давом эттириц». Ҳали ёрдамим тегмаёқ Гулшанойнинг камолоти ҳаваслагудайлигидан кўнглимга

таскин инди. Лекин моддий қийинчилігі йўқмиカン? деган ўйда ўзимни ҳалигача таништиrolмаганимдан афсус ҳам чекдим.

\* \* \*

Кутілмаган бир воқеа күнглимга ҳижиллик солди. Маликани соғиниб, изларини күмсаб, ахтариб, ўша мудхиш ҳодиса жойи - канал қирғоғига борибман. Тутқатор остидаги сарғайған, афтодаҳол ўт-ўланларни китирлатиб еб юрган қўйлар хуркиб нарироққа силжиди-ю, эгаси безовталаниб менга яқинлашди. Оппоқ соқолли отахонга юзландим.

«Сен билан учрашмасам, шундоққина рўпарамда кечган фарёдли оқшом ҳодисасидан воқифламасам, кўзимнинг гувоҳлик гуноҳини нариги дунёга елкалаб жўнаш азобидан кутілмасам, дўзаҳ оловларида куйишим мумкин эди, ўғлим. Ўша Ботир исмли йигит сенлигингта ишонаман. Ҳомоҳо, қизингнинг руҳи чорлагандир бу ерга. Асло «йўқ» дея кўрма, болам. Келишингни билардим, учратишга илҳақ эдим. Ёшим саксондан нарида, тўқсондан берида. Тўримдан гўрим яқин. Ёлғонга ёндошмайман. Тилим фақат ростга айланади. Тоқат қип тур, сабрга сифин, гап қўшмай тингла.

Ўша туманли фира-шира оқшом тутқаторда ўтлаётган қўйларимни қайтариб, уйга ҳайдоётгандим. Эгнида ҳаворанг либосли, бошига қизил дурра танғиган қиз қаёқдандир ҳовлиқиб пайдо бўлди-ю, кўзи менга тушиб, чўчиғандай ўзини тутлар ортида паналашга уринди. «Бемаҳалда нега бу томонларда тентираб юриптийкин?» деган хаёлга бордиму, сал фурсатда сўнг ёнимдан «Ассалому алайкум»лаб ўтганида юзимга табассум ёйилди. Чехрасини аён кўрмаганим билан тарбияли қизлигини зумда фаҳмладим. Тутқатордан чиққанимда яна иккита каттароқ ёшдаги қизларга

дучландим. Улар мүлжалымда ҳалиги бечорани таъқиб қилишаётгандай эди. Беихтиёр күнглимга ғул-ғула түшди. Құйларимни ўз ҳолига ташлаб, қорама-қора орқаларидан юрдим. Яңглишмабман, канал қирғогидаги овлокда ёлғиз қизни кейинги иккови роса айбларди.

Сочлари кесилган замонавий қизнинг лаби-лабига тегмасди. «Ботир аканинг бошини айлантирганинг билан ҳеч нимага эришолмайсан. У аслида мени севади, сенга эса ачинади, холос. Кўзингни суzmай, озгина ноз қилганингда ёпишволмасди. Мен йиллаб бирга ўқиганим билан күнглимни очмадим, дўст тутдим, севишини кутдим, дил изҳорига шошилтирамдим. Сен орсиз экансан!» деганлари ҳануз қулоғим остида.

У раҳмимни келтириб: «Опажон, ўлай агар Ботир аканинг кўнгли сиздалигини билган бўлсан. Менинг ҳеч қачон бирорлар бахтига чанг соладиган одатим йўқ. Ҳалиям кечмас. Сизни десалар иложим қанча... Мени тинч қўйинглар, ичимдаги дардим ўзимга етиб ортади, ҳурларга айлангим келяпти, ҳалақит берманглар...» дея пиқ-пиқ йиглади. Иккови қиз ғолиблардай суюнишди. Бироқ курашни охирига етказмагунча бўшашмади сурбетлар. Айниқса, ёнидагиси молпарастроқ экан. «Ботир ака берган узукни ташлаб кетсин, айт, ўртоқжон, ҳурлар узук тақишимайди тушунтиранг-чи, ана қулида кутиси билан ўйнатиб турибди» деганини биламан ҳалиги қиз ўзини каналга ташлади. Сувни бир-икки шалоплатганча зим-фойиб кетди. Шунча йил яшаб, бу каби даҳшатли ҳодисани кўриш тугул эшитмагандим ҳам, ўғлим. Эҳ, аттанг, эҳ, аттанг, гангиганимдан тўхтатиб қолишгаям улгуролмабман-а. Норасидани ўзини-ўзи нобуд қилишига мажбурашди-я яшамагурлар. «Аёлларнинг макри қирқта туяга

юк бўлади» дейишса ишонмасдим шу чоққача. Энди эса... Сенгаям осон тутмайман. Кўнглига қарадинг, бояқишининг ҳаётини сақлаб қолиш илинжида кечакундуз югурдинг, риёкорлар сизларни доғда қолдирди барибир. Аммо, Аллоҳ олдида улар, албатта, жавоб бершига тўғри келади».

Мен жим туролмадим Маликамни жонидан тўй-дирганлар кимлигини тусмолладим. Наҳотки, икки қизнинг бири Шаҳло бўлса?! Наҳотки, у менинг юрагимни мажруҳ этиб, яна меҳр-муҳаббатимга умид боғласа! Алдаганларнинг алданганлар устидан кулиб яшашига заррача ҳаққи борми? Менимча, улар жазога лойик! Тавқи лаънатга муносиб! Бахтсизликка гирифторликка маҳкум!

Беихтиёр отахон билан канал қирғофига яқинлашдик. Бирдан сув шалоп-шалоп этди-ю, унинг юзида оппоқ ҳарир либосли қизнинг сиймоси жонланди. Танидим, у Малика эди.

- Отахон шу қизмиди, чўккан?

Чол қаттиқ разм солди-да, сўнг кўнглимдаги жавобни айтди:

- Бу ўша-ўша, худди ўзи, худди ўзи. Нега қаққаясан, оғзингга толқон тўлганми, чақир-чақир, олдига чоп, олдига чоп!

- Малика! Малика! Малика!..

У негадир эшитмади. Бироқ жилмайди, қўл силтаб хайрлашди-ю, фойиблик бағрига сингиди.

- Тинчликми, Ботиржон! Алаҳсираяпсанми? - Отам хонамиз чироини ёқиб, ёнимда ташвишли қиёфада ўтирадилар.

- Туш кўраётганаканман, бироз босинқирабман.

- Ёмон тушмиди?

- Эслолмаяпман.-Ростини айтгани уялдимми, ёлрон гапирдим.

- Шуниси яхши, эсга муҳрланиб қоладигани чатоқ, ўнгингдаям азоблайди, - дея отам хотиржам тортилар.

Қанча кўзимни юммай, барибир кипригимга қайта уйку илинмади. Тушдаги ҳодиса миямда гужғон ураверди. Ўйлаб ўйимнинг охирига етолмасдим. Кўққисдан бунаقا тушланганимдан ақлим лол эди. Наҳот, наҳот Шаҳло... Йўқ-йўқ. Сираям мумкин эмас. Ахир унинг ўзи менга жон куйдирди, қайғурди. Уйимизгача қадамини аямади. Ўзим айттолмаган гапларимни ўзи етказди-ку. Бу иши ҳатто анчадан бери келинликка мўлжаллаб юрган онамни таажжубга солганигача боҳабарманку. Қандай қилиб уни айблай олай. Яна ким билади дейсиз, балки тақдиримиз туташ битилгандир. Гина-кудуратга бормай, гўё ҳеч нима бўлмагандай ёнига чақирияпти. Раъига осонгина кўнганим шунданми.

Афсуски, Шаҳлонинг истаги бу гал ҳам амалга ошмайдиганга ўхшайди. Профессор Қобил Комиловнинг таклифлари бугун барчасидан устун кўриняпти. Жон-жаҳдим билан интилсан, устознинг баridan маҳкам тутсан, Маликаларга ўхшаган кузги гулларга қанчадан-қанча баҳорларни түҳфалашга қодир инсонга айланишимга кўзим етиб турганида Андижонга кетворармидим. Аслида Шаҳлогаям аниқ ваъда бермаганман. Фақат ўйлаб кўришимни айтганман, холос. Тафии беоқибатлигимдан тезда қатъий қарорга келолмаганимдан ва энди бошқа орзулар сари ошиқишимдан ичидан ранжисаям, ташқида билинтираслигига ишонаман. У кечаги дўст эмас, анча йиллардан бўён ҳамсабогу қадрдонлармиз. Бетаъма муносабатларимиз барибир давом этаверади. Ҳаракатимни тўғри тушунади, кутилмаган янги қароримният маъқуллаши тайин. Андижон Андижон, Тошкент Тошкентлигини менданам кўра яхши анг-

лайди. Пойтахтдаги шароиту имкониятларни вилоят-дагига солиширгандаям кейинги танловим жүяли эканлигини уям инкор этолмайди.

Күнглим бошқа ҳолатдан ҳижил. Ҳалигача оддий илтижодай туулган, бугун эса васиятта айланган юмушни уддалаёлмаганлигим изтиробга соларди. Маликанинг руҳини беҳад шодлантириш мақсадидаги ҳаракатимдан ўзим қониқолмасдим. Аксига олган-дай икки марта излаганимдаям Гулшанойни учрата олмадим. Мен ундан ҳабардорману, у мендан бехабар-лигича юрибди. Маликанинг руҳи олдида юзим шувит бўлмаслиги керак. Натижасиз ҳаракатдан не наф. Бу сафар синглиси билан учрашмасдан қайтмаслигим зарур. Қаерда бўлсаям ёнига етиб бораман. Акалик меҳримни аямайман. Илк муҳаббатим олдидаги бурчим цуни тақозо этади.

- Намунча уйқунгдаям ҳаловатинг йўқ, болам, - дедилар онам тонг ёриша бошлаганида кўзим очик шифтга термулганча ётганимга назар ташлаб. - Яна Маликани ўйлаётгансан-да. Эҳ-ҳ-ҳ, ўғлима-ўғлима. Дунёнинг иши қизиқдан қизиқ. Гоҳ кувонтиради, гоҳ ғам-ғуссага ботиради. Ҳеч бири беадоқмас. Бири бирининг ортида. Кўнгил берганинг иродасизлик қилиб қўйганига ачинаман, яхши кўрганингни бевакт тупроққа топширганингта ачинаман. Аммо-лекин ҳали баҳтинг олдинда. Сен ҳадеб азобланаверма. Унинг руҳи қаршисида бошингни тик тут. Кўлингдан келганини қилдинг. У ёғи Аллоҳнинг измидалигини унугтма. Биз бандай мўминлар ожизмиз. Қисматта кўни-кишдан ўзга иложимиз қайда. Турақол ўрнингдан. Ана, яна қуёш мўралаяпти, яна янги кундан даракла-япти. Унга худди болалигингдагидек салом бер! Нурларини мўл-мўл сочишини сўра, кўнглингни нурларга ўра. Ёришиб қетсин, чараклаб кетсин!

Онажонимнинг таскинбахш даъватларидан фоят таъсиrlандим. Беихтиёр бегубор, беташвиш, бегалва болалигим ёдимга тушди. Хўп-хўп дея чакқон ўрнимдан турдим. Юз-қўлларимни ювиб, нонуштага ёзифлик дастурхон атрофидаги қадрдон меҳрибонларим қаторига ўтирдим. Онам билан синглим сирли гап айтишмоқчидай аввал бир-бирларига, кейин менга маъноли қараб кўйишганини ногаҳон пайқадим. Дарров нима демоқчиликларини сўрамоқقا оғиз жуфтламоқчийдиму, отамнинг даккинамо гапларини эшишиб тийилдим.

- Ҳозир Ботиржонни чалғитишларинг ўринсиз, ҳамма нарсанинг вақти бўлади. Шошилманглар, ростмана ўзига келволсин, ўшанда ётиқчасига етказасизлар.

- Майли отаси, сиз нима десангиз шу-да.

Онамнинг ёқимли жилмайишлари кўнглимда турилган безовталикни босди. Сабаби, яхши янгилик борлигига йўйдим. Энди шайдаман, бугун бўлмаса, эртага оғиз очишар отам айтганларида мавриди билан. Энг муҳими, руҳим тетик, ишга иштиёғим қайди, очиги кучайди. Озгина сабр қилиб турсам, Тошкентдан хушхабар келиб қолишига умид бор.

Кўнглимни эзган, хаёлимничувалаштирган тушими ни қанчалик эсламасликка уринмай, уни бутунлай унуголмадим. Сабаби, Маликани жонидан тўйдирган, ўлим гирдобига итарган жумбоқ ҳалиям қийнагани қийнаган эди. Ким қизнинг сабр косасини тўлдирдийкин? Ким бизнинг - меҳрибон устозим, Шаҳлодек самимий дўстим, мен ва севгилимининг ўргасидаги гапларни янгасига ошкорладийкин? Шабнамдай шаффоф Маликага таҳқирловчи, ҳақоратловчи танаудашном тошларини отишга ўтгай онасини ким гижгижладийкин? Саволлар усти-устига миямни ҳануз

ўярди. Адҳам Аҳмедовичният, Шаҳлониям айблашга асос қидиролмасдим. Ўртада мен билмаган яна кимдир бордай. Ўша кимни кимдан биламан...

Шифохона ҳовлисига қадам қўйибоқ, дастлаб Шаҳлонинг телефон рақамини суриштиришим кераклигини англадим. Аввало, ўз вақтида берган далдаси-ю, дўстона муносабатлари учун миннадорчилик изҳорлашим, сўнг узримни айтишим лозим. Қабулхонадаги котибадан сўрай-чи, билар. Устозгаям учрашиб, ҳозирча бўлимдаги ишимга янада астойдил киришишимни айтишим керак. Тиббиётдаги янгиликларни, илғор даволаш усуllibарини бекорга ўрганиб қайтдимми.

Бош врач ҳузурига келганларни навбати билан ичкарига йўллаб ўтирадиган Мадина ҳали барвақтлигиданми ўзи ёлғиз экан. Кирганимдаёқ худди кутиб тургандек қарши олди.

- Шаҳлонинг телефон рақамини биласизми?
- Сўраганимда фалати қарашиб қилиди у.
- Биламан, бошқа нарсаниям биламан, айтаверайми?
- Нимани? -Ажабландим котибанинг бунақа муоммаласидан.
- Мендан эшитганингиз орамизда қоладими? - Саволимга жавоб бериш ўрнига шартлаша бошладигу.
- Майли, сирли гап бўлса, менгаям шуниси маъқул,
- дедим унинг кўнглига хотиржамлик бағишлаб.
- Ҳм-м-м, аввал телефон рақамини ёзинг. МТСники: 250-19-73

Мен ёзмадим, чунки охирги тўрт рақами Шаҳлонинг туғилган йили эканини фаҳмлаб етгандим. Ҳалиям бирор нарсадан ҳадиги бордай бунга Мадина эътибор бермади-ю, лекин ҳозирги айтадиган гапи анча жиддийдай туюлди. Мен ҳам атайлаб кетишга шошилмадим. У гапларини эшлишишни кутиб тури-

шимга тоб беролмади шекилли ниҳоят оғиз очишга журъатланди. Қабулхонада ўзимиздан бошқа ҳеч ким йўқлигига қарамай, хушёрикни унумаган ҳолда сенкингина уқтириди.

- Шаҳло опага қўнфироқ қилмаганингиз маъқул. Мен аслида гап ташиб юрадиган қизлардан эмасману, негадир сизга етказгим келаверди. Ўз оёғингиз билан кирганингиз учун сир сирлигича қолиб кетишини истай олмадим. Ҳаммасига сиз сабабчилигинизни юрагим сезди-да.

- Мунча чўздингиз, айтсангиз айтақолинг, - дедим беихтиёр қизиқишим кучайиб.

- Бош врач қизини телефонда роса айбладилар, қаттиқ-қаттиқ уф тортдилар. Хонадан у ёқقا-бу ёқقا юриб, «Ҳа-а-а, қизим тушмагура, қизим тушмагур» деганича диванга ўтириб, узоқ ўй сурдилар.

- Менга буни нима дахли бор? - Ҳайратландим сенкингина елкамни қисиб.

- Сизни деб-да.

- Очикроқ айтинг.

- «Ботирни тинч қўйганинг яхшийди, қандай қилиб шунчаликка бординг. Биргина оқибатини ўйламасдан қилган ишинг бошқаларга қимматга тушишини, кимларнидир азоблашини нега хаёлингга келтирмадинг, сендан буни сира-сира кутмагандим, агар менинг қизим бўлсанг шогирдимнинг ҳаётига иккинчи аралашма!» - дедилар қатъий оҳангда.

- Кейин-чи?

- Кейинми, Шаҳло опа отасидан кечирим сўраб ялиниди. Лекин дўхтир зарда билан алоқани уздилар... Сизга чақиб чакки қилдим-ов.

У кайфиятим бузилганидан ташвишланди.

- Йўқ-йўқ, бу тўғри иш бўлди. - Мен Мадинани тинчлантиридим.

Лекин бир нарсадан жуда ҳайрон эдим. Шу тобгача бизларга хайрихоҳлик кўрсатиб юрган устозим бунака йўл тутаётганликларидан гиналадим. Дўстлигимизга ҳар доим ҳурмат билан қарайдиган инсон ҳозирга келиб, исмимга жон қўшишниям эп кўрмаганликларидан ажабландим. Ножӯя ҳатти-ҳаракатимни сезмаганим учунми, у кишининг бирданига ўзгариб қолганиклиарига тушунолмадим. Тошкентта ўқишга юборишиларини худди ёнларидан қувишга, Шаҳлодан атайлаб узоқлаштиришга йўйдим. Қизларининг айби энг зарур дақиқаларда мендан юзини буриш ўрнига керакли ёрдамини аямаганими?!

Шаҳд билан қабулхонадан чиқаётган эдим, остоңда устозимга урилиб кетишимга сал қолди.

- Ие, Ботиржон, қачон қайтдингиз, қани бу ёққа юринг-чи? - дедилар аввалгидай самимий ва меҳрибон қиёфада «Иккюзламачиликниям жуда ўрнига қўярканлар» хаёлимдан ўтказдим ортиларидан хоналарига киарканман.

Устоз хона тўридаги юмшоқ ўриндигига ўтиш ўрнига қўйироқдаги диванга бирга ўтирволдилар. Авваллари сира бундай одатлари йўқ эди. Қарашларида соҳталиқ сезмадиму, самимийлик ҳам кўринмасди. Ёнмаёнмизу, аммо орамиз узоқлашгандай бегонасираб турардим.

- Тошкент ҳавоси беҳад ёқибди, - дедилар худди жўнатиб тўғри қилганликларини таъкидлагандай. - Ботиржон, сизнинг келажагингиз ҳали олдинда, бизнинг эса сафаримиз қариб боряпти. Келгусида менинг ўрнимни эгаллашингиз мумкин десам гўё сизни камситтандай сезаман ўзимни. Ахир тиббиёт соҳасида бир кичик туманга бош врачлик у қадар камолот эмас. Жиндек ташкилотчилигимиз, сал-пал ташаббускорлигимиз сабаб лозим кўришган бу мансабни. Аслида

мансаб анқонинг уругимас. Фурсати келса, топилаверади. Бироқ эл-юрг олдидағи мартабанинг мавқеи улуг ҳисобланади. Улуғлиги шундаки, уни ҳеч ким инъом этмайди, бермайди, улашмайди, эришсанғиз ҳатто олиб қўёлмайди ҳам. Ўзингизнинг муттасил ҳалол ва фаол хизматингиз эвазига бетакрор обрў-эътибор қозонасиз. Фақат тез эмас, йиллар ўтиб. Кимdir шуни сизга ҳозирдан уқтириши керак эди. Ўша кимdir мен бўлганимдан кейинроқ мамнунлансан қанийди.

Адҳам Аҳмедовнинг яна самимилашиб бораётгандарини пайқадим. Бекорга ўпкалаганимни ҳис эта бошладим.

- Тўғри, устоз, - дедим кўнглимга нур, юзимга табассум иниб.

- Ҳали қайтмасингизданоқ вилоят бошқарма бошлиғидан сиз ҳақингизда яхши гапларни эшиганимдан хурсандман. Профессор Қобил Комилов телефонда айтибдилар. «Парвозга талпинадиган ёш мутахассисларни вилоятда ушлаб тураверманглар, рабатларингни аяманглар, бизларга рўбарў қилишни унуманглар. Яқинда келган Ботир Нодирович тиббиётнинг буғунию, эртасини ўйлаб, астойдил қайгураётганига қойилман! Тез орада ёнимга чақириб оламан» дебдилар. У одам бошлиғимизнинг талабалик қадрдонларидан, бирга ўқишган, институтдан кейин ҳам яна илм истаб пойтахтда қолган. Кийинчиликлардан чўчимай умрини тиббиёт ривожига бағишлиб, республикага таникли олим-шифокорга айланди. Мартабаси жуда баланд. Ўзингиз ҳам билгандирсиз.

- Албатта, - дедим Адҳам Аҳмедовнинг фикрларини маъкуллаб. - Қўли енгил жарроҳлардан эканлар. У кишининг клиникасида республикамиз қолиб, қўшни давлатлардан ҳам bemорлар келишиб, қабулларига навбатда туришаркан.



- Ана кўрдингизми, яхши инсоннинг қадр-қиммати, машхурлиги вақти келиб, сарҳад билмайди. Қобил Комиловдек одамлар камдан-кам. Уларни бемалол Ибн Сино издошлари дея атасагам заррача янгишмаймиз. Илмдаям, малакадаям тенгти йўқ инсонлар тоифасидан. Бизлар эса тумандан ташқарига чиқолмадик. Ота-оналаримиз кекса дедик, оиласвий ташвишларга ўралиб юравериб, элликдан ўтиб қолдик. Сиз ёшларга ҳавасим бисёр. Ҳамма шароиту имкониятлар тобора тўқисданаётган ҳурлик даврининг кадрисизлар. Энг муҳими, ҳозир сизнинг елкангизда «ола ҳуржун» йўқ. Орзу сари астойдил ошиқсаларинг, ҳеч нарса оёқларингга тушов бўлолмайди. Ота-онангиз кексаймаган, улар соғу-саломат, бардамлар. Оилаңгиздан кўнглингиз тўқ, яккаю ёлғиз ўғилларисиз, топганлари сизники...

Устознинг гаплари таъсирида ўзимни фоят баҳтиёр авлод эканлигимни ҳис этдим. Ҳаётнинг зарбаларига чидамли бўлиш зарурлигини англадим, булутли осмондек аламзада кўнглимдан умидсизлик чекинишига йўл беришим кераклигини чукурроқ уқдим. Ана ўшанда тағин қалбим куёшланади, кўзларим ғамлардан эмас, аксинча кувончлардан ёшланади, эртанги баҳту омад бугунги ҳаракатдан бошланади. Маликанинг порлоқ хотирасини эъзозлаган ҳолда моҳир уролог-жарроҳ даражасига етишим зарур! Унинг руҳи ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар сония сўнмас умид, бетугал изланиш, беморларга нажотбаҳшлиқ куч-куватини беришига қаттиқ ишонч уйғонаётганди ўша лаҳзаларда. Энди ортиқ ўйланишга фурсат қолмади. Мақсад ягона, манзил аниқ. Ўта машаққатли, ўта шарафли йўлни танлаётган эканман, Маликанинг қабри зиёратида бўлиб, ундан хаёлан оқ фотиҳа оламан. Руҳлари қўллаб-куватлаб туришини сўрайман.

Вақт зиқ. Эрта-индин хүшхабар келса, шошиб қолмас-лигим учун хотиржам ҳолатда ҳисларимни қошига бориб, унсиз түкишимгина менга енгиллик беришига, орзуласым саробланмай, тезроқ ушалишига ишончим орттанидан ортарди. Бундан олдин эса қадрдон дүстим Шаҳло билан телефонда боғланиб, узроҳлигими-ни аёnlайман. У ҳар галгидай бу сафар ҳам мени түғри тушуниши тайин.

Мен терапия бўлимидаги хонамизга ўтибоқ стол устидаги телефон дастагини олдим. Ҳалиги рақамларни тера бошладим. Гудок кетди, усти-устига такрорланди, ҳозир «сотка»сини қўлига тутади, уланиш тугмасини босади. Гапни нимадан бошлаганим маъқуллигини ўйлаб бошим қотаётганди, гудоклар қўққисдан узилиб, МТСдан ҳозир боғланиш имкони йўқлигини маълум қилишди.

- Сиз Ботир Нодировичми?

- Ҳа, - дедим телефон дастагини қулогимдан йироқлаб, жойига қўярканман остонаяда кўринган нотаниш аёлга.

У тик турганича унсиз йиғлаб юборди. Нега ўзимни танитишим аёлнинг кўзларида ёшини милтиратди? Танаси титраётганини мижжасидаги намга рўмолчасини босаётганида сездим. Ҳаяжону тортиниш ўртасида бир зумгина сукутлангач, сал дадилланди-ю, айбдор одамдай кўзларимга бемалол боқолмасди.

- Қани буёққа ўтирволинг-чи, - дедим одатимга кўра беморни тинчлантириш учун мулоийимлик билан.

У қаршимдаги ўтиргичга омонатгина чўқди.

- Асабларингизни асрамаганга ўхшайсиз, - ҳолатидан пайқаганимни айтмагунимча у миқ этмайдигандай эди.

- Қандай асрай, дўхтир, қандай асрай, ичим тўла дард бўлса, қилган қилифимдан қайгуланаверсам, ҳасрат дафтаримни кимга очай, кимдан најот сўрай?

Мен бекорга вақт сарфлаб, таскин бериш ортиқ-алигини тушунгандай тұғри йүл күрсатишига уриним.

- Сиз невролог Еқубжон Бозоровга учрашишингиз керак.

- Нима, ҳайдаяпсизми? - У чақмоқ чаққандай бир есканиб, ҳүшёрланды. - Ўша бұлимда ётганман. Аңча үзимга келиб ҳам қолғандым. Лекин ҳеч ким билмай-иган биргина босған ножүя қадамимнинг товонини үлаяпман. Күзимнинг оқу-қароси беш ёшли ўғилчам тез-тез истималаяпти, үзимнинг эса қон босимим салдан-салға күтарилиб кетяпти, уйқумда ҳаловат қолмади. Күзимни юмишім билан... Буни факат сизга айтиб, енгил тортмасам, сиздан ўтиниб-ўтиниб узр сұрамасам ҳолим ҳароблашаверади.

Унинг гаплари баттар таажжубға солди.

- Йүқ-йүқ, мени ким биландир адаштиряпсиз. - Аёлнинг ақлу-хуши жойидалигига шубҳам ортиб, ўтиришга таклиф этганимданам ўқиндим. Энди хонамдан қандай қувиб чиқараман. Бу врачлик этикасига асло тұғри келмайди. Навбатчи ҳамширани чақириш үчун ўрнимдан турдим.

- Қаёққа? - Аёл норози қиёфада савол ташлади.

- Қарай-чи, ҳамширалар бормиқин? Сизга муолажалар буюрардим.

- Тұхтанг! - Күлімдан маңкам тутди. - Муолажани кейинга суринг. Сизни қидириб учинчи бор келишим-а. Айтадиганимни айтаман-да, кейин күзингизга күрінмайман.

Мен уни күришга зормидимки, қарангта, жинни-пинними ўзи.

Энди аёл тик турганча тинглашға мажбурлади.

- Мен Шаҳлонинг синфдош дугонасиман.

- А-а-а? - дедім бир нималарни анлагандай.

- Ҳа, исмим Маҳзуна бўлсаям, аслида шўх-шаддот

эдим. Ҳозиргидек исмимни жисмимга мос келтиришга үзимғинамас, Шаҳлоям сабабчи. Қайданам күришдик ўша кеч куз маҳали. Ўн бешинчи ноябрмиди, ўша узукни олган кунларинг, янгишмадимми?

- Шундай. - Маъкулладим тушкун бир аҳволда.

- Сиз билан учрашгани келаётганида қўнғироқлашиб, дардлашгандик. «Ботирга юрагимда борини үзим тўкиб солмасам, у киши дўстликдан бошқасини билмайдилар» дея олдингизга талпинаётганди. Ўртоқжон қайтишда бирров бўлсаям бозорга киргин, кўришиб қолай дея соғинганимни айтгандим. У кечки пайт ғалати қиёфада, сўлғин ҳолатда дўкончамга келди-ю, бағримга босаётганимда йигидан үзини тўхтатолмади. Аламли-аламли йигларди, ўксиб-ўксиб йигларди, армонли-армонли йигларди. «Ўзимнинг севган йигитимга үзим ўзга қиз учун никоҳ узуғи танлашвордим, онасининг олдига бориб, ёқтирганини келин қилишларини илтижоладим, дугонажон. У аёл мени келин қилмоқчилигини билардим, бу ҳаракатим билан Рисолат аяни ҳайратлантирдим, умидини пучга чиқардим, ҳаммасини Ботирнинг бахти деб қилдим. Бундай қарасам, үзимга үзим душманга айланибман, душманга. Ақлинг юрагингга панд берса, жудаям ёмон экан. Севганимни суюнтираман деб қадр-қимматимни оёғи остига ташладим. Ишқилиб Маликаси соғу-саломат юриб, қўйнициям, қўнглиниям тўлдирсинг!» деб кўзларимга мўлтиради бояқиши. Шундай ақл-идрокли, билимдон, китобу bemорлари билан кечаю-кундуз овора қизнинг қалбига қайтадан умид учқунлантиришга уринишдан ўзга чорам бормиди ўшанда. Ҳалиям кечмаслигини айтганимда, худди шуни кутаётгандай сергакланди. «Рости-я, нима қил дейсан?» саволи билан ҳайратланди. Бизга Бегобод қўшни қишлоқ. Кўчалариниям,

одамлариниям билганим учун дўконимни ёпдим-да, ўша ёққа жўнадик. Киракаш йигит яна сўраб-сурингириб, Маликаларнинг кўча эшиги олдига етказди. Биз остоидан ичкарига ҳатлаганимизда онаси очик чехра билан кутволди. Совчилармикин деб ўйлади-ёв. Дастурхон ёзишга рўй-хуш бермай, қизидан ранжидик...

- Чакки қипсизлар, афсус, минг афсус, айбиз одамни айблабсизлар, у менга хушомад қиласиган аҳволдамасиди, у жони қил устидалигини яхши биларди, у яшашни жуда-жуда истарди, у меҳрга, муҳаббатга ташналигиниям сира сездирмасди, аксинча мен дастлаб касбим тақозоси билан, кейин эса ёқтириб Маликанинг ҳаётини сақлаб қолиш ниятида елиб-югуратгандим. «Ғунажин кўзини сузмаса, буқа итини узмашмиш-а». Бу нақлни Маликага тақаш инсофдан эмасди. Киз бечорани орқаваротдан таҳқирлабсизлар.

- Онаси қизига дакки берса, уни тийиб олса, Шаҳло яна юзланишига имкон туғилади, деб қаттиқ янгишганаканмиз. Ўлай агар онасининг ўтгайлигини билган бўлсан. Ҳамма бўлар-бўлмас гапларни айтишга айтдигу, Каромат опа жазавага тушганида, ўзимиз ҳам кўркиб кетдик. «Яшамагур, у ўлмади, биз кутулмадик!» - деганидагина ўтгайлиги, амакиси уйига сифидилигини англаб, иккимиз ҳам донг қотдик.

«Эрсираб қоптими, дўхтир билан дон олишиб юрибдими, ўзи нима аҳволда-ю, бундай қизнинг боридан йўғи яхши!» - деб аюҳаннос солиб, авзойи бузилганини кўриб, капалагимиз учди. Нотўғри иш қип қўйганимизни фаҳмлаб, дарров кетишга қўзғолдик. Энг ғалатиси, у биздан хурсанд бўлганидан ҳайратландик.

«Ҳали амакиси келсин, қани эди сизларнинг тилларингдан у кишининг ўзи эшитганида...» деб тўхтатишга уринарди.

Махзуна галироялти-ю, мен кўрган тушимни ўйла-япман. Во ажаб! Ҳаётнинг сиз билан биз билмаган

сиру синоатлари қўплигини қаранг-а. Ўнгимда аёнлашиши кечиккани учун аввал тушимда белги берганакан-да. Маликанинг руҳи безовта юрганиданмикин?

- Бугун Шаҳлоям хурсанд эмас, мен эса қаттиқ руҳий азобдаман. Туҳмат билан қизнинг ҳаётига зомин бўлгандекман. Маликадан кечирим сўраш қиёмат қарзга айланди. Агар истасангиз унинг ўрнига сиз кечиринг бизларни...

Маҳзунанинг билиб-билмай қилиб қўйган хатти-ҳаракати дунёдаги энг азиз инсоним - Маликанинг нозик қалбига кутилмагандан қаттиқ озор етказгани, шусиз ҳам жони ҳилвираб турган, икки олам орасида омонат нафас олаётган қизга ўтгай онасининг таҳқирона бепарда сўзлар айтишга қўзғагани аёнлашгани сайин ажабланишдан ҳайкалдек қотиб борардим. Уку Маликанинг аҳволидан, менинг кўнглимдаги туйғулардан тўла бехабар ҳолда дугонасига ёрдамга шошилган, холос. Барчасига Шаҳлонинг ўзи айбдор. Э-воҳ, шунчалар ҳам содда бўлмасам-а! Бундоқ ўйлаб қараганда, бари гапларимни эшитган Шаҳло Маликанинг энг катта рақибига айланишини ҳатто хаёлимга келтирмабман -а! Унинг юз-кўзидағи, сўзидағи сохталикларни фаҳмлаш қийин эмасди-ю. Ўша пайтда кўзларим қаёқда экан. Мұҳаббатимни ҳамма билсаям, Шаҳлодан сир тутганим яхшимасмиди. Очиқ кўнгиллигим, ишонувчанлигим бошимга бало ёғдиришини билиш учун қаттиқ панд ейишим шартмиди, яқин дўст деб юрганим - Шаҳло бунақанги шафқатсизликкача бормаслиги керак эмасмиди?! Мен ишонган Шаҳло ўзганинг баҳтсизлиги эвазига эришилган баҳтдан баҳтсизлик афзаллигини англашга қодир эмасмиди. Мен ишонган Шаҳло ҳеч бўлмаса шифокор сифатида тан ярасини тузатиш мумкину, дил яраси bemalҳамлигини, фақат-фақат вақтгина оғриқларга

күниктiriши, лекин умрнинг охиригача азоблари тугаслигини унутмаслиги зарур эмасмиди.

Оҳ, дунё, дунё! Душманданку озор етиши тайин. Дўст озорини ким ҳам кутарди. Мехрибоним деб ўйлаганим жафокор чиқса, бошимни қайларга урай?!

Ана энди устозимнинг аҳволларини тушунгандайман. У киши қизи билан шогирди ўртасида. Бир қўли фарзандига, бир қўли менга чўзилганча толиққандай. Иккимизни яқинлаштирай десалар, бунинг иложи йўқ, узоклаштирай десалар, кўнгиллари йўл бермайди. Вақт ҳукмига қўйиб қўйишдан ўзга чора тополмагандай. Ўшандаям иккимизга тенгданига гамхўрликни право кўрмоқда эканлар. Қизларининг ҳам, менинг ҳам камолотимни ўйлаб қайфураётганликларига қоийлман.

Лекин Шаҳло орамизга тубсиз чоҳ қазигандан баттар риёкорликка борибди. Ўзича тўғри иш тутгандай туолса-да, бу йиллаб қурилган дўстлик иморатини бир зарбадаёқ ер билан яксон қилиш билан баробар. Кирдикоридан хабардорлигимни биягач, у энди ўзи ковлаган чоҳдан ҳатлаб ўтиб, рўбарў келолмаслиги аниқ. Мен ҳам қувончимни азага айлантирган маккорага юзланмоқни истамайман. Хатодаям хато бор. Бир бегуноҳни ширин ҳаётдан воз кечтирган, бутун орзуумидлари саробланишига йўл очган, энг даҳшатлиси ўлим оғзидағи нажотталаб инсонга ёрдам кўлини чўзиш ўрнига уни ажал чангалига итариб юбориш сирайм кечириладиган хатомас. Гуноҳ, гуноҳ бўлганидаям энг кучлиси, энг каттаси, энг даҳшатлиси...

- Дўхтир, виждан азобидан кутулиш учун сизга бўлган воқеани айттим. Йўл кўрсатинг, ички қийноқлардан кутулишимга имкон топиладими? Ё бутун умр унинг қақшаган руҳи таъқибида яшайвераманми?

Маҳзунанинг маъюс нигоҳи эзилган юрагимни янада эзарди. Ундан нафратланишимниям билмасдим. Бироқ бечора Маликанинг туҳматона таънаю маломат-

лардан булғанған шаьнини ўтай онаси олдида оқлаш имкониятиниям бой бермаслигимиз инсоний бурчимиз әмасми.

- Сиз билан эрта-индин вақт топиб, Маликаларникига бирга борамиз, - дедим қатый вакескин. - Менга нима деган бұлсанғиз, ўша аёлгаям тақрорлайсиз. Аслида бемекр ва зуғумкор Каромат опа шифохона палатасида күрсаттан каромати асоссиз эканини англаб етса, гапирған гаплари туҳматлиги учун уям ўзидан ўзи нафратланса, Маликанинг руҳи ором топса ажабмас. Зора, ўтай она инсофға келиб, тавба тазаруга юзланса...

Менинг олдимга солиб ҳайдамаганимдан, ортиқча сүз тахламаганимдан Маҳзуна анча енгил тортди. Құнғироқлашиш учун уяли телефоним рақамини сұраб олди. Уни кузатишим биланоқ хонамизни бұлым ходимлари тұлдиришди. Малака оширишдан қайттаним учун ҳаммалари тиббиётдеги янгиликтардан сұраб-сурыштиришди.

- Бизни ташлаб Андіジョンга равона бўлиб қолмайсизми, - дея ҳазил аралаш узун қулоқ айтди - дедиларга аниқлик киритишга шошилди бұлым мудиrimiz.

- Андіジョンға ҳеч қачон кетмайману, аммо Тошкентга таклиф тушса, оёғимни құлға оламан, - дедим мен ҳам ҳазиломуз ишонарли тарзда.

- Үнда жуда соз, омадингизни берсин, ука! - Елкамга құлини ташлаганча жилмайди Карим ака.

Ҳамшира оқ халатимни келтиргач, янги ётган беморларим билан танишиш учун палаталарга ўтдим. Яна беихтиёр Малика даволанған хонага яқынлашдим. Эшигини очибоқ дераза ёнидаги у ётған кроватта назар ташладим худди ўзи кутаётгандек. Ўринни саксон ўшлардаги соchlари сутдек онахон эгаллаган эканлар. Врачлигимни унұтмаган ҳолда ўз ўйларимга әрк

бермасликка интилдим. Юзимга базур табассум югуртиздим, тилимни ақлимга бўйсундирдим. Танометрни беморнинг билагига танғидим, қон босимини ўлчаб, юрак уришини эшитишга кирищдим. Нимагадир хаёл опқочдими, онахон сиймосида Маликани тасаввурлай бошладим. Ҳали қалин ва қоп-қора сочининг бир толасиям оқармагандия, шу аёлга ўхшаб яшаб юрганида борми...

- Юрагимнинг уриши ёмонми, болам? - Ташибишли нигоҳ қадади ичимдаги ҳиссиётимдан бехабар онахон.

- Йўғ-е, ҳаммаси яхши, - дедим сергакланиб.  
- Унда ўйланиб қолганингга хайронман.  
- Соғлом одам нимага ётибсиз? - деган хаёлдаманда, - жавобимни ўнгладим ишонтиришга уриниб. Аслидаям қон босими меъёрида эди.

- Кеча кечаси дигузоз билан папаверинни кўшиб томиримдан юборишигач, анча ўнгланиб қолдим. «Тез ёрдам»да келтиришганида кўрганингда эди...

- Тушундим аяжон, сизга ҳозирча хотиржамлик зарур, укол-дориларни сал туриб ёзаман, таҳлилларгаям кўз югуртирай-чи, - тинчлантиридим онахонни.

- Умрингдан барака топ, ўғлим, агар уйланмаган бўлсанг, тақдирингга Аллоҳим кўзи ўтли, кўли кутли қиздан буюрсин!

Дуодан кўнглим ёзилди. Маликаниям кўзи ўтли эди, атиргулларни ёқтиришидан қўллари кутлиям эди чамамда. Таассуфки, тақдиримга ёзиглигимдан уч ой аввал айрилганим аламли армонга айланганини онахон қаердан билсинлар. Балки қайта... йўқ-йўқ иккинчи бор юрагимни ёритадиган муҳаббат аталмиш илоҳий нурни таратадиган қуёшга юзланмасам керак. Юзлансам ҳам у Маликага ўхшамайди, ўхшолмайди ҳам. Яна билмадим...

\* \* \*

Үйга қайтганимда кечагидан мутлақо ўзгарғандим. Ҳәйттинг муракаблигини, тили бошқаю, дили бошқалар атрофидагиларга энг хавфли кимсалар эканлигini дүст қиёфасидаги душманим (энди исмини аташгаям тилим айланмайды)нинг сохтакорлиги, иккюзламачилиги, ўта ҳудбинлиги фошланганидан кейин фаҳмладим. Соддалигимдан орланмасам-да, лақмалигимдан, шу кунгача ўзимни қарздор санаб юрганимдан жуда ўқиндим. Ўшанда унга бор ҳақиқатни рўйи-рост айтмасам, узук сотиб олгани Намангандга етакламасам осмон узилиб ерга тушармиди. Очиққўнгиллигим курсин. Чинакам дүст ҳар қандай вазиятда яхшиликни раво кўришдан чекинмайди. Унинг муносабатлари фақат шахсий манфаатлари устунлигидан иборатлигини заррача сезмаганимдан ўзимга ачиндим. Устамон қиздан беҳад нафратландим. Кўришиш у ёқда турсин, телефонда боғланиш истагим вақтида чиппакка чиққанидан суюндим. Бундан буён аянчли қилмишидан ичэтини еб юришга, виждан азобига умрбод гирифтормикка лойиқ. Адҳам Аҳмедовку беғараз устоз. Менинг олдимда қизлари исмини тилга олмай қўйтганликлари сабаби бемаслаҳат қалтис ўйин кўрсатганини билганиклари учун экан. Мен эса умуман маккора қизни хаёлимдангинамас, ҳаётимдан ҳам бутунлай қувиб юбораман. Ортимизга қарамай, икки томонга кеттанимиз иккимиз учун ҳам энг тўғри танлов, энг тўғри қарор, энг тўғри йўллигини афсуски Маликани учратмай турибоқ айтмоққа қайта-қайта шайлангандиму, сира журъат тополмагандим. Бугун нафратим кучлилигидан у билан ҳатто хайр-мазурсиз узил-кесил алоқани узишга қатъий аҳдландим.

. Қиши охирлаётганига қарамай, изфиринили ел забтидан дераза ойналари қировгулланиб қолганди. Дарво-

замиздан кираверишдаги шу кичикроқ хонани мактабни битириш йилимдаёқ ўзимники қилиб олғандым. Талабалик чоғимдаям ота-онам ҳеч кимни бу ерга қўйишмасди. Ҳар ҳафта, гоҳида бир ойлаб институт сабоғидан бўшагач, келибоқ яна ўз хонамга бикинволардим. Ўзлаштираётган фанларимиз кўплигидан китоб-дафтарларни дам олиш кунларидаим қўлдан қўймасдим. Ҳали иситилмагани учун кирмаётгандим. Бугун эса негадир хонамни тезроқ қўздан кечиргим келарди. Остона ҳатлабоқ ҳайратта тушдим. Негаки, иситиш печи қурилган, стол-стулларим тартибли, дераза пардаларигача янгиланган, ҳатто деворлари менга қадрли расмлар билан безатилганди. Ростиси, хона эшиги уч ойча бекилиб ётмаганини пайқаш қийин эмасди. Синглим ҳам мен йўғимда бу хонага киришга одатланмагани учун таажжубландим. Бирдан нигоҳим онамдан суроқлаган суратга тушди. У чиройли олтинранг рамкага солиниб, деворга илинибди.

- Нозима, раҳмат синглим! -дедим ортимда кузатиб тургани учун расмга ишора қилиб.

- Бу менинг ишим эмас, -деди миннатдорчилигимга бепарво ҳолатда.

- Отам ёки ойим рамка қидириб юрмагандирлар.
- Ўзларидан сўранг-чи?
- Сўрасам-сўрайвераман, жуда яхши бўлибди, ўзинг биласан бу болалигимдаги унтуилмас фалокатдан кейин шифохонада тушган суратимиз. Азамат аканинг олдида умр бўйи қарздорлигимни эслатиб туради. Ўжар ва шошқин сойнинг ажалга етаклаган кучли оқини бағридан ўзининг ҳаётини хавфга қўйиб, мени олиб чиққан, ўлимдан қутқарган инсоним ҳар қанча қадрлашга арзийди. Шу суратга нигоҳ ташласам, худди болалигимга қайтгандай бўламан. Ростиси, унга назар

рим тушиб турмаса, юрагимнинг бир бурчини қандай-дир орзиқиш, соғинч эгаллайверади. Рамкага жойлангани беҳад муносиб. Ахир шу тасвир ўн беш йилдан бери юрагимгаям рамкаланиб қолган-да.

- Ўша Азамат акангнинг беармон яшаганлиги сув юзасида олмадек қалқиб-қалқиб, омонат жонидан умидини узиб, кўзларини мангу уйқута юмишдан ўзга чораси йўқ сени ажал чангалидан омон олиб чиқсан. Ўша Азамат аканг мени, отангни фарзандлик доғидан сақлаб қолган. Ўша Азамат аканг ўзгаларнинг ҳаёти учун ўз жониниям фидо қилишга тайёрлик туйгусини юқтириб кетган, кўзимнинг оқу қаросига.

Онамнинг гаплари мутлақо муболағасиз эди. Лекин мен Азамат aka учун қўлимдан иш келадиган чоғдаям арзирли бирор нарса қилолдимми. Ҳали ҳануз ўз ёғимга ўзим қовурилиб, ўзимнинг дардим билан оврагимдан нарига ўтолмаяпман-ку.

- Ойижон, кўп раҳмат, сизга!
- Нима учун? - Тушунмадилар.
- Энг қадрли суратимни чиройли рамкага солганингиз учун.
- Кўй, уялтирма онангни, буни бошқа бир одамга айтасан.

Энди мен тушунмадим.

- Бўлажак келинимизга, - дедилар отам хонага кириб келарканлар. - Энди бизнинг галимиз. Аввал сенинг раъйингга қарадик. Кимни танласанг, ўшанга розилик билдиридик. Бу қиз кутилмаганда ўзи оёғи билан уйимиизда пайдо бўлди, онангни даволади.

- Қачон? - Ҳайратландим ҳатто кимлигини сўрамай.
- Тошкентда юрганингда сенинг қисматинг қайғуси онангни кўп сиқди, қон босимини оширворди. Врачлик пункти дўхтирларини чақирдик. Патронаж ҳам-



шира ҳар куни келиб хабар олди, укол қилди, охири онантта қиздай бўлиб қолди. Ўзиям «қайнона-келин» бир-бирларига жуда мос тушишди чамамда.

Мен ҳазилга йўяётгандим чинга ўхшашини уқиб, меҳрибонларимнинг қувончларини бирданига чиппакка чиқаришга кўнглим бормади. Ҳозир қайсарликнинг ўрни эмаслигини тушунган ҳолда ажабланишимни ҳам яшиrolмадим.

- Мен кўрмай-а?!

- Худо хоҳласа, учрашасанам, кўрасанам, ҳатто ёқтириб қоласанам.

- Сизлар бунчалик ишонаётгандарингдан у қиз ё фаришта, ё касбининг чинакам устаси, ширин сўзлари билан роса авраб кетибди-ю. Ҳамшираларнинг барчаси аслида шундай хислатли булишлари кераклигини билмасмидингизлар.

- Билардик болам, билардик, - онам жиддийлашдилар. - У қиз остонамидан кириб келди-ю, худди Маликагинамни кўргандай бўлдим. Бўй-бастилариям, юзлариям, қош-кўзлариям куйиб кўйгандай ўзига ўхшайди. Ҳаттоки сўзлари-ю, овозларигача бир хил-а. Гўё эгизагидай. Тақдирингта шу қизни битган бўлсин илоҳим.

Ота-онам жавобимниям кутишмади. Ташқарига чиқиб кетишди. Ҳозиргидай фалати ҳолатни илгарилари ҳеч туймагандим. Қандайдир қизни кўриш истагиям туғилаётганди кўнглимда.

- Акажон, опамни хонангизга бошлаб кирганимда девордаги қалин тагқофози сарғайган шу суратта назари тушибоқ рўпарасидан жилолмай турди. Сабабини эртасига билдим. Ойимнинг аҳволлари яхшиланганидан, укол-дориларнинг нафи тезда сезилганидан ўзини қўярга жой тополмади. Бирга-бирга ташқарига чиққач, илтижоли боқди. «Сингилжон, акангизнинг

хоналарига кирайлик» деди секингина. Сумкасидаги нарсани олиб, ўров қофозини аста йиртди. Суратни мана шу рамкага авайлаб солди. Пулини тұлаймиз десам, қовоғини уйди. «Совға сотилмайды, яхши қиз» деди чехраси чандон очилиб.

- Мени сўрамадими, ҳамшира экан таниса керак, - қизиқишим кучайди яна.

- Ҳали колледж талабасийкан, амалиёт ўташга Тұрақұрғондан жүннатишибди. Бир ойча юрди-ю, маҳалламиздагиларнинг меҳрини қозонди. Айниқса, ойижонимдақа келинликка орзулаганлар күпайганидан қувониш ўрнига ранжигани ғалатироқ-да.

- Ранжиши бесабабмасдир, ёқтирган йигити бордир.

- Йўқ, йўқ, бунақанги китобга муккасидан тушган қизлар орқасидан йигит эргаштиришмайды. Яна ўқирмишлар, ҳамширалик етарли эмасмиш, тиббиёт институтига имтиҳонсиз кириш имтиёзини қўлга киритаётганмишлар.

- Тўғри қиласи ўша қиз. Эрга тегишга шошилмагани маъқул, ўқиса ўқийверсин.

- Унда сизга кимни келин қилишади? - Кошларини чимирганча атайлаб жаҳланди синглим.

- Ўшани, - ҳазиллашдим.

- Уйланмай юраверасизми, мени яна эзив-а?

- Шунча кутдим, яна уч-тўрт йил сабр нима бўпти.

**Қизнинг исмини айтмадиларинг?**

- Билсак айтамизми.

- Сўрамадиларингми?

- Бу кимниям эсига келибди. Ойимга қизу, менга опа ўрнида эди-да. Қизиқ она меҳрига тўймаганми, ҳар гапида «Ойижон, ойижоним» деб ойимни аврагани авраганди. Қизғонганимдан опанинг гаплари ғашимга тегарди. Энди эса нимагадир ўзиниям, сўзиниям соғиняпман. Қаериладир сеҳри бор-ов.

- Мениям авраб кўймасайди бир учрашишдаёқ, - эркалатдим Нозимани.

- Аврасаям бизнинг фойдамизга, ойижонимга Малика онанинг ўлимлари оғир ботди. Тезроқ яримта кўнгилларини тўлдирмасангиз, яна ўзларини олдириб кўйишлари турган гап.

- Майли, ойим учун учрашишга розиман.

Ростиси, менга қизнинг яна ўқимоқчилиги маъкул тушаётганди. Фақат Тошкентта бориши шарт. Аввал Гулшаной билан таницволай, кейин у қизни сўраб-сuriштираман. Коллежни тамомлашига яна тўрт-беш ой бор-ку. Маликага ўхшатганлари учун онамниям сазалари ерда қолмасин. У ёғини пешонамдан кўраман...

Печкага ўт қалашга уннадим. Куруқ ўтин гув-гувлаб ёнганидан хонам бир пастда исиди. Ҳатто деразам ойналаридағи қировгул пардалар эриб, ташқаридаги қишки гўзал манзара кўзга ташлана бошлади.

Қадрли расмимнинг жилодор рамкага солинишидан бу қадар таъсиrlанишимни ҳеч кутмагандим. У гўё унугаётган бурчимизни эслатиб юборганди. Уй-кудан кўз очибоқ яна суратга тикилиб, ўн ёшли болакайлик чофимга қайтгандай энтиқдим. Нонушта пайтидаям хаёлимдан нариламади, ундан кейин ҳам.

- Бугунги режаларинг қандай? - Гузарда «Дамас»га ўтиришимиздан илгари саволга тутдилар отам.

- Беморларимдан хабар олиб, муолажани бир ёққа сургач, сувга чўкаётганимда қутқариб қолган Азамат аканинг уйларига ўтмоқчиман, энди кўлимдан иш келиб қолди, бирор ёрдамим тегса дейман.

- Жуда соз. - Маъқулладилар. - Олти йилча бурун бечора мотоциклда аврияга учраганди, дафн чоғида қатнашиб, фотиҳасида эшиги тагида тик тургандим.

Агар оиласидагилар сени танишса, бошлари осмонга етади, ўғлим. Яхшиликдаям яхшилик бор. У инсонники эса бекиёс. Одамгарчилик фарзини адо этишнинг савобига нима етсин. Аслидаям сени қиёмат қарз қилиб кетган. Кейин ҳалиги қизниям суриштири, аввал исмини билвол, январь ойида Найманча ҚВПда амалиёт ўтаганини айтсанг, аниқлашинг осон кечади.

- Хўп, бугуноқ вақт ажратаман, - отамнинг раъйларига мойиллик билдиридим.

Шифохонага етиб бориб, вақтимни ўзимча тақсимладим. Беморларим олдида бир соат бўлсам, яна бир соатда «Касаллик варақа»ларига ўзгаришларни қайдлайман, тавсияларни тушираман. Сўнг Бекободга ўтиб, халоскорим қабрларини зиёратлайман. Тушликдан кейин онам айтганларидаи Маликанинг «эгизаги» кимлигини аниқлайман.

Мамнун кайфиятда оқ халатимни кийдим. Танометримни ушлаб, фонендоскопимни бўйнимга илиб, палаталарга йўналдим. Дастребки икки соат ортда қолди. Ҳаммасини ўрни-ўрнида уддалаганимдан кайфиятим баланд ҳолда халатимни илғичга илиб, пальтомга қўл чўзаётгандим телефонимга сигнал тушди. Уланиш тугмасини боссам, Баркамол экан. Қарзга берган долларини бузмасдан яна ўзига қайтарғани Марғилонга борганимча ҳали кўришмагандик.

- Қаердасан, огайни? -деди у қидираётгандек.

- Шифохонадаман.

- Мен ҳам катта дарвоза қаршисига етиб қолдим. Наманганга иш билан йўлга чиққандим. Сени йўқламай ўтолмайман ахир.

- Келавер-келавер, кўчада кутволаман, -дея ташқарига илдамладим.

Оқ «Нексия» қирғоқча тўхтади. Соғинишганимиздан кучоқлашиб кўришдик. Дарров Тошкент таассу-

ротлари-ю, уйдаги гап-сұзлардан дүстимни бохабарладим.

- Тұғри танлов, тұғри маслақат. Келаси ой мен ҳам уйланяпман. Бошларимизни иккита қилишмагунча меҳрибонларимизнинг күнгиллари тинчимайды. Сен ҳам азадорликни йиғиштири, кечаги кунга қаттық болланиб қолиши асло ярамайды, бугунги кун билан нафас олишинг, әртандырылған кунга талпиниб яшашиңг керак.

Баркамолнинг гапларида жон борлигидан фикрларини маъқулладым. Дилемга субҳидамда түккан ниятимни айтганимда, у ҳам ўша лаҳзадаёқ зарур ишини кейинга сурди.

- Ўзим олиб бораман, ўтири ёнимга!

Биз қабристон эшигидан ичкарига қадам қўйганимизда кираверишдаги кичкина хонадан оппоқ чўққи-соқолли киши чиқиб келди.

- Келинглар, меҳмонлар, -деди у нотанишлигимиз учун. - Кимга дуо-фотиҳа ўқимоқчисизлар?

- Азамат акага, -жавоб қилдим оқиста.

- Агроном Муродовга денг, шукур бу инсонниям йўқладиганлар бор экан. Ортимдан юраверингларчи.

- У устидаги қуриган хас-хашакларига қиров кўнган қабрлар оралаб юра бошлади. Ҳамроҳларимга сездирмай Маликаникига кўз қиrimни ташладим. Тепасига ҳеч қандай белгি қўйилмаган қабр ёнида тўхтадик.

- Мана шу, ўзиям содда, ортиқча ҳашамни хушламайдиган ажойиб инсон эди-да, қабриям...

У қўлтиғидаги тахлоғлик эски кўрпачани ерга ёзаркан, бизниям ўтиришга имо қилди. Куръон тиловати охирлагач, Азамат аканинг руҳига дуо бағищаганча кафтларимизни юзларимизга суртдик. Атрофдаги панжарали, катта-катта қимматбаҳо хотира битиклари,

ҳатто мархумлар тасвири туширилган ёдгорликларга олазарак боққан Баркамол менга маъноли юзланди.

- Серҳашамлик қабрга ярашмайди-ю, албатта, ёдгорлик лавҳаси қўйиш керак экан. Ҳозир отахонни учратмаганимизда Азамат ака қайси қабрда ётганини кимдан билардик. Безиёрат қайтармидик.

- Ҳақ гапни айтдинг, дўстим, шу бугуноқ бу ишга ўзим киришганим бўлсин, -дедим халоскорим хотирасини эъзозлаш учун зўр имконият борлигини фаҳмлаб.

- Азамат акага жони ширин туюлиб, мабода кутқариш учун сойга ўзини ташламаганида ҳозирги сендақа оғайним қаёқда эди. Буниям бирга-бирга ҳал эта қолайлик!

- Майли, - дедим Баркамолнинг исми жисмига мос баркамоллигига кувониб.

Қоравул отахондан Азамат аканинг вафот этган йилларини билсагам, таваллуд саналари мавхумлиги учун ишхоналари томон шошилдик. Зумда Тўракўрон пахта пункти рўпарасидаги кўчага етиб, ўнгга бурилдик. Ўсимликларни ҳимоялаш станцияси ҳовлисига кириб бордик.

- Бағоят яхши устоз эдилар, - эътирофлади шогирдларидан Аҳмадхон Аъзамов, - заараркунандаларга биологик усулда курашишга жон-жаҳдилари билан интилардилар. «Етар экинларимизга кимёвий дориларни сепаверганимиз, ерниям, сувниям, ҳавониям қачонгача булғайверамиз. Фойдали ҳашаротларниям қўшиб қириб юборяпмиз-ку. Ҳатто одамлар соғлиғига путур етказаётганимизни кўриб кўрмагандай заҳар-закқумни ерда пуркаб, осмондан сочиб, қаҳрамонлардай кўкрак керишимизга бало борми?!» деб куюнганлари куюнган эди-я. Илоҳо жойлари жаннатда бўлсин!..

Сал фурсат ўтибоқ қўлимизга аниқ рақамларни

тутқазиши. «Муродов Азамат Нуруллоҳ ўғли. 1950-1993».

- Қаерда тайёрлашади ёдгорлик лавҳасини? - сўради машинасига ўтираётib Баркамол.

- Коммунал хўжалик идорасида. Косонсой кўчага жойлашган, - изоҳ бердим дўстимга.

Биз марказий шифохона ёнидаги уч кўчанинг уччириғига етганда чапга қайрилдик.

- Баркамол, - дедим кўнглимдан кечайдиганини яширолмай. - Иккита лавҳага буюртма берсакмикин. Биролоқ Маликанинг қабригаям қўярдим.

- Буям сенинг бурчин-ку, - маъқуллади мени тўғри тушуниб. - Қаерга дафн этилган?

- Ҳалиги қабристонга.

- Ие, нега унгаям дуои-фотиҳа ўқимадик?

- Ҳамқишлоғи қанақа хаёлга боради деб, у ҳақда гап очмадим-да.

- Тўғри қилгансан, турмуш қурмаган қиз бўлса, бунинг устига ўзини ўзи каналга ташлагани, энди сени кўриши ҳалиги одамда бошқача фикр уйғотиши мумкин эди.

Биз буюртма бергач, «Соҳил» ошхонасида тушликка ўтиридик. Фоят савобли юмушни бошлаганимиз учун иккимиз қалбларимиздаги ўзгача ҳузурбахш ҳислардан ҳадсиз хурсанд эдик.

- Сен ишингни шифохонада давомлатиб тургин, мен икки соатга қолиб-қолмай Намангандаги ҳамкорларим билан ҳужжатларимни расмийлаштириб қайтаман, кейин хотира битикларни қабрларга ўрнатишиб юбораман, -деди Баркамол кутилмаганда.

- Тағин овора қиласманми сени?

- Ҳеч овора бўлмайман, бунақанги хайрли юмушга шерикланиш одамга одам ғаниматлигини англашиб-

нинг ўзиёқ кўнгилни эзгуликларга янада мойиллади, дўстим!

Орага бошқа гап сифмади. Баркамол айтганини қиласидиган, ҳамиша ҳисоб-китоб билан ҳаркатланадиган йигит. Қайтар вақтида кутиб турдим. Бирга ком-хўзга ўтдик. Буюртмаларни қисқа фурсатда қойиллатиб тайёрлашибди. Ўрнатишни осонлаб, мармар лав-ҳага учбурчак темирдан рамка-ю, унга ерга маҳкамлаш учун арматура «оёқ» қача пайвандлашибди. Биз қабристонга борганимизда қоровул пешин номози ўқиш учун масжидга кетган шекилли, ҳеч ким кўринмасди. Ишни якунлаб, кўнгилларимиз таскин топди. Шундагина уйимизда меҳмон қилишимга кўнмай Баркамол Марғилонга ошиқди.

Режали кун - натижали кунлигини, кеча амалга оширганларимизни ўйлаб, вақтни бесамар ўтказмаётганимдан қониқиши ҳосил қилдим. Бугунниям режаладим. Маҳзунани Маликанинг ўгай онасига юзлантиришим кераклиги учун энг кулай пайт тушлик чофи деган фикрга тўхтадим. Телефонда дўкончасида кутишини тайинладим. Ишим ўнгидан келишини қарангки, Саттор ака бўшроқ экан, ўзимга ҳамроҳладим. Маҳзунани йўл-йўлақай машинага ўтқазволдик. Маликаларнинг уйлари олдига етканимиздаёқ кўча эшиги қия очиқлигидан ҳовлида одам борлиги аниқ эди. Овоз бергандик, аёл кишининг «ким»лагани қулоғимизга чалинди.

- Опа, меҳмонларни уйга бошланг, - деди Саттор ака маҳалладошлиги учун тортинмасдан.

Элкўрагами «қизи»дан айрилгани учун азадорликлик расмини бажо келтираётгандай аёл эгнидаги кўк кўйлагига мослаб, бошига ҳам кўк рўмол ташлаб олганди.

- Вой, синглим, сизмисиз, - деди Маҳзунани танигач, сергакланиб Каромат опа.

- Иложи бўлса, икковимиз ёлғиз гаплашволайлик опажон, - илтижоли боқди у мезбонга.

- Майли, унда эркаклар анаву хонага кириб ўтира қолишин, - деди Каромат опа айвон четидаги эшикка ишоралаб. - Сатторвой ўзингиз етакланг дўхтир укамни.

Биз хонага кириб, сандал четидаги кўрпачаларга чўккаладик. Алоҳидалиги, токчаларига китоб-дафтарлар терилгани, ёзув столи қўйилгани бу ерда ўқувчи яшашидан дарак берарди. Саттор акага нимага келганимизни аввалроқ айтганим учун у ўзини хотиржам тутарди. Маликанинг шаънини оқлашга қўшилганидан мамнун эди чамамда. Мен эса кўз ўнгимга Каромат опани келтирадим. Ҳозир у Маҳзунадан асл ҳақиқатни, қизининг беайб, бегуноҳлигини эшитиб, зора изтироб чекса, эрининг кулогига ҳам бесос гапларни қуйганига зора иқрорланса, ичини қаттиқ пушаймонлик, афсус-надомат зора кемирса...

Хаёллар оғушида Маликанинг уйига разм соларканман, девордаги рамкали суратга назарим тушиб, анграйиб қолдим. Бир вақт уни яқинроқдан кўриш учун ўрнимдан турдим. Гүё бизникидаги рамкали сурат бу уйга илиб қўйилгандай. Не кўз билан кўрайин айнан ўшандай эди. Мен неча йиллардан бери асррабавайлаб келаётган расмнинг айнан иккинчи нусҳаси. Ие, Малика Азамат аканинг қизимиidi? Ие, худди шундай рамкани олиб бориб бизникидаги суратни жойлаган ҳамшира қиз Гулшаной экан-да! Суратдаги қизалоқлар...

- Ботиржон ука, аёлларнинг овози келяпти, чамамда қўзғолиши, ташқарига чиқа қолайлик! - Саттор аканинг овозидан кейингина эс-хушимни йигволишга уриндим. У кишининг ортидан базўр эргашдим.

- Дўхтир ука, қаерданам билибман воқеа бунчаликка боришини, болам бечорани... Мени кечиринг?!-деди Каромат опа пиқ-пиқ йифлаб.

Бошимни сарак-сарак қилишдан нарига ўтолмадим. Аслида аёлга шунинг ўзиям кифоя эди.

\* \* \*

Ҳаёт ақжовар қилмайдиган сиру синоатларга тўла. Бизларга тасодифдай кўринган ҳодисалар аслида заруриятлигини ўйламаймиз ҳам. Ўзимизча уни-буни орзулаб, югур-югурдан бошимиз чиқмагани билан кўзлаганларимизга эришолмаганимиздан кейин тақдир шу экан дея таскин топамиз. Балки тўғридир-у, агар тақдир азалий бўлса, ҳаётимизни нега унинг измига ташлаб қўёлмайдиз?! Бетиним курашганимиз курашган, гўё курашмасак, тақдир ёзигини тан олмайдигандек. Менимча, инсон тақдир измида эмас, тақдир инсон измида шекилли. Тақдир бизнинг ҳаётимизни эмас, биз тақдирнинг тақдирини ҳал қиласиз чофи. Мағлубиятни тан олмай-ғолибликка, бахтсизликни тан олмай бахтиёрликка интилаверамиз, интилаверамиз, тилимизда тақдир-да, тақдир деяверганимиз билан. Ҳаётимдаги кейинги юз кун юз йил яшагандай сабоқлади гўё. Умидланиб умидлантирганим умидсизланиб умидсизлатди. Ширин ҳиссиётлар оғушидаги онларимизни мангу хотирага айлантириб кетди. Кўнглимдаги орзуларни армонларга алмаштириди. Лекин унинг овози ҳануз қулоқларим остида янграйверади. Маликанинг орзулари бугун васиятдай қимматли. Эртага, албатта, синглиси Гулшаной билан учрашишим, танишицим шарт. Унга мендек ака меҳри етишмаслигини опаси қайта-қайта уқтирган.

Кишининг сўнгти ойи сўнгги ҳафтасида совуқ анча бўшашганига қарамай, кечаси алламаҳалгача қор

учқунлаб, осмон тонгта яқин яна юлдузланди, ойланди. Ҳам қорнинг оқлигидан, ҳам кўкнинг жилвадорлари ёғдусидан туннинг рангги ўчиб кетди. Дераза ойнасидан ҳовлига бедор боқиб ўтирганим боис тонг бугун ҳар кунгидан барвақт ёришаётганини кўнглимга уйғунлик аломатидай сездим. Қанийди хўролар тезроқ қичқирса-ю, кўчада машиналар юра бошласа. Субҳидамдаёқ Маликанинг тепасида юрагимни бўшатсам. Туйгуларга тўлиққан қалбимни очсан.

Ҳаммаёқ оппоқ. Индамаслар оламида жимжитлик. Қорга ҳали ҳеч ким из солмабди. Ёлғиз ўзимман. Кеча ўрнатган хотира лавҳасини юпқа қор пардалабди. Рўмолчам билан аста суриб арта бошладим. Мармардаги ёзув кўзга ташланди: «Нуриллаева Малика. 1978-2000». Қалбим соҳибаси билан хаёлан гаплашишга тушдим. Азизам! Бугун қошингта соғиниб келдим. Тўрт ойга кетяптики, сенсизлик юрагимни ўртагани ўртаган. Кеча-кундуз ёдимдасан. Мунис сиймонг кўз ўнгимда жонланаверади. Ҳижронли тунлар дунёларга сифмаяпман. Ёлғизланганлигимдан ўксисб-ўксисб, унсиз йиглайман. Фақат-фақат тушларимда кўриняпсан. Кўриняпсан-у, бирор сўз айтмай йироқлаганинг йироқлаган. Висолингта тўёлмайман. Сўзларингни соғинаман. Кўзларингни соғинаман. Дийдорлашув қиёматга қолганидан беҳад ўқинаман. Сен каби атиргуллар шайдосилигимни яхши биласан, уларни узишни ёқтираслигинг учун ранжитгим келмади. Лекин қабр тошингга атайлаб атиргулларни ўйдирдим. Уларга на куз, на қиш таъсирини ўтказа олади. Ҳамиша сенинг исминг атрофида очилгани очилганча, гунчалагани фунчалигича гулсеварлигинг рамзидаёт тураверади. Эшитяпсанми, азизам, бу гулларга сўлиш ёт! Бу гулларнинг умри боқий, гўё ўзинг ҳам менинг юрагимга нақшлангандай...

Ногаҳон қандайдир шарпа сезилди. Қор оёқ остида эшитилар-эшитилмас фирм- фирмчлаб, кимдир яқинлашди. Айни лаҳзада таниш овоз қулоғимга чалингандай бўлди. Худди Маликаникига ўхшарди. Сергакланниб бошимни оҳиста кўтардим. У ёқ-бу ёққа алангладим. Қимса кўринмайди. Эс-хушим кирди-чиқди бўп қолдими? Қабрга тикилдим. Товуш тупроқ остидан чиқаётганмикин деган ўйга бордим.

- Ассалому алайкум! - Яна ўша ёқимли овоз такрорланди. Бу гал жонлироқ ва аникроқ эшитилди. Қабрдан эмаслиги тайин эди. Ўтирганча бошимни кўтариб, ортимга қайрилдим. Во ажаб! Рўпарамда кўк пальтоли, қора момиқ рўмол ўраган Малика жавдираб туарди. Сал нозиклашибди. Юз-кўзларидаги шинқирашдан асар ҳам қолмабди.

- Малика! - Вужудимни ҳаяжон қамради. Тилим тутилди. Қаддимни базур тиклаб, тушимми-ўнгимми фарқлай олмай, донг қотганча тикилдим. У кўзларини олиб қочди.

- Опамга ўхшатвордингиз, мен Гулшанойман, Гулшаной! - деди Маликаникидай қоп-қора маъюс кўзлари ёшланиб.

Шу заҳотиёқ ўзимни тутволдим.

- Ҳа, ҳа икки томчи сувдай бир-бирингизга ўхшарканлизлар.

- Тандош эгизак бўлмасак ҳам чехрадош, қалбош эгизаклар эдик. Сиз ўша опам айтган Ботир акасиз-а?

- Адашмадингиз.
- Сиз ҳақингизда кўп гапиргандилар.
- Сиз ҳақингиздаям.
- Ким ўйлабди дейсиз, ўзларидан айрилгач, қабрлари устида танишишимизни.
- Икки марта излаб боргандим...

- Айтишди.
- Олимпиада якуни қандай бўлди?
- Омадли, ғолиблар сафига қўшилдим.
- Тўғридан тўғри тиббиёт институтига қабул қилинار экансиз-да.
- Ўзимнинг орзуйим ҳам, опамнинг орзулари ҳам ушалаётганига шукр.
- Бизларни учраштириш энг сўнгги орзусига айланнишини ўзиям хаёлига келтирмаганди-я, бугун унинг руҳи олдида юзимиз ёруғ, биз эзгу ниятини биргаликда ушалтириб турибмиз.

Гулшаной уялинқираб, бошини қўйи этганича маъкуллади. Кейин мармар лавҳага кўзи тушди.

- Қабр тоши учун раҳмат!
- Сизга ҳам.
- Нима учун, ажабландим.
- Менинг энг қадрли суратимни энг чиройли рамкага жойлаганингиз учун.
- Назокатхон сотиб қўйибдилар-да.
- Ҳар куни уйимизда сиз ҳақингизда гап. Бирлари қўйиб, бирлари мақташади.

Гулшаной буни кутмаган шекилли, уялганидан юзлари қизарди.

- Аямнинг аҳволлари яхшими, қон босимлари безовта қилмаяптими? - деди у олдинроқ сўрамаганидан хижолат чекиб.

Шу тобда мендан баҳтлироқ одам йўқдай ич-ичимдан қувониб бораётгандим. Ахир ҳаётим мазмунига айланган ягона инсонимнинг ягонагина яқинини ниҳоят топдим-да. Гулшаной билан аввал опасига, кейин отаси қабрига ўтиб, куръон ўқидик. У фотиҳа чофи кафтларини юзларига тортаётганида беихтиёр нозик бармоқларининг орасидаги Маликага совға қилган никоҳ узугига нигоҳим тушди.



- Бу опамдан қолган ёдгорлик, сувга ташлаётиб кафтларига маҳкам сиқимлаб олганаканлар, - деди ўрнимиздан турарканмиз қараганимни пайқаб.

Күча эшик томон юраётиб, у негадир узукни ечиб менга узатди.

- Омонатингизни олиб кўйсангиз.

- Шошилманг, бунақа қилгани?! - Астойдил ранжидим. - Опангизнинг руҳини қақшатамиزمи?

- Йўқ, мен фақат...

Гапини кескин бўлдим.

- Энди сиз тақиб юришингиз шарт. Маликанинг руҳини шод этиш учун ҳам.

У истагимга қаршилик қилмади. Узукни яна қайтиб бармоғига киритаётганида ёкут кўзларида эндиғина уфқдан бош кўтараётган куёш нурлари жилваланди. Худди шу лаҳзада менинг ҳам кўнглимга ажаб мунаварлик югурди. Гёё қалбимга куёш қайтаётгандай, бу тонг умидбахш тонгта айланиб ултурғандай.

Гулшанойнинг ортидан кузатиб қоларканман, қиш күёшининг сехрли нурлари оппоқ қорни оппоқ зардек ялт-ялт товлантириб, кўзларимни қамаштиришга уринарди. Ҳатто йўлақдаги иккимизнинг изларимизгача жилвалантиради. Балки сўнгти қор баҳорга поёндоздир. Балки илк учрашувимиздан куёш ҳам хурсанд жилмаяётгандир. Балки Гулшаной ҳам... Буни бугуноқ башорат қилишга ожизман. Ҳозирча узукни қайтаролмади. Эртага нима кечади ноаён. Ягона ҳаётий ҳақиқат - куёш эртага қайтади, қайтаверади. Фақат унга ҳар тонг пешвоз чиқиш учун яшаш керак, яшагандаям ёруф юз билан, садоқатта сажда билан, одамларга битмас-тутгансиз мөхру-муҳаббат билан яшамоқ зарур. Ана ўшанда қалбимизниям куёш тарк этмайди. Чароғонликка чулғаниш толеи юзларимизга табассумни, кўнгилларимизга шодликни тухфалайди, тухфалайверади.

## МОНА ЛИЗА

**ЁХУД СОТИЛМАГАН «КЕЛИНЧАК»**

**Оlam гўзalлиги кўзда мужассам.**  
*Леонардо да Винчи.*

Табиат, ундаги жўшқин ва абадий тирик ҳаёт, ҳайротомуз гўзаллик илоҳий ҳодисадир. Рангтасвир эса кўз ўнгимиздаги айнан бебаҳо неъматни - табиатнинг кудрати ва гўзаллигини ўзида жилолантиради. Аслида табиатнинг яратганидан-да мафтункор, ҳаққоний ва ишонарли ҳилқатни топиб бўлмайди. Унинг ихтиrolари доимо бекаму-куст. Таҳрирга сира-сира муҳтоҷ эмас, ҳамишалик мукаммал.

Мен болалик чоғларимдан ана шу сиру-синоатларнинг шайдосийдим, уларни бир умрлик абадиятга муҳрлашга интилардим. Гарчи чизган суратларим бир қатор вилоят, республика танловларида нуфузли ўринларларни эгаллагани туфайли одамлар мўйқаламим сеҳрини бўрттириброқ баҳоласалар-да, ҳеч бир қарти намдан кўнглим тўлмасди. Уларда нимадир етишмай тураверарди назаримда. Мудом ўзимни тор доираларимдан чиқиб кетолмасдим. Рафаэль Санти, Рембрант ва Рубенсларнинг санъат асарлари олдида деярли хасча ҳам келмасди. Ўзимга ўзим пинҳонан устоз сайлаган Леонардоники билан таққослашим эса жуда кулгили туюларди. Ҳатто институтга кирганимдан кейин ҳам вазият ўзгармади. Қайтанга туғилиб ўсган еримдан йироқлашишим, ўзимдан кучлироқ мусаввир талабалар билан сафдошлигим ижодимга бироз салбий



таъсир этди. Қишлоғим одамлари ҳар қалай суратларимни кўкларга кўтариб мақташарди, ҳайратланишарди, синчковлик билан зътибор қаратишарди. Бу ёқда эса турли-туман асарлар қалашиб ётибди.

Хуллас, институтнинг тасвирий санъат факультети биринчи босқичини якунлашим билан ҳай-хуйт деб яна қишлоғимга қайтдим. Балки мен излаган илҳом манбаи кўринмас бир шаклдадир, балки йўқдир ҳам бу дунёда. Машина ойнасидан узоқ-узоқлардаги ҳайбатли тоғларга кўз тикиб борар эканман, беихтиёр итальян устозимнинг «Рангтасвир ҳақида рисола» сидаги: «Ҳақиқий жаннат борлиқнинг ўзиdir», «Инсонга хос гўзалликлар орасида чиройли кийим-бош эмас, табиий ҳусн-жамол муҳимдир» деган фикрлари хаёлимдан ўтди. Табиий инсоний гўзаллик Леонардо учун бетимсол ва бетугал илҳом манбаи бўлган экан, дедим ичимда гўё бир нарсаларни англай бошлагандай.

Уйимиз жойлашган кўча бошига етганимда, ногаҳон машинадаи тушиб, яёв юргим келиб қолди. Ҳайдовчига хизмат ҳақини тўлагач, юкларимни елкамга илиб йўлга тушдим. Айни сараторон. Жазирама забтига олган. Кун пешиндан оғган. Кўчада ҳеч зор кўринмайди. Ариқлар лабидаги тераклар ёзги эпкинда ҳар замон-ҳар замон эринибгина баргларини сезилар-сезилмас қимирлатиб қўйишарди. Марзаларда баҳор бўйи барқ урган ялпизлар чанқоқликдан бироз бужмайиб олишибди. Узоқ-узоқлардан уйимиз томи салобат тўкиб турибди. Отам курувчи меъморликлари учунам шу ён атрофда бизникуга етадиган бирор муҳташамроқ бино йўқ ҳисоб. Онам шифокорликлариға борадиларми, маҳалланинг энг покиза, энг олифта аёлларидан десам янглишмайман. Айниқса, уйни бе затишни жуда ўрнига қўядилар. Гулларнинг рангидан



тортиб, гиламларни деворларникига мослашгача астыдил уринадилар. Яъни, бизнинг маконимизга қадам кўйган борки, бу ерда нозик дидли, доимо батартибликни ёқтирадиган хонадон соҳиблари яшашларини тезда илғаб олиши қийин эмасди.

Эшигимиз остонасидан ичкарига ҳатлашим билан ноқ кўзим онамга тушди. Юрганимча бағриларига отилдим. Куюқ салом-алигу, ширин дийдор орасида кичик-кичик шикоятларни эшитиб, бирозгина кўз ёшларини кўришгача улгурдим. Юкларим билан юқорига кўтариilar эканман, «Хой бола, хонангда Хонзодабегим деразаларни ўлчайтиби, ножуя гап айтиб ранжитиб қўймагина» дея огоҳлантиридилар. «Хўп» дегандек бош силкидим. Очифи, узоқ йўлда қаттиқ чарчаганимданми, оёқларимда мадор қолмаганди. Ҳозир хонамда бегонанинг борлиги сал малол келди. Ич-ичимдан онамнинг эски одатларидан хафа бўлдим. Яна пардаларнинг шакли шамойилини ўзгартираётган кўринадилар. Хонам эшигини оҳиста очиб, бир марта секингина томоқ қириб қўйдим. Катта дераза рўпарасида турган нотаниш чеҳрага кўзим тушди. Мени кўргач, ҳижолатдан унинг юзига қизиллик югурди. Бошидаги ҳарир пушти рўмолини пешонасига бирозгина сидириб олди. Сўнгра ибо билан секингина салом бермоқчи ҳам эдики, қўлидаги ўлчагич ерга тушиб ёйилиб кетди. Тезда бориб, ундан аввал қўл чўздим. Энгашаётган қизга олиб тутқаздим. У миннатдор тарзда бошини кутараркан, беихтиёр кўзларимиз тўқнашди. Шу чоғда гүё юрагимга бир чақмоқ келиб урилди-ёв. Кўзлари жодулимикан, яна билмадим. Негадир қайта боқишга тўғри келди. Энди бесаронжом ҳолатда, жияклари гоҳ қиси-либ, гоҳ ёзила бошлади. Қабоқларига суртилган сурмадан янайм мафтункор тусланди. Киприклари со-

ясида қорачиғи қорачүғға айланғандай туюларди. Умрим бино бўлиб бу қадар гўзал яратиққа дучланмагандим. Чиндан ҳам таърифига сўз ожиз даражада чиройли эди. Кутилмагандага эшик олдида онам пайдо бўлдилар. Қизга дарров жон кирди.

- Ҳорма, Хонзодабегим, умрингдан барака топ! Манов рўпарангдаги одамови бола менинг ўғлим. Худо хоҳласа, ундан моҳир рассом чиқади.

Онам менга юзландилар.

- Ўғлим, бу қишлоғимизнинг энг олди чевар қизларидан, танишиб олдиларингми? - дедилар.

- Йўқ ҳали, - дея жилмайдим. - Энди танишмоқчи эдик. Сиз...

- Нима мен, сен бола минг йилдаям бирор билан тезда танишиб кетолмаслигингни билардим. Кимни кўрсанг, оғзингга толқон соловласан. Яна бояқиши қизимни олдида бизниям шарманда қилма деб ўзим кирдим-да.

- Жаа топиб гапирасиз-да, Фармонбиби, - дедим ҳазил аралаш дадамга ўхшаб кинояли тусда.

Уччовимиз бирдан кулиб юбордик. Мен кулгу орасида Хонзодабегимга яширинча бир-икки қараб қўядим, у ҳам буни сезиб тургандай баттар ҳижолат чекарди чамамда. Ўзига қолса, ҳозир саҳна манзарасидан чиқиб кетсаю, менинг ўтли нигоҳларим таъқибидан қутулса эди. Афсуски, онамнинг талаб ва таклифларига бўйсундик. Хонага юкларимни жойлабоқ қизга ёрдамлашишга енг шимардим. Чарчаганимни ҳам унугдим. Худди эндинигина уйқудан уйғонган одамдай тетик ва сергак эдим. Иккимиз шошилмасдан барча хоналар деразасини адашмай, аниқ ўлчашга уринардик. Онам ошхонада қуймаланиб овқат пиширишларига қарамай, тез-тез ёнимизга келиб, бизни зериктираслик учун қизиқ-қизиқ гаплардан айтиб

турадилар. Ижодим ҳақида сүз очиб, бирор янгилик билишни истардилар. Ўлчов олишни якунлабоқ Хонзодабегим уйига ошиқди. Ойим «ҳай-ҳай»лаганлари-ча қолдилар.

Тун бўйи негадир уйқум қочди. Қиз хаёлимни банд этди. Миямга турли фикрлар келди. Улар орасидан ҳақиқатини саралаб топиш мушкул эди. Ўша гўзал малакни ўйлайвериб, бошим тарс ёрилиб кетай дерди. Ич-ичимда соғинч деган бир нарса пайдо бўлди. Наҳотки, мен уни соғинаётган бўлсан, бир кунда-я, бир кунда соғиниш мумкинми одамни? Наҳотки, уни тағин кўргим келаётибди. Вақт ўтмайди. Гўё тўхтаб қолгандай. Ҳаёлимда бугунги тун энг узун тунга ўхшарди. Тонг отмайдигандай туюлаверди менга. Уни яна учратармикинман? - деган савол қайта-қайта қийнайверарди. Эртанги кундан умидланардим. Қуёш тезроқ уфқдан бош кўтаришига интиқланардим. Сабримда сабр қолмай бораверарди.

\* \* \*

Кун бўйи қишлоқда санғиб юрдим. Қайноқ булоқларга, ўркач-ўркач адирларга юзландим. Қовжираган ўт-ўланларга боқдим. Пастликларда кўкариш, яшноқлик, баланд қирларда ташналик. Йироқ-йироқларда элас-элас кўзга илинувчи тоғ чўққиларида ҳануз «оқ қалпоқ». Табиат мўъжизалар макони, табиат сехрсиноат имкони, табиат борлиқ хоқони. У ўзининг ҳукмини ердан то фалак қадар ўтказади, ўтказаверади. Ҳатто, зарра-зарра жонзотларгача бағрида ризқ- насибали. Қуюқ ўрмонзорларни эслатадиган боғларни кездидим. Ҳамма ёқдан телбаномодек уни ахтарардим.

Осмон кўм-кўк, тип-тиниқ, қуёш булутларни яқин йўлатмайди. Осудалик бағрида капалаклар енгил-ен-

гил қанот қоқмоқда. Боларилар гулдан гулга күчиб, «виз-виз»лайди. Меваси сарғайған ўрикзорлару, ранг кириб, чумак урган чилги узумзорларгача гүзәллик тимсолига айланган. Күз ўнгимдаги бекіёс манзараларни чизмоқни жуда-жуда хоҳладим. Фақат шу жаннатмонаңд жойларга ярашиқли бир пари пайкар ҳам бұлиши керак. У Аршнинг фариштаси тимсолида хаёлимда жонлана бошлади. Бир муқим жойга ўрнашиб олиб, мүйқаламу бүёқларимни, тахтачаларимни сумкамдан чиқаздим. Ёнимдаги манзарага тикилиб, қофоз бўйлаб қалам юргиза бошладим. Бироқ неча соатлаб атрофга термулиб ўтирсамда, ҳеч нарса чизиш қўлимдан келмади. Фикру ўйимни яна кечаги Хонзодабегим олиб қочаверди. Унинг қиёфасини гавдалантиришга уриндим. Тим қора қошлари қалдирғоч қанотидай қайрилма, қуюқ киприклари соядор, қимтинган лабларига остидаги дона холи беҳад ярашиқли, яноклари эндиғина ранг ютурған қизғиши олмага қиёслагудай ял-ял. Сочлари эса рўмоли остига сифмай ўзини кўз-кўзлашга урингандек пешонасию икки чаккасида тўлиб тошиб турарди...

\* \* \*

Нетайки, ҳафтанинг етти куни Хонзодебегимсиз кечди. Кўргим келиб кўролмадим, лекин кўнгил узиб ҳам кетолмадим. Тунлар узайди. Кунлар қисқарди. Менга эса вакт ўрнида қотиб қолгандек. Юрагим сиқилгандан сиқилди. Ниҳоят, саккизинчи куни дала-боғларни тентиб, уйга қайтсам, ҳовлимиз саҳнида ойимнинг қичқириғи эшитилди.

- Хонзодабегим, пардаларни илишга ёрдам керак-масми биздан?

- Йўқ холажон, дугонам билан уддалайверамизу, яна абжирроқ бирор дастёр топилса, баландга осишиб юборарди.

- Мана, мен бўламанда ўша абжирроқ ёрдамчи, - дедим севинчимни яшиrolмай.

- Ияя, сен осмондан тушдингми, ё ердан чиқдингми? - Таажжубландилар онам.

- Ўзга сайёрадан тушдим, - дедим мийигимда кулиmsираб.

- Ҳай, майли борақол, қизларимга кўмаклаш, роса вақтида кеп қолдинг.

Оёғимни кўлиmга олиб, Хонзодабегимлар турган хонага кирдим.

- Қани, қизлар биздан нима хизмат? - дея уларга юзландим.

- Агар чинданам ёрдамчи бўлсангиз, бу ёққа келинг, сизни боплаб ишлатамиз, - деди ёнидаги нотаниш қиз.

Хонзодабегим эса ўзини бепарво тутишга уриниб, пардаларнинг у ёқ, бу ёғини текислаш билан овора. Мен ўша заҳоти биргалашиб ишга тушиб кетдим. Дугонаси қурғур шўх-шаддод, гапдон қиз эканки, қўли ишдан, оғзи сўздан тинмасди. Хонамдаги суратларга қизларнинг кўзи тушган чамаси, суҳбатимиз фақат мен ёқтирган мавзуда кечарди. Мафтунанинг бир -биридан қизиқарли сўровларига ҳузурланиб жавоб берәётиб, Хонзодабегимга ҳам ора-орада савол ташлаб кўярдим.

- Леонардони «Махфий оқшом» девор манзараси ҳақида ҳеч эшитганмисиз, Хонзода?

- Қайдам, ҳалиги Милан шаҳридаги Санта Мария делла Грацие монастири базмлар залига ишланган тасвир эмасми?

Шу тобда оғзим ланг очилиб қолди.

- Ўша суратда, ўша сурат. Сиз ҳам биласизми?

-...

Хонзодабегимдан ҳеч садо чиқмагач, мен қизларга

билганиларимни берилиб ҳикоя қилишга тушиб кетдим.

- Ушбу тасвирга «Инжил»даги ривоят асос қилиб олинган. Кечки овқат маҳали Исо Масиҳ дастурхон атрофида ўтирган асҳобига шу ердагилардан бири сотқинлигини ташвишланиб айтади. Ўзи ишонган ҳаворийлар орасида хоин борлигидан чукур қайғуга чўмади. Бундай тубанлик асҳобини ҳам мушкул аҳволга солиб қўяди. Ўн икки нафар ҳаворий ўн икки қалб, дунёқарашиб эгаси бу шумхабарни эшишиб ларзага келади.

- Вой бўй, буларни сиз қаердан биласиз? - деди гапларимдан таъсиранган Мафтуна ҳайратланиб.

Унинг сўзларидан дилим яйради. Қадимни фоз тутдим. Хонзодабегимга «Қалай?» дегандай кўз қиrimни ташладим. Киз эса хотиржам ишида давом этаркан, ҳикоямга кескин бурилиш ясади.

- Исо Масиҳ шумхабарни айттан чоқда столнинг бир томонида ҳаворийлар, сотқин Иуда эса иккинчи томонида ёлғиз ўтирган ҳолда кўрсатилган, юксак эҳтирос соҳиби Иоан боши эгилган, қовоғи уйилган Пётрнинг қўли белидаги ханжарнинг сопига ёпишган, гўё сотқин аниқлансаю, интиқом олса. Фома шармандали хабарга ишонишнам, ишонмасликниям билмай олазарак ҳолатда, Яков қўлларини икки томонга ёйганча, Варфоломей қўлларини кўксига қўйиб, буйруқقا шайдек тасвирланган, - деди Хонзодабегим мен ҳам бехабар маълумотларни айтиб.

- Шунча ноёб янгиликларни қайдан биласиз, телевизорда кўрганмисиз? - Сўроқقا тутдим қизнинг бу қадар билағонлигига қойил қолиб.

- Бу кўпчиликка маълум бўлса керак. Қишлоғимиз кутубхонасидаги китобдан ўқигандим.

Мен шу пайтгача фақат бизга ўхшаган талабалар кутубхонага киради деб хато. Ўйлаган эканман. Онам эса Хонзодабегимни коллежни битирганидан сўнг фақат уйда тикувчилик билан шуғуланишини айтгандилар, холос.

- «Чўпонлар таъзими» сурати ҳақидаям ёзилганаканми?

- Биби Марямнинг ўғли Исонинг туғилишига гувоҳ бўлган чўпонларнинг чексиз ҳаяжони тасвирланган-а?

- Албатта, асардаги одамлар гуруҳи Ренессанс даври учун бекиёс янгилик - пирамида услубида кўрсатилган. Леонардо ўз фоясини картон қофозга ифодалаш билангина кифояланади. Кейин эса қўл уришни асло хоҳламайди. Ҳатто буюртмачи роҳибларнинг қайта-қайта илтижолари ҳам унда бу ижодий ишни давом эттиришга ройиш уйғотолмайди.

- Нега? - деди Мафтуна кўзларини катта-катта очиб.

- Бунинг сабаби оддий. Леонардо ижодиётидаги нотугалик унинг табиат ва инсонга санъаткор сифатида эмас, энг аввало, олим сифатида қарашга одатланганидандир.

Бизнинг Хонзодебегим билан баҳслашувимиз шу зайлда бошланиб кеттанди. Мен қай мавзуда сўз очмайин, барчасидан боҳбар чиқаверарди. У сира ҳам ҳайратланмас, қайтанга бир-икки оғиз фикри билан мени лол қилиб қўярди. Суҳбатимиз асносида яна анча нарсаларни билишим кераклигини, яна кўпроқ китобларни ўқишим зарурлигини англадим. Энди унинг фақатгина ташқи кўринишигинамас, ички гўзалигиям ўзига торта бошлаганди. Сувратио сийрати уйғулигини фаҳмлашим биланоқ, кўнглимни ҳозиргача сезмаган туйгулар туёни қамрашга ултурганди. У пардаларни деразаларга илиб кетганида эса,

қандайдир сехру-жодуга тушгандай бир кеча-кундуз ўзимга келолмай юрдим.

\* \* \*

Ўйлай-ўйлай Хонзодабегимнинг уйига боришига журъатландим. Хаёлимни чулғаган чинакам Мона Лизамнинг қиёфасини тезроқ тасвирлашни жудаям истардим. Ниҳоят, қизнинг кўча эшиги олдига бориб қолдим. У уй ишларига ўралашиб юрган экан. Бир кўлида челак, бир кўлида супурги билан остонаяда пайдо бўлди.

- Сизни онам йўқлаяптилар, уйимизга бораркан-сиз, - дедим қатъий оҳангда.

- Ҳозира, жуда зарур эканми? - Ҳайрон бўлди Хонзодабегим.

- Тезроқ борарсиз, - дея қўшиб қўйдим яна шошириб.

- Хўп, - деди итоаткорона мулойим ва ёқимли жилмайиб.

Режам амалга ошаётганидан қувончим ичимга сиф-масди. Уйимизга қайтиб, мўйқаламу қофозларимни шайлаб, унинг келишини сабрсизланиб кутдим. Хонзодабегим ортиқча кўз туттирмади, орқама-орқа етиб келди.

- Шарофат холажон, ҳо-о-о Шарофат холажон, - дея ҳовлимиз саҳнида тортиниб турарди у.

Дарров Хонзодабегимга пешвоз чиқдим.

- Сизни Шарофат холангиз эмас, мен чақирдим, - дедим ҳаяжонли ҳолатда сал титраб.

- Бу қанақа қилиқ? Холам билсалар нима деб ўйлайдилар? - Таажжубда қолди у.

- Шунчалар ҳам содда бўласизми, ёлғон гапгаям ишонавераркансииз-да, - дедим атайлаб.



- Сизга ўхшаганларни аввал сира учратмаганмиз, ёлғончилигингиз етти ухлаб тушимиғаям кирибди-ми!

- Хайрли ёлғоннинг зиёни йўқлигини ўқимаганми-сиз. Ё кутубхонадаги китобларда ёзишмаган эканми?

- Сизнинг китобингизда бунақангидан тўлиб-тошиб ётгандирда, ҳечқиси йўқ, алданган бўлсак, кетурмиз, - деди у ҳам бўш келмай.

- Мабодо кеткизмасам-чи, сизни эшигимиздан чи-қазмасам-чи, нима бўлади?

Хонзодабегимнинг мунчоқ кўзлари жовдиради. Унинг ана шу ожиз ҳолати шу қадар ўзига ярашиб турардики, ҳар қандай муз юракли одамнинг кўнглини эритиб юборарди .

- Кўрқманг.

- Нега кўрқарканман, - деди уям ўзини бепарводек кўрсатиб.

- Бор-йўғи сизнинг суратингизни чизмоқ умидидаман, холос. Агар изн берсалар, дунё гўзларининг тасвирини биттага кўпайтирсак, биз нотавон.

- Асло бундай қила кўрманг, менинг расмимга бегона нигоҳларнинг тушишини сира-сира истамайдаман.

У шундай деганча кетмоққа шайланди.

- Тўхтанг, Хонзодабегим, - беихтиёр олдига ўтиб, унинг йўлини тўсмоққа уриндим. Ҳам ҳазил, ҳам чиндан тиз чўкиб, ялиниб-ёлворишга тушдим.

- Йўқ дедимми, йўқ! - Қайсаликка ўтди у.

- Нима, шу билан чиройингиз камайиб қолармиди?!

- Ўрнимдан туриб, юзма-юз унга илтижоли нигоҳимни қададим. - Ёки бирортасидан чўчияпсизми?

- Қанақа бирортаси?! - Ажабланди худди болалардек беғубор соддалиги сезилиб. - Қизларнинг ўзини кўз-кўз қилиши яхши эмас, - деди секингина.

- Айниқса, сиздақа гүзал бұлса-я.

Ү ерга бош әттеганича шивирлади:

- Сиз рассомлар шунақасиз - доимо шұхрат ортидан қувасизлар, қаҳрамонларингизнинг кейинги тақдирини ўйлаб ҳам ўтирумайсизлар.

Кіз жимиб қолди. Сүзларида ҳақиқат зоҳирлигиданми, тилим бироз калимага келмай турди. Лекин дарров ўзимни ўнглаб олдим.

- Жуда унчалик әмас, мүйқалам соҳибларини айблашингиз ноўрин, - әътиroz билдиридим оғрингандай.

- Очигини айтайми, - дадилланди қиз, - аслида иримчироқман, сизлар игнадан түя ясашга устасизлар, юз-күзларимдаги нұқсонларимдан ранго-ранг бүёқларингиз асар ҳам қолдирмаса, хаёлпаратстликкінгиз туфайли бөшқа қыздардаги чиройниям менга күшиб тасвирласанғиз борми, эшигимни совчиларга түлдириб юборса, нима қиласман?!

- Хотиржам бұлинг, унда ўзим қувиб соламан, - дея ҳазил аралаш пичинг қылдым қызга. - Хаёлпаратстликка ҳатто ҳожат ҳам йўқ, фақат ўхшатиб чиза олармекинман деган ўйда ҳаяжон түяётганимни айтсам, ишонмайсиз.

- Хушомадларингиз ўзингизга сийлов, Жамшид ака! - деди кутилмаганда Хонзодабегим кескин тарзда.

Қарасам, кетворадиган шашти бор, баъзи қыздарга ўхшаб мақтовларга ўч әмас экан, ақсинча гүзаллигидан гап очсанғизоқ, иккі яноклари ҳаёниңг ол рангидан янада чирой очвораркан. Күзлари эса тик қараңша ўрганмаган, ё ерга, ё ёнга боғланарди. Гоҳи-гоҳидаги на сал-пал қирини ташлардию, сергак охудек зумда олиб қочарди.

- Хонзодабегим, гапнинг данғали бу ҳаётимдаги ягона имконият бўлади. Мен Европадаги гүзаллик тимсолига айланган хонимлардан ўзбек Мона Лиза-

сининг чиройи юз чандон ортиқлигини исботлаб беролсам, қанийди.

- Янглишяпсиз, мен Мона Лиза эмасман.

- Түғри. Бироқ, тортишишимиздан заррача фойда йўқ. Яххиси, аввал расмингизни чизай, кейин ҳаммасига ўзингиз иқор бўлсангиз ажаб эмас. Ҳаётимда биринчи бор қиз суратини яратишга жазм айлашим. Балки, иккинчи бор такрорланмас ҳам. Сиз эса ё тортиняпсиз, ё менга ёрдам беришни хоҳламаяпсиз.

Ўтингчим Хонзодабегимни таслим қилди шекилли, у бош эгди. Раъиймга мөънелик кўрсатишдан тўхтаб, ортимдан юрди, хонамдаги юмшоқ креслога омонатгина ўтиргди.

- Майли, чизинг бўлмаса, айниб қолмасимдан. Яна эсингизда тулинг иримчилигимни, ҳадеб унга-бунга кўрсатавермайсиз, агар кўз тегса, озоримга шерик бўласиз, - деди у хонанинг катта деразасидаги ўзитиккан нафис оч қизил гулли пардаларга қараганча. Деразанинг юқорисида оиласвий тушган суратимиз илиғлиф эди.

Мен қофозимни тахтага ўрнатиб, қаламимни кўлга тутганча Хонзодабегимга юзландим. Унинг оташ нигоҳларига тик боқишишга юрагим бетламай турди. Аммо қизнинг юқоридаги суратимизга нигоҳ ташлаганча ўзини чалғитишга уриниши мени дадиллантирди. Ногоҳ, кўзларига боқишишга журъат топдим. У ҳам шу лаҳзани кутаётгандек эди. Қарокларида чексиз ҳаяжон, билинар-билинмас хавотириу, яна инжа ҳаё жилванарди. Бу ҳолат узоққа чўзилмади. Иккимиз ҳам дош беролмадик чамаси, қорачикларимиз тўқнаш келишидан чўчигандек олазаракланардик.

Леонардо да Винчи Мона Лизани чизаёттанида нималарни ўйлаган экан? Наҳотки мендай азоб чеккан бўлса. Мона Лизага тикила-тикила тасвирини

матога муҳрлаш унга ҳам осон кечмагандир. Кейин неча-неча тунларини бедор ўтказгандир. Менинг Мона Лизам - Хонзодабегимнинг юзларида ҳозир гүё бир шам ёғдуланаётгандай, бутун сирлар шу шамнинг атрофида айланаётгандай. Қизни узоқ ушлашнинг асло иложи йўқ эди. Шундай бўлсада, ниятимга етдим. Юзма-юз туриб, бир амаллаб қофозни қоралаб олдим. Ҳар бир чизгининг нозик жиҳатларигача белгилаб кўйдим. Тўрт кун деганда эса мойбўёқ билан сайқаллай-сайқаллай зўрга уddeладим.

Ана шундан сўнг менинг ҳаётимда қизғин ижод даври бошланиб кетди. Хонзодабегим тасвири туширилган суратлар нусхасининг сон-саноғи қўпайгандан кўпайди. Кўнглим эса сира-сира тўлмасди. Гўзаллигининг сир-синоатлари яширин қолаётгандек туловерди. Деярли тонгдан шомга қадар машғулотим шу биргина қизнинг тасвирларини чизиш билан ўтарди. Унинг қофозларда гавдаланган сиймосига соатлаб термулиб тўймасдим. Бу менга тенгсиз роҳат бағишларди. Баъзан кечалари унинг суратига тикилганча кўзимга уйку илинарди. Фақат ёзги таътил тугагани сари ичим эзилар, Хонзодабегимдан айрилишни сира-сира тасаввур қилолмасдим.

Ниҳоят, эртага кетар куним у билан мажнунтоллар соясидаги чашма қошида учрашдик.

- Мен эртага Тошкентга жўнашим керак, - дедим хўрсиниб.

- Яхши боринг бўлмаса.
- Кетаверайми?
- Кетаверинг.
- Сизга барибирми?
- ...
- Мени соғинмайсизми?

- ...
- Нега миқ этмайсиз? Бирор гап айтинг ҳеч бўлмаса!
  - Сизга мактублар ёзсан майлими?
  - Ростдан ёзмоқчимисиз?
  - Ёлғонга ўрганмаганман.
  - Унда бўлса, сизнинг хатларингизни интиқ кутаман, жавобига эса маҳтал қилмайман.
  - Мен ҳам сизга мактублар йўллайверайми?
  - Йўқ десам хатларимни жавобсиз қолдирасизми?
  - Сизни ноқулай аҳволга солиб қўймайманми деб ўйлаяпман.
  - Хат ёзишиш айб эмаску...

\* \* \*

Пойтахтга қайтганимдан сўнг ҳаётим буткул ўзгарди. Ижодимнинг янги қирралари очилиши институтдаги устозларим эътиборига тушди. Биринчи бўлиб ўзим Хонзодабегимга мактуб ёздим:

Софинаман бинафшалар гуллаган пайт,  
Висолингга етолмасдан жисмлар кул.

Нечун боғу бўstonларга келмайсан айт?  
Ёввойи гул! Ёввойи гул! Ёввойи гул!

Салом, қалбимнинг танҳо бекаси, Хонзодабегим!  
Келган кунимдан бошлаб сизнинг қадам товушингиз,  
шўх-шодон кулгуларингиз, жарангдор овозингиз, ҳар  
бирайттан сўзларингиз қулогимга чалинаверади. Қайга  
борсам, юришларингиз, жилмайиб туришларингиз,  
гоҳи жиддий, гоҳи ўйчан ҳолатларингиз, сеҳрли ни-  
гоҳларингиз кўз ўнгимда гавдаланаверади. Юрсам ҳам,  
турсам ҳам хаёлимдасиз. Соғинчингиз кучайгандан  
кучаяверади. Девонадай ҳис этаман ўзимни. Аслидаям  
девона эмасманми? - деб ўйланиб қоламан. Ахир бир

кишига шунчалик илоҳий меҳр бериш девоналиқ-ку! Сизда нима гап? Мени эсдан чиқариб юбормадингизми? Не бўлса ҳам билиб қўйинг, сиз менинг илк муҳаббатимсиз. Сиз камолимга камол бахш этувчи илҳом парийимсиз.

**Жавобингизни интизорлик билан кутгучи Жамшид акангиз!**

\* \* \*

Орадан ҳафта ўтгач, Хонзодабегимдан мактуб олдим. Шошиб ўқишга тутиндим.

«Ассалому алайкум, Жамшид ака! Сиз сабабли қалбимга ширин туйғулар инди. Юрагимдаги айрилиқнинг азобли дарди ҳам барибир ёқимли. Негадир энди буюк рассомлар ҳақидаги қизиқарли китоблар мутлаасидан бош кўтаролмаяпман. Биласизми, яқинда Жоржо Вазарининг «Энг машхур рассомлар, ҳайкалтарошлар ва меъморлар ҳаёти» номли китобини ўқиб чиқдим. Унда «перспектива» - яққол кўриб туриш, «сфумато» - тасвирдаги сўнгсизлик хусусида кўп қизиқ маълумотлар келтирилган экан. Сиз ҳам бир вараклаб кўринг. Зора, ижодингиз ривожига нафи тегса...».

Хатни ўқишим билан тезда Навоий кутубхонасига чопдим.

\* \* \*

Кунларнинг бирида курсдошим Аҳмад юргурганча машғулот хонамизга кириб келди.

- Жамшид, сенинг ижодий ишларинг бу галги танловда ютиб чиқибди. Омадинг боракан, энди уч ой хорижда ўқиш имкониятига эга бўлибсан! - деди қичқириб.

Хушхабарни эшитган ёнимдаги курсдошларим қучиб табриклашга тушишди. Кимларнингдир кўзида ҳавас



учкунланса, кимларнингдир кўзида ҳасад ҳам яшириниб турганини пайқагандай бўлдим. Ахир бунчалик ижодий юксалишимни на устозларим, на сабоқдошларим кутишган эди-да. Омадимни қарангки, мана-ман деган мўйқалам соҳиблари қолиб, мендек ўртамиённа талабанинг чизгилари танлов ҳайъатининг эътирофига сазоворланибди. Сабаби эса фақат ўзимга аён. Кўнгилдан бошланган иш кўнгилга осонгина манзурлик ҳиссини кўчиаркан. Хонзодабегим айтгандай, шуҳрат эшиклари остонасида бир олам ҳаяжонда турардимки, буни тасвирлашга ҳатто тил ожиз эди.

\* \* \*

Мен Францияда яшаган чоғларимда Леонардо да Винчи иқдидорининг юксак чўққиси сифатида тан олинган «Жоконда» асарини Париждаги Лувр музейига бориб томошаладим. Оламшумул шуҳрат қозонганд Жоконданинг, яъни Мона Лизанинг сирли нимтаббасуми суратсеварлар орасида афсонавий машхурлик касб этган. Бошида азадорлигига ишорадек қора ҳарир рўмолу, унга номутаносиб ҳолатида тушкунлик кайфияти қилча сезилмайди. Юрагида умид учкунлари сўнмаган, руҳи синмаган, ҳаёти муナварлашишига ишончини йўқотмаган. Ички нурафшонлик ифодасига айланган чеҳрасидаги жилва, жозибали жилмайиш, билинар-билинмас қиёфа томошабинни бафарқликдан беихтиёр сақлайди. Аксинча нигоҳтортар сехрига тушиб қолганини сезмайди. Шу боис аёл наинки хаёлимни, айни лаҳзаларда бутун қалбимни ром айлаб кўйди. Мона Лизанинг беадо мафтункорлиги домига тушгандек унинг рўпарасидан жилолмай қотиб қолибман. Беихтиёр Хонзодабегимнинг қиёфасини солиш-

тира бошлаганмидим, музей ходими ёнимга келиб, секингина туртиб, ҳушёр торттирмаганида билмадим яна қанча турадим. Дунёда иккинчи нусхаси йўқ, бетакрор нарсаларгина бебаҳолик, ноёблик шоҳсупасини эгаллашига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Ҳаётнинг оғир синовларидаям синмаган, ҳатто мусибат ичра ўзини йўқотмай, чехрасига чиройбахш табассумини ҳам ботиний, ҳам зоҳирий сақлаб қололган аёл матонатига Мона Лиза портрети мангу муҳрдай. Неча юз йиллар миллион-миллион санъатсевар муҳлислар қалбигаям гўзалликнинг ўта камёб тимсоли тасвирини кўчиргани кўчирган. Кўнгилларда ҳайрат булогини қайнатиб, меҳру муҳаббат бағрида умидбахш туйфулар жўшқинлигига абадий умр бағишлади.

Чет элда мусаввирлик мактаби сирлари билан бирма-бир танишиб, буюк рассомлар нафасини асрлар оша сезгандек сархуш юрсамда, барибир сафар сабоқлари татимаётгандек сезилаверди. Бунга сабаб ўзимнинг жонли Мона Лизамдан йироқлигим эди. Соғиниш, қўмсаш ҳаддан ошиб кетса, одам ичикар экан. Иштаҳаси йўқолиб, инжиқ, паришонхотир аҳволга тушаркан. Яхшиям интернет, уяли телефон каби ўзаро алоқа воситалари даврида яшаяпмиз. Ҳар куни бўлмасада, кунора ота-онам билан ўртамиздаги олисликни йўқотиб суҳбатлашиб турамизу, Хонзодабегим билан эса...

Севгилим чинакам ўзбек қизларига монанд хислатлар соҳибаси. Гўё Кумуш бўлиб Отабегига, Лайли бўлиб Мажнунига, Зулайҳо бўлиб Юсуфига мактублар битардию, компьютер орқали туйфуларини намо-йишкорона ошкорлашга ийманарди.

Унинг юзимга айтолмаган сирлари унинг қоғоздаги чиройли битилган қўлёзма мактубларида акс этарди.

Аста қўлимга қалам олиб, кўнгилимдаги гапларимни мен ҳам қоғозга тўкишга киришдим:

**Салом, Хонзодабегим!**

Бу сафар сизга узоқ ўлкалардан мактуб йўлламоқдаман. Биласизми, инсон боласи дунёга келганидан кейин ўзига мос жуфтини учратдими, вақтида унинг қадрига етиб яшashi керак экан. Ахир умрининг маъносига айланиши мумкин бўлган тақдирдоши ҳадеб ҳаёт йўлларида учрайвермайди. Фақат бир борги на рўбарў келадио, маҳкам ушлаб қолганларгина толе табассуми тафтидан баҳра олишга имкон топадилар. Бу йўлда янгилишиш, жуда-жуда қимматга тушади. Хатоси учун сўнгти нафасигача қалби товон тўлайди. Бизларга ҳам назаримда Аллоҳ ягона имкониятни бериб қўйдио, синовларга солаётгандек. Висол нашъасига ташналикка ташлаб, ҳижрон ҳийлаларига юзлантираётгандай чамамда. Эртанги тонгтимиз нима бўлади, қандай тарзда отади буни билмадиму, аммо бугунги тунларимни фақат шамлар ёғдусида ўтказмоқдаман. Қалбимда умид, зора ана шу шамларим эртага қўёшга айланиб, субҳи саҳар оламни чароғонлантирса. Менинг эртамни нурлантириб юборса, кейин ҳам машъала каби изларимда порлаб қолса.

Хонзода Тошкентдалик пайтларимда негадир мактубларингиз тўхтади. Мен эса танлов тайёргарлигига шўнгифиб кетиб, суратларингиз билан сўзлашаверибману, ўзингизни кўриб келишга фурсат ажратолмабман. Бугун эса кўнглим пушаймонликдан ҳижил. Ҳатто Францияга келганимдан бехабарга ўхшайсиз. Аввал ёзган хатларим негадир жавобсиз қолди. Тинчликми? Жудаям хавотирланиб юрибман. Балки мана шу

номаларимни сизга ўзим етказарман, балки йўқ. Лекин ҳар куни хат ёзмасам, ниманидир йўқотиб қуяётгандай сезилаверади. Ўйлашимча, қизлар ошиқларини ялинтиришни яхши қўрадилар. Бу айниқса сизга хос. Тилингиздагини дарров айтавермайсиз, дилингизда пинҳона тутасиз. Неларни хоҳлашингизни англаш эса, мушкулдан-мушкул. Менимча, туйгуларини ичига ютиб яшаш унчалар яхши эмас. Қийноқларга ташлаб кўйиши мумкин одам ўзини ўзи. Аслида нима бўлгандаем, мен сизни жондан ортиқ севаман, севавераман, соғинаман, соғинавераман. Ҳамиша дийдорингизга муштоқ талпиниб яшайвераман.

**Олислардаги оромсиз ошифингиз Жамшид.**

\* \* \*

Кўкда бир неча соат парвоз қилган «Боинг»имиз Тошкент аэропортига қўнди. Шошилиб ётоқхонамга етиб олдим. Ҳойнаҳой Хонзодабегимнинг мактублари сарфайиб ётгандир. «Нега жавоб қайтармаяпти?» - деб хавотирлана-хавотирлана аразлаб юрган бўлсаям керак. Ойимдан хориждалигимни билгандую, ундай қылмасди. Ҳар хил хаёллар билан ётоқхонамга келгач, коммандантимиз Туроб aka кўрибоқ сўзга тутиб қолди. Хориж таассуротларим билан қизиқди. У ўқтин-ўқтин почта қутисига қараб кўйишимдан дарров фаҳмлади.

- Сизга биттагина хат бор. Омонатингизни бир ойдан ошдики, авайлаб сақлаб ўтирибман, - деди суюнчилааб. Англадимки, бу қиз боладан эди. Юзимга табассум ёйилди. Хонамга кирибоқ мактубни очдим.

«Салом, Жамшид aka! Ўқишиларингиз жойидами? Бизда бироз нотинчлик, уйимииздан совчиларнинг

қадами узилмаяпти. Агар имкон топсангиз, қишлоғимизга тезроқ келиб кетинг.

Хурмат билан Хонзодабегим».

Хатнинг санасига кўз югуртирдим. Ўн еттинчи февраль. Бугун эса иккинчи апрель. Буюмларимният йифиштирмадим, институттагам ўтмадим. Қишлоғимга югурдим

Уйга келсам, негадир ҳеч ким йўқ. Кулогимга карнай-сурнайларнинг садолари чалинарди. Онам ҳам тўйга чиқиб кетганлар деган хаёлга бордим. Миямда туғилган фикрдан кўнглим ёришди. Маҳалладаги тўйга, албатта, Хонзодабегим ҳам чиққан. Ҳозироқ ўша ёққа бораман, унга кўриниш бераман. Қулай фурсатни топиб узримни айтаман. Фойиб кетган ошиғингизнинг бир қошиқ қонидан кечсангиз дейман. У эса аввалига атайлаб тумтайиб туради, кейин бирдан юмшайди. «Агар садоқатли шаҳзода бўлса, маликаси ни ҳеч вақт ёлғизлик домига ташлаб кетмайди, яхши йигит!» - дея ибо билан ер чизади. Сўнгра кўришишга муштоқ кўзлар кузма-юз тикилишади. Ҳижрон тунларини дийдор тонги қувиб юборади. Хонзодабегимнинг чехраси висол айёмини ёритган қуёшдек чараклайди. Беоқибат мусаввир ошиғига таъналар ёғдирмайди. Аксинча, ижодкор куёвининг хаёлпарастлигига, паришонхотирлигига йўйиб қўяди, холос, камчиликларини. Ахир севишганлар бир-бирларининг қусурларини кўравермайди, фазилат ахтариб, ўзларича уни топиб, бўрттириб, бошқалардан устун кўйиб, ўз кўнгиллариниям чоғлантиради, тоғлантиради. Мен шуларни ўйлаб турар эканман, сабрим чидамай аввал Хонзодабегимнинг суратига тўйиб термулволгим келди. Хонам эшигини очдим. Девор тўрисига илиб

күйилган, дунёда энг қадрли суратимга нигоҳ ташладиму, күролмадим. Портрет жойида йўқ эди. Ким тегдийкин? Кимга ҳалақит бердийкин? Хонамни ким хувуллатиб кўйдийкин? - деган хаёллар қуршовида гангид қолдим.

Бир пайт дарвозамиз «фийқ» этиб очилди-да, онам кўриндилар. Хонадан ҳовлига отилдим. Мехрибонимнинг кузлари менга тушиши билан севинчдан порлаб кетди.

- Вой Жамшид, келдингми болажоним?!

Мен кучокларига ўзимни урдим. Сафар чоғида кўрганларимни қисқа-қисқа сўзлаб, дарров хонамдаги Хонзодабегим суратини суриштирудим. Онам эса хижолат тортиш ўрнига севинчдан тўлиб-тошиб тушунира кетдилар.

- Эҳ болама, болама, сен чизган расмлар мўъжизакор чиқиб, юрмаган ишларни юрдириб юбордия. Анов Хуршидбек борку, Ҳошимжон домланинг ўғли, ўша дадангнинг «гап»лари куни меҳмонларни кутишга ёрдамлашгани келганди. Сенинг чизганларингга қизиқавергач, хонангни очиб бергандим. Шу чоққача «уйланмайман» деб ота-онасини қийнаб юрган йигит тушмагур бизнинг уйимизда ўзгарди қолди.

- Ўлай агар, гапингизга сирайм тушунмадим, ойижон. Унинг бизга қандай дахли бор, - дея ўйга ботдим.

Бу узоққа чўзилмади. Онамнинг кутилмаган изоҳлари юрагимга кутилмаган даҳшат солди.

- Эшикдан кирибоқ қатор-қатор расмларингни томоша қиласкан, сенинг талантингта тан берди. Айниқса, Хонзодабегимга кўзи тушгач, анграйганча термулиб тураверса бўладими. Кейин «Хола, кўзимга жуда иссиқ кўриняпти, кимгадир ўхшатяпман» деган

эди, аввалига парво құлмадим. Қарасам, ишқибозлиги ортиб боряпти.

- Жамшид бу ердаги суратларига бизниям күлимизни теккиздирмасди, - уқтирдим секингина. У эса «Бұлажак келинингизми?» дея ҳижолат чекди.

- Йүғе-е, ўзимизнинг чевар қизимиз Хонзодабегими танимайсизми? - деганимни биламан күzlари ёниб кетди йигит тушмагурнинг. «Жамшидингизнинг құллари сеҳрли экан, Холажон. Ўша сеҳрдан чизган суратларигаям үтказиб қўйибди» дея оғзи қулоғига етганча Хонзодабегимға ёпишволди. Құлига ушлаганча «Жаббор амаки, мана шу сурат менга беҳад ёқди. Олиб кетсам майлими?» дея туриб олди.

Даданг қандай суратлигигаям парво құлмадилару, лекин «Жамшид келса, олдиdan яна бир ўтиб қўясан, кўнмаса қайтаришинг шарт» дедилар раъйини кесмай. Ахир у дустларининг ўғлику.

- Хонзодабегим билмадими?

- Нега билмас экан, билди, билгандаям роса аюҳаннос солди.

- Ҳаммаси мен туфайли, ўша расмини чизмаганимда эди...

- Куйинишинга хожат йўқ, суюн болам, суюн, - ойим яна оғиз очирмай гапиришда давом этдилар. - Сенинг қўлларинг чинданам ҳосиятли. Қанча инсонларга баҳт берганини биласанми?

- Қанақа баҳт, ойи? - Ҳайратдан ёққа ушладим.

- Нақд Хонзодахон билан Хуршидбекнинг умр йўлларини туташтириди. Қизи тушмагурнинг қайсарлигу, инжиқликлари ҳам бунга ғов бўлолмади. Мана, ниҳоят маликаларга ўхшади қўйди.

- Тўхтанг ойи, ўзи нималар деяпсиз?

- Нафасим бўғила бошлади.

- Тўйи бўляпти, тўйи!

- Қанақасига?

- Турмуш қуришяпти.

Кулоқларимга ишонмадим.

- Наҳотки?!

- Эшиitmаяпсанми куй-кўшиқларни, аслида тақдири қўшилиб турса, бандасининг қўлидан ҳеч нарса келмасакан. Ҳонзодабегим «Ҳали турмушга чиқмайман» деб қанчалар оёқ тираб олмасин, ҳатто хаста ҳолга айланиб, шифохонадаям ётмасин, охир-окибат таслим бўлди. Ҳуршидбегам ҳеч бўш келмадида. Совчиларини бу эшикдан қувишса, у эшикдан киритаверди. Сениям оёғинг қутлуг экан, тўйга етиб келиб ўтирибсан, мен ҳам ҳозиргача ўша ердайдим.

Онамнинг гапларидан бир зумда караҳт аҳволга тушиб қолдим.

- Қани, хаёлпарастлигингни йиғиштири, уйда биқиниб ўтирмай тўйга ўт. Дадангам соғингандилар, келишингни ҳар куни кутаётгандилар. Борибоқ кўриниш бер, хурсанд бўладилар. Ҳамқишлоқларимизгача сўрашгани-сўрашган эди, кўпчилик билан учрашиб қайтасан. Айтганчалик, Ҳуршидбек билан Ҳонзодабегимни табриклишни унугта. Тилакларингни тинглашиб, бошлари кўкка етади-я!

Мен тўйга борадиган аҳволда эмасдим. Айбимга яраша жазоланаётганимни ойим қаёқданам билсинлар. Ҳонзодабегимни кўришга қанчалик ошиқмайин барибир кечикибман. Баҳт қушимни бошимдан ўзим учириб қўйибман. Хориж сафарим беҳад қимматга тушди. Айни дақиқаларда ҳар қандай ютуфу шуҳрат кўнгилга яқин кишилар олдида бир чақачилик баҳога эга эмаслигини чукур англаб етдим. Баҳтнинг ноёбли-

ги шунда эканки, унинг эътирофига ақл ожизу нотавон, кўнгил илҳақу интиқлигига фақат бой берилган тақдирдагина икror бўларкан ҳом сут эмган банда. Бугунгача менинг қалбимда яшайтган қиз энди бошқа бироннинг бағрига кузатилса?! Бундан ортиқ баҳтиқаролик, бундан ортиқ шур пешоналик, бундан ортиқ кўргилик қаерда бор. Агар ўшандада Хонзодабегимнинг суратини чизмаганимда, бетакрор барнолигини қизлиқ латофатига уйғунлаштириб, гўзаллик балогати тимсоли даражасига кўтариш учун юрагимнинг тубтубидаги тиллога тейғ туйғуларимни мафтункор қораҷиқлари нигоҳига моҳирона муҳрлашдан ўзимни салгина тия олганимда, у ҳеч қачон кўнглига бегона йигитнинг «ўлжа»сига айланмасмиди.

Қалбимни ўртаган, пойтахтда бир кун ҳам тўхтамасдан қишлоққа етаклаган, ширин дийдор умидида шоширган соғинч ич-ичимда аламли йигига айланиб улгурди. У фақат ўзимга аён: беун, беёш, бетин ва беаёв...

Кўз ўнгимда Хонзодабегимнинг маъюс сиймоси гавдаланди. Оппоқ ва ёнгил келинлик либоси гўё зил замбидай оғирлик қилаётганидек илтижоли боқарди. Худди «Кўз теккани бундан ортиқ бўладими, менинг эшигимга ёлғон билан келиб, орзуларимниям саробга айлантириб, кўнглингиз жойига тушгандир. Сиздек ўз севгилисини ишқ бозорига солган нотавон муссавир оламда бошқа учрамаса керак. Қизболаку ибо ортида яшайди. Дилядагини тилига чиқаришга қийналади, ошкорлашга журъати етмайди. Сиз қандай йигитсизки, оғзингиздаги ошни ўзгага олдириб, қорангизни уч ойлаб кўрсатмай кетаверасиз? Наҳот туйғуларингиз сохта, кўзларингиз алдамчи, сўзларингиз риёкор?!

Ошиқлар аҳлига номуносиб қилингизни иккинчи бор тақрорламанг. Иккинчи бор ҳеч бир қизни суратини чизишга чорламанг. Менинг қисматим уларнинг бошига тушишини асло хоҳламайман. Сиз гўзаллик ўғрисининг ишини қилдингиз, баҳт ўғрисининг ишини қилдингиз. Балки, гўзалларнинг сурати гўзал чиқар, шуҳратингизга шуҳрат қушар, бироқ бироларнинг ортидан топилган шуҳрат шуҳратми?! Иқдидорингизга заррача ҳасадим йўқ, сиздаги ғайритабий қобилият унча-мунча одамни ҳайратлантиришига гап йўқ. Бироқ, менинг бошимга баҳтсизлик соганидан, менинг тақдиримни ўзгартириб юборганидан куюнингиз ҳам, суюнишингиз ҳам виждонингизга ҳавола. Сиз суратимни чизаётган ўша ҳаяжонли, бетакрор дамларда «Хонзодабегим, ҳали ҳаётда барча шодликларни бирга баҳам кўрамиз» деганингиздаям тилингиз дилингизга хиёнат қилганини унутманг! Тўғри, гўзаликнинг умри қисқа, лекин ҳамма ҳамиша унга ташна, унга ошуфта, унга меҳрли. Севиш бошқа, ардоқлаш бошқа, яхши йигит. Сизни бир кўришдаёқ чиройи билан ром айлаган қиз бугун ўзганинг остонаси ни ҳатлаётиби. У балки сизга ўхшаб чиройига учган, балки сизга ўхшаб севмас, аммо ардоқлашни, гаразли кўзлардан асраб-авайлашни уддаласа бўлгани. Энди сиз «Мона Лиза»нгизнинг висолини бир умрли армонлар оламидан излайсиз. Хайр!

Иккиланишим узоққа чўзилмади. Аламли изтиробдан юрагимга оғриқ кирганигаям қарамай, тўйхонага яқинлашдим. Кенг ҳовлининг саҳнига П шаклида кўйилган ўриндиқларнинг бўши йўқ эди. Берироқдаги тахта кароватга тўшалган кўрпачаларда дадам дўстлари билан ўтиришарди. Етиб бориб давраларига кўшилдим. Улар хориж таассуротларимни сўрашар,

узук-юлуқ жавобларимни тинглашар эдию, менинг оғзим гапда бўлгани билан беихтиёр келин-куёв томонга кўз қиrimни ташлашга уринардим. Ҳайрият, улар буни пайқашди.

- Жамшиджон қишлоқнинг тўйиниям соғинган, рухсат берсак, Ҳуршидбекнинг ёнига ўтса, - деди Ҳошимжон ака мулозамат кўрсатиб.

- Узоқ йўлдан келиб ҳориганга ўхшайсан, бора қол, тенгкурларинг билан ўйнаб яйра! - дедилар дадам ҳам у кишининг истагини маъқуллаб.

Менинг кайфиятим пастлигини пайқашгани учун атайлаб базўр жилмайдим. Аста ёш-ялангларга яқинлашдим. Базм авжида, мусиқаю қушиқлар баландлигидан тўй меҳмонларининг ғала-ғовури қулоқقا чалинмайди. Барча ўзи билан ўзи овора. Йигит-қизларнинг бири ўйнаб, бири тилак тилайди. Даврага киришдан тортиндимми, ё келин-куёвнинг кўзи тушишини истамадимми, тикка турганча базмни томошалётганларнинг ортида тўхтадим. Тўйга ярашиқ кувноқ қаҳқаҳалар, олқишу ҳайқириқлар кучайгандан кучайиб боргани сайин мени таҳқирлашаётгандек ҳис эта бошладим. Давра тўридаги жуфтликка қарашга ҳадеганда юрагим бетлайвермади. Шунчалар оғир аҳволга тушишимга ўзимдан бошқа кимниям айблай олардим. Бу шодон тенгкурларим ҳозир на менинг, на Хонзодабегимнинг ичидаги дарду армонларини қаердан билишсин. Уларнинг гувоҳлигига севишган қалблар қовушаётгандек, уларнинг кўз ўнгига дунёдаги энг баҳтиёр қизу, энг баҳтиёр йигит. Аслидачи? Миямга қўққисдан келган саволдан ўксик кўнглимга таскин эспикини эсгандек бўлди. Кечагина бутун орзу-умидларини мен билан боғлаб, хаёлан осмонларнинг еттинчи қаватида учиб юрган Хонзодабегимнинг қалби қай-

гулар құрғонига айланмаганига ким кафолат беради. Хуршидбек, бечора Хуршидбек ҳуриқолар ҳуриқосыға эга чиққанидан таҳтда ўтирган шаҳзодадай ўзини ғолибу баҳтиёр сезаётгандир. Одам деганиям шунчалар калтафаҳм бұладими. Хонзодабегимнинг келишган қадди-қоматига монанд чиройли чеҳрасыға маҳлиёлик уни күр қилиб қўйган чамаси. Қизлик нози бошқа, кўнгил рози бошқа эканлигини наҳот пайқамади. Намунча шошилгандан шошилди. Баҳт қушини мажбурлаб ушлаган, бир кун «пир» этиб учиб кетишини унутган калтабин касдан унинг қанчалик фарқи бор!

Хонзодабегимнинг ҳоли энди қандай кечади? Беихтиёр нигоҳимни базм маликасига қададим. Не кўз билан қўрайки, у мен суратини чизган қизга бутунлай ўхшамасди. Муштипар келинчакнинг оппоқ ҳарир либоси эриш туюлаётгандай чеҳраси ниҳоятда тунд. Куёви ёнида игна устида ўтирган бегонадай безовта. Юз-кўзларида шодликдан асар ҳам йўқ. Мунглидан мунгли. Кўнглига қил сифмаётгандай куёвнинг сохта хушомадларига беписанд, табассум ўрнига жийиниш. Сездимки, тўй унинг учун азанинг ўзи. Қадрланмаган, ардоқланмаган илк муҳаббатини қалбига бир умр дафн этиш. Э воҳ, дунё шу қадар бешафқатми. Аллоҳ Хонзодабегимга тенгсиз чиройни ато этганида, шайдоларини баҳтига зомин қилиб яратмаса бўлмасмиди. Бугунги тўй туфайли на Хонзодабегим, на Хуршидбек, на мен баҳтли эдик...

Ноуйғунлик - ғайритабии ҳолат. Уйғунликка кўниккан нигоҳларда ҳайрат ҳайкалини гавдалантиради. Унга тикилғанларни туйғулар түфёни оғушлайди. Тасвирлар таъсиридан тиллари тугулади. Диллари диллашади, қувончу қайғулар бирлашади.

Тўй тантанасига келинчакнинг ярашмаган мотамсаро қиёфаси ортидаги ҳамма учун мавҳум кечинмаси

фақат биргина менга аёндек эди. У ёнма-ён үтирган күёв боланиям гүё унутгандай үз хаёллари билан банд, ҳатто шүх-шүх куй-қүшиқларгача парвосиз. Микрофон олдига бир келиб, бир кетаётган қутловчиларнинг тилакларигаям қулоқлари ҳеч нарсани эшитмаётгандек беписанд. Барча қизларга үхшаб, «Гўзаллик салони»гаям бормаганми, қош-кўзларида пардознинг изи сезилмайди. Қоп-қора соchlари оддийгина ўрта ёрмали, икки томонга сип-силлиқ таралган. Лекин табиий чиройи боши ва эгнидаги оппок либосига бурканиб, янада мафтункорлашган, янада фариштали тусга кирган. Фақатгина юзларидагина табассум етишмайди, кўзларидаги ёниқлик ўрнини сўниқлик эгаллаган.

Базм қизигандан қизиб ётибди. Устма-уст табриклардан танаси яйраб, севинчи ичига сифмаётган Хуршидбек эса келинчакнинг ҳолатидан бехабар. Висол айёмининг ғанимат онлари ҳаяжонига ғарқ. Жўраларига гоҳ-гоҳ ҳазил-хузул гап отиб, илжайгани илжайгани бадтар менинг ғашимни келтиради. Ортиқ тоқат қилолмадим. Томашабинлар тўпидан секин суфурилдим. Дарвоза олдидағи мезбонларнинг «қаёққа?» - дейишларига қарамай, ёп-ёруғ тўйхонадан чиққанча тун қоплаган кўчага ўзимни урдим. Муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат, висол ва айрилиқ - беҳад содда, беҳад самимий туйфуларнинг таҳқирланиши, кимнингдир бахти кимнингдир бахтсизлиги устидан қаҳқаҳа ураётган бешафқат ҳаёт саҳнасининг бошқалар билмайдиган ижрочиси эканлигим учунми юрагим сиқилгандан сиқилди, кўнглимда икки қарама қарши фикр чарх уради: Энди қўлимга мўйқалам олмайман, севгилиминг тўйи ўқишимгаям, ижодимгаям нуқта қўйди. Парвозларга шайланган қанотимни қайирди!



Йўқ! Йўқ! Кутилмаганда кўнглимнинг туб-тубидан бошқача нидо келди. Сен Мона Лизангнинг ўз тўйини азадай қарши олишга қодирлигидан наҳот таъсирланмадинг? Қандай мусаввирсан, қандай ошиқсан ҳаёт чигал тақдирлар тасвирини фоят мураккаб, фоят табиий лаҳзаларда матога муҳрлашингни истагандек сен ижодкорнинг бошига шу куйни солди. Мағлуб ошиқ бўлгину, мағлуб мусаввир бўла курма! Оташ ҳисларингни жуфтлашмаган юраклар тимсолида, суйганидан айрилган, суймаганига узатилган келинчак ўзининг маҳзун чехрасию, тушкун кайфиятига энг сўнгти ҳамдард нигоҳини излаётгандай ҳайратомуз ҳолатни шундай жонли чизгинки, яратган асаринг олдидан ҳеч ким бефарқ ўтиб кетолмасин! Омадсизлигингдан омадингни изла! Ажабмаски, севишганлар учун сабоқ суратинг Мона Лизадек қалбларга яқин, санъат шайдолари шарафига муносиб картина даражасига етса.

Юрагим изтиробу-алам зардобига тўлиб-тошганига қарамай, назаримда мен учун ҳамма-ҳаммаси ўткинчи асарларга айланиб қолаётгандек туюларди. Ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ҳисоблашишни хоҳламасдим. Тўйдаги азадор келинчак тимсолини чизгилаш учун уйга шошардим. Хонзодабегим яхшиям мени пайқамади. У ҳозиргина қишлоғимга қайтганимдан бехабар эди. Гўё кўзқорачиғи кенгайған мисол атрофидагиларни кўрмасди. Даврадагиларнинг бошлари узра тўғрига - ўртадаги катта лампочканинг чараклаган ёғдуси етмаётган зулмат бағрига ўйчан боққанча миқ этмасди. Балки ҳануз бирон бир мӯъжизага илҳақдир, балки хаёлан мендек ҳудбин ва бевафо билан унсиз видолашаётгандир, балки эртасини қоронғу кунларга қиёслаб, умидсизлик исканжасида чуқур изтироб чекаёт-

гандир. Нима бұлса ҳам күнглига қил сиғмастгани сұлғин гулдек ҳоли забунлигидан фақатгина менга аён. Бошқалар эса тортинчоқлигу шарму ҳәёға йүйишаверсин.

Майли, қисматига күникиб кетар, лекин бугунги висол ва айрилиқ үртасидаги аросат оролида гангиб, қайғули қиёфада турғани бетимсол меҳру вафою, бетимсол садоқатнинг энг сүнгги сурати эмасми?! Бу лаҳзаларнинг умри жуда-жуда қисқа. Лекин мен уни күриб, чорасиз турғандан үлганим яхши бўлсаям қўш қорачифимга шундай муҳрлаб олдимки, умримнинг охирги дақиқаларигача кўз ўнгимдан ҳам, күнглимдан ҳам ҳеч қандай куч ўчиролмайди.

Тўйдан қайтибоқ хонамга кира солиб, оппоқ қофоз қаршисига ўтировланча аввалги шириң дийдори оғушида юзма-юз мўйқаламимни ҳаяжон ва энтикиш билан қўлга тутганиму ўзимни дунёда энг баҳтиёр рассом ҳисоблаган бетакрор онларимни, бугунги пин-ҳона видолашувни, нақадар оғир, нақадар аянчли кўргиликларимни мушоҳадалашга тиришдим. Хонам эшигини ичкаридан қулфлаганим сабабини энди тушуна бошладим. Мен ҳозир ёлғизликни, фақат ёлғизликни истардим. Бироқ ёлғиз эмасдим. Кўнглимда Хонзодабегам бирга эди. У аввалги қиёфасини бутунлай йўқотган қиз эмас, ҳаётнинг ilk зарбасидаёқ дили вайрон, ақли ҳайрон келинчак қисмати очиқ чехрасини тундлаган, бийрон тилини гунглаган. Дардини айтай деса тинглайдигани мендек бетайини бедарак.

Чирофим ёниқлигиданми алламаҳалда тўйдан қайтиган дадам эшигим дастасини тортиб, берклиги учун ҳалақит беришни истамай кўяқолдилар. Онамнинг ялиниб-ёлворишлирагаям эшигимни очмадим. Мен тамоман ташқи дунёдан узилиб қолгандай ожизлан-

гандим. Бугунги висол оқшомидаги ақволимни ҳатто душманимгаям раво күрмасдим. Ўз құллари билан ўз муҳаббатини бой берган ошиқнинг қалби тубидаги түйғулар исёnlаниб, уни жиловлашга бейлож қийналардим. Юрагым яраланған қүшдек потилларди. Мендек бахтсизликдан беором маңнолар изловчи шүрпешона мусавирни шу лақзаларда аламли илҳом тобора бедорлаб борарди. Туннинг тунлигини бугунлай унуттандым. Тик оёқда соатлаб туриб, Хонзодабегимнинг сиймосини хаёлимда қандай бўлса, шундайлигича оқ қофозга чизгиладим. Суратга ранг беришни тонг оқара бошлаганидагина поёнига етказдим.

Онам бир нарсани сезгандай субҳи саҳардан безовта юрганларини оёқ товушларидан фаҳмладим. Фалати қилифимдан чўчиб кетдилар шекилли.

- Эшигингни тезроқ оч, болам! - дея йиғламсираб зорландилар.

Сергак тортиб, эшик калитини бурашим билан остонаядан ҳатлашга шошилдилар. Бўёқ ҳидлари анқиган хонам тўрисидаги катта янги портрет қаршисига келиб, таҳтадек қотганча унга термулиб турдиларда, кўзларидаги шашқатор ёшлирини артиб-артмай мени маҳкам бағриларига босдилар.

- Ах, ўғлима, ўғлима, нега бунақа ичимдан топсан, бизга эртароқ шуни айтсанг, осмон узилиб ерга тушармиди, ўзингниям, бечора қизниям қийнамасдинг, орзуларинг армонларга айлангунча индамай юраверишинг шартмиди?!

- Ўша суратни чизгунча бармокларимни синдириб ташласам яхшимасмиди, ойижон? Агар бахтимизга зомин бўлишини билганимда эди ҳеч қачон, ҳеч қачон... Иложини қилолсангиз уйига бориб иккимизгаям бахтиқаролик келтирган ўша расмни қайтари-

шини сўранг. Сабаби дадамнинг дўстлари ўғлигаям сирлигича тураверсин. У «бахтиёр» куёв бечорагаям аслида осонмас. Ҳавас қилишимният билмаяпман. Икки орада Хонзодабегимга қийин бўлди. Кўнгли қаттиқ озорланди. Энди оиласига дарз тушмасин.

-Хўп, болам, салдан кейин рўйикушон бошланади, маҳалла-кўйсиз келин салом ўтармиди. Иложини қилсан қанийди.

- Йигит киши оғирроқ бўлиш керак - дедилар дадам ҳам ташвишли қиёфада хонамга кириб. - Ҳали ҳаётинг олдинда. Насиб этса, у қизданам аълорогини учратасан.

Дадамнинг нигоҳлариям беихтиёр янги ижодимга тушди.

- Аммо - лекин мановини жаа боплаб чизибсан. Худди жонлига ўхшайдия, во ажаб! Умрим бино бўлиб бунақангиди табиий суратни ҳеч кўрмагандим. Ўзимам ўйлагандим, тўй куниям келинчакнинг қовоғи очилмаяпти деб. Ҳафа бўлма, дунё ўзи шунаقا бир кам яралганда. Афсус, энди кеч, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолавергани маъқул.

- Тўғри дадаси, тўғри, - дедилар ойим уларни хонадан тезроқ олиб чиқиб кетиш пайида.

\* \* \*

Кечқурун онам ғамгин аҳволда уйга қайтдилар.

- Расмни ололмадингизми, ойи? - дедим юзларига қараашдан хижолат тортиб.

- Ҳа, Хонзодабегим жудаям эзилган, буни қараки, унинг ўзи сурат ҳақида мендан аввал сўз очди.

- Нима деди?

- Келинсалом тугаб, меҳмонлар уй-уйига тарқалсаям, атайлаб Шарофатхоннинг ул-бул юмушларига

ёрдамлашаёттандай юргандим, Хонзодабегимнинг якка ўзи қолганида қулай фурсат келди. Уйнинг ичкарисига кириб, унга яқин бордим. Кўнглимдаги ниятимни сезгандай қизим бечора икки тахмон ўртасидаги токча ичидағи ялтироқ рамкага солинган суратини ҳадиксираб қўлига олди.

- Кейинчи, кейин? - Сабрсизланиб онамни шоштирдим.

- Айтаверайми, ҳафа қилиб қўймийманми?

- Ҳамма айб ўзимдаку, нега ҳафа бўлай.

«Хола, Жамшид акамга айтинг, энди қайтиб қишлоғимиздаги ҳеч бир қизнинг расмини чиза кўрмасинлар», дея кўзлари жикқа ёшланди. Кўнглим бузилиб, шоша-пиша рўмолчамни узатарканман, бояқишига роса ичим ачиди. Агар малол келмаса, қайтариб олиб кетсам, деганимни биламан «Жамшид акам сўрайтиларми? Энди бошларига урадиларми, бу сурат вазифасини ўтаб бўлдию, кимгаям кераги бор. Ўзимга тўй совғаси деб кўя қолсинлар. Эсадалик ўрнида қабул қиласай. Кишлоғимиз Леонардосидан эсадалик... Ахир қўлларининг, мўйқаламларининг излари бизга қадрли. Негадир шу суратга қарасам, ўзим эмас, Жамшид акам кўзимга кўринаверяпти» дея пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Юрагимни ҳовучлаб, аранг-аранг овунтиредим.

Онамдан бу гапларни эшитгунча, қулоқларим кар бўлса бўлмасмиди. Ўзимга ўзимнинг нафратим бадтар кучайди. Бекиёс меҳр-муҳаббатим «мева»си бизни наҳот шу қадар аччиқдан-аччиқ қисматга дучор айласа-я! Яна туриб-туриб Хонзодабегимга тан бергим келаверди. У суратни йиртиб ташлаши, парчаларини оёқлари остида топтаб юбориши, рассомига мингдан-минг лаънатлар ўқиши мумкин эди-ку!..

\* \* \*

«Келинчак» сурати бу қадар машхурлашиб кетишини ҳеч кутмаган эдим. У мени санъат остонасидан мардона олиб ўтди десам ҳам адашмаган бўламан. Айнан ўша картина Париждаги қўргазмалар залига қадам қўйганларнинг қизиқишини кучайтирди. Барчанинг нигоҳи тўйдаги азадор келинчакда эди. Ҳатто бир мўйсафид рассом келиб, Леонардо да Винчинг «Мона Лиза»си билан қиёслаб, улар ўртасидаги ўхаш ва фарқли жиҳатларни бирма-бир таҳлилдан ўтказди.

«Ҳар икки портретларда ҳам рамзийлик, мажозийлик, шоирона орзу хаёл, имо-ишоралар билан сўзлаш тамойиллари устунлик қиласди. «Жоконда»нинг тасвири кундалик одми либосда, у ёш ҳам, беҳад гўзал ҳам эмас. Бошида азадорлик аломати бўлган қора ҳарир рўмолу, юзида хиёл табассум... Жамжид Джабборовнинг «Келинчак»ида эса мутлақо бунинг акси. Оппоқ либосга бурканган ёшгина гўзал қизнинг ички кечинмалари. Бироқ ҳаммангиз эътиборингизни бир нарсага қаратишингиз жоизга ўхшайди. Икки санъат асарини бирлаштириб турган уйғулук-атрофидаги воқеа-ҳодисаларга, вазиятга қарама-қарши ички ҳолат ифодасида намоён. Асар қаҳрамонларидаги руҳий ҳиссиётнинг тийиқсиз туғёнида намоён. Ҳар иккисидаям сирли қиёфа, матонатли ички руҳ. Ўзбек рассомининг асарларида грац, пропорция ва перспектива қонуниятларига ижодий амал қилинган. Ёш мусаввир Леонардонинг тасвирий санъатдаги «сфумато»деган ўзига хос тасвирий усулини тенгсиз мактаб қилиб олган. Унинг чизгилари чексизликка синггишиб кетиши, тасвирдаги сўнгсизлиги билан алоҳида эътирофга лойиқ».

\* \* \*

Тошкентта қайтган кунимдаёқ ижодхонамни журналистлар босди. Уларнинг орасида қай бир томонлари билан Хонзодабегимга ўхшаб кетадиган Баҳор исмлиси айниқса ҳолу жонимга қўймади.

- «Келинчак» тасвиридаги қизнинг тушунуксиз азадор ҳолати қархисида беихтиёр ўйга толмасдан бўлмайди, унинг энг кувончли айём - тўйидаги бетакрор табассумини кўрсатиш ўрнига маҳзун чехрасини чизгансиз. Бу нималарни англатади? - Саволга тутди қиз.

Мен ҳали ўттизгаям кирмайин оқариб кетган сочларимни бармоқларим орасида эзғилаб, сукутга чўмдим.

- Эшитишимча, «Келинчак»ка хорижлик мухлислар ичида харидорлар кўпайган эмишу, сиз эса сотишни қатъий рад этганмишсиз.

- Худди шундай.

- Сабаби нимада? Ё сизга бойлик керакмасми?

- Дунёда ҳамма нарсаем сотилавермайди, ҳамма нарсаем, пул билан ўлчанавермайди. Улар қаторига менинг «Келинчак» асарим қўшилса нима қилибди.

- Суратнинг сирини айтишни нега хоҳламайсиз?

-...

Журналистнинг саволини жавобсиз қолдиришдан ўзга чoram йўқ эди.

Хар қандай ижоднинг қиммати унга яширин, фақатгина қалб билангина англаш мумкин бўлган сириноатларида. «Келинчак»нинг ҳолати фақат ўзига аён. Ошкорлаш оғирдан оғир, унга аслида ҳожат ҳам йўқ. Бу ўзи билан мангу кетиши керак. Мен оддий бир рассом сифатида шуни айта оламанки, ушбу тасвир абадий ҳижрон ва абадий висол ўртасида турган ожизгина гўзалликнинг буюклигиdir...

# Хикоялар

## БОҒЧАДАГИ МУҲАББАТ

Негадир ўша болакайга меҳрим бўлакчайди. Мана шу бўлакчалик болалар боғчаси сари етаклаётганди десам ҳам янгишмасам керак. Мана шу бўлакча туйғу балки ўша ўтли муҳаббатимни илк бор танитгандир менга.

Коллежни битираёған кезларимизда амалиёт ўташ учун болалар боғчасига бордим. Менику эрка табиатим, сўнгсиз шўхликларимни кўриб «ёш бола» аташарди. Аммо ўзим ҳали улғаймай туриб, боғча опаликка ярадим. Қалби меҳрга интиқ, беғубор нигоҳларга тобора яқинлаштириб, ўз асирига айлантириб юбораётгандек эди ишим гўё. Улар билан ҳамма нарсани унутиб, дилдан яйрардим, асл маконимни энди топдим, дердим ичимда.

Ўзи кичкинтойларни ёқтираман. Буни ота-онаму, у ердаги малакали ходимларгача яхши билишарди. Айниқса, болалар орасидаги Алишерга бошқача боғланниб қолгандим. У худди катталардек донолик билан бурро-бурро гапиравардики, ҳайратдан атрофдаги одамлар ёқасини ушлашарди. Қуюқ киприклари туташ қошлирига жуда-жуда ярашар, кулганида янада ширин бўлиб кетарди. Унга термула-термула тўймасдим. Алишер ҳам мени беҳад яхши кўради, айтганимга дарров «хўп» деб кўнарди. Амалиёт тугагач, болаларга,

ёқимтой Алишерга қаттиқ ўрганиб қолганимни чуқур ҳис қилдим. Тез-тез уларни йўқлаб кўргани бориб турдим. Дипломим қўлимга тегиши биланоқ тўғри шу боғчага ишга жойлашдим.

Ишимдан ҳам, ўзимдан ҳам кўнглим тўқ. Эртадан то кечгача жажжиларга меҳр бериб чарчамасдим. Бирга-бирга ўйинга тўймасдик. Алишер билан иккимиз қадрдон дўстларга айландик. Ҳар тонг «опажоним» дея олдимга югуриб келса, юрагим ҳапқириб кетарди. Кечки пайт онасининг қўлларига тутқазар эканман, албатта, юзимдан бир ўлиб қўярди. Ҳавасланиб кузатганимча қолардим.

Кунларнинг бирида нима бўлдию, Алишернинг онаси келавермади. Гуруҳимдаги ҳамма болалар уй-уйларига тарқалган. Мен Алишернинг шумшайиб турганини кўриб, чалғитишга уриндим. Бироқ, барibir парвосиз, хавотирли нигоҳларини дарвоза томонга тикиб туравергач, бағримга босиб эркаладим, ёнимда ҳаракатларимни кузатиб турган Нигора исмли ҳамкасб опажоним менга қараб гап отди. «Шу дейман, Маҳбубаҳон Алишерга бўлган меҳрингиз бўлакча, менимча, шунга ўхшаган ўғлингиз бўлишини истасангиз керак». Нигора опа худди ичимдагини билиб айтгандай ўзим ҳам негадир севиниб кетдим. «Қанийди» деб юбордим шаддодлигим тутиб. Шу пайт бир йигит ёнимга яқинлашганига кўзим тушди. «Ишқилиб гапларимни эшитмаган бўлсин» дедим ичимда. Аммо йигит эшитганга ўхшарди. Шундоқ юзидан билиниб турарди, кулгусини минг уринмасин яшиrolмасди. Боз устига бу йигит Алишернинг акаси экан.

Болакай қучофимдан чиқиб, акасига ошиқди. Мен эса не қиласаримни билмай ичкарига кириб кетдим. Кейин нима бўлганини Нигора опам кула-кула сўзлаб



бердилар. Айтишларича, болакай одатига күра мен билан хайрлашиш учун акаси билан кутиб-кутиб кетибди. Ундан ҳам қизифи йигит Нигора опамга «Синглингизга айтинг, хижолат тортмасинлар» деб тайинлагани жуда-жуда алам қилди.

Эртасидан бошлаб, кунига Алишерни олгани акаси келадиган бўлди. Ҳар сафар дарвоза олдида пайдо бўлса, бир муддат каловланиб қолардиму, кейин ҳеч нима ўтмагандек ўзимни бепарво тутишга уринардим. Азиз, ҳа унинг исми Азиз эди. Ёшимиз teng бўлсада, улицейни тамомлаб, институтда таҳсилни давом эттираётган экан. Шу-шу Азиз иккимизни борган сари нимадир яқинлаштиради. Мен қанчалик шаддод, эрка қиз бўлмайин, барибир болаларга хос соддалигим бор. Атрофимда кечаётган ҳар бир ҳодисага чин дилдан ишонардим ўшанда.

Азиз Алишерга росаям ўхшар, келишган қоматию ўтли нигоҳлари билан негадир ўзига тортиб турарди. У самимий йигит эди. Ҳазилкашлиқда ҳам, айтишувда ҳам мендан қолишмайдиган, чинакам орзуиймдаги оқ отли шаҳзода эди, гўё. Атайин ҳар гал энг охирида етиб келар эди боғчага. Унинг келишини Алишерга қўшилиб, ўзим ҳам интиқ-интиқ кутардим. Келгач эса, учовлон бирга боғчадан чиқиб кетардик. Ака-укаbekatgacha кузатиб қўйишарди. Кейин хайрлашиб, автобусга ўтирадим.

Ўша баҳтли кунларни ҳеч унугулмасам керак. Шодликка қўнглим лимо-лим эди. Ҳар куни келишигача сочимни чиройли турмак қиласдим. Ойнадан кўзими ни узолмасдим. Турли хил қўйлаклар тикиб киярдим.

Ҳа, ўшанда ҳаётимда илк бор севиб қолгандим. Лекин, баъзида Азизни ҳамма қизлар билан тез тил топишиб кетиши, барча одамлар билан ўта самими мумомала қилиши бир томондан қурқитарди. Яна Азиз-

нинг ширин сўзларини тинглаб, менда кўнгли бор деб қаттиқ ишонардим. Афсус, минг афсус, бир куни...

Бир куни Азиз боғчага чиройли қиз билан кириб келди. Ҳеч нарса бўлмагандек саломлашди. Сўнг Алишерни олдига чақирди, ёнидаги қизни «Келинайинг» дея таништирди. Унинг сўзларидан юрагимда кучли оғриқ сездим. Наҳотки...

Ўша ондан сўнг узоқ вақт ўзимга келолмай юрдим. Алишер ҳам бир ҳафта ичи боғчада қорасини қўрсатмади. «Уйларида тўй бўляпти» деди кимdir. Мана шудақиқаларда эс-хушимни йиғолмай, телбага айланиб бораётгандек эдим. Юрагимга ҳеч нима, ҳатто севимли боғчам ҳам сифмайдиган ҳолатдайдим. Уйимизга кўмилиб олдим. Ота-онам аҳволимдан ташвишланиб, ҳатто шифокорга қўрсатишди. Онам ачиниб-ачиниб йиғлади. Опаларимга дардимни айтиб, йиғладим мен ҳам.

Аммо, инсон кўникувчан экан, инсон унутувчан экан, инсон ғамни енгувчан экан. Бардошли бўларкан инсон зоти. У йигит менинг кўз ёшларимга арзимайди, деган фикрга келиб, ишга қайтдим. Аламимни ичимга ютдим. Буни қарангки, энди Алишерни боғчага онаси ҳам эмас, Азиз ҳам эмас, янги бир келинчак олиб кела бошлади. Барибир, болакай унга ётсираб қарап, фақат менга талпиниб тураверарди. Ўзини Назокат деб таништирган келинчак эса «Сизни Алишеримиз шунчалар яхши кўрадики, меҳрини қандай қозондингиз? Менга ҳам ўргатинг» дея ҳавасланиб мулојим сўзларди. Болакай нега ётсираяпти Назокатга? Азизнинг укасими, жияними деган фикрни бошдан ўтказдим. Сўнгра у Алишернинг онаси Азиз билан бирга яқинда чет эл сафарига кетишганини айтди. Энди болакайнини Назокатдан қизғона бошлагандим.

Ярим тунда уйғониб кетдим. **Аламлар, армоналар** исканжаси уйғотди. Ҳар куни ўша келинчакни күмтиб қолиш оғирдан оғир эди. У ёқ-бу ёқни титкилаб, қаердандир қоғоз-қалам топдим, қайноқ ҳисларимни тұка бошладим:

«Сиз кетдингиз! Менинг вужудимни оловларга ташлаб, күзларимни ёшлаб, юрагимни ғашлаб, армоналарнинг маҳзун-маҳзун куйларини бошлаб...

Сиз кетдингиз! Ортингиздан мажнунтоллар мунфайиб қолди, ойдиндаги осмонлар энкайиб қолди, бағримдаги яролар кенгайиб қолди.

Сиз кетдингиз! Йироқ бўлдим севги демиши зиёлардан. Фироқ чекдим алвон-алвон рўёлардан.

Келасизми? Йўлларимда униб ётган бутун орзу - умидлардан кечаман. Келасизми? Сўзларимга интизор бўлган, бедор бўлган шайдолардан кечаман. Келсангиз, ёлғон-ёлғон дунёлардан кечаман!

Истайсизми? Сиз кириб келган тушларимни рад этаман, муҳаббат юртини тарқ этаман, кетаман!

Сезасизми? Кулогингизга шивирлаган баҳор менинг сўзларим эди, хаёлларингизда яшаётган қаро тунлар менинг кўзларим эди, йўлингизда соғинчдан сарғайган ўша маҳзун юзларим эди.

Биласизми? Ҳижронлар азобида қанча-қанча зардоблар ютганман, пойингизга фууримдан қизғалдоқлар туттанман. Мен сизни, мен сизни ҳар баҳор куттанман.

Қўрқмайсизми? Сиз учун бутун умрга армоналарга айланишим мумкин, етиб бўлмас хотираларга жойланышим мумкин. Мен бир куни, мен бир куни тупроқларга бойланишим мумкин.

Эртасига эрталаб кутилмаган ташрифдан ҳайрон қолдим. Не кўз билан кўрайки, Азиз мен томонга Алишерни етаклаганча жилмайиб келарди. Бир муд-

дат ўзимни йўқотдим. Бир муддат вужудимни ҳаяжон босди. Аммо, тезда ўнгланиб олишга улгурдим. Энди Азиз мен учун аслида ким эканлигини ўйладим.

- Келинг, - дедим расмий оҳангда.
- Қалайсиз, Маҳбуба? - деди севинчини яширмай.
- ...

Унинг саволини жавобсиз қолдиргим келди. Чунки Азиздан бундай муомалани, бундай кайфиятни кутмагандим. Бироз бўлсада, орадаги муносабатларимиз учун хижолат тортса керак деб ўйлагандим. Аксинча, ҳануз ўша-ўша.

- Келганимиз ёқмаган кўринади. - Астойдил норози бўла бошлади у.
- Йўқ, нега? - дедим шошилиб Алишерни қўлидан тутиб ичкарига бошларканман.
- Тўхтанг, Маҳбуба!
- Ҳа. Тинчликми?
- Соғинмадингизми?
- Нима?

Шу тобда разабдан ўзимни аранг босдим. Сўзлари гашимни келтира бошлади.

- Нега соғинарканман сизни?
- Севасизку...
- Ким айтди буни?
- Қўзларингиз!

Негадир ич-ичимдан қаттиқ ўксиниш кечди. Нахотки, Азиз менинг покиза туйгуларим устидан куляяпти. Хўрляяпти.

- Оилали бўла туриб, қиз болага буларни гапиришга уялмайсизми? - дедим кўзларимда ёшим милтираб.

Азиз ҳеч нарсага тушунмагандек ҳайрон боқиб турдию, кейин бирдан кулиб юборди. Индамай жилмайганча боғча эшигидан чиқиб кетди. Мен эса мана шу сұхбатдан кейин кечгача руҳан эзилиб юрдим. Аммо,

кечга томон Назокат келгач, барча изтиробларим, шубҳа-гумонларим тумандек тарқади кетди. Үзимни күшдек енгил ҳис қилдим. Айтишига қараганда, Назокат Ализни эмас, акасининг турмуш ўртоги экан. «Улар оиласа уч ўғил булиб, Ализ энг кенжаси, менга ўхаш эркаси бўлади» дея сўз қотди янгаси. Бу янгиликни тинглагач, беихтиёр севинчимдан болаларга ўхшаб ўрнимдан сапчиб юборсам бўладими. Нарироқда турган Ализни бу гал ҳам кўрмай қолибман. Яна уятдан мулзам бўлдим. Кейин эса унинг ўзи ҳузуримга келди. Худди эртаклардаги оқ отли шаҳзодалардек мени боғчадан олиб чиқиб кетди.

## ОЛИФТА ҚИЗ

Боғчадаги болалар ичида энг ўжари у эди. Бўйи бизлардан бироз баландроқлиги учунми ва ё ўзини катта олишга ўрганганиданми, ундан кўрқардик. Барчамиз бу зўравоннинг ҳар айтганларига бўйсунишга, буйруқчаларини бажаришга мажбурдек кўринардик гўё. Үзимга қолса бутун кунни «тўй-тўй» ўйнаб, эртадан-кечгача келинчак бўлиб ўтказишга уринадиган эрка-тантиқ қизалоқнинг адабини бергим келарди. Асло жиним сўймасди, ич-ичимда кек сақлаб юардим. Боиси Дилнурга опам совфа қилган чиройли ва бежирим қаламдонимни синдирган, сумкачамни ичига алламабало суратларни чизиб ташлаган. Бу ҳам етмаганидек онам тайёрлаб берган ширин қулчалиримни қўлимдан тортиб олиб, еб қўйган. Мен энди олти ёшга тўлиб-тўлмаган болакай бўлсан-да, унчамунча яхши-ёмонни, ҳақ-ноҳақни бироз ажратишга ақлим етарди. Унинг яна бир қилифи ортиқча эди. Баъзи пайтларда худди катта қизларга ўхшаб, мен онамнинг сумкасида кўрган бўёғидан лабигагина эмас,

яноқларигача обдон суртиб келарди. Шунда боғча опаларим бир-бирларіга қараб: «Олифта қизай» дея устидан бегараз кулиб күйишарди. Лекин барибир уни эркалатиб суйишарди. Узун, күнгироқдай сочига попукли ленталар тақиб, рақсларга туширишарди, күшиклар куйлатишарди, шеърлар айтқизишарди.

\* \* \*

Биринчи синфга қадам күйганимда пешонамнинг шўрлигидан ўз-ўзимга ачина бошладим. Чунки олифта қизга яна дучландим. Боғчада жон-жонимга тегиб юргани камдай бир синфда, бир партада ўтиришимга тўғри келди. Унинг боғчадаги ёмонликлари учун ичичимдаги адоватларимни эсдан чиқазолмаганимдан иноклашолмадим. Дастребки тўрт йил оралифида тинмай бошқа парталарга ўтиб кетишини орзулаб юрдим. Негаки, Малика (ҳа, олифта қизнинг исми шундай эди) ўзинй бутун синфимизнинг маликасидек тутарди. Тўғри, исмига монанд тарафлари кўп эди. Ҳар гал қунт билан тер тўкиб тайёрлаб келган уй вазифаларимни бирма-бир дафтарларига кўчиради-да, устоздан уялмай «5» баҳони олиб ўтираверарди. Дарсларимиз мобайнида тезкор топшириқларни қораламамдан шошилиб нусха олиб, ўқитувчиларга олиб борар, тинмай менинг соям остида «Кундалик»ни аъло баҳоларга тўлдиришни канда қилмасди. Қисқа қилиб айтганда, юзсизликда, «чаққон»ликда, ҳатто айёрликда унга teng келадигани топилмасди. Мендек ювош, одамови боланинг бир сўз дейишига кўзи етмасди. Балки боғчадаги қўрқинчлардан ҳали-бери кутуломаслигимни яхши биларди. Балки унинг ўзини баҳолар билан алдаб, кувонтириб юришини кўриб севи-нармидим. Яна ким билсин. Балки...

\* \* \*

Юқори синфларга ўтганда отамни мактабга етаклаб келиб бўлсада, хуллас, бир йўлини топиб Малика билан партамизни ўзгартиришга эришдим. Орқароқдагига ўтиришга муваффақ бўлдим. Бироқ у энди мутлақо бошқача йўл тута бошлади. Ўзини энг яқин дўстдек кўрсатиб, турли йўллар орқали мендан фойдаланаар, агар бетоб бўлиб, дарсга бормай қолсам, эринмай қизлар билан уйимизга бостириб келарди. Сездимки, менсиз аълочилигига тезда путур етарди. Шуларни англаган ҳолда ўзимни ундан минг олиб қочишга уринмай, кўринмас заррадек манфаатлар иккимизни бирлаштириб қўярди. Баъзи-баъзида болалар орасида мени еру-кўкка кўтариб мақтарди, катта-кичик тадбирларимизга ҳеч бир қобилятим йўқлигига қарамай, доимо ўзи чорлар, сохта меҳрибончилклар қилиб юрарди. Фақат онда-сондагина сўнгиз шўхликларию, тинимсиз ҳазиллари менга ёқимсиздек тууладарди. У чиндан-да жуда қўпол ҳазиллар қиласади менга. Гоҳо айтишишгача борган вақтларимиз ўзимни вазминликка олиб, асабийлашиш ўрнига ҳар тугул қофоз бўлакларини майдалаб таскин топардим. Ўша олифта қизни сира-сира енгишнинг иложи йўқдай эди.

\* \* \*

Саккизинчи синфдалик чоғларимизда биз тенгдошлар орасида бир-биримизга лақаб тўқиб ҳазиллашиш авжига чиқди. Менимча, ҳамма ўғил-қиз бир қишлоқда яшаганимиз учунми, бутун уруғ-аймокларимизни яхши танирдик. Аждодларимиздан қолган «буюк ном»ларни айтиб, енгил-елпи гапириб ўтардик. Ўртамиздаги ушбу жумбоқли сўзларни устозларимиз анча вақт англашолмай юришди. Айниқса, шаддод

Малика тинмай мени, ҳа айниқса, мени ҳар хил илмоқли гаплар билан маънони лақабимга етказиб кулиб юриши азбаройи юрак-юрагимдан ўтиб кетарди. Ҳар гал зоология дарсида синф доскаси олдига ўтилган мавзуни гапириб бериш учун чиқсан, албатта, у урнидан туриб эчкилар ҳақида битта савол бермай қўймасди. Маликанинг саволини тинглаган бутун ўғил-қизлар гуриллаб кулиб юборарди. Боиси, катта бобомга одамлар «Эчки» деб лақаб қўйишганиданми, хуллас, синфдошларим мана шу номни менга гўё елимлаб ёпиширишгандай эди. Ҳар гал унинг қилмишларини алам билан ичга ютардим. Фазаб билан олифта деб ҳеч кимга эшиттирмасдан секин шивирлаб қўярдим.

\* \* \*

Кунларнинг бирида барча қилмишлари жонидан ўтиб, Маликадан ўч олишга аҳд қилдим. Ахир ўзингиз яхшилаб ўйлаб кўринг, синфдаги энг билимдон икки ўқувчининг бири мен-у, иккинчиси ҳам камина орқали ана шу мартабага эришган ва ҳар сафар гапдонлик билан ўзини билағон кўрсатадиган олифта қиз бўлса. Яна у менга келаётган устозларнинг ҳамду-саноларини кўролмай, доим душманлик қиласерса. Ҳатто, бир гал катта танаффусда кўзойнагимни сумкасига яшириб қўйиб, роса роль ўйнади, айёргигини ишга солди. Фазабимни оширгандан оширди. Бас, бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз ҳисоб-китоби бор дея бир кувлик ўйлаб топдим. Айни зоология дарсида доскага чиқишимдан аввал унинг узун-узун соchlарини билдирамай стулга маҳкам боғладимки, ўша ишни қандайин ҳеч кимсага билдирамасдан уддалаганимга ўзимам ҳайронман. Сўнгра синф ўртасидаги доска саҳнасида мавзуни бир бошидан баён этишга тушдиму, икки кўзим Олифта-да. Бирдан ўқитувчимиз «Етарли» дея болаларга савол

беришни буюрди. Одатдагидек «Олифта» яна бир қитмир саволини беришга чоғланиб, ўрнидан туралган эди ҳамки, соchlари стулга тортишиб, орқага бир қалқиб кетди. Кўзлари ола-кулаланиб, ўтириб қолди. Анчайин ўнгайсизланди, оғриқдан ингради, «вой сочим»лаб хонани бошига кўтарди. Бу ҳолатдан синфдагиларнинг барчаси кулгудан ўзларини тиёлмади. «Олифта»нинг яқин дугоналари шошганича соchlарини стулдан ечиб олишди. Қисқа фурсат ичиде «сирили жиноят»нинг ортида мен турганим равшан бўлгач, Маликанинг «адоват»и ортгандан ортди. Уэнди «Эчки» дейишгода қаноат қилмасдан, олдига яна битта «кўзойнакли» сўзини қўшиб ортимдан пичирлаб айтиб юрадиган одат чиқарди. Яъни, «Кўзойнали эчки» деб атай бошлаганди. Чунки кўзойнак тақиб юрардим-да. Мен ҳам пичингларини бежавоб қолдирмасдим. Энди унинг лақаби ҳам жуфтланди. «Донохон» сифатида ҳам синфдошларимиз ўртасида ёйилди.

\* \* \*

Эрта баҳор эди. «Донохон» кетма-кет уч кун дарсга қатнашмади. Қизиқ, бундай одати йўқ эдику, сира мени ёлғизлатмасди. Негадир ҳаётимда бир нарса камдай, бир нарса етишмаёттандай туюлаверди. Бироқ ўша бир нарса нималигини ҳеч англомасдим. Тўсатдан синфдошимиз Гулноранинг «Қизлар мажлисида Маликанинг баланд пошнали туфли ки-йиб юришини Ҳулкар Аҳматовна роса танқид қилибди» деган гаплари қулогимга чалинди. Чалиндию, ўйлаб қарасам ўшанда Малика деса ҳамманинг кўз ўнгига ўзига оро бериб, таннозланиб юрадиган, қадди-қоматига бошқаларни маҳлиё этишдан завқ тужиган, шаҳарлик қизларниям доғда қолдириб кета олишга қодир

ғалати қыз пайдо бўларди. Эҳ, олифтая дея шивирланча кулиб қўярдим. Шу кун йўл-йўлакай уйга қайтар эканман, рўпарамдан бир пешонасида оқ қашқаси бор жигарранг тойчоқни миниб олган Малика чиқиб қолди. Ё тавба от ҳам эгасига ўхшаб бир жойга ўрнамай бошини баландга кўтарганча сапчиб-сапчиб кишинашдан тўхтамасди.

- Нечук мактабда кўринмадингиз, хоним афанди? - дедим севиниб.

- Боргим келмади, бормадим. Сенга нима? - деди беларво оҳангда.

- Менгаю барибир, лекин ҳамма устозлар тинмай сўрашяпти. Синфдошларимиз эса у ёқда «Малика, Малика» деб соғиниб ётишибди, - дедим ёлғон аралаш.

- Ростан-а? - Жилмайди у шуни кутгандай.

- Бўлмасам-чи, ҳатто Ҳулкар Аҳматовна сендан кечирим сўраймән деб қайта-қайта хонамизгача келиб-кетди, - деб юборибман кувонганимдан билиб-билимай.

Кутилмаганда Маликанинг авзойи ўзгарди. Бир зум қалдирғоч қанотидек қошлари чимирилди. Кўзлари фазабдан пирпираб кетди. Дарровда лаққа тушираётганимни сезди.

- Сен «Кўзойнакли эчки» мени кичкина боладай алдама.

- Ишонмасанг ишонма - дедим кайфим учиб.

- Эртага мактабга бораманку, ёлғон бўлса ўзингдан кўр!

- Майли, бора қол, - деганча уйимга югуриб кетдим. Йўл йўлакай юрагимда гулгула кучайди. «Олифта» ҳеч қачон бўш келмайди. Айниқса,чув туширишга урингандарни аяб ўтирумайди. Адабини бермагунча тинчимайди. Ишқилиб ёлғончилигим учун эртага синфда бошимга шўрва тўкилмаса гўргайди...

\* \* \*

Мактабни битирганимиздан сўнг барчамиз ҳар томонга тарқалдик. Мен туманимиздаги лицейнинг бағридан қўним топганлар қаторида бўлсам, Малика шаҳарга йўл олди. Касб-хунар коллежларидан бирида таҳсилни давом эттираётганини билардим, холос. Мана шу тарзда мактаб ҳаётига қўшилиб, иккимиз ўртамиздаги гоҳо ҳазил, гоҳо чин жанжалларимиз ниҳоя топгандек бўлди. Ва лекин ўша «Денохон»дан олган таассуротларим орқали бошқа қизларниям шундай тасаввур этардим. Унинг ич-ичимдан ёмон кўрган феъл-атворларию, болалиқда етказган озорлари сабаб «доно»лардан безиб қолгандим. Фақат ўқиб, изландим, фақат қалин жилдли китобларга дўст тутиндим, фақат билимлар ортидан эргашдим. Охир-оқибат университет талабалари сафига ўтдим. Аммо мактабни битирган чоғлардан то олийгоҳ эшигигача бўлган вақтлар оралиғида на тузукроқ синфдошларга қўшилдим, на байрам-базмларда яйраб ўйнай олдим. Балки бунга чинданам одамовулигим, ёхуд фақат ўзини ўйлайдиган худбинлигим сабабмикан. Аввал олим бўлай, кейин одам бўларман деганимидим, тагин билмадим. Ўша йиллар давомида кўплаб синфдошларимга қўзим тушиб, сұхбатлашиб ўтардиму, ўша «Олифта қиз»ни ҳеч учратолмасдим. Айтишларича, у ҳам шаҳарлик қизларга айланиб кетганмиш. Балки ўзи орзулагандай машҳур сухандон даражасига етиб, бизни танимай қолгандир. Ахир у мактабимиз радиоси бошловчиси эди. Бу вазифани ҳеч кимга бермасди. Овози ёқимлилигини тан олмасдан иложим йўқ эдию, муросамиз келишмагани учун ундан камчилик излаб ғашига тегишини яхши кўрардим. Албатта, ойнаи жаҳондаги Насиба Мақсадовага ўхшаб машҳур бўлиб кетишига ҳеч шубҳа қилмасдим.

\* \* \*

Кунлардан бирида университетдан қайтаётганимда ёмғир шаррос қуиб берди. Устига устак кузаклиги учун қишлоғимиз йүлидаги барча машиналар пахтазорда одам ташиб юрган эканми, уйга кетишга техника бекатда күрінмасди. Ҳунобим ошди. Костюмимни бошимга пана қылганча бекат айвонида ёмғир тинишини күтмоқни истадим. Ичкарига қадам қўйишим билан қандайдир таниш чеҳрага дучландим. Рұпарамдаги пуштаранг нилуфар гулли рўмолни бошига тангиган, ивиган кўйлаги товонига тегай-тегай деб турган, куриниши соддадил қишлоқ қизларини эслатадиган сокин нигоҳ эгаси Малика эди. Кўзларимга ишонгим келмай-келмай яхшилаб назар ташладим. Қиз қўлидаги елим халтани маҳкам бағрига босганича тарновчадан тушаётган ёмғир томчиларига қараб хаёл суріб ўтиради. Йўқ, чиндан ҳам бу ўша мен «олифта» деб мазах қилиб юрадиган, бутун мактабда шаддодлиги билан ном қозонган маҳмадона қизалоқ эди. Балки турмушга чиққандир деб ўйладим ичимда. Бундан беш-олти ойларча бурун ўртоғим Воҳид «Маликанинг отаси оламдан ўтди» дегандай бўлувди, балки ўшангайдир, тахмин қилдим ҳозирги маҳзун ҳолатини. Аста бориб, ёнига ўтиредим. Умрида биринчи бор унга чинданига сизлаб сўз очдим.

- Қалайсиз, шаддод қиз?

Малика мен томонга бошини бурди. Бурдию, ҳайратдан қотиб қолди.

- Ияя, Камол...

- Нечук бу ерда ғамги-иин ўтирибсиз? - дедим жилмайиб.

- Сизни ўқишига кирибди деб эширудим. Кеч бўлсада табриклайман!

- Раҳмат, ўзингиз-чи?

- Менми... мен коллежни битириб, тикувчилик цехига ишга кирдим.

- Нима? Сиз-а?..
- Ҳа-да, тикувчилик қўлидан келади деб ўйламов-дингизми?
- Йўға, шунчаки... сиз сухандон бўласиз деб ишонардим.

Малика беихтиёр кулиб юборди. Ана шу ҳолатидаёқ менга қадри ўтаётган аллақандай болалигимнинг бир парчасини эсга солди.

- Биласизми, Камол, бу ҳаётда ҳар доим ҳам истаганларимиз амалга ошавермасакан. Баландпарвоз орзулар ортида баландпарвоз армонларнинг чиқиб қолишиям ҳеч гапмаслиги хаёлимизга келибдими. Обдон ўз ҳукмига бўйсундиришга уринаркан ҳаёт деганлари. Балки шуниси билан қизиқдир, балки шуниси билан инсон инсондир. Яна билмадим, - дея чукур хўрсинди қиз.

- Тўғри айтасизу, тақдирни инсон ўз қули билан яратади. Модомики яратолмаганида ҳам ихтиёрини тақдирга топширмаслиги керак, осонгина ҳукмига бўйсуниб кетавермаслиги керак.

Малика ҳам умрида биринчи марта менга таслим бўлди ёки тортишишни эп кўрмади, гапни бошқа ёқقا бурди.

- Ростданам ҳаёт сизни ўзгартириб юборибди, Камол. Улуғсифат бўлиб қолибсиз кўзойнаксиз ҳам.

У шундай деганча ўрнидан туриб кетишга чоғланди. Чунки Маликанинг осмончалик фуури ҳануз кўзларини қоплаб турган, ҳануз бирорнинг олдида ожизлигини кўрсатиб қўйищдан қўрқарди.

- Майли, Камол, яхши боринг, мен кетдим...
- Тўхтанг, Малика! - дея ортидан ёш боладек эргашдим беихтиёр. Ёмғир тингани учун иккимиз то қишлоққа етгунча бирга яёв кетдик. Узоқ-узоқ болалик хотиралари ҳақида сўзлаб, Маликани юзларига табасум улашиб, кўзларига оловли чақноқ ҳисларини қайтармоқни истадим. Бироқ, минг афсуслар бўлсин-

ки, у энди мен ўйлаган олифта қиз эмасди. Тинмай, бир лаҳзада гапиришишга қўймай менга жавраб юрадиган қиз камгап, уятчанг, жиддий қиёфага кирганди. Сўзларимга фақат «ҳа» ёки «йўқ» жавобини берарди, холос. Во ажаб, «Олифта»ю «Доно» қиз қаерларда қолди? Наҳот болаликнинг бетакрор онлари шу қадар бевафо...

\* \* \*

Ўша куни мен дунёда инсоннинг тақдир олдида нақадар ожиз эканини англадим. Бир ўйноқи қиз тимсолида табиатнинг ҳар бир хилқати ўзгарувчан эканини англадим. Дунёда ҳеч бир ҳодисага нисбий эмас дея баҳо бериб бўлмас экан. Маликанинг отасидан айрилиши, оиласининг қарз ботқогига ботиб, бор-бурдидан ажраши ва охир-оқибат ёшгина жони билан укаларини боқиш илинжида эртадан кечгача тер тўкиб ишлаши эндиликда оддий ҳаёт қонуниятларига айланганди. Қайсиdir файласуф «Одам болалигига қандай бўлса, улғайганда ҳам ўшандай қолади, феъл-автори ўзгармайди, унинг келажагини кичикилигига ёқ башорат қилиш мумкин» деганида қанчалар адашганлигини инкор қилолмай қолдим. Ҳаёт ва одамлар ўзгарувчан экан. Гоҳ одамлар ҳаётини ўзгартирса, гоҳ ҳаёт одамларни ўзгартириб қўяркан.

\* \* \*

Бугун ҳам ҳар кунгидек ишимни тутатиб, мактаб ҳовлисидан кетиб борар эканман, йўл саҳнидан узун палточаларининг олдини очиб, шимининг икки чўнтағига қўлчаларини солиб, худди каттакон мансабдор кишилардек бошини роз тутиб юриб кетаётган қизалоққа кўзим тушди. Тушдию, бирдан кулгим қистади. Ўша олифта қизни хаёлимга келтирдим. Беихтиёр қизалоққа ёлғондакам хушомад қилмоқчи бўлиб турган чоғларимда хотиним кўнгироқ қилди:

- Алло, адажониси.
- Лаббай, аяжониси.
- Бугун онангизни, йүге, онажонимизни күргани бормоқчилигимиз эсийиздами?
- Эсимдан чиққанакан-а, яхшиям эсимга солдингиз, - дедим хотинимга ҳазиломуз рўпарамда кетаётган олифта қизчадан кўз узолмай.
- Ундай бўлса, тезроқ келинг, дамлаб кўйган ошим совуб қолмасдан.
- Ҳозир, озгина кутинг, етиб бораман, - дея қадамимни илдамлатдим.

Уйга борганимда хотиним мени кўриши биланок мамнун ҳолда дастурхон ёзди, мева-чева, иссиқ нону, иссиқ чойлар билан безади. Зум ўтмай, лаганда паловни келтирди. Мен эса ошга бир- икки қошиқ юргутириб, мазасини баҳолашга тушдим.

- Қироличам, - дедим меҳрим тобланиб, - agar малол келмаса «Кундалик»ингизни олиб чиқсангиз, би-итта баҳо кўйиб берсам.

- Э-э, боринге! Мактабда ўкувчиларингизга икки кўйишдан чарчамадингизми? - деди кувлик билан у.

- Йўға, сизга икки кўйиб бўлармиди, сизнинг баҳойингиз «аъло», - дея жилмайдим.

- Ростданми, алдамаяпсизми?

- Асло!

Шу пайт унинг кўзлари чақнаб югуриб уйга кириб кетдию, зум ўтмай қизил бантикчали иплар билан безатилаган «Кундалик»ни кўтариб рўпарамда пайдо бўлди.

- Ад-а-а-си, биролоқ бешни жуфтлаб кўяқолинг, - деди эркалиги тутиб.

Мен эса ҳайрон ҳолда ҳо-ҳолаб кулиб юбордим.

- Э-э, баҳоларидан ҳаволаниб юрадиган олифта келинчак ҳалиям эски одатингиз қолмади, қолмади-да!

Ана шунаقا дўстлар, ўша мен болаликдан уришиб тинчимаган олифта қиз бугунга келиб хотинимга айланган Малика эди.

## МАЬЮС КЎЗЛАР

Олийгоҳни битириш палласида Раъно билан аҳду паймон қилгандик. Унинг менда кўнгли бор. Менинг унда. Иккимизнинг муҳаббатимиз тарихидан ҳатто ота- оналаримиз ҳам бохабар эдилар. Шу сабаб аввал тузукроқ ишга жойлашиб, сўнгра уйланишни ниятлардим. Қарорим севганимга ҳам, яқинларимга ҳам маъқул келди чамаси, ҳаммалари ҳаётимни тезроқ йўлга солишимни истаб, турфа маслаҳатларини аяшмади. Омадим юришиб, узокроқ бўлсада шаҳардаги хукуқшунослик коллежига ишга қабул қилишди. Энди ҳамма гап дарсларни бошлаб олишда қолди. Сентябрь тонгти отишини интиқлик билан кутдим. Ниҳоят, ўша вақт келди. Менимча, бу кунни ҳеч эсимдан чиқазолмасам керак.

Қўёш айни тонгда уфқни қизартира бошлаганида онамнинг овозидан уйғониб кетдим. Шошилиб соатта қарадим, сал ғафлат босибди. Онамнинг койишигаям кулоқ тутмай, нонуштани тушга қолдирганча коллежга ошиқдим. Болалигимдан одатга айланганми нуқул муҳим вазиятларда кечикавераман. Боз устига тунда Раъно билан телёфондаги суҳбатларимиз узокқа чўзилган. «Ўзингиздан уч-тўрт ёш кичик қизларга дарс ўтаркансиз, яна бирортасини ёқтириб қолманг-а» деб қайта-қайта уқтириб чарчамаганди-я. Деярли яrim суҳбатимиз ваъда беришга, ҳеч кимга қарамасликка ишонтиришга кетганди. Тавба, наҳот мендан шубҳаланса? Шунча йил бирга юриб ҳам йигитини билмаганикин? - деган ўйга бордим.

Бекатга етиб келганимда ҳаммаёқ тиқилинч, билимлар куни бўлгани учун ҳам енгил машиналар бу ерга етиб келмасидан яrim йўлдаёқ тўлиб, қайтиб

кетарди. Асабий ҳолатда соатта қарадим. Вақт кечик-япти. Тезроқ кетмасам бўлмайди. Бирдан ёнимга худди најоткор қутқарувчидай автобус келиб тўхтади. Ўйлаб ҳам ўтирмай, шошилиб ўзимни ичига урдим. Менга ўшаган йўловчилар кўп эканми, одамлар зич жойлашиб, ҳатто у ёқ, бу ёққа қарашгаям имкон йўқ эди. Тиқилинчда ҳеч ким бир-бирини танимас, силжи-силжию, шовқин-сурон баттар фашимга тегиб, жаҳлимни чиқарарди.

Бирдан кутилмаган овоздан сергак тортдим.

- Ҳой, кўзингта қарасанг ўласанми? Оёғимни эзволдинг, - дея рўпарамда гўзал бир қиз еб юборгудек боқиб турарди.

- Аа-а, - дедим шошилиб хижолат тортганча.

Чиндан ҳам билмасдан қизнинг оппоқ туфлиси учини босиб турган эканман.

- Узр, - дея секин оёғимни олдим. У эса худди шуну кутиб тургандек автобусни бошига кўтарди.

- Анқовмисан, ё кўрмисан? Янги туфлигимни ифлос қилдингу.

- Кечиринг, синглим, сезмай қолибман, -дедим ўзимни оқламоқчидай.

- Сезмаганмиша, сезмаганмиш, унда нега қизлар томонга ўтвoldинг? Бу ерда нима бор сенга?

Индамай тишимни-тишимга босдим. Чунки, ҳамманинг эътиборини тортаёттанимизни сезиб турардим. Аммо, жим бўлганим сари қиз баттар авжига чиқар, ўзига қолса туфлисини артқизишдан-да тоймайдиган авзойи бор эди.

Манзилга етиб келишим билан автобусдан тушиб, тезроқ кўздан ғойиб бўлишга уриндим. Наҳотки, қиз бола шунчалик жанжалкаш бўлса, ер ёрилмадиу, ерга кириб кетмадим. «Яхшиям Раъно ундей қизлардан-мас» дедим ичимда коллежга кириб борар эканман.

Яна севгилиминг гапларини эслай бошлайман. «Хавотирланма, Раъно ҳеч қайси қиз сенга ўхшамайди, ўхшатолмайман ҳам, сен танҳосан» дейман ўзимга- ўзим. Ниҳоят, биринчи машғулотга кирдим. Дарс кўнгилдагидек, қизиқарли ўтди. Юқори гуруҳлиги учун укам тенги йигит-қизлар орасида ўзимни бироз нўқулай сездим, холос. Иккинчи соатда кейинги гуруҳда куттилмаган тасодифдан эсанкирай дедим. Тавба, дунёning торлигини қаранг-а, боягина автобусда бўралаб сўкиб, мени барчанинг олдида мулзам қилган қиз ўкувчиларим қаторида ўтиради. У ҳам мени кўриши биланоқ хижолатдан қизариб кетди. Эслади-ю, уятдан кўзларини ердан узолмай қолди. Мен эса ўзимни ҳеч нима бўлмагандек тута бошладим. Гуруҳдаги ҳар бир ўғил-қиз билан бирма-бир танишиб чиқишга тўғри келди. Шунинг учун ҳаммани биттамабитта ўрнидан турғизиб, исмини сўрай бошладим. Навбатма-навбат дафтаримга қайд қилиб бордим. Бояги жаҳлдор қизга юзланганимда, негадир кувлигим тутди.

- Исмингиз? - дедим жилмайиб.
  - Намуна.
  - Аа-а, - дедим ишонқирамай, - авваллари бу исмни эшифтмаган эканман.
  - Намуна Аҳмедова. - Такрорлади қиз.
  - Тушундим, - дея дафтаримга исмини ёздим ва қизга қайта қарадим. У рўпарамда бошини этганча ожиз бир аҳволда эди.
  - Демак, Намунасиз, шундайми? - дедим мулойим оҳангда.
  - Шундай устоз.
  - Чиройли исмингиз бор экан. Сиз унга муносибсиз, тўғрими?
- Қиз куттилмаган саволдан каловланиб қолди. Индамай тураверди.

- Муносиб бўлишга ҳаракат қилинг. Ўқишида ҳам, уйда ҳам, кўчада-ю, ҳатто автобусда ҳам, - деб юбордим қизишиб.

Киз ялт этиб қаради.

- Ўтиришингиз мумкин, ҳурматли Намунахон, - дедим исмига ургу бераб.

Намуна мағлубона жойига чўкди. Шу-шу мен дунёда ҳеч бир қилмиш жавобсиз қолмаслигини яна чукурроқ англадим. Инсонни битта таассурот орқали баҳолаб бўлмаслигига ишондим.

Намуна яхши қизга ўхшади, назаримда. Бир куни залдан ўтиб кетаётсан, уч-тўрт йигитнинг ёнида учратдим. Қиз тинмай улар билан нималарнидир муҳокама қилиб, баланд овозда тортишар, атрофига парво-ям қилмасди. Беихтиёр унинг менга кўзи тушди. Бирдан ювош тортди. Жимиб қолди негадир. У билан бу каби ҳолатларга кўп бор гувоҳ бўла бошладим. Автобусдаги фикримда қолишимга тўғри келди. Ҳар гал дарсга кирганинда ўзини тутиши, одоби ва ўқишини кузатиб, ичида икки хил одам яшармикин деган ўйга борардим. Бошқа ҳамкасларимнинг сўзларига қаранганд, Намуна шаддод қизлардан бири эмиш. Бироз вақт ўтгач, унинг ёнидаги ўша йигитлар коллежимизнинг энг билимдонлари эканини билдим. Чиндан ҳам Намунанинг бирорларга намуна бўла оладиган тарафлари кўп экан.

Январнинг ўрталари эди. Қишки олимпиадалар бошланди. Буни қарангки, коллажаро тарих фани бўйича Намуна биринчиликни олди. У менинг ўкувчим бўлгани учун ҳам вилоят босқичига тайёрлаш зиммамга юклатилди. Қўлимдан келганича ёрдам бера бошладим. Табиатан қувноқ, ҳазилкаш йигит эканимдан у билан тезда иноқлашиб кетдик. Фақат Намудаги кучли самимийлик, шаддодлик ва вақти-вақтида паришонхотирлик мени чўчитарди, холос. Кунлар-

нинг бирида олимпиаданинг вилоят босқичи ташкилланди. Натижаларни узоқ вақт кутдик. Интиқ- интиқ кутдик. Ниҳоят хушхабар! Ишонасизми, Намуна биринчиликни олди. Менинг қайсар ўқувчим ғолиблик шоҳсупасини ҳеч кимга бермади. «Намуна Аҳмедова биринчи ўринни эгаллади» деган сўзларни эшигтгач, у кувончидан ўзига сифмади. Кўзлари тўла севинч ёшлиари билан бўйнимдан беихтиёр қучоқлаб олса бўладими. Не қиласримни билмай ҳайрон қолдим, лол қолдим. Лекин ўзимни атайлаб бепарво тутдим. Ахир, ғалабадан худди ўзимникидек хурсанд эдим. Намуна билан туманга бирга қайтдик. Йўл-йўлакай илк танишувимизни эсга олдик. Кула-кула кечирим сўради мендан. Кеч кириб қолгани сабаб уни қишлоғигача кузатиб қўймоқчи бўлдим. Шу лаҳзаларда беҳосдан Раъно қўнгироқ қилди.

- Алло, - дедим истамайгина.
- Баҳром aka, қаердасиз?
- Нима гап? Тинчликми?
- Ҳа, тинчлик, бугун онам сизни уйга таклиф қилмоқчилар, келасизми?

Ногаҳон Намунага кўз қиrimни ташладим. «Ким?» дегандай савол назари билан боқиб турарди у.

- Йўқ, боролмайман. Бугун ишларим кўп - дедим тутилиб.
- Майли бўлмаса, лекин кутгандим сизни, - дея алоқани узди у.

Телефонимни ўчириб, бирдан кайфиятим тушиб кетди. Ўзимни айбордек ҳис этдим. Зимдан кузатиб турган Намуна ғалати бир савол бериб қолди.

- Устоз агар сизни бирорта қиз севиб қолганини билсангиз, нима қиласрдингиз? Айниқса, талабангиз бўлса?

Кутылмаган саволдан бироз ганидим. Очифи, Намунанинг кўнглидаги сирларини унчалик пинҳонламаслигини сезардиму, ич-ичида ўзимга нисбатан қандайдир бир тилсим пайдо бўлганини сезардиму, аммо бир кун унинг портлаши ҳақида ўйламагандим.

- Йўқ, булиши мумкин эмас, - дедим оҳиста.
- Севса-чи?
- Йўқ. Мен устозман ахир.
- Нега? Сизда ҳам юрак бор-ку...
- Борликка бору, аммо аввалроқ банд қилишган.

Намуна бу жавобимдан бир қалқиб тушди.

- Қандай яхши, - у беихтиёр кулиб юборди. Кейин қишлоғига етиб келгач, йўл бошида хайрлашди. Унинг кўзларида негадир кувонч йўқолди.

Ха, у чиндан-да фалати қиз, шодлигини ҳам, ғазабини ҳам тезда ошкорлаб қуяди. Яширлмайди. Мана шу хаёлларда уйга йўл оларканман, негадир яёв кетишини истадим. Миямда тинмай айланаётган саволлар оқимиға жавоб изладим. Мен кимни севаман? Назаримда муҳаббатимга ҳам шубҳа билан қараётгандим. Юрагим кимни дея уради ахир? Беихтиёр ўзим сезмаган ҳолда Намуна билан Раъонони солиштира бошладим. Раъно содда, уятчан, вазмин қиз бўлса, Намуна бутунлай акси. Раъно қафасда яшайдиган оппоқ кабутарга ўхшаса, Намуна ёввойи охулар мисол ҳеч тутқич бермайди, гўё. Бирдан хаёлимга қандайдир фикр лоп этиб келадию, бундан ўзим қўрқиб кетдим. Йўқ, йўқ булиши мумкин эмас... Наҳотки, мен Намунани...

Хаёл сурганча қандай қилиб Раъононинг уйига бориб қолганимни сезмабман. Эшик олдига етганимда онаси чиқиб қолса бўладими. Шошиб уйга таклиф қилди. Менинг эса ноиложликдан киришдан ўзга чорам қолмади.

- Түгриси, келишингизни кутмаган эдик, - деди Голиба опа.

- Сизларга «сюрприз» қиласай дедим-да, - базур жилмайишга уриндим.

- Яхши биламан одатларингизни, ўғлим. Доим бизни ҳайрон қолдиришга уринасиз. Бугун уйингиздагилар тўй кунини қачонга белгилаш ҳақида маслаҳатлашгани келишган экан. Шунга ўзингизниям фикрингизни эшитмоқчийдик.

«Нима бало, ҳамма кутилмаган янгиликлар бир кунга йигилиб олганми?» деб ўйладим ичимда.

- Сизлар қачонга хоҳласангиз, ўшанда, - дедим ортиқча иккиланиб ўтирамай.

- Ундей бўлса, ойнинг охирларига маъкулроқ.

Авваллари шу кунни интиқ кутардим. Негадир шу кунни бир аср кутадигандек тууларди менга. Энди эса...

- Майли, - дедим розилик билдириб.

- Ҳар қалай унаштирилган қизни тезроқ ўз эгасига топширганга нима етсин. Боз устига синглисигаям совчилар келиб туришибди. Навбатни унга бериши керак.

Шу пайт ичкаридан мўралаб турган қизимни кўрдиму, барча дилхираликлар тумандай тарқагандай бўлди. Раъно аввалгидан ҳам малоҳатли, янаям гўзал кўринди кўзимга. Эгнидаги янги кўйлаги жуда ҳам ярашибди. Ҳуснига ҳусн кўшиб юборибди. Шундагина мен ўзимга келдим. Саволларимга жавоб топгандек эдим. Тунлари Раъно билан тўй режалари ҳақида узоқ-узоқ гаплашиб чарчамасдик. Мен Намуна ҳақида ортиқ ўйлашниям истамадим. У қиз эса ҳеч ўзгармади. Аммо, ўша кундан сўнг қайсарлиги ортгандан ортди. Дарслар давомида у негадир кўп баҳслашиб қолаверди.

Бир куни тест варагаларини тарқатиб чиқарсанман, Намуна жавобларига узоқ тикилиб, бирдан «Устоз 15-саволини нотүғри текширибсиз» дея эътиroz билдириди.

Саволни қайтадан ўқиб кўриб, ичимда тўғрилигига ишонч ҳосил қилдим ва Намунага юзландим.

- Нега, ахир тўғри-ку.

- Йўқ. Хато Самарқандда Абдуллазизхон, Бухорода эса Абдуллатиф.

- Адашяпсиз Бухорода Абдуллазизхон, Самарқандда Абдуллатиф.

Ҳамма шошилиб 8-синф китобини излашга тушди. Бироқ ҳеч кимдан китоб чиқмади. Намуна эса фикрида муқим туриб олди.

- Баҳоларни қўйишим керак, кўп тортишаверманг барибир хато айтяпсиз, мен у мавзуни ўн етти марта ўқиганман - дедим хунобим ошиб.

Бирдан Намуна шошилиб ташқарига чиқиб кетди. Кўп ўтмай «Ўзбекистон тарихи»ни кўтариб кирди. Китобни вараглаб, ўша мавзуни очди ва овоз чиқариб ўқиди. Ҳақиқатдан ҳам у янглишмагандек эди. Аста бориб, китобнинг чоп этилган санасига кўз ташладим. «2006». Намуна янглишганди. Кўлидаги китоб эски эди. Айрим маълумотлар янгисида ўзгарган, ҳатто бу ҳақда университетда бир икки турли баҳслар, анжуманлар бўлиб ўтганди. Ўқувчимни ногаҳон синдиришни истамадимми, ё бошқа нарсами ҳар қалай индамай қўяқолдим. Ўзи уйга борса, кўзи тушиб, ҳатосини англаб олар. Негадир барчанинг олдида ўзимнинг мулзам бўлишим афзалдай туюлди.

- Мен ўн етти марта ўқиганманми, йўқми билмайману, аммо мана шу мавзуни билишга ҳаракат қилганин, - деди ғолибона у.

- Эйнштейн ҳам чиқарган холосаларимнинг тўқсон тўққиз фоизи хато бўлиши мумкин деган экан, - дедим ўзимни «оқлашга» уриниб гўё.

Шундай қилиб никоҳ тўйимизга бир ҳафта қолганда коллежда дув-дув гаплар тарқалди: «Эшитдиларингми тарих домла уйланаётган эмишлар» деган. Бу гап Намунанинг ҳам қулогига етиб борган кўринади. Бир вақт дарсда ўтирсам, хонамнинг эшигини очди. Нима учунлигини дарров пайқадим.

- Ташқарида кутинг, - дедим расмий оҳангда. Бироз фурсатлардан сўнг ортидан чиқдим.

- Тўйингиз бўлаётган экан, ростми? - Унинг кўзларида ёш қалқиди.

- Шундай. - Бошимни қимирлатиб тасдиқлаб ҳам кўйдим.

**Намуна бир муддат жим турдию, кейин кулиб юборди.**

- Қандай яхши, - деди доимгидек. Кулардию, кулардию кўзларидан тинмай маржонлар думаларди унинг. Бирдан жиддийлашди.

- Қачон шогирдингизга таклифнома берасиз унда?

- Яқин кунларда сиз билан дўстингиз Беҳзодга, - дедим доим у билан юрадиган қорақош йигитга ишора қилиб.

Шу тариқа никоҳ оқшомимиз бўлди. Намуна билан Беҳзод бирга келишди. Қизни ҳеч бундай аҳволда кўрмагандим. Базм кўйлагида. Доим коллежда расмий формада юрган бўлса-да, бугун бирдан ўзига жуда оро берибди. Ундаги қувноқлик айниқса таажжубга солиб кўйди. Ҳатто йигилган меҳмонларнинг оғзини очириб Беҳзод билан тинмай шўх-шўх рақсга тушди. Ажабо, Наманганда шундай рақкоса қиз бор экану, биз бехабар қолган эканмиз-да. Хайрият, энди ҳаммаси яхшилик билан тугаётганига хурсанд эдим. Базм қизиган-

дан қизир, барчанинг кўзи менинг гўзал ўқувчимда эди. Раъно бирдан секин туртди.

- Қаранг, Баҳром ака қандай яхши ўқувчиларингиз боракан. Мен эса сизга ишонмай, бекорчи хаёлларга берилиб юрган эканман.

- Энди ишондингизми? - дедим жилмайиб.

- Албатта, сизга доим ишонаман.

Кутилмаганда Намуна ва Беҳзод ёнимизга табриклиш учун бир қучоқ оппоқ атиргулларни кўтариб келишди. Намуна Раъно билан қучоқлашиб, саломлашди, Беҳзод мен билан. Ҳам кувончдан, ҳам ҳайратдан қотиб қолдим. Бехосдан Намунанинг кўзларига кўзим тушди. Севинчидан ўзига сигмаётгандек майин табассум қилас, аммо кўзларида ёши милт-милт қалқиб турарди...

## РОБИЯ

Бу хаста кўнгил эрди висолинг била хуш,  
Жоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш.  
Хижрон ғами гарчи асру ноҳуштур, лек  
Фикринг била шодмен, хаёлинг била хуш.

Заҳириddин Мұҳаммад БОБУР.

Сардорнинг бу ўкинчли ҳикояси қанча унутишга уринмай, тез-тез ёдимдан ўтиб тураверади. Йигитнинг армонли сўzlари ҳамон қулогим остида янграйверади:

«Кизнинг майин табассуми ҳамиша яшнаб турган баҳорни эслатарди. Умрим остонасидан кириб келган иккинчи баҳорга. Йўқ, йўқ ўйланиб қоламан, аввалроқ юрагимда куртак отмоқчи бўлган у кўклам балки биринчи эмасдир. Ахир ўша вақтда совуқ қаҳратон қучоғидан уйғонмаган эдим-ку? Гулни тикондан фарқлай олмасдим. Балки мана шу иккинчи баҳор аслида биринчи бўлиши керак эмасми? Менимча,

хәёлларга күмилган малак бутун вужудимга ўт қўйиб кетди. Қайрилма киприклар ила юрагимга исмини ўйиб кетди. Дил изҳорларимни эртакларга йўйиб кетди. Бугун ортидан мунғайиб, унга берган озорларим азоби остида қолдим. Балки, менга бўлган меҳру соғинчларини алам билан юрагидан сидириб ташлағандир. Унинг маҳзун нигоҳларини бир умрга ёдимдан чиқазолмасам керак...

Тун бўйи ёмғир шаррос қўйди. Ота-онам мендан қаттиқ ранжиган шу пайтда ҳатто ўзим ҳам ўзимни кечиргим келмасди. Қани қўлимга бирор калтак беришсаю, ўзимни аямай гавронлаб чиқсан. Йўқ, улар менга гаврон беришмади, қилган айбим учун сўкишмади, дўлпослашмади ҳам. Аммо ундан-да баттарроқ ҳолатга ташлашди. Тўғри, битта қизни деб бирор билан уришдим. Ота-онамнинг юзини ерга қаратиб, милицияга тушдим. Мени тоғларимиздан дея ишонган лицейимнинг номига ҳам яхши бўлмади. Энди устозларим бу хабарни эшишишса, улар нима деб ўйлашади. Буларнинг барига ўзим ва Дилдорага кучли муҳаббатим сабабчи аслида. Йўқ, муҳаббатим дегани ор қиласман, у муҳаббат эмас, бошқа нарса дердим тинмай. Ҳа, аввал сизга бўлиб ўтган ноҳушликларнинг тарихини баён этсам.

Лицейда энг олдинги йигитлар қаторига ўзимни қўйиб юрсан, қизлар қаторида Дилдора туарди. Бизнинг бир-биримизни ёқтиришимизни барча биларди. Ҳавас-ла «Фарҳоду Ширин» дея боқиб қолишарди ортимиздан. Мен бироз ҳазилкаш, кимларнингдир назарида ўлгудек шўх бўлсан, Дилдорага шалдодликда етадигани йўқ эди. Муҳаббатимга қаттиқ ишонардим. Аммо кунларнинг бирида ёшлиар боғидан ўтиб кетаётуб, таниш нигоҳга кўзим тушдии, кимлигини анлагач, бир зумда ўзимни йўқотдим. Рўпарамда қораҷадан келган қандайдир бир йигит билан қўл ушлашиб Дилдора туарди. Кейин...

Үша йигитни то кучим тугагунча, то одамлар ажратиб олгунча хуморимдан чиқиб дүпосладим. Ҳатто милиция ходимларини пешонамга келгүнича сезмай қолибман.

Ярим тунда отам билан ички ишлар идорасидан қайтдик. Мудом ўғлининг орқасидан мақтову ташак-курномалар эшитиб, қўнгли тўқ юрган инсонга қийин бўлди. Оиламиздаги тушкун, аллақандай сирли кайфият юрагимни янада эзгандан эзарди. Отам-онам жазолардан ҳам энг оғирини, кутилмаганини қўллашди. Улар мендаги тўқликка шўхликни сезишиб, нимадандир қўрқишиди, шекилли.

Хуллас, бериладиган жазо шаҳардан кетиш эди. Нафақат шаҳардан, балки уйдан, севимли лицейимдан айрилишим керак экан. Отам бир сўзли одам. «Сардорни бобо-бувисининг олдига жўнатамиз. У ерда бирор йил яшаб, қишлоқ тафтини туйсин. Қийинчиликка чидашни ўргансин», дея қатъий қарорларини билдиришиди. Ноиложликдан раъйларига қарши боролмадим. Боз устига ўша бевафони унутиб ташла-моқчи бўлдим. Қишлоқ сари йўл олдим.

Бобом ва бувим кичикроқ бир туманинг катта қишлоғида яшашарди. Ҳаш-паш дегунча янги ерга ўрнашиб, марказга яқинроқ жойлашган лицейга қатнай бошладим. Ҳа, мен уни мана шу лицейда учратганман. Биринчи бор лицей остонасига қадам қўйганимда дуч келганман. Танишувимиз ҳам худди унинг эртакларига ўхшаб хаёлий. Ўшанда ҳойнаҳой дарслар якунланиб қолган, бальзи ўкувчилар кетишга шошиларди. Бир вақт олдимдан узун соchlари орқасини қоплаган сулув бир қиз ўтди. Унинг соchlарига тикилиб кулгидан ўзимни аранг тўхтатдим. Боиси, мана шу тим қора қўнгироқ соchlар орасига кимдир оппоқ қофозни атайлаб илаштириб қўйганда. Негадир ўзими тутиб-тутолмадим. Соchlари орасида митти бай-

роқчадай ҳилпираёттан «сохта тақинчоқ»ни олиб ташламоқчи бўлдим. Энди қўл узатиб, қорозни ушлаган эдимки, қиз оҳудек ҳуркиб ортига қайрилди. Илк бор нигоҳлари нигоҳларимга тушди. Вужудимда илгари ҳеч ҳис қилмаган қандайдир титроқ ўрмалади. Қизнинг кўзлари қўркувданми, ҳайратданми катта-катта очилиб, таажжуб аксланди. Ялт этиб хўмрайди.

- Қороз! - дедим жилмайиб.

Қиз ҳеч нарсага тушунмади. Худди соқовга ўхшаб тураверди.

- Сочингизга ёпишиб қолибди.

Шундагина у қўлимдаги қофозга кўзи тушибоқ хижолатдан баттар қизариб кетди. Мен эса недандир шодланиб, сабабкорни унинг қўлларига тутқаздим. Лицей майдони томон илдамлар эканман, ортимдан ўша нигоҳнинг кузатиб турганини ич-ичимдан ҳис қиласдим.

«Тавба қиз бола ҳам шунчалик уятчан бўладими? Жуда ғалатими? Жозибадор экан, аммо...» деган хаёлга бордим. Бироздан сўнг янги гуруҳим билан танишдим. Гарчи улар шаҳардагисига ўхшамаса-да, айтишларича, шу ернинг энг билимдон ўқувчилари тўплangan гуруҳ эмиш. Асосийси, бу ерда чиройли қизлар кўп. Айниқса, Зебо исмлиси Дилдорага жуда-жуда ўхшаб кетарди. Худди унингдек аълочи ва зукко, худди унингдек гўзал ва жозибадор, худди унингдек шаддод ва мағрур.

Мен кун сайин атрофимдагиларга мослашиб, аввалгидек шижаат, шаҳд билан ўқий бошладим. Айтишганча, ҳалиги ғалати қиз гуруҳимизда экан. Буни кейинроқ ортимдан сумка кўтариб киргандеёқ сезгандим. Бошида чиройига учдимми, унинг ҳам қалб мулкига назар ташладим.

Кейинчалик кузата туриб, чиндан-да содда ва беозору, негадир жуда совуққон қиз деган хулосага келдим. Чунки ҳеч кимга қўшилгиси келмас, нукул бош-

қалардан ўзини тортарди. Биз каби йигитларга тузукроқ саломлашишга журъатиям етмасди.

Уч-тўрт ой ичида ўзимнинг Сардор номимни тиклашга уриндим. Қисман бунга эришдим. Ахир менга орқадагинамас, ўртада бўлиш ҳам ёқмасди. Нуқул олдинда юришга тиришардим. Сардорларга сардорлик қилишни истардим. Айтганимдек, устозлар тез орада мақтаб, эркалатадиган, тенгдошлар ҳавас-ла боқадиган, қизлар пана-паналарда мен ҳақимда шивирлашиб, ортимдан фийбатлашиб юрадиган йигитга айлана борардим. Яна мени аввалги ортиқча ишонч ўзим сезмаган ҳолда қамраб ола бошлади. Бир куни катта танаффусдан қайтиб, хонага кирсам, беш-олти йигит нималарнидир муҳокама қилиб ўтиришган экан. Аста яқинлашиб дераза олдиаги Жамшиднинг ёнига ўтирдим. У дастлаб сезмади шекили, қўлидаги суратга термулиб, хаёллари билан банд эди. Яхшилаб қарасам, Робиянинг кулиб турган қиёфаси кўринди. Бирдан Жамшидни қўлидан тортиб олдим.

- Нима, шу қизни севасанми? - дедим жилмайиб.
- Бер бу ёқса суратни. Ҳа, севаман, гапинг борми?
- Нега унда ўзига айтмайсан?
- Йўқ, айттолмайман, йиглайди. Кейин мен билан гаплашмай қўяди.

Бирдан шарақлаб кулиб юбордим. Кулгуйим бошқаларният эътиборини тортди.

- Қиз боланинг қўнглини олиш учун узоги ўн беш кун етарлику ахир! Ўзига бино қўйганларни ҳам, - дедим керилиб.

Нарироқда сұхбатимизни кузатиб турган Али гапга аралашди.

- Шуни айт, Сардор, Жамшид ўн беш йилдан бўён қўнглини ололмайди.
- Э-э-э, бор ишингни қил Али. Робия бошқа қизларга ўхшамайди, - деди Жамшид қизишиб.

- Ҳамма қызы бир қызы, нима Робия осмондаги оймидики, ўхшамаса. Унда ҳам юрак бордир. Ишонмасанг, шу қизнинг севги иқрорини ўн беш кун ичида тинглашим мумкин, - таъкидладим қатъий ишонч билан.

- Ростданми? - дейишиди ҳамма болалар айёrona кулишиб.

- Албатта-да.

- Қани, унда бир кўрайликчи, маҳоратингни. Робия сени севгингта иқрор бўлармикан?

- Бўлади, - дея керилдим тағин.

Чунки, мен қизларни яхши тушунаман, севишларини кўзларидан, ҳар бир ҳатти-ҳаракатларидан биламан. Робия доим менинг олдимда ўзини ғалати тутади. Ҳаяжонланиб кетади. Кўнгли бор деб тахмин қиласдим. Шунинг учун болаларга айтган гапларимнинг етарлича асоси бор эди. Яна нима учун Робияни... Ўзим ҳам ўйланиб қолдим.

Эртасидан лицейга велосипед миниб келдим. Робия доим ўқишга велосипедда қатнаётгани учун. Дарс тутагач, шошиб ортидан чиқдим.

- Мен ҳам энди сиз билан дарсга қатнайман, илтимос шерик қилинг, бу ерларни ҳали тўла ўзлаштириб олганимча йўқ, - дедим ялинчоқ оҳангда.

Робия индамади. Назаримда нима дейишниям билмай каловланиб турардию, «майли» дейишгаям боти-нолмасди.

- Майлими? - дедим янайм юмшокроқ тарзда.

Бирдан секингина «ҳа» деган овоз келди. Шу-шу биз иккимиз ҳар куни бирга узоқ йўл бўйлаб лицейга қатнай бошладик. Фақат Зебонинг олдида Робия билан юришим чакки бўлди-да. Майли, аламидан қизғониб тураверсин ҳозирча. Бир кун унга севгимни айтаман. Ахир узоқ кетмаяпмизку. Вақтлар ўтгани сайин Робияни тезроқ гапга солишга, тезроқ тузофига илинтиришга ҳаракат қиласдим. Аммо Жамшид



айтганича бор экан. У гүё ёввойи хуркак кабутардек ҳеч тутқыч бермас, қалбидаги сир-асрорлари пинхон эди. Мени ёқтиради дея хато ўйлаган эканман деб жаҳлим чиқа бошлади. Бепарволигига тобора алам қылар эдим, сұзларимга эътиборсиз кетишига күни-колмасдим. Бир куни йўлда чанқаб, водопровод жўмраги олдида тўхтадик, муздак сувдан қониб-қониб ичардим. Бир вақт Робияни кимгадир койиниб гапираётган овози эшитилди. Бошимни кўтариб, не кўз билан кўрайки, ҳеч ким йўқ. Яқинига бориб, негадир қотиб-қотиб кулгим келди.

- Вой бечора чумолижон, ким сенга озор берди, нега тупроққа беланиб ётибсан?

Робия куюниб-куюниб гапираётгани одам эмас, топталган чумоли экан.

- Нималар деб чумолининг бошини оғритяпсиз? - дедим ўзимни жиддий тушишга уриниб.

- Қаранг, Сардор манов бечорани, кимdir билмай эзиз кетибди. Жони роса оғриётгандир.

Чумолини қўриб, менинг ҳам раҳмим келди. Иккавимиз авайлаб йўл четига кўйиб, велосипедимизга миндик.

Робия болалар ўйлагандан-да ўзгачароқ, бетакрор-роқ экан. Борган сари у билан ҳар куни қизиқ-қизиқ воқеаларга дуч келардим? Ҳар куни унда янги-янги қирраларни кашф этардим. Гүё ажойиб оламига кириб бораётгандек эдим. Қизиқ, у ҳеч кимга билдирамай шеърлар ёзаркан, эртаклар тўқиркан. Яна айтишларича, чиройли рақсга тушаркан. Қаранг, энди мен усиз зерикадиган бўлиб қолдим-а. У ҳам менсиз юришни истамайдиган, дилидагини яширмай айтадиган, ниҳоят, юрак-юракдан ёқтира оладиган қизга айланди, чамаси. Аммо бунинг учун ўн беш кун эмас, кўплаб фурсатлар ўтди. Дўстларим менинг қобилиятиимга чи-

накамига тан бердилар. Фақат Жамшид мени ёмон күриб қолди. «Сен унга лойиқ эмассан» дерди тинмай.

Ха, чиндан мен Робияга, унинг соғ, самимий севгисига лойиқ эмасдим. Негаки, ҳануз эски одатларимдан кечмаган, ҳануз Зебодан умидимни узмаган эдим. Зебонинг Дилдорага ўшшаб фикрлаши, шаддодлиги, ҳаммадан олдиндаги ўринларни банд қилишга интилишини юксак баҳолардим. Бу орада Зебо ҳам Робиядан қизғониб, ёниб юрарди. Охир-оқибат велосипедимни ташлаб келдим. Энди Робияни ёлғиз қўйдим. Барибир яқинда битирсак, шаҳарга, уйимга, олийгоҳга кетаман, ўргансин дея бу қароримни оқлашга уриндим. Бироқ, Робияни қийин аҳволга ташлаб қўйган эканман. Севаман деб айтмасам бўларкан. Бечора қиз муҳаббатга наҳот шунчалар ишонган?

Лицейда битириув оқшомимиз бўлди. Мен нодон эса ўша куни гўё қалбимнинг маликаси Зебога шу кечада севгим изҳорини айтишни кўзлаб юргандим. Айтдим ҳам. Робия ҳам эшитди. Эшитдию кулоқларига ишонмагандек караҳт аҳволда қолди. Кейин...

Зебо билан бироз фурсат олийгоҳга кирганимизда учрашиб турдик. Аммо қалбимда унга нисбатан ҳеч қандай илиқлиқ йўқлигини ҳис қилдим. Билмадим, аввал нени ўйлаганимни. Балки шунчаки балорат ёшидаги ҳавас бўлганми? Дилдора ҳам олийгоҳлардан бирининг изланувчан талабаси. Ҳануз мактублар ёзишдан чарчамайди, ҳануз ёнига қайтишимни истайди. Бироқ менинг кўнглим фақат Робияни истайди, ҳатто «Иккинчи муҳаббат биринчисидан кучлироқми?» деб ўйлаб қоламан. Йўқ, аслида у биринчи бўлиши мумкин. Унгача юрагимдаги бўшлиқни ўткинчи ҳаваслар эгаллаб турган, холос! Менга иккинчиси керак. Ҳақиқийси. Менга у керак. Фақат энди кечиравмикин? Ўша оқшом тўккан кўз ёшларига арзирмикинман, арзитармикин? Арзитса, кечикмагандирман...

# Қатралар

## ТҮЙФУЛАР ТАРБИЯСИ

### ҮРГАНИШ

Энг зарур вақтда күлингде яроғинг бўлмаса, ёмон экан, гул деб ўйлаганларинг хазон бўлса, армон экан. Аммо, шунга арзирли битта яхши томони ҳам бор - яроғсиз ҳам майдонда «жанг» қилишни ўрганаркансан...

### НИЯТ

Истасангиз, сизга севиб эмас, севги бўлиб яшамоқни ўргатаман.

### ...КЕЙИН КЎРАСИЗ

Тиконлар орасида битта гўзал гул кўз очди, атрофга ширин-ширин ҳидлар сочди. Балки қўлларингиз чўзгани имконингиз бор. Сиз тиконларни юлиб ташланг, тагларига сув куйинг, гулга эътибор беринг, нур беринг! Ўз нафсингиз йўлида уни узманг, яшасин! Кейин кўрасиз ҳайрат нималигини, кейин кўрасиз ҳаёт нималигини...

### БАЛКИ КЕЛГАНИНГДА...

Энг-энг баланд чўққиларга чиқдим. Шу вақтда бирдан сен ёдимга тушдинг-у, бутун забт этган йўлларим саробдек туюлди, ўзимни ердаги уюм-уюм тупроқдек ҳис этдим. Балки сен келганингда баланд чўққиларга чиқмасдим, балки сен келганингда уюм-уюм тупроққа айланмасдим. Айтгин менга, ўзи нимасан, севги?!

## ҚАНДАЙ...

Олтин куз. Дараҳтлардан шитирлаб-шитирлаб тү-  
килаёган япроқлари соchlаримни силаб, сирғалиб яна  
тушиб кетяпти. Мен сариқ, қизғиши япроқлар оғушида  
қолдим. Худди самолардан кимdir бошимга гуллар  
сочаёттандек. Қандай ҳаяжонли! Қандай гүзal! Қан-  
дай аянчли!

## ДАСТУРХОНГА...

Ярим тун. Ухлаганим йўқ, ҳануз ижоднинг хушчо-  
ғидаман, дилдўст илҳомнинг қучоғидаман.. Узундан-  
узун хаёллар билан бедорликнинг ўчоғидаман! Оппоқ-  
оппоқ қофозлар билан тонгларни қарши оламан, но-  
нушта дастурхонига оқ тилакларни соламан, оқ нур-  
лар ичра қуёш бўлиб ёнаман.

## КУТИШ

Мен севаман, севавераман. Бахтнинг ташрифини  
кутяпман, кутавераман, омаднинг изидан кетяпман,  
кетавераман. Кўзларингиз кўзларимга ўрнашиб қол-  
ган. Кўзларимга исмингизни ёзиб кўйгансиз. Бу нақа-  
дар изтироб, нақадар алам, нақадар ғам! Кўзларимдан  
кўзларингизни ўчиринг, исмингизни ўчиринг... бўл-  
маса кўзларимни ҳам олиб кетинг!..

## КУЧЛИРОҚ · БЎЛИНГ

Бу дунё ёлғонлар дунёси, синовлар дунёси, армон-  
лар дунёси. Шундай ўйинлари борки, энг азиз, энг  
қадрли, энг севимли инсонларингни ҳам бағрингдан  
юлиб кетади, андуҳларга солиб кетади.

Армонли дунё! Айни шу дақиқалар азоби аччиқ-  
аччиқ бўлади, тақдирнинг йўлакларида ярим юрагинг-  
дан айрилиш ҳаёт билан ўлим орасидаги масофаларга  
ўхшаб кетади. Бу ғамларни кечиб кўрганлар билади, бу  
аламларни ичиб кўрганлар билади. Суюклигинги-

ни сўнгги йўлга кузатар экансиз, қўзларингиздан эмас, юрак-юрагингиздан томчилар оқади.

Нима, йифляяпсизми? Сезиб турибман, негадир ҳеч қаерга сифмаяпсиз. Кучлироқ бўлинг, сиз кучли инсонсиз-ку! Улар ҳеч бизни тарк этишмайди, кетганлари ёлғон! Улар ҳамиша қалбимизда мангу яшайди, уларни ҳис қилинг, кучлироқ бўлинг, шижаотлироқ бўлинг, бизни чорлаб турар юксак осмонлаф. Биз енгамиз, биз болиб чиқамиз буюк армонлар учун, юксак осмонлар учун!

Кучлироқ бўлинг, сабрлироқ бўлинг. Бугун ҳаётингизда тунми, демак эртага оқ тонглар отади, биз кутган тонглар, кутинг! Кучлироқ бўлинг, иродалироқ бўлинг, сизни кутганлар бисёр, сизни суйганлар бисёр,

Кучлироқ бўлинг, чунки сиз ҳаммадан яхши инсонсиз, чунки сизнинг йўлларингиз порлок, чунки сиз севилган суюкли инсонсиз!..

### АРМОН

Унинг менда кўнгли бор эди, аммо билдирмасди-ю, билардим, сезардим. У атайнин йўлларимда кутарди. Мен атайнин ўша йўллардан юрадим. Унинг туйгулари пинҳон эди, чиройли эди. Уни туну-кун йўллардим, соғинардим, севардим, аммо, исмини ҳам билмасдим. Унга мактублар ёзиб, ўтда ёқардим, шеърлар ёзиб, таскин топардим, аммо исмини билмасдим.

Қиши келди, йўлларни қорга белаб юборди, баҳор келди гулга белаб юборди, ёндириб-ёндириб ёз ўтди, аммо ҳануз исмини билмасдим.

Куни-кеча кўнгил эшигимни очиб куз кириб келди. Оёғларим остига сарфиш хазонларни сочиб юборди. Куз қалбимга унинг исмини пицирлаб айтди: Армон! Армон!

Ҳа, унинг исми Армон экан...

## КУТИБ ЯШАЯПСИЗ

Сиз кимнидир кутиб яшайсиз. Ҳар куни, ҳар лаҳза ўйлаб юрасиз, не-не умидлар билан, не-не орзулар билан дийдорини кўзлаб юрасиз.

Сиз кимнидир кутиб яшайсиз. Унинг кўлларини гулга тўлдириш учун, қалбингиздаги армонларни ўлдириш учун, пойингизга тиз чўкиб, кўнглингизни кўндириш учун, қалб қасрингизга кўндириш учун.

Сиз кимнидир кутиб яшайсиз. Ҳа, ҳа, сиз уни гул тўла боғлардан, шодлигу қайғу чоғлардан, олис-олис ёқлардан кутиб яшайсиз. Аммо у сизнинг ёнгинангизда, сизни кўриб ўтиб бораёттанини сезмаяпсиз фақат!

## МЕН СИЗНИ...

Мен соғиндим, мени соғинаётган инсоним! Орамиз жуда-жуда узоқ, орамиз жуда-жуда яқин, гёё тўрт қадам.

Мен сизни соғиндим, ўша таниш овозларни эшитгим келади, ўша ўтли қараашларни кўргим келади.

Мен сизни соғиндим, кўзларимдан оқаётган аччиқ-аччиқ ёшларим билан, бугун мағрурликдан эгилган бошларим билан, кузги япроқдек тўқилган бардошларим билан.

Хувиллаган қоронги кечаларда, адашган тор кўчаларда, ўтмишдаги ширин-ширин уйчаларда соғиндим, мени соғинаётган инсоним!!!

## БУ - ОДДИЙ ҲАЁТ

Баъзан энг ёқимли эртак баъзан аччиқ ҳақиқатнинг ўзгинаси. Гоҳ бол тутади, гоҳида оғу. Кулдиради, йиглатади. Ўнга борар йўллар бойчечагу бинафшаларга тўла, сўлга борар йўллар тиконларга тўла. Оқ-қора чизиқларидан аста-аста қадам босар экансиз, бошингиз узрагоҳ шодлик, гоҳ фам ёмғирлари тинмай ёғиб туради.



Ха, ҳа, ногаҳон тақдирнинг нотаниш чангалзорла-рига кириб, адашиб қолишингиз мумкин, ўзингизни йўқотиб қўйишингиз мумкин. Йўқ, йўқ, ёлғонларга ишонманг, армонларга ишонманг, ярми рост, ярми ноз ўйинларга ишонманг. Чунки, сиз танийсиз. Бу - оддий ҳаёт!

Ҳамиша сиз ёрқин йўллардан юринг, токи ҳаёт сизнинг кимлигингизни таниб қўйсин.

### **ҚЎЛЛАРИНГИЗНИ БЕРИНГ!**

Қўлларингизни беринг! Эртаклар оламига кетамиз, оппоқ нурларга бурканган ойдин оқшомларга кетамиз, олис-олис осмонларга кетамиз.

Қўлларингизни беринг! Гўзал-гўзал боғларга етаклайман, баланд-баланд тогларга етаклайман, орзуумидлар ушаладиган ёқларга етаклайман.

Қўлларингизни беринг! Етган жойимизгача югурамиз, уриниб кўрамиз, ютқазгунимизча куашамиз! Балки ютармиз ҳам...

### **ЁЛГИЗМАН**

Ёлғизман, бир замонлар дилимни завқча тўлдириган сўзлар қани, кўзларимга таскин берган кўзлар қани, умрим йўлакларидағи таниш юзлар қани?

Ёлғизман, бир замонлар ўша имолар юрагимни кўчириб кетди, бевафо турналар ишончларимни учирив кетди, шаҳзодам деб ўйлаганим оғулар ичириб кетди.

Ёлғизман, менга дардларингизни бераверинг, асло тўймайман, сизга эса шодликларни тутмай қўймайман, энди ҳеч вақт қовоғимни уймайман. Бахт таъмини асло ёлғиз туймайман, буни сира ожизликка йўймайман.

Ёлғизман-ку, ёлғизлатиб суймайман!..

## ИМКОН

Болакай икки-уч қадам ташлаб йиқилиб түшди... йүқ-йүқ у ўзи оёққа турсин. Юради, йиқилади, ўрнидан туради ҳали. Фақат имкон беринг, имкон, ўзини ўзи эплайдиган бўлиши учун, катта-катта қадамлар босиши учун...

## ТОМЧИЛАР...

Томчи, томчи, томчилар! Кўзларимни тарк этинг, йўлларимни тарк этинг. Кетинг! Орзулардан яралган сойларга оқиб боринг, кўкда тўлиб ёришган ойларга оқиб боринг, армонлардан қақраган жойларга оқиб боринг.

Томчи, томчи, томчилар! Кунлар ўтар бир-бирин қувиб, тунлар ўтар кўзларин юмиб, қайларга кетаяпсиз юракни ювиб?!

Томчи, томчи, томчилар! Чўлларда йўқотганларим, қўлларда йўқотганларим, дўлларда йўқотганларим, йўлларда йўқотганларим.

. Томчи, томчи, томчилар! Маконингиз қаерда? Қайлардан келасиз? Кўзларимни тарк этинг! Келсангиз фақат баҳтнинг кўшиқларида оқинг, шодликнинг ноzik бўйинларига маржонлар тақинг, нигоҳларда ҳайрат чироқларини ёқинг. Келсангиз фақат-фақат баҳт ютидан келинг!..

Томчи, томчи, томчилар...

## ЛОЛА

Қалбимда туғилар ширин соғинчлар. Ҳар он, ҳар дақиқа, ҳар соат, ҳар кун рухсори олинг кўрмоққа энтишиб яшайман. Аламлар чекканимда ҳам хаёлинг билан хушман.

Сен сезмайсан, неча бор тоғу тошлару, қир-адирларга юзимни буриб, узоқ-узоқлардан жамолинг кўриб қайтишим.

Сен билмайсан, ишқимни, ҳа, сенга аталган иш-

қимни майсаларга айтишим, қалбимни очишим, сирларим сочишим.

Сен күрмайсан, ҳар баҳор маконингда капа тикиб, қўшиқ айтиб, куйлаб-куйлаб дайдишим.

Сезмайсан, билмайсан, күрмайсан!..

Мен эса ҳануз сени кузатаман. Ҳар гал капалаклар қаро холларингта қунишиб, ол юзларинга мастона тикилишиб чарчашмайди. Боларилар лабингдан бол ташиб чарчамайди. Ранго-ранг, сулув сўзанаклар шохларингта қўниб, идиқ бағрингда ором топишар. Нетонг, сени ўзим билан олиб кетмоғим мушкул. Ўзимни қилмоқ ахир бу сенга - ЎЛИМ! Узмоқликка қўлим бормайди.

Лола, лола қалбимда гулла...

### ИЗЛАЙМАН

Бугун сенинг жамолингта муштоқдир қўзим. Дил ўртовчи соғинчларда ўзимман-ўзим. Васлинг қўмсаб, хазонларга ўхшади юзим. Уйқуларим хаёллару ёдинг қочирган. Олис-олис нигоҳлардан излайман сени.

Орзум баланд тоққа ўхшайди. Сабрим қуёш - нурлар тўшайди, дардим қўз ёш-ёмғир ташлайди. Балки энди «гуноҳ»лардан излайман сени.

Ёнимда бўлсанг-да, қийноқлардаман, ёнимда бўлсанг-да, титроқлардаман, саволлардаману, сўроқлардаман. Ўзим алдаб, ёлғонлардан излайман сени.

Қарофим - нам, тублари - фам, ким ачинар, кулади ким? Юрагим жим! Жим онлардан излайман сени.

Васлинг - олис, дийдоринг олис. Ишқинг сабаб, ишқингдир боис. Ҳеч сезмайсан, неча замонлардан излайман сени.

Висол - рўё, хаёл - рўё, фам юзига тикилмоқ оғир. Менинг севгим ёнмаган зиё, менинг севгим ёғмаган ёмғир. Вале, минг бор осмонлардан излайман сени.

Ҳасратингда булут мисолман. Ҳажрингда ўлмадим лекин ўсолман. Уволман, ғамларга беҳад уволман. Қўнгилим вайрон этиб, пайҳонлардан изладим сени.

Азоблардан куйган кўнглим тўлмаган, билсанг вужудимда тафтинг сўнмаган. Кетар бўлсам, армонларим ўлмаган, аслоким сен армонингдан излама мени!..

### БОДОМ ГУЛЛАГАНДА

Ой юзини муҳаббатга чайган эди, юлдузларни хижолатта қўйган эди, булутларни узоқларга қувган эди - бодом гуллаганда...

Кўзларимни кучган эди камалаклар, гулдан гулга учган эди капалаклар, ишқ шаробин ичган эди чархпалаклар - бодом гуллаганда...

Мехр йўлларида хасланиб ётдим, совуқ томчилардан титрадим, қотдим, ичимда ёнди чўғ чақмоқдай отдим - бодом гуллаганда...

Қўлимдан соғинчлар кетар етаклаб, ҳижрон аламларни тутар этаклаб, армонлар кўнглимда унар куртаклаб - бодом гуллаганда...

Севиб исиндиму, севиб совқотдим, билмадим қайларда хатога ботдим, сени илк бор учратдим, илк бор йўқотдим - бодом гуллаганда...

### КЕЧИР

Беғуборим, кўзда ёшим, ишқ шахрингда сарсон бўлдим. Айбим нима? Наҳот қадри арzon бўлдим. Кечир мени, маломатга қолдирма ҳеч. Кечир мени гуноҳкорлик кишанин еч.

Гулим гулсиз ошиғингни ташлаб кетдинг. Таъналардан юрагимни ғашлаб кетдинг. Энди кимга айтай ичим дардга тўлди. Кечир энди, кечира қол сабрим ўлди.

Орамизни олислама, озор етар. Кулиб боқсанг, нигоҳларинг қуёш тутар. Кечир гулим, кечир энди араз бўлди. Умр ўтар, армонларнинг куни битар.

Умрим етгунича ардоқлай мен сени, умрим битгүнича ардоқлай мен сени. Сенсиз эх ҳаётимдан топарман нени. Кечир гулим, кечирақол, кечир мени?!

### КЕЛМАДИЛАР

Йўлларини гулга беладим, қайноқ-қайноқ нурга беладим. Келмадилар.

Кутавердим узоқ, жим кутавердим. Сўнгиз армонларни хўп тутавердим. Ёрсизлик заҳрини кўп ютавердим. Ёлғизлик қисматим деб ўтавердим. Келмадилар.

Ёки ул ҳижронлар сочидай узун. Тупроқларга айттар дардларим маҳзун. Сабримга бирор ким айтмади таҳсин. Ишонмаган каслар тоғларга боқсин. Келмадилар.

Софинчлар қон бўлиб оқди кўзимдан. Талпиндим неча бор тондим ўзимдан. Мажнунтол қўйнига беркиниб олдим. Сойларга сочимни ювгани солдим. Сувларга тушимни айтиблар олдим. Келмадилар.

Хориб-ҳориб қайгуларим бўлди фаромуш. Кўнглим қальясининг осмони хомуш. Аҳду паймонлардан ошиқлар тоймиш. Ёлон ваъдаларга аслида боймиш. Келмадилар.

Ишқдан кечдим, дардлардан кечдим. Фамдан кечдим, аламдан кечдим. Аҳлдан кечдим, баҳтлардан кечдим. Таҳтдан кечдим, нақдлардан кечдим. Фироқларга етдим-да, кетдим. Келмадилар.

### ПАРАДОКС

Йиглайман... Куласан! Юрагимни этиб минг пора. Ҳижронларга бермай бир чора. Изҳорларим тингламай ҳануз.

Йиглайман... Куласан! Бўғизимда қалтирас бир сўз. Юрагимга санчилган санчиқ. Қилтурмисан шодлигинг кўз-кўз?

**Йиглайман... Куласан!** Етолмаган құлларим ҳаққи.  
Азобларим ҳаққи, йилларим ҳаққи сени кечирмайман  
~~дейман~~ үзимга.

Баҳор қучоғида қолар қайғулар. Баҳор хазонларни  
қаршилар не тонг.

**Йифлайман... Куласан!** Аммо негадир күзларингдан  
тинмайди томчи...

### МЕН УЧУН

Мен учун кулишни унутманг, шодланиб юришни  
унутманг, үзингиз ҳеч асло ўкситманг. «танҳодирман»  
дeng ичингизда, ахир ишонч зўр кучингизда.

Кўнгилда гўзалик түғёни, боқасиз суюблар дунёни,  
билингу ҳеч қачон риёни, зиёни ардоқланг зиёни.

Шириндир хаёллар оғуши, учратиб дегайсиз оҳ, у  
шу, ушалгай юраклар хоҳиши, керакмас висолнинг  
ноҳуши.

Истамам бегона васлини, асранг сиз кўнглингиз  
қасрини, кутингу муҳаббат фаслини, хўрламанг умид-  
нинг аслини.

Ҳамиша жилмайиб кўшиқлар куйланг. Орзуни тарк  
этманг, армонга йўйманг. Кўзингиздан ҳеч вақт ёмғир-  
лар қуйманг. Майлига, майлига ҳеч қачон сўйманг.  
Сиз баҳтли бўлсангиз, сиз баҳтли бўлсангиз бўлгани  
менга... Мен учун уни севинг!..

### СИЗНИ КЎРМАГАНМАН

Мен сизни кўрмаганман. Сиз мени. Аммо хаёлимда  
анчадан буён танигандекман. Анчадан буён суратин-  
гиз эсада сийратингизни сезгандекман. Қай рангни  
ёқтирасиз, қай фаслни, қай инсонларни, билгандек-  
ман. Қачонлардан буён сиз билан муҳаббат аталмиш  
туйғулар мамлакатини кезгандекман. Қачонлардан  
буён сукунат соҳилларидағи севгимнинг сўнгсиз ҳиж-  
ронларида юрак-бағрим эзгандекман.

Мен сизни кўргандекман, танигандекман, билгандекман, сезгандекман...

Мен сизни кўрмаганман. Аммо ҳар кун, ҳар дақиқа, ҳар он соғиниб яшайман. Сиз жой олган қалбимнинг қувончиданми, қайғусиданми кўзларимни ёшлайман. Тўлиб-тўлиб туйгулар тўлқинида қадам ташлайман. Кечиккан севги изҳорларимни бошлайман.

Мен сизни кўрмаганман. Аммо сизга тинмай мактублар битгим келади. Кўлларингизга ғанимат кузги гуллардан тутгим келади. Пинҳона куйдирган пинҳона ишқим иқори билан интиқ-интиқ кутгим келади. Мен сизни жуда-жуда севгим келади...

Мен сизни кўрмаганман. Аммо, сиз олис-олисларда бўлсангиз ҳам, олис-олис ишқ осмонларида ёнсангиз ҳам, олис-олис осмонларда қолсангиз ҳам, биламан сиз борсиз! Сиз ҳаётсиз! Сиз ёдимдасиз! Сиз ёнимдасиз! Фақат сизни кўрмаганман...

### УНУТДИМ

Бугун сенга хайр учун қўлларимни узатдим. Унудим. Неча йиллардан буён ортимдан эргаштириб, соямдай судраб келаётган хотираларимни қайтмас йўлларга кузатдим. Зулматли ҳижрон кечаларида битилган муҳаббат мактубларини битта-битта қалбим оловида чирсиллатиб ёқдим. Узоқ ёқдим. Қандайдир тасвирлаб бўлмас нотаниш роҳат туйдим, тия бошладим. Мен, мен мана шу завқларим билан шодликларим билан гўёки аламларимнинг, азобларимнинг хунини олдим.

Бугун сени унудим. Истайсанми, йўқми эртами-индин ортинга қайтганингда мени ҳеч вақт излама. Ўша чиройли нигоҳларинг билан дийдоримни кўзлама. Қорлар қоплаган йўллардан изларимни ахтариб, «Қайдасан?» деб бўзлама. Муҳаббатдан, садоқатдан сўзлама!

Бугун сени унугдим. Шундай бўлиши керак эди. Ясама қуёш нурлари остида кўкарған нимжон гуллар сўниши керак эди. Сехрланган сийратли сабрим тўлиши керак эди.

Бугун сени унугдим. Сендеқ хиёнаткорга бўлмасада алданган муҳаббатимга хиёнат қилдим. Ўтмишимнинг ғамгин кўчалари аро кечирилмас гуноҳ қилдим. Чунки, чунки мен уни севиб қолдим.

### КЕЧИРИНГ!

Мен сизни дўст дегим келмайди. Дўстим бўлишинизни ортиқ истамайман, мени кечиринг, кечиролсангиз?!

Кечирасизми? Чунки ўзим сезмаган ҳолда кўзларингизни ёқтириб қолдим. Кўзларимга умид ёқкан сўзларингизни ёқтириб қолдим. Сўзларимдан ял-ял ёнган юзларингизни ёқтириб қолдим. Мени кечиринг?!

Негадир энди ҳар гал учрашганимизда, қувнаб-яйраб сўзлашганимизда, баҳтни, омадни кўзлашганимизда ҳар сафар, ҳар доим «дўстим» дея туйфуларимга бепарво кетиб қолишингиз юрагимни эзяпти. Сиз билан ортиқ дўст бўлгим келмаяпти. Фақат, фақат севгим келяпти.

Киприклари узун қиз. Кундузлари қуёш одамлар орасидан сизни ахтаради. Сизга нурлари ила саломлар йўллайди. Тунлари ой юлдузлардан осмонларга чечаклар тақади сиз учун. Майин саболар тонгданоқ сочингизни ўйнаб, эркалаб силайди, раشكимни келтиради. Қизғонаман сизни ҳаммадан. Ҳатто шаббодадан-да, ойдан-да, қуёшдан-да. Сизни бирорларга бергим келмайди. Дўстим деманг, илтимос. Чунки мен дўстликка хиёнат қилдим. Чунки уни муҳаббатга айира бошладим...

## ИЗҲОРСИЗ ИШҚ

У бўронлар билан кириб келди. Инсон шу вақтгача бунчалик қишини кўрмаган эди. Секин-аста дарахтларни ҳам шамоллари билан эгиб синдириди. Битта нигоҳи билан сувларни титратиб юборди, музлатиб юборди. На ойсиз, на юлдузсиз осмонни сирларга кўмиб ташлади.

Кушлар, жониворлар ўртасида миш-мишлар тарқалди. Ҳамма ҳайрон. Ҳамманинг хаёлида у. Ҳамманинг оғзида унинг исми.

У бўронлар билан кириб келди. Аммо, аммо ажабланарлиси шунда эдики, бу қиши бирор марта ҳам қор ёғмади.

### НИМАСАН?

Сенинг меҳринг чексизга ўхшайди. Сен хаёлимни забт этганга ўхшайсан. Бироқ, баъзан ёнингга яқинлашсам, қаёққадир фойибланасан. Сассиз кетасан, жимликка чўкасан. Йиғласам, вужудимни тиғласам қошимда парвона бўласан, ўзгача ғамхўрлигинг тутиб қолади. Йироқлашсам, овозинг борича баррала чақирасан, ҳузуринга чорлайсан. Энтикиб-энтикиб, кўз тикиб-кўз тикиб, зорланиб-зорланиб қоласан.

**Севги, севги, сен нимасан?**

### БАХТ

Аслида самода кулиб турган юлдузлар орасида яшасам-да, юлдуз бўлиб порламагандим. Аслида орзу тўлган юрак-юрагимга армонларни жойламагандим. Аслида илк бор мурғак кўзларимни очибоқ йўлларингни пойламагандим. Сени ўзинг ахтариб келдинг мени! Аслида...

Сендан аввал исминг айтиб чақирмадим ҳам, сен-ла бўлгач, бахтлиман деб бақирмадим ҳам, оҳиста-оҳиста маконинга яқинламадим ҳам. Бу яқинлик англашилмаган ҳолатда юз берди. Чунки...

Хаёт сирини билмадим, ё сенга билдиrolмадим. Бир сой каби шарқираган анқорларда оқавердим. Сойдайин ташвишларда тинмадим, ё сойларни тиндиrolмадим. Ёнингда ҳам ёнган дилни ёқавердим. Ҳаттоки...

Сен билан бирга гулу-лолалар тўла боғу-роғларни кездиму, оёқларим ила сутдай ойдин нурларингни эздиму, сени, сени сезолмадим. Кўриб кўрмай ўтдим. Қадрингни топмай ўтавердим. Танимадим, билмадим. Лекин, ифорингдан маст бўлиб қолдим, жамолинг гўзаллиги кўзларимни беркитди. Кучоғингда қўшиқлар айтиб, шодон рақсга тушдим. Чароғон ширин тунларинг оғушида ухладим, оппоқ тонгларда оппоқ ёғдуларинг остида тамшаниб уйғондим. Вале кунлардан бир куни...

**Кунларнинг бирида сен мени ташлаб кетдинг. Сўнгра ким эканингни таниб қолдим, баҳт!**

### ОМАД

Эрта баҳор гуллар орасидан сен омадни тутиб олиб, жуда-жуда қувондим. Беҳад қувондим. Сўнгра қўнглимга қанотларингдан ушлаб жойладим-да, шошганимча мақсадлар томон чопиб кетдим. Кейин, кейин иккимиз ўз-ўзимизча дўстлашиб олдик, манаман деган «осмон»ларни кўзлашиб олдик. Бора-бора орзулаrim ушала бошлагач, мен сенга ишондим, сенинг борлигингта иймон келтирдим. Шамоллар ваҳмидан ҳилпираб турган этакларингга ёпищдим. Уйим пештоқига омонат тирадан устунингга бор муҳаббатим билан суяндим, бор умидларим билан суяндим. Сувратимдаги соянгга сажда айладим. Аммо бугун...

Бугун кўнглимнинг туманли кўчалари аро сени излаб-излаб юргандим, бирга ўтказган дамларимизни кўмсаб-кўмсаб юргандим. Ойдан-ой юзларингни эслаб-эслаб юргандим. Соғинчларингда бир Мажнун-



дай гүё жунун саҳросида бўзлаб-бўзлаб юргандим. Минг таассуфлар бўлсинки, кўз олдимда бир манзара пайдо бўлиб, бутун ақлимни йўқотаётдим. Қалбимни йўқотаётдим. Бугун сени душманимнинг елкасида учратдим, омад!

### КУЛФАТ

У билан учрашган тунларим сира ёдимдан чиқмайди, чиқазолмайман. У билан юзма-юз келган кунларим хаёлимдан кетмайди, кеткизолмайман. Ахир, у мени не аҳволларга солиб ташламади, не ғамларга чўқтириб юбормади. Унинг бошимга ёғилишидан доду фарёд чекиб, соchlаримни юлгим келган. Йиглаб-йиглаб... кулгим келган ўша ожиз ҳолатимга тикиланча.

Вале, кулфат ҳар сафар атрофимни кўргондайин ўраб олганида бир туйнук қолдириб кетаверди. Кўлимдаги қурол-яроғимдан маҳрум этиб, уларсиз ҳам жанг қилишга чорлайверди. Сохта дўстлар, сохта улфатлар орасидан юлиб олиб, ёлғизликка кўниктраверди. Унинг ўзи чўқтириб юборган денгизда бир мени умидсизлик оқимига қарши сузишга машқ қилдирди. Ана шунаقا, ундан қанчалик нафратланмайин, ундан қанчалик азоблар тортмайин, унутиб кетолмадим, унутолмадим. Чунки, ҳар бир кетма-кет берган оғир зарбалари билан чидаш санъатини ўргатди менга. Бугун барча муваффакиятларим ортида турган кулфатдай ғаним «устоз»имга таъзим қиласман!..

### ЭЪТИҚОД

Ҳаёт гаройиб саҳна. Чиндан ҳам сирларга тўла. Баъзан нима ўзингга кераклигини сезмай қоласан. Чунки, инсон зоти борки, имкон қадар енгил ҳаётни қидираверади. Баъзан орзуларнинг чексизлиги юқорига кўтариш билан бир қаторда азобларингни чукурлаштириб бораверар экан. Натижада осон яшаш баҳтидан

тобора бебаҳра қолаётганга ўхшаркансан. Энг мұхими эса, әзтиқод. Ўша түйғу сабрнинг калити, ақлнинг калити, қадрнинг калити. Аммо, уни юракда ушлаб туриш бекіёс кучни талаб этади. Бардавом кучни талаб этади. Бу куч ҳамманинг ҳам томирида яшай-вермаслиги аник. Фақат жасоратли инсонгина уни ушлаб туришга қодир.

Ҳаётда осон ёки қийин яшаш унчалик аҳамиятли әмас. Боиси, барчанинг сұнгти манзили битта. Не ажабки, бир нарса умрингизнинг туб маъносини англатади. Бу - сиз нимани изляпсиз...

### ҚАЛБ

Унинг макони юракнинг ичкарисида. Балки, тубтубидадир. Ҳеч бир құллар етолмайдиган жойда, ҳеч бир йүллар етолмайдиган жойда, ҳеч бир ёмғир, қүёшлар киролмайдиган жойда. Фақат ғам ва шодликлар bemalol маҳв этоладиган жойда унинг макони. Балки, мени тиғ билан яраларсиз, тиғ билан вужудимни нимталарсиз, балки ўлдира尔斯из ҳам. Аммо ҳеч вақт қалбимни ёмонлық билан забт этолмайсиз. Унинг эшикларини танқо әзгуликларгина оча олади, холос.

### ЭНГ ОФИР ЮК

Бир инсоннинг муҳаббатини күтариб юриш қийин. Бу юк дунёдаги барча юклардан оғир, бу юкнинг масъулияти қолған барча масъулиятлардан мұхимроқ, аҳамиятлироқ. Бу юкнинг тошлари оғир, тасаввур қилиб бўлмас даражада тарозининг иккинчи палласини күтариб кетиши мумкин. У севиш баробаридағи түйғуга ўхшайди. Аммо, ҳеч қачон севишингни кутмаган ва кутмайди, севишингта йўл бермаган ва йўл бермайди, севишингта имкон бермай севади.

Лекин, ўша муҳаббат сендан фақат, ҳа фақат биргина нарса - қадрни талаб қиласы, сабрни талаб қиласы.

Худди, мана шу ишқни энг покиза, чин ва самимий ҳамда ўлимдан кучли деб аташади. Унинг ичида қайта туғиласан, қайта яшаёттандай бўласан. У сени эртаклар оламига етаклайди. Бир куни буюк эканини исботлаб беради.

**Сен у билан бутун умр яшашинг мумкин. Факат бу муҳаббат кучига дош беролсанг бўлгани...**

### СОФИНЧ

Инсон вужудига кирган заҳоти бутун томирларига тарқайди. Кўзлар рангини ўзгартириб юборади. Ҳатто, сўзларда акс эта бошлайди. Оддий юриш-туришдан тортиб, кундалик юмушлару, кечалари тушларда давом этади. Аммо унинг бизларга мавҳум бўлган ва ўзгача роҳат бағишлайдиган тарафлари ҳам борки, аслан уни қолган қиёфаларини билиб-билмаган ҳолда ҳис этамиз. **Софинч бу - орзу. Софинч бу - эртанги умид. Софинч бу - сўнгсиз истак. Софинч бу - ширин армон.**

### КОПТОК

Копток қанча тепсанг, шунча думалаб кетаверади. У думалагани сари, сенинг тепганинг сари завқинг ошаверади. Шодланаверасан, кувонаверасан. Тўгри, бир қарашда у сенга бўйсунаёттандиган ўхшаб кўринади. Ҳар бир зарбингта мунтазир тургандек туюлади.

Аммо... аммо ортидан итдай юргутириб юришини ҳисобга олмагандан...

### ҚЎСАК

Бу қўсак ҳали очилмасданоқ атрофдаги пахталарга ҳасад билан қаарди. Ҳар бир пахталар қаторида, ҳар бир кечмишлар мисолида бўлишни асло истамасди. «Бошқачароқ» очилиш нияти бор эди унинг. Вақтлар, лаҳзалар ўтди. Булутлар келиб, ёмғирлар ёғди. Зарин кўёш истар-истамайгина қизғиши нурларини сочди. Қўсак эса ниҳоят ҳаммадан ўзгача бўламан деб қоп-қора очилди. Бу нақадар мўъжиза! Бу нақадар фожиа!!!

**ТЕРАК**

Теракни ҳеч вақт эгиб ҳам, қайириб ҳам бўлмайди. У фақат қаддидан мағуррланиб ўсади. Ҳаволарга ҳаволаниб ўсади, тик ўсади. У қайрилишга тоқат қиломайди. Фақат ва фақат синдиришга тўғри келади.

**СОЯБОН**

Соябон сендан жуда-жуда минатдорман, жазирама иссиқ кунлари қуёшдан ҳимоялайсан. Самонинг митти-митти ёмғир-қорларидан паналайсан. Керак бўлса, изғириналардан авайлайсан бу иссиқ жонимни. Аммо, сенинг бир айбинг бор. Ҳар вақт менга олийжаноблик кўрсатасану, авайлаб-асрашга уринасану, мана шу олийжаноблик билан табиатнинг табиий ҳодисаларига ҳам дош беролмайдиган қилиб кўясан. Афсус...

**ЁМФИР**

Унинг тарновдан «чак-чак»лаб оқишини кузатиб ўтиришни яхши кўраман. Гўё, у ҳам мени сезгандек... Аста соchlаримни силлиқ қилиб тарагиси келади. Мен эса мамнун юзларимни тутаман. Ёмғир бўлса худди шуни кутиб тургандек бир «айёрлик» қиласди.

У менинг кўзларимнинг ичига кириб яшириниб олади.

**СУКУНАТ**

Кўпроқ сукунатнинг соҳилларига келиб туинг, яширин фалсафаларни англайсиз. Чунки, у ерда ҳеч бир жон, ҳеч бир товуш бўлмаса-да, ҳаётингизга дахлдор ва тақдир йўлларингизни ўзгартириб юборишига қодир бир инсон сизни қаршилайди. Ўша инсон ҳали ҳеч ким айтмаган, англатмаган яширин ҳақиқатларни сизга кўрсатиши мумкин. Қилган хато ва камчиликларингизни юзингизга очиқ айтади. Ўша одам - бу ўзингиз. Ҳа, фақат ўзингизгина ўзингизни сукунатдан топа оласиз.

# Манзилсиз мактублар

## КЕРАКСИЗГА АЙЛАНМА, ЮРАК!

Мен сизни учратганимда, мен сизни учратганимда худди иккинчи эгизагимни топғандек бўлгандим. Мұхаббат аталмиш армонлар эшигини ёпғандек бўлгандим. Негадир нотаниш, аммо чиройли туйфулар эшигини очгандек бўлгандим.

Ўшанда... ўшанда иккимиз ҳам олийгоҳга алвидо айтиб, яна шиддадкор ўсмирликдаги давримизга, ли-цейнинг бағрига қайтгандик, Фақат энди билимга чанқоқ ўқувчи бўлиб эмас, гул мисоли ўғил-қызларни илм сувлари билан сугорувчи устозга айланиб боргандик.

Сўнгра... сўнгра иккимиз ҳам ҳамкаслар эканимизни билдик. Елкамизга ортилган бурчни муқаддас кўрдик. Ҳа, сиз мени, мен сизни интилувчан, юраги қайноқ талаба бўлиб эмас, ҳали ҳам шаҳдидан қайтмаган изланувчан устоз мисолида танидик.

Аввал... аввал назарга илмай ўтардингиз. Мендай муаллимни кўрадингизу, кўрган чоф парволар қилмай юрадингиз.

Сизни... сизни куз деб ўйласам ҳам, қалби муз деб ўйласам ҳам, қуёш нурларига тўлиб, қакраб ётган чўлга ўхшашингиз билардим аммо. Ойдек ёғдуларни сочиб, ҳузурига чорлаб ётган йўлга ўхшашингиз би-

лардим, аммо. Қорларнинг қўйнида қўрқмасдан очи- либ турган гулга ўхшашингиз билардим, аммо.

Кейин... Кейин биз бир-бири мизга аста яқинлаша бошладик. Йўқ, йўқ биз эмас, бизни эзгуликлар йўлидаги мақсадлар яқинлаштириди. Иккимизнинг ҳам вужудимиздаги куч, файрат, шижаот манзилла- римизни тобора боғлаб қўя бошлади.

Энди... Энди иккимизни ҳам ҳар куни қизиқ- қизиқ саволлар таъқиб эта бошлади. Гар ёнма-ён баҳсларга берилсак, айиргувчи малоллар таъқиб эта бошлади. Не тонг кунда режалар тузиб, кечалари йироқларга олиб кетгувчи хаёллар таъқиб эта бошлади. Вақтлар ўтиб, вақтлар ўтиб бир куни сиз «севиб қолганингизни сезиб қолдингиз». Ўша кундан бошлаб ёнган қалбингизни эзиб бордингиз. Ўша кундан бошлаб ғамлар маконини кезиб бордингиз. Сабаби, олийгоҳда ўқиб юрган кезларингизда ота-онангиз сезни бир йигитга унаштириб қўйишган экан.

Мен эса сезни учратиб, худди иккинчи эгизагимни топгандек бўлгандим. Негадир, нотаниш, лекин чи- ройли туйғулар эшигини очгандек бўлгандим. Мұ- ҳаббат аталмиш армонлар эшигини ёпгандек бўлган- дим. Ҳа, ҳа, сиз мени умрим осмонига жойланган, очилмайин хазонларга бойланган, унуттирмай азоб- ларга айланган севгимнинг армонларини ўлдираёт- ган эдингиз, оташ сеҳрингиз-у, дилга туташ меҳрин- гиз билан «ўша» қизга бўлган соғинчларимни сўнди- раётган эдингиз.

Мана... мана «севиб қолганингизни сезиб қолдингиз», аммо дугонангизнинг менга айтган сўзларига қараганда 5-6 ойдан сўнг куёв бўлмиш йигит ҳарбий хизматдан қайтса, тўй бўлиши тайин экан. Яқинла- рингиз севиниб, тўй тарафдудида юришаркану, оқила қизим деб суюшаркану, еру кўқдан аълороқ қўри- шаркану, сиздек итоаткор маъсума қизнинг кўнглида

мендек нотавонга аталган муҳаббат уйғонганини билишмас экан.

Энди шуниси аёнки, мендан ўзингизни олиб қоча бошладингиз. Ҳа, ҳа балки мендан эмас, қалбингиздағи муҳаббатдан, юрак-юрагингиздан, ўзингиздан ўзигизни олиб қоча бошладингиз. Бироқ, мендан қанчалик кетишни истаганингиз сари, күзларингиз севгингизни ошкорлайверди, сўзларингиз сирингизни ошкорлайверди. Ҳар куни учрашиб, суҳбатлашиб, баҳслашиб ўрганиб қолган инсонингиздан бир кун айрилишингизни, уни йўқотишингиз мумкинлигини ўйлаб даҳшатга тушаёттанингиз ҳам тайин. Билардим, манзилсиз мактублар ёзардингиз. Гоҳ-гоҳида яширин рақамдан қўнғироқ қилиб «алло» дейишимни тинглардингизу, шошиб ўчириб қўярдингиз. Айтинг, мени шунчалик севасизми-а?

Бугун, бугун фууруингиз осмонлик қилди. Сиз учун ҳақиқат ёлғонлик қилди. Фарзандлик бурчига, тақдир тошларига таслимлик осонлик қилди, бир куни ишдан бўшаб кетганингизни эшийтдим.

Сизни ўйлаяпман, сизни ўйлаяпман, худди ишқ шаҳридан кетган малика мисоли қаёқларда экансиз, ҳойнаҳой, ҳозир ҳам ўзингиз билан курашмоқдасиз, ҳойнаҳой, мени унуполмаган бўлсангиз керак.

Йўқ, йўқ унутишга шошилманг, истасангиз яна сизни ишқ шаҳрига олиб келаман. Қайларда бўлсангиз ҳам излаб-излаб топиб келаман. Кўнглим эшиклирини фақат сиз учун очиб келаман. Бундан бошқаси мұхим эмас. Менсиз яшашингиз қийин. Чунки, «севгингизни сезиб қолгансиз».

Кетсангиз юрагимни ҳам олиб кетинг. Чунки, сизсиз менга унинг кераги йўқ...

## БУГУН СЕНИ УЧРАТДИМ...

Бугун сени учратдим. Ҳали-ҳануз ўшандай гўзалсан, ҳали-ҳануз ўшандай бетакрорсан. Ҳали-ҳануз ёнингда юрагимнинг туб-тубигача ҳаяжон, титроқ босади. Ҳали-ҳануз узун-узун соchlаринг бойлаб қўйгудек одамни ўзига. Ҳали-ҳануз қора қайрилма қошлиаринг бир-бири билан иттифоқ тузиб, ишқ мамлакатини забт этгудек ҳайбати бор. Ҳали-ҳануз лабларинг фунча мисоли чиройли боғига ярашиқли. Ҳали-ҳануз ойдек юzlаринг қуёшнинг раshкини келтириб чарчамаган. Ҳали ҳануз...

Аммо, қўzlаринг... Кўzlаринг ўзгарган. Мен шунча йил яшаб, илк бора одамнинг қўzlари ўзгариши мумкинлигини билдим. Одамлар: «Йиллар ўтсада, ёшлиқ қариллик либосини кийганида ҳам, барибир кўzlар ўзгармайди» дейишади. Йўқ, қўzlар ўзгариши мумкин экан. Буни яна сени учратиб англаb етдим.

Бугун мен кўрган кўzlар қачонлардир шўхликдан хандон отган кўzlар эмас. Шодликдан тўлиб-тошиб, терга ботган кўzlар эмас. Ишончдан, қувончдан муаллақ қотган кўzlар эмас. Ҳа, ҳа мен илк учратган ўша содда қизнинг кўzlаридаги ишончдан оёғимдан то сочимгача ҳайрат босганди. Нимагадир, недандир кўрқкан эдим.

Бироқ, шуни ҳам билардимки, бу кўzlарнинг тубида мен телба ошиққа аталган бир ишқ яширин эди. Ўша кўzlарнинг севгувчи севилгувчиси бор эди. Кейин улар мендан ўзини олиб қоча бошлади. Изма-из қувганим сари, йўлларини таъқиб этганим сари, кечмоққа уринди севганим сари. Кетмоққа уринди қан-

чалар яқынлашиб келганим сари, бизни бирга бұлишимиизни ҳамма истади. Фарзандлари баҳтини құзлаған ота-она истади, «Узукка күз қўйғандай» деб амма хола истади. «Яна бир ошиқ-маъшуқ жуфтлик яралибди» деб бутун замона истади.

Лекин, улар истамади, жодули қўзлар истамади. Уларнинг илмга, изланишга ташналигини билиб йўлини тўсмаслигимни айтдим. Ўқитмоқни ваъдаладим. Пойларингга тиз чўкдим. Исмим айтиб уриб турган юрагингни эритолдиму, ишонтира олдиму, аммо жаллод қўзларингни ишонтира олмадим. Ўшанда мен ошиқнинг аҳдига қўзларингнинг кўзи етмай-етмай қаради, ишқин ипларини узолмай-узолмай қаради. Кейин бирдан йиғлаб юборди. «Мана шу кўз ёшларим биринчи ва охирги совға» деб оҳиста юриб кетди.

Унинг сўзларига ишонмагандим. Чунки, минг пинҳонламасин, минг ич-ичига яширмасин, барибир мени севишини билардим-да, кетолмасди дердим, кечолмасди дердим. Уни шундоққина қўлларим остида турган ой деб ҳисоблардим. Уйига боришдан чарчамаётган совчилар бир кун чарчади. Ўша қайсар қўзларни ёмон кўриб қолди. Қари ота-онам «Бошқа қизга уйланасан» деб шарт қўйишиди. «Тенгқурларинг иккиминчадан фарзанд қўряпти» дейишиди. Рози бўлмасам оғринишларини айтишиди.

Шундагина мен севган ой осмондан ҳам олисроқ ерда эканлигини, қўлим етсада қўзим етмайдиган маконда эканлигини англашим. Ўша қўзлардан қасд олмоқчи бўлдим аламларда ёнсин деб, армонларда қолсин деб, уйланмоқча кўндиним. Гарчи ўзим аламларда ёнишимни билсан ҳам, армонларда қолишимни билсан ҳам ўзим куйиб-куйиб куйдирмоқчи бўлдим.

Бир ҳафта ичида қўшисининг қизига уйландим. Тўй кечаси одамлар орасидан ўша қоракўзни қидирдим, келмабди. Йўқ, агар мен билган ўша шаддод кўзлар бўлса, яна ўша ишонч билан ғалабасини нишонлаш учун ҳам келади. Мухаббат олдидаги мағлубиятини тан олиш учун ҳам келиши керак...

Ҳа, ўша кўзлар мард эди, жавоҳир эди. Ниҳоят, у келди. Кўриб кўрмаслика олди. Кўриб кўрмаслика олдим мен ҳам. Атайин ўзимни шодон тутдим. Куёв жўралар билан хандон отиб ўйнадим. Базм қизигани сари қизиди. Ёнимда ўзи ўрнида ўтирган келинчакка тез-тез шивирлаб, унинг назарини тортётганимни билардим. Ҳа, ўша дақиқаларда мен учун бир умрга бегонага айланган кўзларнинг бағридан ишқ қайнаб-қайнаб вулқон бўлиб отилиб чиқаётганини сезардим. Ниҳоят, тўй тугаб, одамлар тарқади. У уйига бориб, тун бўйи йиглаб чиқди. Мен эса...

Бир неча ойлар ўтиб, ўша йили «Имтиҳондан йиқилган олийгоҳига қайта тайёрланмоқда» деган гапларни эшитдим. Чин дилдан омад тиладим. Ундаги сўнмас шижоат, билимга ўта ташналикни кўриб ўша ўша сўзларига иқрорландим. Сўнгра унутмоқча ҳаракат қилиб яшадим. Балки унутдим ҳам. Боиси энди уни ўйлашни ҳам ўзимга гуноҳ ҳисобладим. Оиласми мустаҳкамлашга астойдил тиришардим. У ҳам нималаргадир тиришаётганини билардим. Ойлар кетидан ойлар ўтиб, бир куни ширингина қиз фарзанд кўрдим. Тақдирни қарангки, худди ўша куни иккинчи маротаба кириш имтиҳонидан йиқилгани хабари келган экан унга. Ўша лаҳзаларда у қора кўзлар олдидан нелар ўтган ёлғиз худога аён. Уни ўйлаб, чин дилдан ачиндим...

Бугун қизимни, хотинимни түрруқхонадаи олни чиқиб кечроқ маҳалладаги түйга ўтдим. Уни мама шу ерда учратдим. Бепардоз, одми кийинган бўлса-да, ҳамон қизлар даврасида ундан гўзали йўқ. Аммо, аммо кўзлари...

Атрофга шу қадар парвосиз, шу қадар паришон боқардики, юрак-бағрим эзилиб кетди. Маъюслик унга сира-сира ярашмас экан. Назаримда, одамлар орасидан кимнидир тез-тез қидиради. Кейин у ҳам худди гуноҳ иш қилаётгандек бирдан бошини эгди. Хаёлчан кўзларини беркитди. Мен уни ўша чоқда ютқазиб қўйган ўйинчига ўхшатдиму, хаёлимга келган фикрдан ўзимни ёмон кўриб кетдим.

Бирдан қора кўз худди бўғилиб кетаётгандек ўрнидан турдию, даврани тарк этди. Шунда мен ўзимни тутиб туролмадим. Савобу гуноҳни фарқини унудим. Қора кўзнинг ортидан чопдим. Етиб бориб, йўлини тўсдим. Аввалига ҳайрат ичра қотиб қолди. Кутганимдек қўрқмади. Балки уни ҳам яширгандир. Не дейишни билмай бироз тикилиб турдиму, охири юрак ютиб дилимдаги сўзларни тилимга чиқаздим.

«Эшитдим, бу йил ҳам ўқишига кира олмабсиз. Бир ярим баллни деб рўйхатдан бироз пастроқча - кирмаганлар орасига тушиб қолибсиз. Ҳа, бу сафар шунчаки омад юз ўтирганини билдиму, аммо сиздек кучли ирода соҳибини бунчалар тез таслим бўлади деб ўйлагандим. Ногоҳ кўзларимга ёш келди. Ҳа, илк бор қиз боланинг олдида кўзимда маржондай томчилар қалқиб қолди. Томоғимга нимадир тиқилди.

- Таслим бўлманг ҳеч қачон! - дея бурилиб кетдим.

Коракўз ҳайрат ичра ҳайкалдай қотиб ортимдан қараб қолди.

Бугун сени учратдим....

## ЕРГА ЙИҚИЛГАН ОСМОН

**Ёхуд озорлардан озмагин, умид!**

Осмонлар ҳам ерга чўкиши мумкин. Гарчи, гарчи хоҳламаса-да. Гарчи табиатнинг жонли қонунларига ёзиб кўйилмаган бўлса-да. Гарчи улар бошини ҳеч вакт эгмаса-да. Ҳа дўстим мен ерга йиқилиб тушган осмонни кўрганман. Ўша лаҳзалар ҳамон хаёлимдан кетмайди, кетказолмайман. Бу кутилмаган файритабий ҳодиса чақмоқлар тинмай бир-бирига урилиб, юлдузлар ҳар томон учайтган тунда содир бўлган эди. Бирдан оймомо қаёқадир беркиниб, фойибландию, атрофни зулмат қоплади. Қоронгуликдан фувиллаб, довулланиб турган ер устига ногаҳон осмон ағанади. Шу тобда бутун вужудим кўркувдан дағ-дағ титрай бошлади. Тушим бўлса керак деб ўйладим ўзимча. Қанийди туш бўлсаю, тезроқ уйғонсан. Осмоннинг йиқилган даҳшатини қўрмасам, билмасам.

Кейин тезроқ уйғонишга шошилдим. Аммо не афуслар бўлсинки, кўрганларимнинг бари аччиқ ҳақиқат эди. Шундан сўнг ҳаммаёқ, бутун борлиқ худди мана шу саҳна асарини кутиб тургандек узоқ тин олди. Довуллар, бўронлар тўхтади. Энди на чақмоқ, на беркинаётган ой кўринарди. Гўё юрагимдаги туйғулар түғени ҳам тингандек, тинчигандек, тўхтагандек бўлди шу тобда.

Минг бир аламлар билан ерда ётган осмон ёнига бордим. Ич-ичимдан унга нималардир дегим келдию, бироқ ундаги нотаниш аллақандай сирли кайфиятдан бир оғиз ҳам сўзлашга ботинолмадим. Назаримда, ҳозир у йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмай қолган инсонни эслатарди. Ҳузурида то тонг отгунча у билан сұхбатлашиб ўтирдим. Осмон менга маконидан шикоят қилмади. Кутгандиму замонидан шикоят қилма-

ди. Дунёларнинг ёлғонидан шикоят қилмади. Аксинча, қизиқ-қизиқ эртаклар ҳақида, бўлган ва бўлмаган воқеалар ҳақида сўзлади. Мен эса ҳаёт варакларимдан бир-иккитасини эринмай ўқиб бердим унга. Иккимизнинг суҳбатимиз қизиқарли кечди. Фақат, фақат орада осмон йиқилганини ўйлаб қолса, узоқ вақт жим бўлиб кетарди. Бу жимлик мен кўрган ва тинглаган аламлардан ҳам аламлироқ эди. Фарёдлардан ҳамда фарёдлироқ эди. Азоблардан ҳам азоблироқ эди. Лекин уни тургазишга кучим етмасди. Қўлларим етмасди. Дардларини кўтаролмасдим, кўтаролмасдим...

Узоқ-узоқ суҳбатлар билан тонг ҳам отди. Қаёқларданdir xўroz қичқирди. Ит хурди. Отлар кетма-кет кишинади. Гўё улар нимадир демоқчидай ўзининг одамларга номаълум бўлган бурро тили билан қандайдир бир ваҳийни етказмоқчидай. Шу пайт онамнинг менга айтган бир доно сўзлари хаёлимга келди: «Бошга тушган ҳар бир иш-фалокат ё кулфатни ҳам яхшиликка деб йўймоқ керак, ана ўшанда бир кун яхшиликка хизмат қиласди».

Мен тонгда мана шу ишорани яхшиликдан дарак дея қабул қилдим. Эзгуликдан келаётган муждага ўхшатдим. Аммо ўша тонгда ҳаётимда ҳеч ҳис қилмаган қаттиқ совуқни ҳис қилдим. Бутун вужудим жунжикиб кетди. Қаёқларгadir йўл олдим. Айнан қаёқقا билмасдиму «кетгим келарди». Ҳа, мен осмоннинг кўз ўнгимда ерга ағанаб ётишига чидолмасдим. Гўё кўришга кўзим, сезишга бардошим етмас эди. Юрагимга игнадек оғриқ кириб, мудом санчарди. Дардимни шарқираб оқаётган сойларга бориб айтдим. Гулу лололарга тўла чаман-чаман жойларга бориб айтдим. Жамолини армонларга беркитган ойларга бориб айтдим. Бироқ...

Кунлар ўтаверди. Энди мен ойсизликка кўнига бошладим. Қачонлардир кўзларимни яшнатиб, ёниб

турган юлдузлар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилдим. Кўникдим. Аммо кутганимдек у қўниколмади. Ҳеч бир одамзод энди «осмоннинг осмонлигини» ўйламай қолди. Оппоқ ҳарир юзини оёклари билан босиб, ҳаёт ташвишларига берилиб ўтиб юришди. Наҳот, наҳот табиат шунчалар бешафқат бўлса, шунчалар жаллод бўлса деб ўйлардим ичимда. Ахир ўша одамлар бир замонлар осмонни эъзозлаб, маҳлиё бўлиб туришган эдику! Ахир ўзлари эмасми, бир замонлар уни эътиқод билан кўкка кўтарғанлар! Қани, ўша меҳрмуҳаббат, қани?! Қаёқларга ғойиб бўлди? Балки ой юзини беркитганида у билан беркиниб кетдими?

Осмон эса сокинлик қаърига чўккан. Унинг учун одамларга ёлвориш, улардан нажот сўраш ўлим билан баробар эди. Чунки осмон осмон эди-да. Бир куни уни излаб борсам, жойида йўқ, сухбатлашиб ўтирган ермизга бир парча мактуб қолдириб кетибди. Секин аста очиб ўқишига уриндим.

«Сен кетма... Ахир сен фуур билан, ифтихор билан суйган япроқларнинг мўртлигини биласан. Сен севган, меҳр қўйган юлдузлар аслида йўқлигини биласан...кетма!!!

Ойдан оқ дунёларни топмоқчимидинг. Эртаклар мамлакатини очмоқчимидинг. Ё бўлмаса, юрагингни хазон айлаб, осмонлардан сочмоқчимидинг?... кетма!!!

Қайноқ меҳрингни тошларга бер, эртакларингни тинглайди. Кўз ёшларингни кўтара олади. Чунки улар ўша мўрт япроқлардан МУСТАҲКАМРОҚ... кетма!!!

Орзу-ла босилган қадамлар ҳаққи, сийратинг сезмаган одамлар ҳаққи, вужудингда чирс-чирс ёниб йўлларинга сочилган аламлар ҳаққи!!!

Ўзим сенга не дейишни билмайман. Аммо шуни биламанки, «унга» бўлган эътиқодинг, ишончинг муҳаббатинг сўнмаган. Яна кетишинг хато. КЕЧИШИНГ хато. Қолмоқликка имкон топ!...

**Майли, мұрт япроқлар учеб-учиб, тұкилиб-тұкилиб кетаверсин. Майли, умринг яланглигидан уларни супуриб ташлама. Уларни етказған жароҳатларидан қалбингни тилма! Ўйлама! Хаёлларингни эзма. Шунчаки улардан МЕХР КУТИБ ЯШАМА!!!**

Лекин, севищда давом эт. Гулларни, тупроқларни сев, узоқ-узоқларни сев. Энг эзгуғояларни сев, ташлаб кетар сояларни әмас, тошдан қаттиқ ҚОЯЛАРНИ сев!!! Бир күн юксакдан ўзинг қуласанг, парча-парча бўлиб кетганингда ҳам, улар жасадингни бағрида тутиб туришга қодир.

Билсанг, юрагинг оловдан яралганга ўхшайди. Аммо атрофингдаги музликларни кўриб, совиб боряпсан. Ўзингни кул қилиб, дунёлардан кетиб боряпсан, сошиб қоляпсан. Йўқ! Йўқ! Кетма! Совима! Сени советган ўша мұрт япроқларни - сарғайған хазонларни ҳовлингнинг ўртасига тўплаб, ёқиб ташла, ёнмай туриб ёндиришни ЎРГАН! Худди япроқларнинг баҳордаги онларига ўхшаб!

Ягона тилагим ҳаётни куйла, жўшиб-жўшиб куйла. Овозинг етгунча куйла. Томирингда сўнгги умид кетгунча куйла. ЎЛГУНЧА куйла. Сўнгунча куйла. Чунки, чунки шамол қанчалик чиранмасин, тоғ ҳеч қачон силжимайди. Шуни унутма!".

Мен бу манзилсиз мактубдан унинг, ойни излаб кетганини англашим. Ич-ичимдан тўлиб-тошиб севиниб кетдим. Демак, у юришни бошлаган, ўша кўзлаган чўққисини забт этишга тутинган. Демак, унинг вужудида умид деган юрак ҳамон уриб турибди.

Бирдан кўзларим ёшланди. Осмон манзилини топсин, энди ҳеч вақт йиқилмасин ерга. Ҳа, у яқин орада яна осмонга айланади. Бағрига юлдузлар жойланади, күёшга бойланади. Чунки юксаклик фақат унга яратади, фақат унга аталган.

# Публицистика

## ФАРИШТАЛАР ҚАЕРДА ЯШАШАДИ?

**ҮЛИМ...** Үлим-бу айрилиқ. Үлим - бу мангы сукунат. Үлим - бу ҳар кимни бир күн қучоқ очиб оғушлайдиган охирги бекат. Энг сүнгги нафас олаёттган лаңзалар. Азобли лаңзалар, аламли лаңзалар, армонли лаңзалар. Үлим - бу умр китобига қўйилган якуний нуқта.

**ТУГИЛМОҚ.** Туғилмоқ - умрнинг ибтидоси. Туғилмоқ - ёзилмаган гуноҳлар, қилинмаган савоблар. Туғилмоқ минг асрлардан буён кашф этилмаган йўлларнинг оёқларинг остига келиб, босиб ўтишингга мунтазирлиги. Очилмаган қўриқнинг очилиши. Туғилмоқ - орзу умидлар эшигининг остонаси. Туғилмоқ - үлимга қўйилган ilk қадамлар...

**ЙЎЛ.** Ибтидо ва интиҳонинг ўртасида турари доим. Унда кимлар юрмайди дейсиз. Дунёни ўз измига солмоқчи бўлган шоҳлар давру даврон суриб ўтади. Дунёни мозорга ўхшатган гадолар давру даврон суриб ўтади. Дунёни бозорга ўхшатган шайдолар давру даврон суриб ўтади. Йўл оёғингни синдиришга ҳам қодир.

**ҚУШЛАР.** Менинг осмонимда фақат икки хил қушлар яшайди. Бири қалдирғочлар бўлса, бири зоғлар. Қалдирғочлар ҳамиша фақат оппоқ чизиқлар бўйлаб, парвоз этади. Зоғлар эса зулмат рангида яшашга маҳкумланған. Қалдирғочлар фақат эзгулик нурлари-

дан инсонларга улашишда давом этса, зоғлар ҳеч вақт ёвузлик қаъридан чиқиб кетолмайди.

**ФАРИШТАЛАР.** Асли қаерда яшашади, қай маконда асирланган? Қиёфаларини күрганмисиз ҳеч? Улар билан суҳбатлашган одамни биласизми? Бирор бир инсоннинг бошига мушкул иш тушса, ё бирор баҳтсиз ҳодисадан кимдир, нимадир қутулиб қолса, фаришталар жонини асрабди деймизу, ёрдам берибди деймизу, нега ўша ёрдамчиларни, нега ўша асровчиларни кўрмай, билмай яшайверамиз. Умримизни ҳамиша поки-за туйғуларга ўраб, баҳтнинг тиниқ сувларига қондириб, қадр, сабр дея аталмиш энг гўзал туйғуларни баҳш этаёттанлар биздан олисда - узоқ-узоқ осмонларда яшашса-я. Балки улар олисларда эмасдир. Балки биз уларни кўрган бўлишимиз мумкин. Балки суҳбатлашгандирмиз ҳам. Балки улар ер бағрида, шундоқини ёнимизда яшар. Балки...

**МЕН.** Мен фаришталарни ҳар куни кўраман. Ҳар отган тонгимда, ҳар ботаётган қуёшимда учратаман. Улар билан суҳбатлашаман. Ҳа, ҳа мен уларни болаликдан бери яхши танийман.

**ОДАМЛАР.** Одамлар фариштага айланиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Мен эса кўп-кўп ўйлаганман. Ҳануз ўйляяпман. Узоқ ўйляяпман. Фаришталар одамга ҳеч қачон айланмаслиги тайин. Аммо одамлар фариштага айланиши мумкин экан.

**ҲАЁТ.** Ҳаётда яшаш учун инсонга нима керак? Эзгулик, меҳр-муҳабbat, саховатлилик. Мана шу каби чиройли сўзларни дунёда ушлаб туриш учун дунёга нима керак. Туғилмоқ ва ўлим орасидаги йўлни бирма-бир босиб ўтмоқлик учун-чи? Инсон, ҳа барчаси учун инсон керак. Инсон бўлмоқлик учун ҳам ҳар биримизга **ИНСОН** керак.

Демак, шунчалар бизга унинг борлиги мұхим экан, демак, шунчалар оламни гуллатиб, яшнатишга қодир зот экан, демак, шунчалар унинг ёрдамига мұхтож эканмиз, демак, унда у...

Ортта қайтаман. Мен ҳар куни учратадиган үша фаришталар бу инсонлардир. Улар ҳар куни ҳар хил ҳолатда күзларимга күринишади. Баъзан қари отахонни қўлидаги оғир юкини кўтариб, машинагача элтиб кўйишади. Баъзан кимнингдир унугиб қолдирган буюмни олиб, эгасини қидиришади. Омонат ҳисоблаб, омонатта хиёнат қилишмайди. Баъзан совукда қорни оч юрган болакайга ёпаётган иссиқ нонларидан олиб кўлига тутишади. Ҳа, ҳа уларни турфа хил юмушларда кўраман рости. Уларни кўргач, вужудимни аллақандай ҳис қамраб, юрак-юрагимдан энтикиб-энтикиб кетардим. Кўлларига кўлларимни тутгим келарди. Аслида фаришталар бу оддий одамлар эканлигини ҳаммага айтгим келарди. Бироқ...

Бироқ атрофимдаги бутун табиат кучлари бунга имкон бермасди. Тинмай ўз фикримдан қайтаришга уринарди. Оппоқ-ку, дея олган қорларим остига лойларни суртиб қўярди. Кечалари осмондаги оппоқ юлдузларга тикилсам, қора булутларга кўзим тушаверарди. Юрган ойдин йўлларим ортида ногаҳон зулматларнинг гувоҳи бўлиб қолаверардим. Мана шу икки рангни бир-биридан ажратолмай кўп қийналиб яшадим.

**СИНОВ.** Биласизми? Яқин орада оғир бир синовни бошдан ўтказдим. Келинг, сизга шунгача бўлган уч азиз инсоним ҳақидаги ҳикоямни баён этсам. Бири устозим, бири дўстим, бири юрагимни банд этган муҳаббатим.

**УСТОЗИМ.** Эндиғина абитуриентлик чоғимда лицейларнинг биридан битта репититор ўқитувчи топдим. Топдиму йил бўйи дарслар давомида унинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб, одатларини фаришталарнинг хислатларига ўхшатгим келди. Боиси, ул киши бошқа репититорлардан кескин фарқ қиласди. Бизларга қаттиқ жон койитиб, дарсларни шундай олиб борар эдики, қанча истасак шунча билимни беришга қодир эди. Вақтидан ачинмасди, меҳнатидан эринмасди ҳеч қачон. Уларни ҳалол ва эзгу ниятли деб жуда-жуда яхши кўрардим. Мен ул киши сабаб кўплаб сабоққа эга бўлдим. Фақат охиргисидан ташқари... охирги «сабоқ»лари ўйларим шишасини чил-чил синдириб юборди.

**ДЎСТИМ.** У билан ҳамиша орамиздан қил ҳам ўтмасди. Ҳар куни учрашиб, қувончу шодлигимизни бирга баҳам кўрардик. Унга ўзимга ишонгандай ишонардим. Ардоқлардим, асрардим. Доим ҳолимни сўраб, майин жилмайиб туришлари фаришталарни эслатарди гўё. Ундаги билим, ақлни кўриб, шундай дўстим борлигидан фахрланиб яшардим. Аммо унинг қандай инсонлигини ҳаётимда катта ютуққа эришиб, қувончдан бошим осмонларга етганида англаб қолдим. Дўстим деганим ҳасадгўй, ўзгаларнинг муваффақиятидан зил кетадиган, ичиқора эканлигини ошкорлаб қўйди. Буни ундан сира-сира кутмагандим...

**МУҲАББАТИМ.** Қалбимда қайноқ ва шу билан бирга бетакрор ҳисларни уйғота олган туйфулар. Унинг ўтли нигоҳларини эсласам, ҳозир ҳам юрагим уришдан тўхтаб қолгандек. Унинг ёқимли сўзлари ҳануз кечагидек қулоғим остида жаранглайди. Ҳозир эса...

Тўғрисини айтсам сизга, юқоридаги оғир синов чиндан-да мен учун жуда оғирлик қилди. Назаримда, гўё атрофимдаги табиат кучлари шу нарса орқали

фаришталар ҳақидағи фикримни ўзгартыриб ташла-  
моқчи бўлгандек. Ўша синов қандай синов эканки,  
мен қалдирғоч деб юрганларим бутун бир хаёлимда  
зоғларга айланиб кетса. Қоп-қора зоғларга. Менинг  
фаришталар ҳақидағи ўйларимни унуттиришга ҳара-  
кат қилса...

Ўша куни имтиҳон арафаси эди. Устозимнинг ол-  
дига боргандим. Не ажаблар бўлсинки, у зот умрида  
тарих китобини ҳам ушламаган ўғил-қизларни имти-  
ҳондан ўтиш учун тест саволларига тўғри жавобларни  
жамлаб, уларнинг телефонларига жойлаб бериш би-  
лан овора эди. Кимларнингдир ҳаром пули эвазига  
уларга билим сотиб, фирром йўлни танлаб, олийгоҳга  
киритишга уринарди. Уй остонасидан хайрлашиб  
чиқиб кетар эканман, кўзларимга жиққа ёш олдим.  
Наҳотки, устозим?..

Дўст дегани ғам чекканингда бирга куйинадиган,  
кувонганингда бирга суюнадиган бўлиши керак деб  
ўйлардим. Афсуски, менинг дўстим ташвишимга ше-  
риклика ярамади, шодлигимга ҳам ўнг қарамади.  
Аникроғи, университетга кириш учун тест имтиҳони-  
дан ўтган куним белгилаган жавобларимдан қониқма-  
ганлигимни телефон орқали унга айтганимда, дўстим  
бепарво оҳангда «Бу йил бўлмаса, янаги йилга яна  
топшириб кўрасан-да» деб кўя қолди. На далда берди,  
на таскин.

Кунлар ўтди. Тест натижалари ҳам чиқди. Гарчи  
кириш балларининг сунъий равища кўтарилиб кети-  
ши мумкин деган хавотирга тушсамда, барибир бош-  
қалардан билимда анча устун эканман. Грантта бал-  
лим етмагани билан контрактдагилар рўйхатининг  
энг юқорисида ўзим эдим. Ниҳоят, талаба бўлдим.  
Дўстим эса дом-дараксиз кетди. Лекин вақтлар ўтиб,

кутилмагандан рўпарамдан чиқди. Табрикламайсизми? - дедим беихтиёр у билан сўрашгач кулиб. «Эшигдим, контрактга кирибсизу» деди кинояли жилмайиб. Ҳатто, кўнглим учун ҳам хурсандлигини ошкорламади. Аксинча, кетишга шошилди. Унинг нигоҳларида совуқликни сезганим учун дўст танлашда янглишганимни англадим ўша лаҳзада.

Энди бутун умидим муҳаббатимда эди. Устозим ҳафсаламни пир қилди. Дўстим кўнглимни кир қилди. Лекин сўнгти зарба барчасидан ошиб тушди. Севгилим ҳам минг афсуски, қувончимни баҳам кўриш ўрнига беҳосдан дилида борини тўқди кўйди: «Мен ҳали тўрт-беш йил сизни кутаманми» деди хушхабаримни тинглагач. У юрагимни баттар яралади. Демак, демак, у мени фақат уйланиш учун севган экан-да...

**ФАРИШТАЛАР.** Қайларда экан уларнинг маконлари? Қай манзилдан паноҳ топишган. Ахир табиатнинг бутун кучлари кетма-кет зарбалари билан юракларимни эзмоқчи бўлдику, тилакларимни тилларимдан узмоқчи бўлдику, ишончларимни бузмоқчи бўлдику. Йўқ, йўқ! Ҳаёт фақатгина менинг «устозим», мёнинг «дўстим», менинг «муҳаббатим»дан иборат эмас. Барибири ўз фикримдан қайтмайман.

Фаришталар қаерда? Улар борми? Гўшалари самодами, ё ерда? Бирдан ич-ичимдан нидо отилади: Фаришталар шу ерда! Улар одамлар орасида. Ҳар замонингда, ҳар кунингда, ҳар онингда учратасан. Фаришталар тирик экан, дунё боқийдир. Ич-ичимдан келаётган ҳайқириқ билан тоғларга чиқиб қоялар қархисида овозим борича қичқиргим келади... Фаришталар шу-у ерда-а! Фариштааалааар одаамлааар бўлишаадии! Улар тирииик!

Бирдан қулокларим остида акс садо янграйди: Фа-

ришталар шууу ердаа! Фариштааалааар одааамлааар бўлишаадиии! Улар тириик!

**ҚУШЛАР.** Менинг осмонимда ҳамон икки хил қушлар учиб юрибди. Аммо ҳозир мен қалдирғоч ҳам эмасман, зоғ ҳам эмасман. Шунчаки қалдирғоч бўлишга интилаётган оддий талабаман, холос. Ҳар тонгда яратганга шукrona айтиб уйғонаман. Ўқишга отланаман. Нималарни дир излаб, китоблар вараклайман. Кечкурунлари узоқ-узоқ тезроқ қалдирғоч бўлиш учун машқ қиласман. Қалдирғочга айлангим келади.

**СИЗ.** Сиз фаришталарга ишонасизми? Мен уларга ишонаман. Фақат улар устозимиз бўлмаслиги мумкин. Фақат улар дўстимиз бўлмаслиги мумкин.. Фақат улар севгилимиз бўлмаслиги мумкин. Аммо улар орамизда яшайди, яшайверади!

## ТИЛНИНГ ҚАДРИ - ЭЛНИНГ ҚАДРИ

Яқинда Нуруллоҳ бобом бизни қизиқ воқеадан воқиф этдилар. Айтишларича, мустақилликнинг дастлабки йилларида тўрт тенгкур чоллар «Жигули» автомашинасида Намангандан Самарқандга тарихий обидалар зиёратига ошиқишибди. Ҳайдовчи йигит ҳазилкашроқ экан, қарияларнинг гурунгига қулоқ тутиб, сабри чидамабди.

- Эҳ, отахонлар-а, отахонлар-а,- дея оҳиста оғиз очибди у,- яхши билсаларинг керак, ўзбек тилимизга давлат мақоми берилганигаям беш йил тўляяпти-ю, лекин ҳаммамиз учун муҳим қарорни бажаришдаги иштирокимиз фаол эмас-о-о-в. Аввало, сиз каби кексалар ёшларга ўrnак бўлсаларингиз эди?..

- Нима деганинг бу, шофёр ука? - Таажжубланишибди чоллар.

- Ахир икки гапнинг бирида ҳозиргидек русча сўзларни кўшиб, ўзбек тилимизни камситаётганларингизни сезмаяпсизлар-да. Мени илгари шофёр аташарди, энди эса ўзбекчасига ҳайдовчиман. Шундай айтсаларинг Асакаларинг кетармиди. Замондан орқада қолманглар дейман-да, - самимий равища ўтинибди йигит.

- Хўш, аслида қандай сўзлашишимиз лозим? - Ажабланишибди улар.

- Соф ўзбек тилида гаплашайлик. Мана, «область-область» дейсизлар. Ҳозирги тилимизда вилоятта айланиб қолди. Агар малол олмасаларинг, биттагина таклифим бор.

- Фойдали таклифми, bemalol.

- Самарқандга етгунча ким гапига русча сўзлар аралаштиrsa, ҳар бирига 100 сўмдан жарима тўлайди. Тўплаб бораверамиз, ўйлашимча, чойхона паловга яраша маблағ йиғилиб қолади-ёв. Тушлик ҳам таптайёр-да.

- Майли, майли.- Кўнишибди отахонлар.

Бироқ ўргангандан кўнгил эканми...

- Поп районидан (туманидан) ўтдикми?

- Перевал (довон) бошланди-ю.

- Коринам пиёзнинг пўстига айланяпти, столовой (ошхона) учраса, астоновка (тўхташ жойи) қиласиз, шо... ие-е ҳайдовчи ука!

- Подёмдан (кўтарилишдан) ўтволайлик, шоширманглар йигитни.

- Укамизнинг яхши одати боракан, ҳовлиқиб обгонга (кувиб ўтишга) ошиқавермаскан.

Шундай ҳолатда жарима жамғармага барака кираверибди.

- Дарров беш юз тўпланибди-ю...

Машинада кулги кўтарилди. Биз қариялар гўё ўз устимиздан ўзимиз кулардик. Сабаби, тилга муносабат борасидаги аҳволимиз бир хиллиги учун.

Бобом ҳаётий ҳангомадан холоса ясаб уқтиридилар:

- ~~Биз~~лар камчилигимизни тугатдик ҳисоб, тилимиз соғлигини сақлашга анча ўрганволдик, аммо - лекин ҳалиям сиз ёшларнинг гапини тўла англолмай хунобимиз ошади. Аралаш-қуралаш-а?! Тенгдошларингга айтгин: она тили-онадек улуг, унинг ўрнини ҳеч қайси тил эгалломайди ҳам, босолмайди ҳам.

Бобомнинг панду насиҳатларида жон бор, албатта. Биз ёшларнинг ўз тилимизга муносабатимиз мақтарли даражада эмас. Муаммо шундаки, русча қолиб, инглизча, французча, немисча сўзларни ноўрин қўлашдек салбий ҳолатлардан қутулолмаётганга ўхшаймиз. Барча хорижий сўзларнинг ўзимизнинг тилимизда ўзбекчаси борку, ҳатто бир неча синонимлари билан мавжуд. Унда нега бой тилимизга беписанд қараймиз?!

Президентимизнинг: «Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг вориси сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий изланишимиз зарур», дея таъкидлашларида чуқур маъно мужассам. Зоро, инсонни инсон қилиб турган, миллатни миллат қилиб турган унинг тилидир. Бахтимиз бекамлиги ўз тилимизга эгалигимизда ҳамдир, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбек миллатининг илдизлари бутминг-минг йилларга бориб тақалади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоиримиз Эркин Воҳидов машхур қасидасида:

Тарихингдир минг асрлар  
 Ичра пинҳон, ўзбегим,  
 Сенга тенгдош Помири  
 Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.  
 Сўйласин Афросиёбу  
 Сўйласин Ўрхун хати,  
 Кўхна тарих шодасида  
 Битта маржон ўзбегим, -

дэя бежиз зўр ифтихор туймаган. Бу нечоғлик асосли фикрлигини ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди.

Буюк олим Маҳмуд Кошфарийнинг «Девони лугатит турк», яъни «Туркий тиллар лугати» бундан минг йиллар муқаддам яратилганининг ўзиёқ қалбларимизни тилимиздан беҳад фахрланиш ҳисларига тўлдиради. Биргина мисол: биз ҳозиргача бошқа, очиқроғи рус тилидан ўзлашма деб ҳисоблайдиган «утюг»-ка Кошфарий бобомиз «Отўг - дазмол; андавага ўхшаш темир (асбоб) бўлиб, уни қиздирадилар, кийимнинг чок ҳамда баҳяларини ва тукларини бостириб силлиқлайдилар» дэя изоҳ битиб кетганлар.

Демак, тилимиз бойлигидан бошқа миллатлар ҳам ҳанузгача баҳраманд эканликлари ойдинлашади. Бу фақат ягона намуна эмас. Лугатда 10.000 сўз келтирилган бўлса, улар ичида яна анчагина юқоридагига ўхшаш кўхна ўз сўзларимиз топилишига ишончимиз комил. Ҳозирда тадқиқотчилар мазкур қимматли асар устида астойдил изланмоқдалар.

Тилсиз миллатнинг келажаги йўқ. Масалага янада теранроқ қарасак, тилнинг миллатни улуғловчи, миллатни бирлаштирувчи, миллаттага умрибоқийлик баҳш этувчи куч-қудратига иқорлигимиз ортгандан ортаверади. Тилпарварлик наслдан-наслга ўтиб, ҳозирги



авлодгача етиб келишида, айниқса, мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг хизматлари бекиёс. Беш асрдан зиёд вақт тарихга айланиб улгурганига қарамай, уд зотнинг «Тилга ихтиёrsиз-элга эътиборсиз» наклии бугун ҳам шиорга айланиши, наинки шиорга айланиши, амалиётимизга асос бўлиши заруратини сезиб яшамоқдамиз. Айни маҳалда тилимизни таҳқир ва ҳақорат ботқоғидан шеърият осмонига кўтарган, Аму ва Сирдан сув ичиб яшайдиган туркий қавмларни якқаламлашга қодир бўлган бобомизнинг "Хамса"сида 26.000 дан зиёд сўзга жон киритилган. Ақл-заковат дараҳтидан минг турфа маъно-мазмун, фикруоя меваларини тортиқ қылган даҳо дунёда камдан-кам, яккаю-ягона эканлиги ҳамиша эътирофу таҳсинда.

Тўғри, биз ёшлар истиқлол даврида туғилдик. Ҳурлик шароитида яшаб ўқияпмиз. Бироқ эшитиб, ўқиб билганмизки, юз ўттиз йиллик рус давлати зулмининг асорати ота-боболаримиз дилларини ўкситиб, қадр-қимматини камситиб келган. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақидағи» қонунининг қабул қилиниши бунга чек қўйди. 1995 йилда ўзгартириш ва кўшимчаларнинг киритилиши эса тилимиз мавқенини кўтариш, софлиги ва фаоллигини таъминлаш ишларини янада такомиллаштиришни хукуқий жиҳатдан тўла кафолатлади.

Юргашимиз ишончларига муносиб фарзандлик бурчимизга садоқатимизни биз ёшлар ўзбек тилимиз софлигини сақлашда, унинг тобора бойишига ҳисса кўшишда ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа яққол кўрсатишимиш керак. Ахир тилнинг қадри-элнинг қадри. Аввало, шу тил билан ўзлигимизни намоёнлаймиз. Миллатимизнинг юксак маънавиятини таъминлашга эришамиз.

# **МУНДАРИЖА**

## **СҮЗБОШИ**

Хаётий ҳодисаларнинг таъсирчан тасвири.....	3
---	---

## **ҚИССАЛАР**

Куёш эртага қайтар.....	5
-------------------------	---

Мона Лиза.....	145
----------------	-----

## **ҲИКОЯЛАР**

Боғчадаги мұхаббат.....	181
-------------------------	-----

Олифта қиз.....	187
-----------------	-----

Маъюс күзлар.....	198
-------------------	-----

Робия.....	207
------------	-----

## **ҚАТРАЛАР**

Туйгулар тарбияси.....	215
------------------------	-----

## **МАНЗИЛСИЗ МАКТУБЛАР**

Кераксизга айланма, юрак!.....	233
--------------------------------	-----

Бугун сени учратдим.....	236
--------------------------	-----

Ерга йиқилған осмон.....	240
--------------------------	-----

## **ПУБЛИЦИСТИКА**

Фаришталар қаерда яшашади?.....	244
---------------------------------	-----

Тилнинг қадри-элнинг қадри .....	250
----------------------------------	-----

**Манзура АБДУЛЛАЕВА**

# **Куёш эртага кайтар .**

**Муҳаррир:**

**Содик САЙҲУН.**

**Тех. муҳаррир:**

**Нўъмонхон ТОШХОЖАЕВ.**

**Ком. дизайнери:**

**Исмоилхон ТОШХОЖАЕВ.**

**Мусаҳид:**

**Камолхон БОБОХОНОВ.**

Теришга 16.07.2015 й. берилди. Босишга 28.12.2015 й.  
руҳсат этилди. Шрифт гарнитураси PANDA Times UZ.  
Газета қофозга оғсет усулида босилди. Бичими 60x84.

1/16. Нашриёт ҳисоб табориги 16. Адади 400 нусха.

Буюргма № 2 Баҳоси келишилган нархда.

**«Наманганд» нашриёти. Наманганд шаҳри,  
Навоий кӯчаси, 36. Матбуот уйи. З-қават.**

**Нашриёт веб сайти: namnashr.uz**

**e-mail: nvmab@inbox.uz**

**Нашриёт лицензия раҳами AI-156**

**2009 йил 14 августда берилган**

**Тел: +99893 406-48-40**

**Босмахона манзили: «Чуст босмахонаси» МЧЖ,  
Чуст шаҳри, Сўфизода кӯчаси, 8-уй.  
Тел: 42-32-694.**

Манзура Абдуллаева



Ухшашимни  
топмассиз  
асло

Манзура АБДУЛЛАЕВА



Умид түгіб  
кепдім дүнеге

Оригиналдан шығарылған китоб  
Оригиналдан шығарылған китоб  
Оригиналдан шығарылған китоб  
Оригиналдан шығарылған китоб

Манзура АБДУЛЛАЕВА



СҰЗДЫҚ  
ЖЕРАТМАГУНЧА



Наманган Давлат университети филология факультетининг 1-босқы талабаси, "Рагбат ёгдуси" китоб-ижод маркази адабий ходими Манзура Абдуллаеванинг шеър, қатра, ҳикоя ва қиссалари "Наманган ҳақиқати", "Аёва жамият", "Камолот", "Давр" "Дунё ва давр", "Шифокор ва ҳаёт" "Бегойим", "Хайрат" ҳамда "Субҳидам" газеталарида чоп этилған. Айни пайтгача у учта шеъри түпламини мухлисларига тұхфалаган. Бу гал насрий асарларини "Күёй эртага қайтар" китобига жамлағантыборингиззә ҳавола қылмоқда.

ISBN 978-9943-989-83-2



9 7 8 9 9 4 3 9 8 9 8 3 2